

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ


Фозиев Э., Тошимов Р.

С2 ма 8/4  
№ 180 ифбис

## МЕНЕЖМЕНТ ПСИХОЛОГИЯСИ

Университетларнинг 310200 психология  
мутахассислиги учун ўкув қўлланма

Тошкент - 2001



Ушбу ўкув қўлланма бакалавр босқичидаги психолог мутахассислар учун “Менежмент психологияси” курси дастури асосида яратилган. Унда менежмент психологияси предметй, вазифалари, тадқикот методлари, менежментнинг психологик хусусиятлари, функциялари, фаолият мазмуни, раҳбарлик услублари, тинлари, ҳозирги замон менежментининг сиймоси тўғрисидаги ҳам назарий, ҳам амалий материаллар ўз ифодасини топган.

Масъул мухаррир: доцент Маматов М.

Такризчилар: психология фанлари номзоди, Акрамова Ф. (ТИУ),  
Абдурахмонова З.Э. (ЎзМУ).

## К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикасида юксак шиддат билан амалга ошаётган давлат ва жамият қурилишидаги ўзгаришлар менежмент масаласига тубдан янгича ёндашишин талаб қылмоқда ҳамда масъулият ҳиссини ошириш вазифасини юкламоқда. Президентимиз И.А.Каримовининг барча маърузалари ва чиқиширида кадрлар муаммосига тааллукли йоялар, таклифлар мужассамлашгандир. И.А.Каримовинг хокимлар ва кўйи боекичдаги раҳбарлар шахсияти олдига кўйилаётган қатъий талаблари дастурий хусусиятга эга бўлиб, давлат ва жамият равнаки кўп жихатдан уларнинг фаолиятига боғлик эканлиги таъкидишанади. Цивилизациялашган жамиятдаги раҳбар ўзининг маънавияти, барқамоллиги, фидоийлиги, иймон-эътиқодлилиги, ватанпарварлиги, алоҳида қобилиятта эга эканлиги билан бошқалардан ажralиб туриши керак. Бизнингча, юқори лавозимда фаолият кўрсатаётган раҳбарларга Президентимиз томонидан кўйилаётган талаблар урта бўғиндаги кадрларга бевосита тааллуклидир. Ҳатто И.А.Каримов раҳбар кадрлар ўз она тилисида сўзлаша олмаслигини афус билан таъкидлаб ўтадилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаши Миллий дастури” моҳиятида ҳам малака ошириш тизимини тақомиллаштириш масаласи кўйилган. Ушбу омилдан келиб чиқсан холда раҳбар кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш муаммоси ечимини топиш юзасидан бўлгуси мутахассисларга билим бериши мақсадга мувофиқдир. Республика мизининг ижтимоий ҳаётига сингиб бораётган “Миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкураси” хужжати ҳам кадрлар масъулиятини оширишга алоқадор жабхаларга эга бўлиб, улардан янада мукаммалликни, комилликни талаб килади.

Чунки бугунги кундаги раҳбар, бошқарувчи, ўзининг ижтимоий-маънавий, ижтимоий-психологик тузилиши билан ўтмишдошларидан кескин фарқ қилиши керак. Изланувчан, тадбиркор, салоҳиятли, фидоий раҳбаргини бозор иқтисодиёти мухитига мослаша олади. Юқори ташкилотлардан бўйруқ кугадиган, бокимандалик психологияси устуворлик қиласидаги кадр раҳбар бўлиб фаолият кўрсатишни узасидан чикмайди. Менежмент тўғрисида ҳам юқоридаги муроҳазаларни билдириш мумкин.

Менежмент психологияси курсининг асосий мақсади - психология, социология, иқтисод факультетлари (бўлимлари) талабаларини социал-психологиянинг таркибий қисмларидан бирин ҳисоблангай менежментликнинг (жамоа, ташкилот, муассаса, бирлашма, бошкарма, завод, фабрика, корхона, кооператив, марказ) конунилари ва қоидаларига доир билимлар тизими (системаси) билан куроллантириш, ўзлаштирилган амалий кўпикмаларни турмушга татбиқ қилишга ўргатишдан иборатдир.

Курсларни вазифалари: 1) талабаларда менежмент механизmlари, конуниятлари, иш услуби, идора қилиш маҳорати, муомала санъати, маҳроми, муроқотга киришиш, шахслараро (турухлараро) алоқа ўринатиш хусусияти тўғрисида билимларни эгалашга эришиш; 2) менежмент психологияси масалалари, муаммоларни ишлаб чиқаришга нисбатан талаба-

ларда қызықишиң үйғотиши, ўкув мотивини юзага келтириш, профессионализмни орттириш, назарий билимнеги амалий фаолиятга (ишлаб чыкарышга, халқ таълими тизимиге ва бошқа соҳаларга) қўйлаш малакаларини шакллантириш кабилардан иборатдир. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур курс асосини эгаллани учун талабаларга умумий психология, социал психология, ёш психологияси, жамоа психологияси, муомада психологияси, кичик гурӯхлар психологияси фанлари ва уларнинг соҳаларини ўзлаштириш ҳамда улардан ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларида унумли фойдаланиш, муайян мўлжалга (ориентирга) эга бўлиш тақозо этилади.

Менежмент психологияси курсининг мазмуни, мавзуларнинг номланиси (аталиши), уларнинг моҳияти, ўзига хослиги, маълум ижтимоий қонуниятлар мазмунининг ифодаланиши, маърузвий машғулотларнинг кўлами, семинар ва амалий машғулотларнинг ўзаро ўйғунлиги соатларда акс этиши, муайян интилишда, изчил равишида кўрсатилиши ахборотлар баёнининг якунида умумлаштирилган.

Хозирги замон менежмент психологияси фани давр талабига жавоб бериши, кадрларнинг мукаммал тарзда шаклланисига ўз ҳиссасининг кўшиши лозим. Кадрлар шахсиятидаги айрим нуқсонларнинг олдини олиш ёки уларни тубдан бартараф этиш учун ижтимоий тренинглар, ишибилармоғиқ ўйинларидан унумли фойдаланиш тараққиётнинг зарурятидир. Ватанинг равнақи ва унинг келажаги баркамол авлод фаолиятига бевосита боғлиқ бўлганлиги туфайли курсда кўриладиган барча масалалар ўзининг долзарблиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур курс асосида тайёрланган дастлабки ўкув қўйланма талабалар, аспирантлар ва олий мактаб ўқитувчиларига мўлжалланган.

## **МЕНЕЖМЕНТ ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, АҲАМИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.**

Хозирги даврда менежментнинг психологиятик талқини, унинг моҳияти ва мазмuni муҳим аҳамият касб этади. Айниқса менежмент психологиясининг механизмларини тадқиқот қилиши муаммолари, унинг назарий асослари, етакчи функциялари ўзаро алоқадорлиги, ўзаро муносабатларнинг объективлиги ва субъективлиги ҳамкорлик учун муҳим аҳамиятга эга. Агарда мазкур жараёнда "уйғунлик" хўкм сурса, жамоа ёки муайян тизимда ўзаро тушунув, барқарорлик, маҳсулдорлик рўёбга чиқади. Бу ижтимоий-психологиятик ходисалар, ҳолатлар, вазиятлар, муаммолар ечими кўп жиҳатдан менежмент психологияси материалларига, унинг ижтимоий-амалий тизимига, тадрижийликка бевосита боғлиқ. Худди иш боисдан мазкур фан соҳасини ўрганиш давр талаби, цивилизация тақозаси, жамият тараққиёти, равнакининг зарурятидир.

Менежмент психологияси асосларини пухта эгаллаш орқалигини ҳар бир инсонда юксак хис-туйғулар, меҳнатга ижобий муносабат, ижтимоий фаоллик, комфорт хисларини шакллантириш мумкин. Ўзини-ўзи англаш мислий онг каби юксак туйғуларни карор тоғтириши орқали меҳнатсевар,

ватаниарвар кишиларни шакллантириш жоиз. Бозор иқтисодиётининг бирмунча муреккаб механизмлари қай йўсунда ишлашини тушуниб этиш, муваффақиятли фаолият кўрсата олиш учун нималар қилиш кераклигини англаш, унга тўғри йўл топа билиш мумкинdir.

Хозирги ижтимоий мухитда шахслардо муносабатлар силсиласида “бирдамлик руҳи” ва “муштарақлик тўйуси” сингари ҳамкорлик фаолиятий йўлга кўйишнинг самарали усуслари ва услублари психология фаолида ишлаб чиқилган. Худди шу нуқтаи назарга биноан ижрочи, амалга оширувчи инсон фикрлашга охиз робот эмас, балки индивидуал мақсад ва манфаатларга эришиш йўлида ўзининг муайян ижтимоий эҳтиёжлари мажмуасига эга бўлган ўзига хос шахс субъектидир, деган таърифни бериш билан бирга у зиддияти зот эканлигига асосланиб менежерга (бошқарувчига) жиддий эътибор қаратишни ҳамда унинг жамоадаги фаолияти даражасига асосланиб жамоанинг унга нисбатан муносабатини шакллантириш ва аксинча ҳолатларни ўрганишга эътибор ортаётгалигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда менежмент (бошқарув) тўғрисида куйидаги умумият томонидан қабул қилинган фикрлар мавжуд бўлиб, куйида унинг шаклий ифодаси берилган.

### **БОШҚАРУВ**

### **МЕНЕЖМЕНТ**

Менежмент психологик асослари фанини ўқитишининг мақсади - психолог, социолог тарабаларда бошқаришининг ўзига хос муреккаб муаммоларини билишга нисбатан интилишини кучайтириш, уларда амалий ташкилотчилик фаолиятига иштиёқ ўйғотиша қаратилгандир. Хозирги давр тарабаласи эрганиги кунда бошқарув тизимининг ходими, кичик, ўрга катта жамоалар раҳбари, корхона ёки фирма фаолиятишини турли томонларини бошқариш бўйича лойихалар, таъбирлар ишлаб чикувчи юксак савиляли мутахассис бўлиб этишади. Бунинг учун менежмент психологиясининг амалий кўнкимлари билан куролланиши мутлақо шарт.

Айнан, биз юкорида баён қилинган ҳолатлар менежмент назарияси асосларини ташкил этувчи умумий тушунчалар мажмуасидир.

Жаҳон психологияси фанида ҳалқ хўжалиги тармоқларини ташкил килиш ва уларни бошқариш жараёнида “инсон-техника” тизимидан ташқари “инсон-ицсон” (“инсон-табиат”, “инсон-образ” сингари ёндаиниш бундан истисно) муносабатлари мухим ахамият касб этиши, унинг таҳлили кўп жиҳатдан социал психологиянинг эмпирик маълумотларига асосланиши муайян даражада ёритилган. Амалий, татбикий хусусиятли маълумотлар менежер шахсиятининг гултожисидир.

Ишлаб чиқариш жамоалари ва моддий маҳсулот яратмайдиган мусасалаларнинг ходимларини социал психологик жиҳатдан идора қилишининг жабҳаларини тадқиқот қилишида мазкур фанинг методологияси ва ҳалқ хўжалигини бошқаришининг умумий конуниятларига асосланган ҳонда фаолиятни уюштириш, омилкорона йўлга кўйиш юксак самараалар беради. Психология фанига “бошқарув” “менежмент” тушунчаси давлат, жамият, жамоат, ишлаб чиқариш ва техникани бошқариш тизимидан, яъни

кибернетикадан кириб келган бўлиб, у хозирги даврда инсоннинг хўлки, хусусиятлари, руҳий холатлари, билишнинг жараёнлари, оммавий, жамоавий ва руҳий ҳаракатларни бошқариш маъносини билдиради. У хозирги даврга келиб: “инсон-инсон”, “инсон-жамоа”, “жамоа-инсон”, “жамоа-жамоа” муносабатларининг бошқарув имкониятларини текширишни тақозо қилувчи истиқболли, мустакил, маҳсус соҳаларга ўз предмети кўламини янада кенгайтиради. Натижада менежмент янги қонуниятлари, механизмлари, омиллари, ижтимоий манбалари, шахслараро муносабат услублари, якка шахснинг ижтимоийлашуви хоссалари, менежер ва тобе кишилар ёки ҳодимлар ўзаро муомаласининг мароми, текширишнинг ўзига хослиги, услубиятнинг такомиллашуви, низоли ва зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқилона ечимини топиш, мазкур жараёнда илиқ, психологик мухитнинг роли, унинг объектив ва субъектив аҳамияти, маҳсулот самарадорлигини оширишнинг имкониятларига доир эмпирик ва назарий-методологик материаллар тўйлашнинг қулий шарт-шароити юзага келади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, менежмент психологияси хўжаликни ёки муассасани бошқарувнинг ижтимоий-тарихий принцип (тамойил) ларига ва қонун (қонуният) ларига бевосита асосланади. Булар категорига қўйидағиларни киритиш мумкин:

1. Демократик децентрализм (маҳаллий бошқарув устуворлиги);
2. Менежментда яккабошчилик;
3. Сиёсий, иктисолий, маънавий, маърифий раҳбарликда (маъмуриятда) хўжалик юритишининг бирлиги;
4. Хўжалик ҳисобининг оқиллиги;
5. Бошқарувнинг режалилиги;
6. Омманинг бошқарув жараённада фаол қатнашуви;
7. Ҳамкорлик фаолиятининг иштирокчиларини маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириш;
8. Кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жойлаштириш жараённада психо-диагностика тизимига асосланани.

Менежмент психологиясининг предмети таърифи бўйича бир қанча шаклдаги мулоҳазалар мавжуд бўлса-да, лекин уларнинг биронтаси ҳам унинг туб маънодаги хусусияти ва моҳиятини очиши имкониятига эга эмас. Бу аснода XX асрнинг 60-70 йилларида берилган таърифлар ҳилмажил бўлиб, улар соҳанинг йўналиши мазмунини чукурроқ ёритилишига қаратилгандир. Ушбу фикримизни далиллаш мақсадида айrim маълумотларга мурожаат қиласиз ва уларни таҳлил этишга (шархлашга) интилямиз.

Жумладан, биринчи таъриф: “Менежмент психологиясининг” предмети - раҳбар (менежер) кадрлар ва ижрочиларнинг психологик хусусиятлари, яхлит тизимдаги ҳамкорлик фаолиятида уларнинг ўзаро алоқасини ўрганишидир”. Унинг навбатдагиси (иккинчи таъриф): “Менежмент психологиясининг” предмети - гурух ва омманинг психологик хусусиятлари, уларнинг шахс онигига ва хулқига таъсирини текширишдан иборатлир”.

Келтирилган парчалардан кўриниб турибдики, уларнинг ҳеч бирин менежментнинг психологияк мөхияти ва унинг тадқикот кўламини очини, талқин қилиш құдратига эга эмас, худди шу боисдан бундай ижтимоий психологик ҳолат ўз навбатида илмий изланиш ва текшириш кўламини кескин торайтиришга олиб келади, оқибат натижада соҳанинг мавкеи, унинг ҳалқ, хўжалигидаги роли янада пасаяди. Ҳамкорлик фаолиятининг мазмуни, унинг босқичлари (фазалари, шакллари), шахслараро муносабатларининг ўзаро таъсир хусусиятлари, инсонда ижтимонийлашувнинг тезлашуви, онгнинг ривожланиши босқичлари, “инсон-техника” тизими билан боғлиқ, бир талай муаммолар тадқикот предметидан четда колиб кетиш хавфи туғилади.

Юқоридаги фикрларни тўларок ҳаспушлаш, изохли талқин қилиш мақсадида айрим маълумотлардан намуналар келтирамиз ва уларни таҳдил қилишга интиламиз:

- ўзаро ҳамкорлик фаолиятида шахсиятга оидлилик муаммоси;
- шахс ва гурӯҳнинг (раҳбар ва тобе кишиларнинг) мотивациян, эмоционал жабҳаси;
- шахс ва жамоанинг билингага оид (когнитив) муносабатлари;
- шахс ва жамоанинг назорат қилиш (регулятив) жабҳаси ва унинг ўзига хослиги;
- менежер фаолиятининг ўзига хос психологик хусусиятлари;
- менежернинг тарбия субъекти, яъни субъектив таъсир ўтказиш омили эканлиги;
- менежернинг сиёсий фаолиятининг эгаси эканлиги;
- менежернинг статуси, роли, ҳукуки, унинг функцияси, имтиёзи, таъсир этувчи воситалари;
- мёнежернинг бошқарув услуби ва уларнинг турлари бўйича таснифи;
- ҳамкорлик фаолиятида коммуникация, унинг турлари ва шакллари;
- раҳбар эҳтиёжини қоникиши даражалари ва мезонлари;
- шахслараро муносабат турлари ва уларнинг психологик тавсифи;
- жамоатчилик фикри ва жамоавий кечинмаларнинг ўзаро муносабати;
- ўзаро муносабатлар иерархияси (“мен”, “сен”, “у”, “биз”, “сиз”, “улар”);
- ўзини-ўзи хурмат қилиш - муваффакият - талабгорлик;
- психологик мухит, ўзаро мослиқ-жипслик;
- менежмент фаолиятининг функционал таҳдили;
- менежмент фаолиятининг тузилиши ва таркибининг ўзаро муносабати, уйгунилиги;
- менежмент фаолиятининг мухандислик ва психологик жабҳалари;
- менежер психикасига ва шахсига лавозим тақозо этувчи талаблар;
- ижрочиларнинг психологик хусусиятлари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар;
- расмий мулокотнинг психологик муаммолари;
- “раҳбар-ижрочилар” мулокотининг (муомаласининг) психологик жабҳалари;

- социал-психологик ҳолатларни бошқаришининг воситалари ва методлари;
- низоли (зиддиятли) вазиятлар, уларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш усуслари;
- низо - низоли вазият - можаро ўртасидаги узвий ижтимоий психологик боғлиқлик;
- менежер шахсининг социал психологик хусусиятлари;
- менежер қобилияtlарининг тавсифи ва уларнинг ўзаро ўйнундиги кабилар.

Юқорида келтириб ўтилган муаммоларга асосланган ҳолда менеджмент психологиясининг предметини аниқлаш мумкин. Бизниснча, унга куйидагина таъриф бериш мақсадга мувофиқ: “Ҳамкорлик фаволиятида шахсининг хулқига ва онгига турхий (оммавий) таъсир ўтказишнинг психологик хусусиятларини, менежер билан ижрои ўртасидаги муомала мағомини текшириш, шахслараро муносабатлар босқичлари (шакллари) ҳамда эмоционал ҳолатларини тадқик этиш, раҳбарнинг психологик мухитини таъминлаш билан боғлиқ фаолият услуби ва унинг механизmlарини тадқик қилиш менеджмент психологиясининг предметидир”. Бундан ташқари, мазкур психология соҳасининг предмети таркибига амалий ва назарий қўнималарни эталони хусусиятлари, идора қилишининг конуниятлари, жамоадаги психологик мослих, жипсликни таъминловчи омилилар ва механизmlарни ўрганиш сингари бир катор муаммоларни киритса бўлади. Шу боисдан менеджмент психологияси предметини чеклаш, унинг бирламчи ва иккиласми атамалари асосий ва ёрдамчи, бевосита ва билвосита йўллари ҳамда воситалари юзасидан мулоҳаза юритиш режалаштирилган тоғ ёки мақсадни амалга ошириш жараёнга сунъий тўсик вужудга келтиради.

Менеджмент психологияси умумий психология фанининг бошқа соҳалари билан узвий боғлиқлика ўзи тўплаган маълумотларини чукур ва атрофлича илмий жиҳатдан оқилона, омилкорлик билан таҳлил қилиш имкониятига эга бўлди. Умумий психология, социал психология, меҳнат психологияси, мухандислик психологияси, ёш психологияси, кичик гурӯҳ психологияси, муомала психологияси сингари соҳалар билан жисп алоқа килган ҳолда психологик ҳолатлар, муносабатлар, оммавий харакатлар, шахсга таъсир ўтказиш бўйича ўзини-ўзи, турхуни ва жамоани бошқарини, унда психологик илик мухитни таъминлаш, ҳамкорлик фаолиятининг самарацорлигини ошириш, шахслараро муносабатларнинг юксак даражасини вужудга келтириш, низоли, зиддиятли, можароли ижтимоий вазиятларининг олдини олиш имконияти туғилади.

Ана шу сабабдан менеджмент психологияси учун умумий психология соҳасида эришилган ютуқлар, тўплланган назарий ва амалий маълумотлар, физиологик ва психофизиологик механизmlар, конуниятлар ҳамда ўзгариши вужудга келтирувчи, ҳаракатлантирувчи кучлар, ижтимоий-тарихий омилилар, муракқаб ички ва ташки боғланишлар, такомиллашиб босқичлари (йўлиари, воситалари, шакллари, бетакорлиги, ўзига хослиги). шахсининг онтогенетик хусусиятлари ва уларни келтириб чиқарувчи

манбалар, сабаблар, ҳамкорликнинг таркибий қисмлари түгрисидаги илмий, амалий ахборотлар мажмуаси мухим аҳамият касб этади. Шунинг билан бирга инсоннинг ички регулятив функциялари (мотив, мотивация, ҳис-түйғу, мураккаб кечинмалар, англашилган ҳолатлар), билиш жараёнлари (сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, хаёл, ижодиёт, интеллект), онгнинг такомиллашуви, шахсларо муносабатнинг манбалари (дикқат, нутқ), шахснинг индивидуал-топологик, яни биологик шартлашган ҳусусиятлари, камолот босқичлари ва уларга тарьсир этувчи ирсий белгилар, ижтимоий мухит, ички рухий заҳира ва имкониятни рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллик ҳамла мустақиллик муаммоларига, асосларига, матъумотларга суюниш ўз навбатида бошқарувни мақсадга мувофиқ амалга оширишини таъминлайди.

## МЕНЕЖМЕНТ ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ СХЕМАСИ:



### Менежментнинг психологик асослари фани

Биринчидан, бошқарувчилик маҳорати ва етакчилик юксак қасбий камолот, мураббийлик ва педагогик таҷант, инноваторлик, нотиклик қобилияти, санъати ва муомала кўнималари ҳамда маромини ўзлаштириш орқали узлуксиз жараёндаги муносабатлар мажмуасини эгаллади.

Иккинчидан, ҳозирги замон менежмент асосини ташкил этувчи “инсон муносабатларининг доктринаси” иқтисодий ривожланиш жараёнидан и кийинчиликларни, ижтимоий психологик муаммоларни ечиш,

бартараф этишни ишбилармонлик руҳидаги ёндашув ёрдамида амалга оширади ёки уларнинг олдини олади.

Учинчидан, у субъектнинг фаолияти, жамоавий муносабатидан келиб чиққан ҳолда менежментнинг асосий жаёнлариининг табақаларини тадқик этиш усуллари, қонуниятлари ва механизмларини тадқик этади, ўрганади.

Тўртингчидан, у хар қандай, яъни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий муносабатлар шароитида оқилона, одилона, омилкорлик билан мақбул карорни қабул қилиш ва уни муваффақиятли амалга ошириш ҳакидаги назарий ва амалий билимлар мажмуасидан иборатдир.

Бошқача сўз билан қисқа ва содда килиб айтганда, менежментнинг психологияк асослари фани - обьект-субъект муносабатларининг барча жиҳатларини бошқариши эгаллаш, шунингдек, самарали фаолият негизидаги назарий ва амалий билимлар мажмуасини ўрганишдан иборатдир.


Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда бу фанинг таркибий қисмлари кўйидагилардан ташкил топган:

- 1) менежмент назарияси ва амалиёти иерархияси;
- 2) бошқариш обьектлари ва субъектлари орасидаги муносабатлар хусусиятлари ва уларни бошқариш услублари тавсифи;
- 3) менежмент тамойиллари ва усулларининг ижтимоий психологик асослари;
- 4) ташкилий фаолиятларининг жиҳатлари ва тузилиши;
- 5) менежмент тизимида менежернинг, яъни раҳбарнинг ўрни, роли ва функцияси;
- 6) менежмент обьекти ва субъекти тизимнинг тобе киппилар, ходимлари ва уларни бошқаришини ўзига хослиги;
- 7) ташкилот, муассаса бошқаруви бўйича қарор қабул қилишининг моделлари ва унинг усуллари тавсифи;
- 8) топшириклар ижросини (бажарилишини) назорат килишининг нисхологик усуллари;
- 9) менежментни самарали ташкил этишнинг ижтимоий психологик асослари;
- 10) менежментнинг ўзини-ўзи ташкиллаштиришнинг қарор топтириш механизмлари талқини.

## **МЕНЕЖМЕНТНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ ФАНИНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ.**

Ушбу муаммони ёритишни хар қандай ишлаб чиқаришининг хизмат кўрсатиш негизини обьект-субъект муносабатлари тизимини ташкил этишга, улар эса узлуксиз равишда ўзаро таъсирга эга бўлиши кўлами мухитини қарор топтиришга, ишлаб чикиш (хизмат кўрсатиш) даражасида вужудга келувчи менежер ва менежментга оид тизимлар ўртасидаги алоқа доимий равишида мувофиқлаштириб туришини талаб килишга тўхталиш мақсадга мувофик.

## Менежмент объекти билан субъектнинг муносабатлари.



Лайлан мана шу мувофиқлаштириб туриш менежмент функциясининг асосини ташкил этади ва унда у ёки бу обьектни идора қилишга оид аниқ вазифалар, менежментлик бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чикилади ва амалга оширилади. Менежмент - бу жараён сифатида ўзининг функцияларида намоён бўлади. Шу ўринда “функция” - лотинча (ижро киммоқ, бажармок) сўзидан олинган бўлиб, бирон кимсага ёки нарсанинг иш фаолият доираси ва вазифаси деган маъноларни билдиради.

Менежмент фаолияти доирасида менежмент субъектининг вазифаси психологияк, ижтимоий психологик нуқтаи назаридан муайян обьектга нисбатан аниқ таъсир этиш йўналишларини акс эттиришдан иборатидир.

Менежмент функциялари - кўп киррали ва мураккаб тушунча бўлиб, уларни муҳим белгиларга кўра туркумларга ажратиб ўрганиш мазкур фанцинг вазифаси эканлитини алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Бугун бир менежмент жараёнининг самарадорлигини ошириш учун унинг психологик функцияларининг маҳияти, туркумланиши ва тизимини изчили равинида тадқиқ этиш максаддаг мувофиқдир.

### Менежмент вазифасининг тузилиши.

№	Мазмуни ва маҳиятига кўра	Менежмент функцияларининг туркумлари
I.	Кўлланиш кўламига биноан	- умумий (асосан) функциялар - маҳсус функциялар
II.	Фаолият турига нисбатан	ташкилий функциялар
III.	Объектнинг қамровига кўра	- худудий функциялар - тармоқ функциялари
IV.	Мехнат тақсимоти белгисига оид	- менежер функциялари - ижрочилар функциялари

Менежмент функцияларининг ҳамма туркумларида ва ҳар қандай босқичларида уларининг ўзига хос томонларини кўзга ташланишдан келиб чиқкан холда унинг назариясини мазкур фаолиятдаги ўринини ўрганиш уни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини янада кенгайтиради.

Турли жинсдош фанларнинг ўзаро интеграцияси ҳолатининг вужудга келиши туфайли юқоридаги мақсаднинг рўёбга чиқиши янада тезлашади.

Хозирги замон менежментнинг психологик асослари фанининг вазифаси - бу янги техника ва технологияларни кенг қўйлаган ҳолда мазкур жараённинг энг мақбул самарали илмий-назарий, методологик негизларини яратиш, механизмларини кашф қилиш ва уларни инсон омилига мувофиқлантиришдан иборатdir.

XX асрнинг 60-80 йилларида АКШ ва Европанинг бир қатор мамлакатларида замонавий менежмент назарияси ривожлана бошлади. Илғор давлатларнинг назариётчилари тизимли менежментни ташкил қилиш мақсадида XXI асрнинг бўсағасида психология фанида бир қанча концепцияларни ишлаб чиқдилар, чунончи:

- тизимли ёндашув
- тармоклараро уйғунлик
- ички ва ташки омилиларга асосланувчи менежментликка боғлиқ идора этиши мажмусини яратиш
- гемоген ва гетероген хусусиятларини хисобга олувчи омилига асосланиш ва хоказо.

1. Тизим - бу бир-бири билан изчил ўзаро боғлиқликка, уйғунликка эга бўлган қисмларнинг мажмусидир. Ҳар бир алоҳида қисм яхлит тизимнинг сифат ва шакл жихатидан ўзгаришига ўз ҳиссасини кўшади, шунингдек, унинг ўзи ҳам муайян даражада такомиилашади ва фаоллашади. Психологик нуқтаи назардан ташкилот ёки муассаса - бу яхлит очик тоифадаги тизимнинг айнан ўзидир. Унинг тузилишида ҳам объектлар, ҳам субъектлар аниқ тартибда ўзаро уйғунлашган ҳолда мужассамлашгандир. Худди шу боисдан унинг хукм сурини (умрбокийлиги) ташки ва ички муҳит мутаносиблигига бевосита боғлиқдир. Тизимли ёндашувда ташкилий менежментта биноап унинг таркибидаги психологик ва ижтимоий психологик ҳодисалардан ташқари (иктисодий, илмий-техник, ижтимоий-сиёсий, мадданий-матрифий) муҳитга эътибор берилади.

2. Гарчи тизимли ёндашувда яхлит ташкилот ёки муассаса кандай таркибий қисмлардан ташкил тонганилиги аниқ бўлса-да, бироқ бу қисмларнинг кайси бириси бирламчи, кайсиси иккиламчи ёки учламчи даражали эканлигига қатъий эътибор қаратилмайди.

Модомики шундай экан, ташкилотнинг ёки муассасанинг кайси бир қисми ўта муҳим, деган муаммога вазиятли таҳлил (ёндашув) рўй-рост жавоб берга олади. Мазкур ҳолатда ташкилот (муассаса) даги ички таркибий ўзгаришлар ташки муҳитнинг таъсири билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганилади. Ички таркиб механизми ташки муҳит омили билан уйғунлашади, иатижада муаммони ҳал қилиш вазият ҳукми, моҳиятига синниб кетади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиши жоизки, турли даражадаги, хусусиятдаги вазият ҳар хил билимни тақозо этади, окибатда кўрсаткичлар ушбу психологик ҳодисанинг ҳаракатлантирувчиси ёки таъминловчиси функциясини бажаради.

3. Менежментда ташкилий механизмларнинг энг оқилюна йўлларини ишлаб чиқиш имконини беради. Мазкур нутктаи назардан менежмент куйидаги функцияларни бажаради:

- фаолият ёки ишлаб чиқаришнинг асосий ёки бош мақсадини аниқлаш;
- муаммо счими бўйича қарор қабул қилиш;
- муаммо ечимини тошишнинг йўл ва воситаclarини режалаштириш;
- ушбу жарапни амалга оширишни ташкиллаштириш;
- юзага келган объектив, субъектив шароитларга ва фавқулоддаги вазиятга мослаштириш;
- муаммо кечишини назорат қилиш ва ҳоказо.

4. Унга асосан бошқаришнинг:

- операцион тамойилига;
- қарор қабул қилиш назарияларининг ўзига хос тамойилларига;
- илмий менежмент моҳияти, тузилмаси кабилларга асосий эътибор қаратилади.

Инсон хатти-ҳаракатининг замирида доимий унинг учун дастурий мақсад, майл мужассам бўлади, натижада унга кўра шаклнинг у ёки бу муносабатлари жараёнидан (масалан: ишлаб чиқаришдаги ижтимоий руҳий мухит) таъсирланиши юз беради, бунда унинг характеристига хос белгиларини аниқ билиб олиш мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур жараёни, хусусият ва ҳолатлар менежментнинг психологик асослари фанининг илмий тадқикот предметига айланиши заруратдир. Психологик билимларнинг бундай тарзда тизимлашуви терапилик, объективлик ва ишонч негизида жиҳдий ташкилий - менежментлик ишларини олиб бориши учун мустаҳкам асос бўла олади.

Шу ўринда “муносабат” категориясини мисол тариқасида ўрганиш фойдалидир. Муносабат - фаолият ривожланишининг кўп қиррали жараёни ҳисобланниб, у одамлар ўргасидаги ҳамкорликдаги фаолиятнинг эҳтиёжларидан келиб чиқадиган ўзаро боғланишларнинг мураккаб мажмусини ўзида бевосита акс эттиради.

Менежментнинг марказида якъол шахс турганлиги муносабати билан социал психология қонуниятларига асосланиш, ижтимоий муносабатларнинг маҳсали эканлигига сўяниш, ижтимоий руҳий мухитнинг роли, имокниятлари, оммавий ҳолатлар, якъол ҳодисалар, англешимаган (таклид, юқиш, саросималик, тахлика, овоза ва бошқалар) сави-харакатларга тортилганлик ва уларнинг ижтимоий оқибатлари юзасидан билимларни умумлаштирган ҳолда амалиётга татбиқ этиш, вужудга келиши мумкин бўлган нуқсонларнинг олдини олишга имкон яратади.

Менежментнинг психологоик тизими “инсон-техника” муносабатининг қамраб олганилиги сабабли техникага инсон имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда муносабатда бўлиш ёки муассаса учун яратилган замонавий асбоблар, курол-аслаҳалар, компьютер, дисплей, монитор, робот кабилларни ишлаш маромига мослашиш масалаларига таашукли ахборотлар, хоссалар, тизимлар, тузилмалар, қурилмалар тўғрисидаги билимлар бўйича қатъий талаблар туркумини ишлаб чиқиши мақсадига мувофиқ.

Шунингдек, муҳандислик профессиограммасининг хусусиятларини ҳисбога олиш, раҳбар-тобе кишиларнинг техника муносабатларини оқилона ташкил этиш жараёнига тўғри, упумли, кулатай шарт-шароитлар яратади. Фан ва техника янгиликлари билан инсон имкониятини мувофиқлаштириш идентификация онгли равишда ўхшашликка интилиш, рефлексия, ўз-ўзини ва бошқаларни оқилона баҳолаш, антитипация (фаолият маҳсулни моделини олдиндан яратиш) ва коррекцияни (ижодий маромларни шакллантиришни тезлаштиради, касбий мослашиш (адаптация) психологияк тайёргарлик муддатини камайтиради, ўзаро тушунувни таъминлашга хизмат қиласди. Шунинг учун “инсон-техника” муносабати “инсон-жамоа”, “жамоа-инсон” туркумлари даражасига ўсиб ўтишининг таъминланиши ва бу борада шахснинг индивидуал хусусиятларини ҳисбога олиш диагностик маълумотлардан келиб чиққан ҳолда унга ва унинг фаолиятига ёндашиш лозим.

Менежмент психологяси мумомала психологияси соҳасида тўпланган материалларга асосланган ҳолда шахслараро муносабатларни ташкил қилиш, уюштириш ва такомиллаштириш имкониятига эга бўлди. Мумомаланинг тузилиши, унинг таркибий қисмлари, ҳар бир таркибининг муйян тузимдан иборат эканлиги, иерархияга бевосита асосланиши, уларнинг ўйнулашуви, мuloқot турлари ва улардан амалиётда фойдаланиш йўлларининг татбиқий хусусиятилиги билан мазкур фаолиятига ижобий таъсир ўтказади. Мумомаланинг коммуникатив таркиби, яъни коммуникация: коммуникатив харакатлар, актлардан: регулятив, информатив, эмотив, фатик функциялардан; кўзгатувчи (эътиқод, таъсир қилиш, бўйруқ илтимос) дан иборат.

Информатив экспрессив мулокот ўрнатиш ва уни тутиб туриш ҳарларидан: муносабат типига кўра шахслараро, оммавий, гурухий воситасига биноан нуткий, паралингвистик, экстралингвистик ашёвий аломатли турлардан иборатлиги ва улардан вазиятга қараб кўллаши менежер билан ижрочилар ўртасидаги муносабатни илик ҳолатга келтиради, айрим низоларнинг олдини олади.

Менежментлик учун мумомаланинг интеракция, перцепция таркиблари мухим аҳамият касб этиб, менежер билан тобе кишилар ўртасида мақсадга мувофиқ ҳамкорликни ташкил этишга хизмат қиласди, яъни ўзаро таъсир ўтказиш, инсон томонидан инсонни идрок қилиши, ўзаро мулокотта киришиш жараёнида мухим омили вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳар иккала мумомала таркибини амалиётга кўллаш самарадорликни оширишига ёрдам беради, шахснинг гурухинг алоҳида якка шахсга таъсир ўтказиш даражасининг кучайишига хизмат қиласди.

Ҳар хил хусусияти ижтимоий психологик тренинглардан оқилона ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш менежер фаолиятини такомиллаштиради, ишни ташкил қилиши услубини вазиятга қараб ўзгариб туриш имкониятларига эга бўлади. Бунинг учун ижтимоий психологик тренингларнинг кўйидаги турлари билан танинтириш юксак самаралар келтириши мумкин:

- Ҳаётий малакаларни шакллантирувчи;

- Коммуникатив малакаларга ва шахслараро муносабатларга киришинга ўргатувчи;
- Қарор қабул қилишга ва муаммо счимини ҳал қилишга ундоччи;
- Соғлом турмуш тарзини сақловчи;
- Кобилиятни ривожлантирувчи ва уни йўналтирувчи;
- Шахснинг тараққиётига кўмаклашувчи ўзида-ўзи идентикликни барпо килувчи ва ҳоказо.

Шахслараро муносабат психологияси соҳаси билан узвий алоқада бўлиши ва унинг материалиларидан унумли фойдаланиш менежмент жараёнида муҳим роль ўйнайди, уни одилона амалга оширишга кенг имкониятлар яратади, ҳамкорлик фаолиятидаги муносабатларнинг яқинлиги ва чуқурлигига биноан бирламчи гурух ва кичик гурухларда шахслар ўзаро муомалага кирадилар. Уларнинг мuloқотга киришини чекланмаган бўлиб, шахсий ва ишбилармандлик негизига курилади (бирағисида мuloқотнинг доираси 2-7 кишини, иккинчисида эса бу миқдор 30-40 нафардан ошмаслиги лозим). гурухларни тузилиш принципи ва услубига кўра улар шартли, шартсиз, реал, расмий, норасмий, референт, макро ва микро каби турларга бўлиниши ҳамда уларнинг ўзига хослиги юзасидан тўплланган назарий ва эмпирик маълумотларга мурожаат қилиш менежмент психологияси асосларига муайян даражада ёрдам кўрсатади. Ўзаро муносабат одамларнинг характер хусусияти, темпераменти, кобилияти, маслаги, қизиқиши, мuloқотга киришиш услубидаги мослиқ орқали юзага келади. Симпатия, хурмат, дўстлик, гурух аъзолари ўтасида жипслик ва психологик яқинликдан далолат беради, менежмент фаолиятини эса таомиллаштиради.

Менежментдаги бундай ҳамкорлик жараёнини унумли ташкил этиш, ўзаро ҳамжихатлик асосида муносабатларни тасаввур қила олиш ва уларни ўзаро мувофиқлаштириш қонуниятларини билиш орқали касбий малака ва қобилиятни ривожлантириб бориш фаолиятни (хизматни) муввафқиятли уюштириш учун зарур муҳим шарт-шароитлар яратиб беради.

Хулоса килиб шуни таъкидлаш жоизки, менежментнинг психологик асослари фанийи куйидаги тамоийларга биноан:

- меҳнатга нисбатан эҳтиёж туғилиши (меҳнат тақсимотининг хукм сурини);
- масъунийт ва жавобгарлик ҳисларининг мавжудлиги;
- тартиб-интизомлик (хар бир ходим учун) мажбурий эканлиги;
- бошқарув жараёнига яккабошлилик;
- ҳамкорлик фаолияти ҳаракатининг яхлитлиги;
- шахсий ва ташкилот манфаатларининг ўзаро уйғунлиги;
- шахслараро муносабатни амалга оширишинг марказлашуви (бошқарув маркази орқали масъунийтга нисбатан ваколатлар тақсимоти);

- менежмент жараёнининг иерархияси даражаларидағи ўзаро узлуксиз алоқалар занжирининг мавжудлиги;
- қарор қабул қилишда ва муносабат билдиришида адолатлилик;
- ҳамкорлик фаолияти иштирокчилари таркибининг баркарорлиги;
- индивидуал ва гурӯхий ташаббусни рағбатлантирувчи зарурияти;
- ҳамкорликда корпоратив рухни шакллантириш орқали ҳар қандай менежмент (кўлами, вазифаси, мулкий шакли ва шу кабилардан қатъи назар) жараёнининг ўзаги сифатда, унинг мураккаб, ўзаро боғлиқ функцияларини йўлга кўйишнинг ижтмоий психологик асосларини ишлаб чиқишига қаратлади. Улар туркумига:
  - ташкилотта (муассасага) тааллукли хизмат ҳамда шахслараро мақсадларини ишлаб чиқиш;
  - ташкилотда ҳамкорлик фаолиятини уюштриш;
  - хизматта оид ва шахслараро муносабатта алоқадор стратегик режалаштиришни амалга ошириш;
  - ишлаб чиқаришга ва шахслараро муносабатларга даҳлдор қарорларни қабул қилиш;
  - фаолият, хулиқ, муомала мотивацияларини амалиётда қарор топтириш;
  - муассаса бўлимлари ва турли лавозимдаги раҳбарлар ҳамда кўл осидаги ходимлар устидан назорат қилишини йўлга кўйиш;
  - гурӯх ва жамоада иш юритишни, шахслараро муносабатларни бошқарувни ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш кабилар киради.

## **МЕНЕЖМЕНТНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ ФАНИНИНГ МЕТОДЛАРИ ВА ЁНДАШУВЛАРИ.**

Хозирги муроҳазаларимизда менежмент психологиясининг илмий таққиқот методлари, уларнинг туркумлари, ўзига хос хусусиятлари, тузилиши, моҳияти, кўлланиш имконияти юзасидан қисқача маълумот беришга ҳаракат қиласиз. Чунки илмий таққиқот методларига оид билимлар билан қуролланмасдан туриб, соҳанинг амалий ва татбиқий жиҳатлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши мумкин эмас. Қўйида соҳани ўрганиш методларининг тавсифига тўхталиб ўтамиз.

1. Хужжатларни таҳлил қилиш методи (муассаса ёки ташкилотда иш юритишдан тортиб то молиявий хужжатларгача бошқарувни расмий қайд қилишининг моделллари ифодаси).

Ҳар бир муассасада катта ёки кичик бўлишдан қатъи назар умумий таълабларга жавоб берадиган хужжатлар мажмуасига эга бўлиши лозим. Уларнинг ҳар бирини алоҳида таҳлил қилиш раҳбар ёки ходимни касбига, фаолиятига нисбатан муносабатини, масъулият хиссини аниклашга имкон берди.

Алоҳида олинган хужжатнинг ташки кўриниши, тузилиши, мазмуни, моҳияти, яъни унинг шаклий томони ва ички моҳияти сиртдан кузагувчи учун муайян таассурот қўйдирса, унда ҳаяжон, қоникиш хиссини вужудга

келтирса, демакки илик баҳолаш тенденцияси туғилғанлигидан дақолат бериши тұғрисида холосага қлаверинг. Агар ҳар бир хүжжат унға юқла-тилған функцияни акс әттирган бўлса, бинобарин, у мақсадга мувофиқ яратилғанлигини англатади.

Хүжжатларнинг таңрижий, изчил, иерархик равишда тузилғанлиги, зарур маълумотларни ундан олиш имконияти мавжудлиги юзидан муайян қарорга келин ularнинг тузувчилари тұғрисида илмий психологик таас-сурот олиш, холоса чиқаришга пухта асос яратади. Жумладан, қуидаги маълумотларни олиш мумкин:

- 1) раҳбар ёки унинг кўл остидаги ходимнинг биринчи навбатда фао-лиятта нисбатан масъулият хисси шаклланғанлигини билдиради;
- 2) ularнинг у ёки бу нарсага нисбатан майли, интилиши, қобилияти мавжуд эканлигини англатади;
- 3) юксак ҳис-туйулар, нафосат кечинмалари таркиб тоғланлигидан дақолат беради;
- 4) маълумотга сероблиги, бойлиги раҳбар ходимнинг савијаси, ду-нёкараши, эътиқоди юзасидан таъсирот олишга имкон туғдиради;
- 5) ҳар қайси ахборот ёки маълумотнинг батартибилиги мантикий юксакликни акс әттиради;
- 6) хүжжатларни ўз ўрнида сакланиши, ularга нисбатан эътиборли-лик мобилизацион қобилият мавжудлигига кафолатдир.

2. Менежер ва унинг кўл остидаги одамларнинг биографиясини ўрганиш методи.

Одатда биографик маълумотлар бир неча манбаларни таҳлил қилиш орқали тўпланиши мўлжалланган бўлиб, шахснинг автобиографияси, унга берилган тавсифнома, деворий газета, маҳаллий матбуотлардаги муассасаларнинг хүжжатлари, баций хусусиятли маълумотнома кабилардаги субъектга таашуқли психологияк жабхалари умумлаштирилади. Умумлаши-тирилган маълумотлар асосида раҳбар ўз кўл остидаги тобе ходимлар, кичик бўйиндаги раҳбарлар юзасидан тоғоялар банкини тузади. Уларга асосланган хонда турли соҳа бўйича резерв раҳбарлар рўйхатини тузиш, оддий ходимлар хизмати, салоҳияти, юксак кўрсаткичи мезонларига су-янган тарзда моддий ва маънавий рағбатлантириш ишлари йўлга қўйилиши мумкин. Бу борада таваллуд кунига бағишланган кечалар учун зарур маълумотлар тўплашга муҳим имконият яратади.

Умуман олиб қаралганды, биография методи раҳбарлар ва тобе ки-шилар тұғрисида муайян маълумотлар йиғишига хизмат қиласидиган эмпи-рик методлар таркибиға кирадиган услуб ҳисобланади. Ҳуди шу боисдан ундан ҳам раҳбар кадрларнинг, ҳам хизматчиларнинг психологияк хусуси-ятлари тұғрисида фактик материалларга асосланган маълумотлар тўплаш имконияти мавжуд бўлиб, статистик ҳисоблашга берилувчан микдорлар орқали сифат таҳдиди амалга оширилади.

Раҳбарнинг иш шароитини баён қилиш (ифодалаб бериш) методи. Муассасаса ёки ташкилот тұғрисидаги маълумотларни мужассамлаштирган психологияк ҳолатлар мажмуаси раҳбар кадрнинг ўз иш-хизматтар шарои-тига нисбатан муносабатида ўз ифодасини төтпиди. Баённи хусусиятли

фактик маълумот, субъектнинг жисмларга, унинг куршовидаги ходимларига, фаолиятига бўлган хис-туйгулари, кечинмалари тўғрисида муайян психологик материал тўплашга шароит яратиб беради. Ушбу жараёнла қўйидаги психологик ҳодисалар юзасидан ҳам ички, ҳам тапки мотивларга асосланган мулоҳазалар иерархик тарзда баён килиниши муайян хулоса чиқаришга замин ҳозирлайди:

1) раҳбарнинг қасбига нисбатан ички муносабати, унинг овоз тони, суръати, жарагандорлиги атрибуларига асосланиб ифодаланса, демак гурур, фахр туйғуси қатый экантигини англатиб келади;

2) раҳбар мулоҳазаларида ишонч, истиқболга нисбатан эзгу ният аломатлари акс этиб турса, у ҳолда меҳнати ёки фаолиятидан қонициш хисси мавжудлигини билдиради, бинобарин, такомиллаштириш, техник жиҳозлаш мақсади заруриятгигини таин олиш ҳодисаси хукм суринидан далолат беради;

3) праксик ҳислар (меҳнатдан лаззатланиш) фактат раҳбарга, яъни эгосубъектга эгоцентристик муносабатни акс эттираслиги лозим, чунки умумиятга мўлжалланган умумий психологик ҳолат якка шахс билан чекланмаслиги шарт ва ҳоказо.

Раҳбар иш шароитининг обьектив ва субъектив томонлари юзасидан билдирилган мулоҳазалар оқилона бўлса, унинг ижтимоий-психологик хусусиятларига таалуқли маълумотларни тўплаш имконияти туғилади. Шахснинг ҳар хил таркибларига алокадор психологик материаллар бўйича фикр юритишга негиз ҳозирлайдиган муайян қатъйлик даражасидаги тавсифномани олишга муваффақ бўлинади.

Хулқ ва ҳатти-ҳаракатни кузатиш ва қайд қилиш методи.

Одатда раҳбар ва унинг кўл остидаги ходимлар хулқини кузатиш бир неча вазиятларни таҳлил қилиши ёки ташки кўринишга эга бўлган ҳодисаларга эътибор бериш тизими доирасида амалга оширилади. Кузатишнинг обьектлари фаолият, муомала, спорт, тажриба жараёнлари бўйлиб ҳисобланади ҳамда хулкнинг таркибий қисмлари у ёки бу тарзда уларнинг ҳар кайсисида ўз ифодасини топади. Масалан, раҳбар ёки ходимнинг фаолиятини бажариш жараёнида ташки ва ички кўринишдаги ҳатти-ҳаракати хоҳ у вербал, хоҳ новербал ифодаланишидан қатъи назар индивид муносабатини билдиради. Фаолият жараёнидаги ҳар хил лаҳзаларнинг ўзига хос тарзда кечишини кузатиш қайд этиш манбаида белгиланиши, компьютерга кўртилиши орқали акс эттирилиши лозим. Хулқдаги назокат, меъёрий одоб маромларига риоя қилиниши, ундан ҳам устувор, ҳатто кузатувчини ҳайратта соловчи лақиқалар таассуротини у ёки бу йўсинда қайд эттирилиши ижобий кечинмаларни ифодаласа, қалислар, хоҳишнинг мавжуд эмаслигини акс эттириш салбий воқелик тариқасида ёзиб колдирилиши мақсадга мувофиқ.

Муомала жараёнидаги шахелараро муносабатлар кўриниши уларнинг маромица, ўзига хос ҳурмат негизига курилиши ёки фикрлар номуганошиблиги, стресс, аффект ҳолатларни келтириб чиқариш тўғрисидаги реал воқеликлар психологик маълумотлар олиш манбай тариқасида қайд қилиниши айни муддаа бўйлиб ҳисобланади.

Тажиба алмашиш, фаолиятни сифатти бажариш, ортиқча хатти-харапатларни содир этиш жараёнини кузатиши орқали раҳбар ёки ходим түғрисида психологияк маълумотларни қайд қилиш мумкин. Одатда кузатиши материаллари аник ёзб кўйиш, коммуникация сифатида узатиш, компютер дастурига киритиши шаклида мужассамлаштирилади.

Эмпирик методлардан ташқари раҳбар ва унинг кўл остидаги ходимлар психологиясини ўрганиш аниқ аппаратлар ёрдами билан амалга оширилади, улар одатда хронометрик аппаратлар деб номланади. Аппарат нимага мўлжалашганлигига қараб муайян йўрикномада (инструкцияда) кўрсатилишига риоя қилинган ҳолда тадқикот ишлари ўтказилади. Синалувчиларнинг сезгиси, идроки, вакт реакцияси, диккат кўлами, хотирасининг турлари, типлари, экстравертивлик, интровертивлик хусусиятлари, каебга яроғлилиги, каебий майллари, шундай суръати ва шахсллилар фазилатлари аник, ҳеч бир субъектив кечинмаларга, оминаларга асосланмаган ҳолда ўлчаш жараёни амалга оширилади. Хронометрик аппаратлар томонидан олинган психологик ҳодисаларни акс эттирувчи маълумотлар ўзига хос тарзда таҳлил қилингандан кейин муайян мезонларга сунянган ҳолда шахс структурасига таалукли хислатлар умумлаштирилади, уларнинг детерминаторлари аникланди, бинобарин, раҳбар ёки ходим түғрисидаги психологик тавсифнома яратилади. Маълумотларнинг аниклилиги билан хронометрик аппаратлар бошқа тоифадаги методлардан кескин тафовутланиб туради. Худди шу боисдан олинган материаллар ишончлилик даражаси юкорилиги билан муҳим илмий-назарий аҳамият касб этади.

Менежмент психологияси фан асосини ташкил қиласидаган методлар қаторига воқелик ва ҳодисани оқилюна ҳал этиш методи киради. У кўйидаги таркиблардан ташкил топғандир: фотоаппарат, киноаппарат, видеокамера, магнитофон.

а) фотоаппарат орқали турли хил вазиятлар, шахслараро муносабатлар, алоҳида шахсенинг тимсоли, иш жойининг суръати, умумий пейзаж акс эттирилади. Худди шу боис объектив ҳолат фото объективда ўз ифодасини топади. Олинган воқеликнинг акси ўзининг аниқлик даражаси билан муҳим аҳамият касб этади. Лекин тасвир ҳаракатсиз бўлғанлиги туфайли “жонли”, “вазиятбон”, такроран акс эттириш имконияти йўқдир. Воқеликнинг ёрқин тасвири психологик омили тариқасида илмий материал ролини ўйнайди;

б) киноаппарат ва видеокамера ўзининг қамрови кенглиги, жонли ҳаракатлар мажмуси эканлиги билан фактик аҳамият касб этади. Натижада раҳбар кадр ва ходимларнинг ҳар хил вазиятлардаги кўриничиши, иш устидаги ҳолати, бўш вақтини тақсимлаш, ҳордик чиқариш ва бошқа ижтимоий ҳодисаларни ёритиб бериш түғрисида маълумотлар тўплаш ҳамда умумлаштириши имконияти туғилади. Тасвирнинг алоҳида элементларини таҳлил қилиш орқали психологик материаллар йиғиши мумкин;

в) магнитофон лентасига (тасмасига) ёзб олинган вербал муносабатларнинг ифодаси фактик материал сифатида воқелик моҳиятини очиш учун хизмат киласиди. Бунда шахслараро муносабатнинг суръати, ритмика-

си, частотаси, вокал ҳолати аник акс этган бўлади. Одамларни ўрганиш, сонлардан хабардор бўлиш, ўзаро таъсир ўтказишни аниклаш, шунингдек, психологик муҳит юзасидан маълумот олиш матнитофон ёрдами билан амалга оширилади.

Умуман олганда, фактик материалларнинг объектив воситалари ҳисобланмиш жонли ва жонсиз техника воситалари раҳбар кадрлар ҳамда уларнинг кўл остидаги кишилар тўғрисидаги психологик ҳолатлар, ҳодисалар, сифатлар, конуниятлар бўйича маълумотлар тўплаш, таҳлил килиш, баҳолаш имконини беради.

Инсон психикасини ўрганишда ундаги функционал ҳолатларни (физиологик функцияларни) қайд килини методи кўйидаги аппаратлар ёрдами билан амалга оширилади: томир уриш, ҳарорат ўлчаш, қон босими, тери гальваник реакция, электромиограмма, ЭЭГ ва бошқалар. Раҳбар кадр ва ходим физиологик ҳолатларни текшириш жараёнида уларнинг психологик хусусиятлари ва ўзгариши юзасидан маълумотлар олиш, уларни умумлаштириш ҳамда муайян даражада хуносага келиш имконияти туғилади. Олинган маълумотлар ҳам нормал, ҳам патологик ҳолатлар юзасидан муроҳаза юритиши асос бўлади. Шунингдек, уларнинг касбий лаёқати, касбий яроғлилигини ташхис қилиш учун материаллар тўплашга шароит яратади. Инсоннинг саломатлиги, ишчанилиги, реакцияларга ҳозиржавоблиги, имконияти тўғрисида муайян материал йигиш ва уни психологик жиҳатдан таҳлил этиши шахс омилини аниклашда муҳим роль ўйнайди.

Менежер билан индивидуал сұхбат методи. Вазият, шароит, муҳит омилиларидан келиб чиқкан ҳолда менежер билан сұхбатлашиш унинг айрим психологик хусусиятларини ўрганишга имкон яратади. Сұхбат муайян мавзу, муддат, мақсад, вазифа, тайёрланган саволлар тизими каби таркибларга асосланган ҳолда амалга оширилиши мўлжалланади. Сұхбат менежернинг розилиги билан амалга оширилади ва икки хил варианти қўллаш назарда тутилади: станцарт ҳолда тор маънодаги мавзу бўйича фикр алмашиш эвазига шахснинг айрим психологик хусусияти, фазилати тўғрисида маълумот олиш мумкин; ностандарт, яъни кенг кўлдамдаги ҳодисалар юзасидан муроҳазалар юритиши, мушоҳада қилиш туфайли менежернинг психологик жиҳатидан ўрганиш. Биринчи вариантда чекланган мавзу атрофида фикр юритиши орқали чукурроқ маълумот олиш имконияти мавжуд, чунки дикқат-эътибор фақат ягона объектга йўналтирилган бўлади. Хузи шу боис шахс тузилмасига кирувчи айрим маълумотлар тўлароқ акс этади, лекин менежернинг яхлит психологик портретини яратиш имкониятига эга бўлмайди. Иккинчи вариант ҳар хил мавзулар юзасидан фикр алмашиш орқали менежернинг савиаси, дунёқараши, характер хислати, фикр юритиши хусусияти ва нутқий қобилияти бўйича психологик маълумот олинади. Унинг касбий тайёргарлиги, ходимларига муносабати, юксак туйғулари юзасидан материал йигишида индивидуал сұхбат муҳим аҳамият касб этади. Сұхбат жараёнини қайд этиши психологик принципларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилса, унинг илмийлик даражаси янада ортади.

Менежер фаолиятини ўрганишнинг асосий методларида бири - вазият, шахсий фикрни аниқлашга йўналтирилган интервьюодир. Интервью ойинчидан оммалашган методи ҳисобланиб, у ўз на ватида стандарт ва ностандарт турларига ажратилади. Хар икки турдан фарқли ўлароқ унинг модификацияси мавжуд бўлиб, вазиятни ва шахсий фикрни аниқлашга йўналтирилганлиги билан бошқаларида тафовутланаб туради.

Вазиятни баҳолаш юзасидан менежерни билдирган мулоҳазаларининг мантикий жиҳатдан асосланганлиги, унинг дунёқараси, салоҳияти, интеллекти даражасидан дарак беради. Бу нарсага бошқача ургу билан ёнидашилганда, энг аввало вазиятни осойишта таҳлиллаш, ортиқча ташвищ, хадик, безовталанишга берицмаслик, унга эмоционал эмас, балки рационал (аклан) муносабатда бўлиш унинг атрофидаги ходимларда ишонч туйғусини уйғотади. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ иқтисодий ҳолат у ёки бу тарздаги танглик, шахсларо муносабатдаги муаммолар, умумжамоа фикридаги зиддият ўзига хос психологик вазиятни вужудга келтиради. Ана шу вазиятнинг очимиға оқилона йўл тониш менежернинг топкирлиги, ташкилотчилик қобилияти, иродасининг кучлилигини билдиради. Интервью менежер нутки ёрдами билан юкоридаги вазиятларга нисбатан бирдирилган фикрларнинг мажмусини акс эттиришга имкониятига эга.

Инсон фаолиятида нутқ ва тафаккур бирлиги муҳим аҳамият касб этиб, шахснинг мустакиллиги, мантиқан терапиялиги, акл-заковатнинг пишиклиги, ҳозиржавоблиги, эгилувчанилиги, фикрнинг чукурлигини акс эттиради. Худди шу боис мустақил фикрлари, шахсий қараш, позиция, ўзига хос ғоя сингари аклий фаолият таркибларини аниқлашнинг энг сармали йўли интервьюдан фойдаланишдир.

Интервью маълумотлари матнитофон тасмасига, текширувчи қайд қилиш дафтариға мужассамлантирилади. Энг муҳим томони шундаки, интервюни такроран таҳлил қилиш, унинг ичидан зарур аломатларни ажратиб олиш имконияти мавжудидир. Ҳуллас, вазият ва шахсий мустақил фикрларни текширишда, уларга муайян жавоб топишда интервью методи муҳим роль ўйнайди.

Менежернинг психологик хусусиятларини ўрганишда ўзига ўзи ҳисбогот бериши тадқикот методи сифатида қўлланилиб келинади. Ўзига ўзи ҳисбогот бериш турли хусусиятли инсон омилини очишга хизмат қиласади. Фикрлар мажмуси сифатидаги ҳисбогот ёки жамият ва табиятта нисбатан муносабатнинг йиғинидиси объектив ва субъектив факторларининг акс этишин менежер фаолиятига шахсий баҳо бериш, яъни ўзини ўзи баҳолашдан иборатдир. Менежернинг ўзига ўзи ҳисбогот бериши бир неча вазиятларни қамраб олади, биринчидан, бўлиб ўтган воқеликларга ижобий ёки салбий муносабатини билдириш, иккинчидан, баҳолаш жараёнидаги интернат ва экстернат назорат функциясини роли, учинчидан, хатоларни келтириб чиқарувчи сабабларини аниқлаш, тўртингчидан, нуксоналарнинг олдини олиш ҳақидаги мулоҳазалар, бешинчидан, фаоли-

ят, мумалла, хулк-атвор самарадорлигини ошириш юзасидан ўй-фикрлар ва хоказо.

Менежернинг монологик ёки диалогик тарздаги ўзига ўзи ҳисбогт берини унинг характер хислатини, маслагини, иродавий сифатларини, шахсий хусусиятларини муайян йўналишда очиб беришга хизмат қиласди. Шунинг учун ҳар қандай шаклдаги ҳисбогт шахснинг ўзига баҳо беринига қаратилган бўлиб, объектив ва субъектив баҳолашни ўзида акс эттиради. Ўзи ва ўзгалар тўғрисидаги мулоҳазаларнинг муайян тарзда мужассамлашуви якка шахснинг ўзига муносабатини ҳамда қўл остидагиларга нисбатан баҳолашини ифодалайди.

Менежер ва унинг қўл остидаги (тобе) кишиларнинг ўзаро муносабатларини аниқлашга мўлжалланган методлардан бири - варака ёки анкетадир. Варака ёки анкета методи очик, ёпиқ ва шкала шакларидан ташкил топган бўлиб, сиртдан баҳо берин, муносабат билдириш, хоҳишни акс эттириш каби психологияк мезонлар ёрдамида турли хусусиятдаги эмпирик материалларни тўплаш имконини беради. Анкета ўзининг хусусиятига биноан текшириувчилардан рўй-рост фикр билдиришни, батзан номсиз (шахснинг исми, шарифсиз) ахборот узатишни тақозо этганлиги туфайли объективроқ маълумот олиш имконини яратади.

Варака ижтимоий хусусиятли вазиятларни, муносабатларни, индивидуал қарашларни текширишда фойдаланилади, уни тарқатиш осон ва статистик ҳисоблаш эса ўнгай кечади. Худди шу боисдан материаллар кўлами кенглиги, иштирокчилар микдори кагталиги билан бошқа методлардан бирмунча ажralиб туради. Варака саволларига “ҳа” ёки “йўқ”, шунингдек “К” ёки “-” алломатлар ёрдами билан жавоб қилинади. Баъзи холларда бир нечта вазиятдан факат биттасини белгилаш таълаб этилади, гоҳо бир савол хилма-хил позициядан келиб чиқиб ёндашилганлиги сабабли ишончлилик даражаси юксак, аниқ бўлишини ҳам таъминлайди. Энг кейинги вариантдати варака шкалалар орқали фикрлар мужассамлигини гавзалантирали.

## МАВЗУ: “ЖАМОАДА ЖАМОАТ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ” НОМЛИ ИШ ЎЙНИ.

4 соатлик амалий машқулот.

Максад: Жамоани ўрганиш усуллари билан танишиш ва бу соҳада тажриба алмашиб; жамоадаги шахслараро муносабатларни, ундаги гуруларни, гурух сардорларини аниқлаш; ўйин қатнашчиларида нотиқлик, ўз фикрини ўзгаларга ўтказа билиш қобилиятини ва мунозара юритиш маданиятини шакллантириш.

Кутилаётган натижага:

1. Инсоннинг психологик имкониятларини ўрганиш усуллари бўйича билимни эгаллаш ва бу билимлардан фойладана ола билиш.
2. Нотиқлик санъатига эга бўлиш.

3. Одамларни психологик таҳлил кила билиш кўникмасини ўзлаштириш.
4. Мунозара юритиш маданиятини эгаллаш.

**Ноаниқлик шароитида ўз фаолиятини танлаш вазиятида шахс хулқи модели бўйича имитацион ишчанлик ўйини.**

**Ўйиннинг мақсади:** 1. Жамоада психологик мухитни ҳамда лиценларни аниқлаш.

2. Жамоада психологик шароитни, лиценларни (ок ва кора) аниқлаш, раҳбар учун жамоани самарали бошқаришга ёрдам.
- Лидерни аниқлаш учун ушбу ўйин хоҳлаган коллективда ишлатилиши мумкин.

### Ўйиннинг вакти-2 соат. ИШ ЎЙНИ.

**I. ВАЗИЯТ:** “Тақсимот бўйича бир ой мобайнида ишлаётган жамоатизда Сизга жамоатчилик ишини ташкил килиш, ҳамда бошқариш вазифаси кўйилган”.

Жамоатигиз уччалик катта эмас, таҳминан 50 нафар одам. Сизга ---- ташкил килиш учун бир хафта мухлат берилган. Хўш, жамоатизда жамоа ҳамда ташкилий ишларга қизиқкан одамларни аниқлаш учун, қандай ташкилий тадбирлар ўтказиш мумкин?(иштирокчининг бланкига қаранг)

**II. ЎЙИН ҚОИДАСИ:** 1. Жамоа ишларига фаол номзодларни аниқлаш, киска муддатда лидерни, жамоа сардорини топиш учун Сизга берилган ҳаракат турларидан биттадан-учтагача танлангизигиз мумкин.

Ташланган иштирокчилар бланкида “\_” белгисини кўйиб ҳаракатингизни белгиланг.

2. Ҳар бир иштирокчи индивидуал ишида бошқа иштирокчилар маслаҳатисиз, шахсан ўзи ечимни топиши керак. Тушунмаган саволларга раҳбар жавоб беради. Индивидуал ишининг тугатганигини иштирокчи кўлини кўтариб билдиради.

3. Барча иштирокчилар 4 кишидан иборат бўлиб командаларига бўлинадилар ҳамда эркин фикрлаш жараёнида командалари ўзининг якуний қарорига келадилар. Ушбу босқичда ҳар бир иштирокчининг вазифаси командаги ўз фикрининг тўғричигини ўтказа олишдир.

Командалар ўзаро маслаҳатлашмайдилар. Ишнинг якунланганлиги кўл кўтариш билан билдирилади.

4. Иш жараёнида команданинг вакили умумий қарорини изоҳлаб, химоя килиб тушунтириб беради. Бошқа командаладаги иштирокчилар саволлар бераб, қарама-қарши фикрлар билдирадилар. Шунда команда ўз фикрни химоя килади-бу ерда мунозара (тортишув) кетади.

5. Ўйиннинг раҳбари командалар қарор чиқараётганида аралашмасдан, факат ўйинни назорат килиб туради.

6. Хар бир иштирокчи ўзининг ишбилармонлик хусусиятини, сифатларини, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш учун берилган тартибдаги рўйхатдан б тасини таъламоғи керак.

Ўз-ўзининг ишбилармонлигини ўзи баҳолаши, бошқа иштирокчиларнинг консультацияси индивидуал тартиба оиб борилади.

7. Характер турини баҳолаш: агар Сиз танлаган хислатларнинг аксарияти биринчи ярмида бўлса, ижодий характер; иккинчисига тушса-бажарувчи; учинчисига тушса-ташкilotчи.

Агар Сиз танлаган хислатлар характернинг уч турига баробар тақсимот килинган бўлса, демак, Сизга характернинг уч тури ҳам хосдир.

8. Агарда иштирокчи ўз фикрини командаги ўтказа билса ҳамда ижодий ва ташкilotчилик характерига эга бўлса, ушбу иштирокчи лидер деб хисобланади.

### III. ИШ ЎЙИННИНГ ТУЗИЛИШИ

#### РАҲБАР

1. Вазифанинг қўйилиши

#### ИШТИРОКЧИ

2. Индивидуал ечилиши.
3. Команданинг ечими.
4. Ечими мухокама килиш

5. Якунлаш, натижани таҳлил  
килиш.

1. Ўйиннинг раҳбари вазифа қўяди, шароитни ҳамда ўйиннинг қоидалари, иштирокчиларнинг вазифаларини танишилади.

2. Ўйиннинг хар бир иштирокчиси индивидуал равишда ҳеч кимдан маслаҳат сўрамасдан ўзининг фикрини асос қилиб, мустакил ечими ни топади.

3. Команданинг иштирокчилари ўзаро мулокотдан кейин умумий ечимини бериши керак.

4. Ўз навбати билан хар бир команда топган ечимини ўқиб беради, бошқа командалар опионент ролини ўйнайди ва ўзаро мулокот ўтказилади.

5. Раҳбар ўйиннинг натижасини таҳлил қилиб, баҳоларни хисоблаб чиқади, унинг ғолибларини маълум қиласди.

### IV. ЎЙИННИНГ МОДЕЛИ

1. Раҳбар ўйиннинг максадини тушунтириб беради, иштирокчиларни командаларга бўлади, бланкалар тарқатади, унинг қоидаларини ҳамда якуний вазиятни айтиб беради.

2. Берилган бланкалarda иштирокчилар индивидуал қабул қилган ечимини “\_” белгиси билан белгилайдилар.

3. Команда қабул қилган ечимни бланканинг ўз жадвлида “\_” белгиси билан белгиланади.

4. Раҳбар ўзининг бланкасида иштирокчиларнинг индивидуал ва команданинг ечимини белгилаб, доскада ахборот учун ишнинг натижасини қайд қиласди.

5. Берилган натижалар бўйича гурух мuloқоти.

6. Гурух мuloқотидан кейин хамма ўзиниг ечимини тузатиш учун бир дақиқа берилади. Иштирокчилар қабул қилиган фикрларни ўзгартиришни дарҳол раҳбарига маълум қиладилар. Натижалар раҳбарнинг бланкасига ва доскага тушиши керак.

Қайси бир команданинг ечими тузатиш пайтида қабул қилинган бўлса, ўша командага қўшимча бир балы берилади.

7. Ишбилармонлик характер хусусиятини ўзи баҳоланиш иштирокчиларнинг бланкисида ўзига хос бўлган б та фазилатни тўғри келадиган графада “\_” белгиси билан билдирилиши керак.

8. Иштирокчи раҳбар ёрдами билан ўзининг характеристи қайси турга қараштилигини аниқлаб олади (ижодий, бошқарувчан ва ташкилотчилик).

Натижалар раҳбарнинг бланкига ва доскага ёзилади.

9. Ўйин бўйича олинган умумий натижанинг таҳлили жадвал бўйича доскада хамма иштирокчилар учун ўтказилади, уни якунлаш ли дерни аниқлаши. Баъзан ўйиннинг максади бўйича шундай таҳлил натижаларини айтмасдан туриб раҳбарнинг бланкига ёзib қўйилади. Шунда ўйин команданинг олган ўрни билан қанча ташкилотчи борлигини аниқлаш ва баҳс билан тугаллади.

#### V. ЎЙИННИНГ РЕГЛАМЕНТИ

Ўйин бир даврда ўтказилади. Ўйиннинг ҳар бир боскичи бўйича тахминан кетадиган вақт:

- раҳбарнинг кириш сўзи-20 мин.
- иштирокчиларнинг индивидуал иши-10 мин.
- команданинг бир қарорга келиши-10 мин.
- гурух баҳси-20 мин.
- шахснинг ўз-ўзини баҳолапи-10 мин.
- натижанинг таҳлили ва якунланиши-20 мин.

Хаммаси бўлиб ўйинга 1соату, 30 минут (2x45) кетади.

Гурух №\_\_\_\_\_  
Қатнашчи\_\_\_\_\_

#### “ЖАМОАДА ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ” ИШ ЎЙНИ ҚАТНАШЧИСИНИНГ ВАРАКАСИ

№	Ҳаракатлар	инд. ҳукм. чик	групп. ҳукм. чик	Ҳарактерингизнинг иш хусусиятлари
1.	Жамоанинг ҳар бир аъзоси билан шахсан танишсиз			1. Мустакиллик 2. Ишга ижодий ёндашими.
2.	Жамоадаги қизиктирган шахслар тўғрисидаги маълумотларни кадрлар бў-лимида таҳлил килиши			3. Ташиббускорлик. 4. Ақлан қобилиятилик.
3.	Шахсий анкета саволларин ту-			5. Тажрибали ва билимли .

- зиш ва жамоанинг ҳар бир айзоси томонидан тўлдирилишини ташкил этиш.
4. Жамоат ишларида тавсия килинган номзодтарни муҳокама қилиши учун йигилиш ўтказиш.
  5. Жамоат ишларида тавсия килинга номзодларни жамоанинг ҳар бир айзоси билан муҳокама қилиш.
  6. Жамоанинг ҳар бир айзо-сининг характеристи яккои намоён бўладиган бўладиган вазиятни вужудга келтириш
  7. Жамоат ишига бўлган муносабатини аниқлаш учун топширик беришни ташкил этиш. Жамоанинг ҳар бир айзо-сини ташкилотчилик коби-лиятини аниқлаш учун иш ўйини ўтказиш.
  8. Жамоат ишларини қандай олиб боришлини шахсан ўзи намуна тарзида кўр-сатиб бериш (хамма жамоат ишини ўзи олиб боради).
  9. Жамоат ишларида қатнанишига ишонч хосил килдирадиган сухбат ўтказиш.

Менежер учун унинг ўз имкониятларини очишга қаратилган анкетадан ташқари, унга қаратилган (йўналтирилган) варака эксперт баҳолаш мухим аҳамият қасб этади. Эксперт баҳолашга йўналтирилган анкета ҳар хил вазиятларни ўрганишга мўлжалланганини туфайли кўл остидаги (тобе) кишилар томонидан унинг муомаласи, фаoliyati самарадорлиги, хулиқатвори хусусияти, шахсий, иродавий, эмоционал, когнитив, регулятив хислатлари юзасидан муносабат билдириш, баҳо бериш орқали характеристикалык, этнопсихологик материалилар тўплашга имкон яратади. Кўл остидаги ходимларни баҳолаш тизими ўзининг объективлиги билан бошка мезонилар мажмусидан тафовутланади. Айниқса баҳолаш сиртдан ўтказилиши эмпирик маълумотлар ишончлилиги, валидлиги, репрезентативлиги кўрсаткичларига кафолат беради.

Менежернинг варакага берган жавоблари йиғиндиси билан эксперт баҳоси натижалари умумлаштирилса, текширувнинг илмийлик даражаси янада ортади. Ходимларнинг ўзаро муносабатларини ўрганишга қаратилган анкета ўз йўрикномасига биноан турлича вазиятларни аниқлашга хизмат килиди. Шуниндек, турх ёки жамоацаги муносабатлар мажмусаси бўлмиш психологик мухит моҳиятини очади, жипслик,

6. Тиришқоклик.
7. Саранжом.
8. Дикқат-эътиборлилик.
9. Ижро этувчанилилк.
10. Интизомлилик.
11. Қатъиятлилик.
12. Виждонлилик.
13. Мехнатсеварлик.
14. Эпчиллик.
15. Сабр тоқатлилик.
16. Ишчанлик.
17. Масъулнотлилик.
18. Ташкилотчилик.

хамдардлик, ўзаро хурмат, эмпатия, аттракция, симпатия, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ىراكىк юксак ҳис-туйғулар ҳолатини тавсифлайди.

Менежмент психологияси асослари курсида экспер特 баҳолаш методи мұхим ақамият қасб этади. Экспер特 баҳолаш методининг мөхияти шундан иборатки, менежер фаолияти, шахсиятига бериладиган ташқи баҳо ҳамкасабалари, ёрдамчилари. күл остидаги ҳодимлари, жамоатчилик томонидан амалга оширилади. Экспер特 баҳолаш кеңіг қарнровли бўлиб, у ўз ичига менежернинг турли соҳадаги фаолияти ютуғи (муваффакиятсизлиги), шахслараро муносабати мароми, одоби (такти), шахсий фазилатлари (иллати), ҳиссий кечинмалари, иродавий сифатлари, фикрлаш услуги, карор қабул қилиш тактикаси ва стратегияси каби ижтимоий психологик жабҳаларни қамраб олади. Экспер特 баҳолашнинг мұхим томони шундан иборатки, аксарият ҳолларда мазкур жараён объективлик хусусиятига эга бўлади. Шунингдек, у танқидий ёндашувини ўзига мужассамлаштиради, муайян даражада қатъий далилаш унда устуворлик қиласди. Масалан, менежернинг ким эканыги унинг күл остидаги ҳодимлар, хизматчилик томонидан баҳоланиши аксарият ҳолларда аник, ҳақчил, одилонна ҳамда умумлашган тарзда амалга оширилади. Бу масалани янада ойдинлаштириши учун тест саволлари, сўровнома сингари текшириш, синоп мезонларидан фойдаланилади. Менежер ёки мутахассисни “ўта ишчан ёки истеъодди” деб баҳолаш эксперталарнинг умумий фикрларини ўзида мужассамлаштиради. Кўнчилукнинг унга инсбатан илик, самимий (гаразгўй) муносабати оқишликни ўзида акс эттиради.

Эксперт баҳолаш методини кўллаш орқали раҳбар кадр ёки хизматчилик тўғрисида муайян даражада маълумотлар тўплаш имконияти туғилади ва уларнинг асосида психологик тавсиф яратилиши мумкин. Шунинг билан бирга инсонларда учрайдиган нуқсанларнинг олдини олинва уларни бартараф этишга замин ҳозирланади.

## РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ ШКАЛАСИ

Фамилия

Вакти

**Инструкция.** Сиз қуидада бериладиган психологик вазиятларни (муаммоларни) ўқиб чиқинг ва ўзингизни шу дақиқада қандай фикрлайансиз, шунга қараб ўнг томондаги тегишли жавоб олдидағи рақамнинг тагига чизиб чиқинг.

Саволларга тез ва аник жавоб қайтаринг. Шкаладаги ҳар бир рақам баллни билдиради (масалан, 1-1 балл, 2-2 балл ва ҳоказо).

№	Вазиятта жавоблар	йўқ ундай эмас	шундай деса бу- лади	тўғри	жуда тўғри
1	2	3	4	5	6
1.	Кўл остидагалар билан келиша олмаган кезда хам уларга ён бермайди	1	2	3	4
2.	Кўл остидагилар орасида унинг "эркатоий" бор	1	2	3	4
3.	Кимки яхши ишласа, уни юксак қадрлайди	1	2	3	4
4.	Уни тушуниши жуда осон	1	2	3	4
5.	Кўл остидагилар имкониятига караганда юқори талаб қўяди	1	2	3	4
6.	Кўл остидагилар шахсий муаммосини тушунгандай ёндашади	1	2	3	4
7.	Бегоналар иштирокида ўз одамларини танқид киласеради	1	2	3	4
8.	Оммавийлашувига монелик килувчи шахсларга карши кураш олиб боради	1	2	3	4
9.	У ўз айтганидан колмайди	1	2	3	4
10.	Кўл остидагиларнинг ибратли ишлари рагбатлантирилишини тушунади	1	2	3 <sup>+</sup>	4
11.	У ҳар кандай янгиликдан кўз юмади	1	2	3	4
12.	Кўл остидагилар розилигини олмай туриб, уларга кўйиладиган тоширик-ларни ўзгартириш одати бор	1	2	3	4
13.	Кўл остидагилар билан муюмалага киришишда уларнинг хиссиётини эътиборга олмайди	1	2	3	4
14.	Гурухда укувли ходимларнинг обрўсини кўтарнишга харакат киласди	1	2	3	4
15.	Асосий фаолият доирасидага ўзаришга каршилик кўрсатади	1	2	3	4
16.	У камчиликларга йўл кўйган ходимларни жазолайди	1	2	3	4
17.	Ўз хатти-харакати юзасидан ходим-ларга изоҳ беришни ёктирмайди	1	2	3	4
18.	У ёки бу ишни кўл остидагилар билан маслаҳатлашмай амалга оширади	1	2	3	4
19.	Ўз жамоасида илиқ ижтимоний-рухий мухитни саклашга интилади	1	2	3	4
20.	Кўл остидагиларнинг хатти-харакат-ларини куллаб кувватлайди	1	2	3	4
21.	У янги гояларни кабул килишга сира шошилмайди	1	2	3	4

22.	Кўл остидагилар билан тенг хукуклидай муносабатда бўлади	1	2	3	4
23.	Кўпинча у шахс хусусиятларини эмас, балки унинг аниқ хатти-ҳаракатини танқид килишга мойиз	1	2	3	4
24.	У янгиликларни татбик килишга тайёр	1	2	3	4
25.	У билан ходимлар осонроқ мулокотга киришишлари учун имкон яратади	1	2	3	4
26.	У атрофдагиларга бағри кенг ва дўстсиғат	1	2	3	4
27.	Кўл остидагиларнинг таклифларини ижро этишга шай	1	2	3	4
28.	Мухим топширикни жамоа аъзолари кўллаб кувватлагандан кейин топширади	1	2	3	4

Сиз ушбу саволларнинг саноқ номерларига эътибор билан йиғиндини ҳисобланг: 3, 4, 6, 10, 14, 19, 20, 22, 23, 14, 25, 26, 27, 28. Сўнгра колган савол номерлари жавоби йиғиндисини ҳисобланг: 1, 2, 5, 7; 8, 9, 11, 12, 13, 15, 16, 17, 18, 21. Хар иккала шкала орасидаги тафовутга 35 рақамини кўшинг.

Ушбу шкаладан фойдаланишида қўйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофик: энг аввало максимал баллни белгилаш «112», сўнг минимал «56» ва энг паст кўрсаткич «28» ни ҳисоблаб чиқиши мумкин. Тўплангани миқдор натижаларидан келиб чиқиб иштирокчиларни муайян гурухларга ажратса бўлади.

Менежмент психологияси соҳаси учун менежер ёки оддий мутахассиснинг фаолият маҳсулни таҳлил килиш мухим аҳамият касб этади. Худди шу сабабдан раҳбар кадр ёки етакчи мутахассис фаолиятининг маҳсулни (иш режаси, ҳисоботи, иш юритиш йўриқномаси, жиҳозлашдаги юксак лицинги, маҳсулот сифати, курилиш майдончасининг кўриниши, хужжатларни расмийлаштириш ҳолати, техникага шахсий муносабатининг ифодаси ва ҳоказо) ни таҳлил килиш натижасида уларнинг қобилияти, ташкилотчилиги, фикрлаш услуби, нафосатлилиги, юксак ҳиссий кечинмаларига эгалиги, характерологик хусусияти, ижодкорлиги тўгрисида диагностик хусусиятли маълумотларни умумлаштириш мумкин. Мазкур маълумотлар текширилаётган одамларнинг шахсий фазилатлари индивидуал хусусиятлари юзасидан муайян даражада хулоса чиқаришга имкон яратади.

Фаолият маҳсулини таҳлил килиш индивидуал, гурухий ва жамоавий шаклда олиб борилиши мумкин. Фаолият маҳсулининг ҳар қайсиси алоҳида таҳлил қилинса ва баҳоланса унинг аниқлик кўрсаткичи юкори бўлади. алоҳида менежер фаолиятига берилган баҳо умумлаштирилиши орқали яхлит шахснинг психологик портрети ёки тимсоли (тасвири, образи) вужудга келади. Умумлашган тавсифлар мажмуаси шахс тўгрисида маълум маълумотлар олишига шароит тұғдиради.

Менежер учун фаолият ва муомала хусусиятлари текширишда табиий эксперимент методидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Умумий психология фанида қўлланиладиган табиий эксперимент методи менежер фаолияти ва муомала жараёни кечишининг объектив тарзда баҳолаш учун хизмат қиласди. Умумий тамоилиларга биноан кузатилувчи, ўрганилувчи, текширилувчи одамлар тажриба вазиятидан бехабар бўлишилги лозим, акс ҳолда унинг холисоналиги пасаяди, самарадорлиги кўрсаткичи қиймати эса қадрсизланиб боради.

Менежер фаолияти кечишининг (иш бошидан то охиригача) маълум мақсад, муайян босқичларнинг рўёбга чиқишига асосланган ҳолда текширилиши унинг ишга муносабати (фаолити, сергайратлиги, қатъиятлиги, уюпқоқлиги, масъуллиятлиги, жиҳдийлиги, режалилиги, событқадамлилиги, мақсадга йўналганлиги, меҳнатсеварлиги ва хоказо), иш ўрни, куроли, режаси, якколити (кундалиги ёки истикболлиги) кўрсаткичига эҳтиёж сезиши етуклиқдан далолат беради. Ҳар кунги график бўйича меҳнат фаолиятини ташкил қилиш ва уни бошқариш муайян даражада қайд қилиб бориш орқали шахснинг хусусиятлари, иш услуби, касбий кўнишка ва малакалари бўйича маълумот олинади. Шунингдек, вақтни идрок қилиш, ахборотларни хотирада сакланти, фикр юритиш, фаҳм-фаросат, вербал ва новербал нутқдан фойдаланиш ва уни қўлланти технологияси, иш юритиш тактикаси, инсон-техника муносабатини рўёбга чиқариш суръати, тембр, частотаси бўйича психологик маълумотлар тўпланаади. Маълумотларни тўйлаш ва уларни сифат, микдор жихатидан таҳлил қилиш табиий шароитда кечтган фаолиятининг ўзига хослиги ҳамда уни амалга оширувчи шахснинг фазилатлари, мотивацион эмоционал, ироҷавий, когнитив, регулятив хусусиятлари аниқланади. Уларни (маълумотларни) умумлаштириш натижасида инсоннинг психологияк тасвири, ички кечинмалари илмий мезонлар ёрдамида яхлит ҳолга келтирилади.

Шахслараро ёки турухлараро муносабат хусусиятини текширишда муомалага киришиш ва унинг табиий шароитда кечишини кузатиш, вазият ва унинг ечимини топиш, ўзига хос равишида омииллар харакатланувини қайд қилиш максадга мувофиқ. Муомаланинг коммуникатив, интерактив, перцептив таркиблари юзасидан маълумотлилик (билимга эгалик) мулоқот моҳияти, шакли, мароми, функцияси, вазияти, муаммоси ва унинг ечимини топишда шериклар (муомаладошлар) нинг ҳуқукий тенгилиги муомала барқарорлигини таъминлайди. Муомаладошини хурмат қилиши, унинг имкониятини объектив баҳолаш, эркин, самимий фикр алмашиш, бири иккинчисига камроқ таъсир ўтказиш натижасида ўзаро тортилганлик ҳолати юзага келади. Муомаланинг барқарорлиги, узлуксизлиги, кўтаринкилиги, шерикларнинг (мулоқотга киришувчиларнинг) бирбирини тущунувига ва ўзаро қабул қилувчанлигига боғлиқ. Муомаланинг кечишига унинг функцияларини тўғри амалга ошиш шароити билан тавсифланади. Муомаланинг ташки (экстернал) ва ички (интернал) ифодаси менежер билан ходим ўртасидаги фикр алмашув мулоқотдошларнинг нутқи қобилияти, таъсир ўтказиш имконияти, касбий назокати, хули-

атвори, фикрлары даражаси, инсонни инсон томонидан идрок қилишининг одиллиги, оқишлиги түгрисида психологик маълумотлар тўпланади. Мазкур маълумотлар ишончлилиги текширув ёки эксперимент жараёнининг табиий равишида кечишида ўз ифодасини топади. Фикр узагиши ва уни қабул қилиш кезида ўзаро назокатлиликка риоя қилишлик ва ўзаро тушунув, ўзаро хурмат, ўзаро симпатия, ҳатто эмпатия туйгулари мавжудлигидан далолат беради.

Менежер (ходим) психикасини ўрганишда табиий эксперимент меътидан фойдаланиш ва бунда шахснинг фаолияти ҳамда муомаласига алоҳида эътибор бериш менежмент психологияси асослари соҳасини амалий, назарий аҳамиятини оширади, шахслараро муносабат услуби, мароми, мақоми такомиллашувига олиб келади.

Рахбар (менежер) ва тобе кишилар (хизматчилик, ходимлар) психикасини ўрганишда лаборатория эксперименти методи мухим роль ўйнайди. Экспериментнинг лаборатория шакли (кўриниши) умумий психология фанида қаницай кўлланилган бўлса, худди шу мақсадни ўрганишга хизмат қиласи. Унда фарқли ўлароқ аксарият ҳолларда қиёсий тавсифини беришга мўлжалланади, натижада ўзаро мутагосиблик (ҳар жиҳатдан), ўзаро интилиш ўйгунилиги аниқланади. Лаборатория шароитига тадқикот мақсади катнашчиларига ошкора килинади, фан учун ҳолис ёрдам бериш зарурати тушунтирилади. Лаборатория эксперимети иккита нетизга сунянган ҳолда текшируви ишини амалга оширади; портатив методикалар (янига ва мумтоз) ва маҳсус асбоблар (аппаратуралар) ёрдами билан менежер ёки алоҳида ходим ўрганилади. Ушбу методиканинг ўзига хос томони шунцаки, унда вазият, маҳсус шароити хотиржамлиларга пуртукказади, бунинг оқибатида безовталиниш, хавотирланиш вужудга келади, олинган натижалар аниқлиги субъектив омиллар билан аралашади, муаммоли, сунъий вазиятлар табиийлик алломатларига салбий таъсир ўтказади. Лаборатория шароитидаги шахс ҳадик хис этиши туфайли ҳаяжонланиш оқибатида мавжуд руҳий имкониятларини тўла-тўқис рўёбга чиқара олмайни. Лекин табиий эксперимента караганда самарадорлиги, ишончлилиги, валидиллиги, репрезентативлиги билан бир неча баробар устуворликка эга.

Лаборатория шароитида тестлар, иштилармонлик ўйинлар, бошқатирма топшириклар ва бошқа талқикот шакллари ёрдами билан инсонни билиш жараёнлари, унинг индивидуал-типовологик ҳусусиятлари, фаолият, ҳулқ, муомала сифатлари ўрганилади. Бунда проектив методикалар, расмли тестлар, туталланмаган гап, ижодий (креатив) фикрларни кебирик бир катор портатив методларни иштироқчиларда синааб кўриш ижобий натижалар беради.

Лаборатория шароитига сезги, идрок, хотира, тафаккур жараёнларини, шахснинг индивидуал-типовологик ҳусусиятларини, асаб тизимини, физиологик механизmlарини аниқ электрон асбоблар ёрдами билан ўлчаш мумкин. Бундан ташкари, қасбий мойиллик, қасбий лаёкат, қасбий яргиллик ҳам асбоблар билан аниқ ва такроран ўлчаш имкониятига эга.

## **ЯССИНГЕР ТЕСТИ.**

Яссингер тестиning ёрдамида Сизнинг ўз ходимларингиз билан қандай муомалада бўлишингиз, улар билан осон ёки қийин мулокотга кириша олишингизни аниқлаш мумкин.

Агар сиз ўзингизга объектив баҳо беришни истасангиз, ҳамкасларингизнинг бироргасидан (албатта, сизнинг яхши билган) "Сиз учун" жавоб беришни илтимос қилинг. Бу эса сизни тушуниб олишга ва ўзингизни ўзингиз баҳолашингиз учун ҳакконий негиз бўлади.

I. Ишдаги низоларниң, камчиликларниң олдини олиш йўлларини қидириб кўрганмисиз?

1. Хар доим.
2. Баъзан.
3. Хеч қачон.

II. Танқидий вазиятда ўзингизни қандай тутасиз?

1. Ичдан ёнасиз.
2. Тўла сукут саклайсиз.
3. Ўзингизни йўқотасиз.

III. Ҳамкасларингиз сизни қандай раҳбар ҳисоблашади?

1. Ўзига ишонган ва ҳасадгўй.
2. Самимий.
3. Ювони ва ҳасадгўй эмас.

IV. Агар сизга маътулиятли мансаб таклиф килишса, сиз бунга қандай карайсиз?

1. Уни эҳтиёткорлик билан қабул қиласиз.
2. Иккичанмай рози бўласиз.
3. Ўзингизнинг шахсий ҳаловатингизни ўйлаб қарши турасиз.

V. Агар шахсий столингиздан ҳамкасларингиздан кўл остингиздагилардан бирортаси сиздан сўроксиз бир варак қофоз олса, у ҳолда ўзингизни қандай тутасиз?

1. Биринчи мартасида берасиз.
2. Қайтариб қўйишга мажбур қиласиз.
3. "Яна бирор нарса қерак эмасми?" -деб кесатиб сўрайсиз.

VI. Эрингиз ёки хотинингиз ишдан ҳар кундагидан кеч қайтса, сиз уни қандай сўзлар билан кутиб оласиз?

1. Нима сизни шунча ушлаб қолди.
2. Каерларда юрибсиз.
3. Энди ҳавотирланиб ўтирган эдим.

VII. Ҳаётга нисбатан қарашларингизни қандай баҳолайсиз?

1. Мослашган.
2. Енгил қалтабин.
3. Ўта шафқатсиз.

VIII. Шахсий автомобилингизнинг рулидасиз. Агар сизни бошқа машина кувиб ўтса, унда сиз нима қиласиз?

1. Мен ҳам уни кувиб ўтаман.

2. Эътибор қилмай кетавераман.
  3. Шундай тезлик билан кетаманки, мени ҳеч ким кувиб ета олмайди.
- IX. Агар ҳамма ишингиз ўнгидан келавермаса, сиз нима қиласиз?**
1. Айбни бошқаларга ағдаришига харакат қиласман.
  2. Мулойим бўлиб турасиз.
  3. Эҳтиёткор бўлиб турасиз.
- X. Замонавий ёшлиар ўртасидаги ахлоқизлик ҳақидаги фельетонга қандай қарайсиз?**
1. Уларга бундай кўнгил очишиларни
  2. Ташкилий ва маданий дам олиш имкониятларини яратиш лозим.
  3. Натижаси йўқ нарсага шунча овора бўламиزمи.
- XI. Агар сиз банд қильмоқчи бўлган жойни (мансаб ўринидиги назарда тутилади) бошқа бирор эгалласа, сиз ичингидан нимани хис қиласиз?**
1. Нимага мен шунча асабийлашишим керак?
  2. Кўриниб турибди, унинг киёфаси бошлиқка ёкибди.
  3. Балки келаси сафар омад кулиб боқар.
- XII. Кўркинчли кинони қандай томоша қиласиз?**
1. Зерикарли.
  2. Коникиш билан.
  3. Кизиқарли ҳам кўркинчли.
- XIII. Агар йўл бузилганилиги туфайли муҳим йигилишга кечиксангиз:**
1. Йигилиш вактида асабийлашасиз.
  2. Шериларинизни шафқат қилишларига чақирасиз.
  3. Кайғурасиз.
- XIV. Спортдаги муваффақиятларингизга қандай қарайсиз?**
1. Албатта ювишга ҳаракат қиласман.
  2. Ўзингизни яна ҳам ёшдай сезищдан қониқасиз.
  3. Агар ютқазиб қўйсангиз, жуда ғазабланасиз.
- XV. Агар ресторонда сизга ёмон хизмат қилишса, қандай муносабатда бўласиз?**
1. Жанжал чиқмаслик учун чидайсиз.
  2. Хизматчини чақириб, унга танбех берасиз.
  3. Ресторан директори олдига шикоят қилиб кирадиз.
- XVI. Сизнинг фарзандингизни мактабда хафа қилишса, сиз ўзингизни қандай тутасиз?**
1. Ўқитувчи билан гаплашиб қўясиз.
  2. “Кичик ёшли жиноятчилар” ота-онаси билан жаналлашасиз.
  3. Фарзандингизга у ҳам шундай жавоб қайтаришни маслаҳат берасиз.
- XVII. Ўзингизга, сиз қандай одамсиз.**
1. Ўртacha.
  2. Ўзига ишонган.
  3. Уддабурон, эпчил.
- XVIII. Идора эшиги олдида кўл остингиздаги киши билан тўқнашиб кетсангиз, у сиздан олдин узр сўрай бошласа, сиз қандай жавоб қайтарасиз?**

1. Қечирасиз, бу менинг айбим.

2. Хечкиси йўқ.

3. Кўзингизга қарамайсизми?, эътиборлироқ бўлиш керак-да.

XIX. Газегадаги ёшлар ўртасидаги безорилик воқеалари ҳақидаги мақолага қандай қарайсиз?

1. Қачон буларга катъий чора кўрилар экан.

2. Уларга тан жазоси берилиши жойиз.

3. Тарбиячилар айблор. ҳамма нарсани ёшларга ағдара вармаслик

керак.

XX. Тасаввур қилинг, сиз янгидан туғилмоқчисиз, лекин хайвон бўлиб, айтингчи, қандай хайвон бўлиб туғилишини афзал кўрасиз?

1. Йўлбарс ёки қоплон.

2. Уй мушуги.

3. Айик.

### Натижалар баҳоси.

Жавоблар	Саволлар тартиби																			
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
1.	1	2	3	2	3	2	2	2	3	3	1	3	1	2	1	1	1	2	3	1
2.	2	1	1	3	2	3	1	1	2	1	3	1	2	1	2	2	2	3	1	3
3.	3	3	2	1	1	1	3	3	1	2	2	2	3	3	3	3	3	1	2	2

### НАТИЖАЛАР ИЗОХИ:

Рим раками билан белгиланган саволлар қаршисида сиз белгилаган жавобингиз вертикаль устунларда жойлашган. Жавобларни очколар билан умумлаштирасиз. Хуносалар икки усул билан таҳдил қилинади.

1. Очколар сони 45 ва ундан ортиқ бўлганда:

Сиз жуда жаҳлдорсиз. Шу билан биргаликда кўпинча одамларга иисбатан ўта каттиқкўдликни рад қиласиз. Сиз ўз шахсий услубларингизни ҳисобга олган холда бошқаришни “юкори” босқичига интилмайсиз. Атрофдагиларнинг кизиқиши билан муваффакиятга интиласиз. Шунинг учун сизни хеч қандай ғароз ажаблантирумайди. Лекин имконият кам бўлганида одамларингизни жазолашга харакат қиласиз.

**36-35 очко бўлганда:** Сиз жаҳлдорсиз, лекин ҳаётда тўла муваффакият билан илгари кетмоқдасиз. Соғлом ва бакувват фикрларга бойсиз. Ўзингизга ишонасиз. Сарамжон- саришталикийни яхши кўрасиз.

**35 ва ундан кам бўлганда:** Ўз кучингиз ва имкониятларингизга етарли даражада ишонмаганлигинги уфайли осоийшталикийни матькуз кўрасиз. Бу билан сизни “хар қандай шамол остида эзиладиган ўтсиз” демокчи эмасмиз-ку, лекин озгина катъийроқ бўлинг.

2. Агар 7 ва ундан ортиқ саволга 3 очкодан ва 7 дан кам саволга 1 очкодан йигинди ҳосил бўлса:

Сизнинг жаҳлингиздаги “портлашлар” тартибсиз хусусиятга эга. Мулоқот ва шавқатсиз мунозараларга ўйламасдан киришасиз. Одамлар билан менсимаган ҳолда муносабатда бўласиз.

Агар 7 ва ундан ортиқ саволга 1 очкодан ва 7 ва ундан кам саволга 3 очкодан йигинди хосил бўлса:

Сиз жуда ҳам индамассиз (одамларга қўшилмайсиз). Бу эса сизнинг жаҳлингиз бирдан чиқишини билдирамайди эмас, балки сиз тоқат билан уни ўтказиб юборасиз.

## ТАШКИЛОТЧИЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ АНИҚЛАШ

Ушбу таклиф этилаётган тест синаловчининг ташкилотчилик қобилиятини, яъни одамларга фаол таъсир эта олиш малакасини аниқлаш имкониятини беради. Бунинг учун кўйидаги келтирилган саволларга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб қайтаринг. Жавоб берар экансиз, яққол вазиятларда ўзингизни қандай тутишингизни хулкингизни рўй-рост идрок этишга (тиклишга) ҳаракат қилинг.

1. Сизда ўртоқларингизни ўз томонингизга оғдириб олиш ҳоллари тез-тез учраб турадими? ҲА ЙЎҚ
2. Кескин вазиятларда ўзингизни яхши тутиб, вазиятни тўғри ҳал қила оласизми? ҲА ЙЎҚ
3. Сизга жамоатчилик ишлари ёқадими? ҲА ЙЎҚ
4. Агар ниятларингизни амалга оширишда айрим ҳалакит қишуви вазиятлар, ҳолатлар юзага келиб қолса, Сиз улардан осонтина воз кечасизми? ҲА ЙЎҚ
5. Сиз турли хил ўйинлар, кўнгил хушликларни ташкил қилиш ёки ўйлаб топишни ёқтирасизми? ҲА ЙЎҚ
6. Бугун бажарилиши лозим бўлган ишларни бошқа кунга қолдириш ҳоллари сизда тез-тез учраб турадими? ҲА ЙЎҚ
7. Сиз дўстларингиз билан фикрингизга мос равища иш кўришга интиласизми? ҲА ЙЎҚ
8. Сизда дўстларингиз билан улар ўз ваъдалари билан мажбуриятлари, вазифаларини бажармаганиклари туфайли низолар бўлмайди, шу ростми? ҲА ЙЎҚ
9. Муҳим ишларни ҳал килишда тез-тез ташаббускорлик кўрсатасизми? ҲА ЙЎҚ
10. Нотаниш ҳолатларда сиз тўғри (яхши) йўл тута олмайсиз, шу чинданми? ҲА ЙЎҚ
11. Агарда бошлаган ишингиз якунлай олмасангиз, бундан жаҳлингиз чиқадими? ҲА ЙЎҚ
12. Сиз дўстларингиз билан тез-тез мулоқотда бўлишдан толиқасиз, шуни тасдиқлайсизми? ҲА ЙЎҚ
13. Ўртоқларингизга таалуқли бўлган масалаларни ҳал этишда тез-тез ташаббускормисиз? ҲА ЙЎҚ
14. Сиз камдан-кам ўзингизнинг ҳақлигингизни исботлашга инти-

ласиз, шуни тасдиқлайсизми? **ҲА ЙЎҚ**

15. Сиз ишхонада ва юкори ташкилотларда қатнашасизми?  
**ҲА ЙЎҚ**

16. Агар, сизнинг фикрингиз ёки қарорингиз ўртоқларингиз томонидан бирданига қабул қилинмаса, сиз ўз фикрингизда туриб олишга ҳаракат қиласиз, шундайми? **ҲА ЙЎҚ**

17. Ўртоқларингиз учун турли хил тадбир (маросимларни) ташкил қилишга бажонидил киришасизми? **ҲА ЙЎҚ**

18. Сиз бирон-бир ишнинг битирилиши лозим бўлган (ишчан) учрашувларга тез-тез кечикиб келасизми? **ҲА ЙЎҚ**

19. Сиз тез-тез ўртоқларингиздиккага марказида бўлиб турасизми?

**ҲА ЙЎҚ**

20. Сиз ўз ўртоқларингизнинг катта гурӯхида, жамоасида ўзингизни жуда ишончли тута олмайсиз, шу чинданми?  
**ҲА ЙЎҚ**

Таклиф этилган саволларнинг ҳаммасига жавоб бериб бўлинганидан сўнг, олган балларингиз йиғиндисини ҳисоблаб чиқинг. Жавобларни баҳолашда шуни назарда тутингки, тоқ саволларга берилиган ҳар бир «ҲА» жавобингиз ва жуфт саволларга берган ҳар бир «ЙЎҚ» жавобингиз бир балл билан баҳоланади.

Бунда йиғилган балларнинг 15 балл ва ундан кўп бўлиши ташкилотчилик қобилиятининг юкори даражада эканлигидан далолат беради.

13-14 баллар ўртача.

13 баллдан кам бўлса, ташкилотчилик қобилиятини паст даражада эканлигини билдиради.

Агар сиз ташкилотчилик қобилиятингиз даражаси пастлиги учун ҳафа бўлманг, агарда унинг юкори даражасини хоҳлассангиз сиз ўзингизда ташкилотчилик қобилиятини ривожлантира олишингиз мумкин.

## **МЕНЕЖЕРНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИДАН ҚОНИҚИШ ХИССИНИ АНИҚЛАШ ТЕСТИ.**

(Р.Ю.Тошимов, Э.Ф.Фозиев модификацияси)

Сизнинг диккатингизга хавола (тавсия) қилинаётган саволларнинг ҳар бирига «ҲА», «ЙЎҚ» ва «БАЪЗИДА» деган жавобларни беришингиз мумкин. Саволларга иккilanмай жавоб қайтаринг, лекин иккитасини белгилашга ҳаракат килманг. Жавобларингиз самимий бўлишини ёдиниздан чиқарманг.

1. Сизда ўз меҳнатингиз натижасидан (маҳсулидан) қониқиши ёки қониқмаслик хисси ҳосил бўладими?

2. Шундай вазиятлар ёки ҳодисалар юзага келадики, бундай кезларда Сиз ўзингиздан жуда қониқасиз.

3. Сизнинг иш жараёнингизда қийинчиликлар, кўнгилсизликлар бўлиб турадими?

4. Сизда шундай вазиятлар кечадики, бундай пайтларда Сиз кас-

бий фаолиятингиз билан вужудан шуғулланиб, вакт ўтганини сезмай қоласиз.

5. Сиз ўзингизнинг касбий фаолиятингизни ижтимоий фойдали томони ҳақида ҳеч ўйлаганмисиз?

6. Сиз меҳнатингиз самарадорлигини ошириш чораларини излайсизми?

7. Сиз ўз меҳнатингизнинг ижтимоий фойдалилик коэффициентини бошқаларники билан солиштирасизми?

### **БАЛЛ. НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ.**

Таклиф этилган саволларнинг ҳаммасига жавоб бериб бўлганингиздан кейин жавобларни баҳолашда кўйдагиларни назарда тутиңг:

«ҲА»-5 балл, «ЙЎҚ»-2 балл, «БАЪЗИДА»-4 балл билан белгиланг.

Тўғланган балларни бир-бирига қўшиб ёзинг ва йигиндинини 7 га бўлинг. Олинган хосила 4 ва ундан ортиқ бўлса, унда менежер касбий фаолиятининг самарадорлиги ва ўз меҳнатидан қониқиши ҳисси юкори, 3-3,5 балл тўпласангиз, фаолиятга бефарқлигини, 3 ва ундан кам балл жамғарсангиз, меҳнатингиз самарадорлиги ва ундан Сизни қониқишинингиз настлигини кўрсатади.

**0-3 паст, 3-3,5 бефарқ, 4-5 юкори.**

Менежмент психологияси курси бўйича маълумотлар тўплашда муаммоли ва сунъий кийинлаштирилган вазиятни қўллаш экспериментал методи муҳим роль ўйнайди. Муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва унинг ечимини топиш методи синалувчининг ақл-заковати кўрсаткичи, ижодий изланиши, ақлнинг чукурлиги, терапији, маҳсулдорлиги, тезилиги, ҳиссий кечинмаларини идора эта олиш имконияти, шахснинг интровертлиги, экстравертлиги хусусиятлари, хавотирланиш (безовталаниш) даражаси юзасидан ҳам назарий, ҳам амалий материаллар йигишга мўлжалланган. Одатда муаммоли вазиятни табиий шароитда яратиш муайян босқичлар оркали ечимини топиш тифайли амалийлигини барқарорлаштиради: а) муаммо моҳиятига кириш; б) муаммо ечимини излаш учун воситалар, йўллар танилаш; в) саралangan усулилар, воситалар ва йўлларни татбиқ этиш; г) ечимиning тўғрилигини текшириш.

Муаммоли вазиятлар ҳилма-хил ҳолатларга, мавзуларга бағишлиланган бўлиб, аниқ вакт оралиғида уни ҳал қилиш, ечиш амалга оширилади. Масалан, “Ишлаб чиқаришнинг иктисадий омилини баркарорлаштириш мумкинми?”, “Ходимлар ўртасида қўнимизизликнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?”, “Жамоада фидоийлик тўйғусини қандай шакллантириш мумкин?” ва ҳоказо. Муаммо индивидуал ва гурӯҳий тарзда ҳал қилиш йўллари мавжуд бўлиб, юзага келган шароит, ҳолат ва вакт бирлигига биноан ҳар хил усулилар татбиқ этилади. муаммоли вазиятнинг счими қатъий ва мутлақ бўлиши шарт эмас, кўпинча нисбий хусусиятга асосланган ҳолда унга ёндашилади. Вазиятлар тўғрисида амалий тажри-

балар ва назарий хулосалар малакаси ошиб бориш туфайли ечимини тошига камроқ вакт сарфлана бошлады.

Менежмент психологиясида күтилмаган, экстремал ҳолат юзага келтириш учун сунъий қийинлаштирилгандан эксперимент сифатида фойдаланилади. Масалан, вакт тифизлиги, таъминот ночорлиги, маблағ етишмаслиги, күшимиш ишлаш имконининг йўклиги моҳиятидан келиб чиқкан ҳолда тезкор ечимини топиш таклиф қилинади. Агарда менежер ёки ходим ташкилотчилик қобилиятига, ишчанлик укувига, топкирликка эга бўлса, сунъий вазиятдан чикиш енгил кўчади. Шунингдек, текширилувчиларнинг психологик хусусиятлари мулоҳаза юритиш давомида аникланади, лавозимга мос ёки номутаносиб эканлиги якъол кўзга ташланади. Худди шу боисдан мазкур эксперимент методини кўллаш ижобий натижалар олишга хизмат қиласи ҳамда қатниашчиларнинг ички имкониятиларини аникланашга замин хозирлайди.

Шахс хусусияти ва фаолиятининг психологик портретини яратиш (сўз ёрдами билан чизиш) методи оммавийлашиб бормоқда. Раҳбар ёки мутахассиснинг психологик портрети тўғрисида маълумотга эга бўлиш, шахсий тавсифнома ёзиш, лавозимга лойиклигини баҳолаш, умумий рухий мухитни аниклаш, шахсларо муносабат мароми юзасидан мезоний маълумотларни умумлаштириш учун амалий аҳамият касб этади. Менежер (раҳбар) шахси тўғрисидаги жамоатчилик, жамоа аъзолари ўртасида ахборот ва мулоҳаза сифатида бир инсондан иккинчи шахсга фикр алмашув жараёнида узатиладиган фазилат, хусусият, сифатга таалукли маълумотларни йиғиндиши муйайн танланишидан кейин, ўзига хос умумият баҳоси кўринишида мужассамлашади. Айнаш унинг негизида шахснинг психологик портрети яратилади. Ушбу яралиш жараёни оғзаки (сўзлар узатилиши ёки қабул қилиниши орқали) ва ёзма (муайян одам тўғрисида хужжат, очерк, тавсифнома ва ҳоказо) тарзда ифодаланади. психологик портретининг оғзаки ва ёзма шакли билан танишиши орқали у ёки бу тарздаги таассуротлар, кечинмалар, хайриҳохлик, самимият, антипатия, фахр туйғуларини вужудга келтиради.

Фаолиятнинг кечиши, унга нисбатан муносабатнинг ифодаланиши муайян даражада субъектнинг психологик портретини яратишга муҳим шарт-шароит юзага келтиради. Бу рухий ҳодиса якъол кузатиш орқали ёки фаолийт маҳсулига нисбатан бошқа одамларнинг муносабатини (баҳо бериши) туфайли намоён бўлади. Менежер ёки мутахассис фаолияти юзасидан билдирилган мулоҳазалар уларнинг психологик портретини ҳосил қиласи ва тахминий баҳолашга имкон туфтиради.

Шахснинг хусусияти ва фаолияти мазмуни тўғрисида мулоҳаза юритиш психологик портретни яратади, шахсларо муносабат маромини аниклашга хизмат қиласи. Тасаввур образлари, умумлашма образлар, авторитар муносабат психологик портрет негизида шаклланиши мумкин.

Менежер фаолиятини шаҳодатлаш (аттестациялаш) методи ижтимоий психология учун муҳим аҳамият касб этади ва унинг шу касбга (лавозимга) лойиклиги ёки яргисизлиги тўғрисида қатъий баҳолаш тизимини вужудга келтиради. Аксарият ҳолларда унинг психологик хусусиятлари,

характерологик хислатлари, индивидуал-типологик сифатлари, иродавий фазилатлари, ҳис-түйғулари, билимдонлиги, интеллектуал даражаси, кенг күләмдаги қобилятилари, дунёқараши, эътиоди, иймони шакіланғанлық даражаси аниқданади ва баҳоланади. Бунинг учун маҳсус тестлар, экспериментал текшириш, сўровнома, муаммоли вазият, савол-жавоб ва бошқа тадқиқот методлари күләмнелди. Олинган натижалар текширилувчининг яхлит психологик баркамоллигига оид мезонларга мутаносиб бўлса, у тақдирда шаҳодатлаш жараёни амалига оширилиши мумкин.

Психология фанида шаҳодатлашнинг бир неча туркумлари мавжуд ва күлланиладиган методикалар ҳам ранг-баранг бўлиши назарда тутилади. Улардан бигтаси менежернинг мотивацион, эмоционал, когнитив, иродавий, регулятив соҳаларини ўрганиш оркали унинг шахсини қўпкиррали ёндашув ёрдами билан аниқлашдан қоникиш туфайли шаҳодатлаш. Касбий фаолияти тизимини пухта эгаллашга нисбатан баҳолаш мезони ҳам шаҳодатлашга имкон беради. Бу мезон бирёзламга ўхшаб туоялса-да, лекин қасбий мукаммалликни ўзида мужассамлаштириши мумкин. Баъзи ҳолларда ишлаб чиқаришнинг технологик жабҳалари устуворлик қиласада, аммо гуманитар, ижтимоий томонлари бир мунча заифлигича қолаверади. Шунинг учун менежер ёки етакчи мутахассисни шаҳодатлаш жараёнида шахсий текширилиши натижаси билан эксперт баҳосини уйғулаштирилса, оқилона иш қилинган бўлар эди.

## **ЖАҲОН ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИДА РАҲБАР ПСИХОЛОГИЯСИННИНГ ЎРГАНИЛИШИ.**

Раҳбар кадрлар муаммосини ўрганиш психология тарихида сезиларли даражада ўрин эгаллайди. Бунинг асосий сабаби социология, социал психологиянинг тарихий этюларида раҳбарнинг ижтимоий турмушдаги роли, мамлакат, ҳалқ тақдиридаги масъуллиги, тараққиёт (прогресс), фарвоеник, баҳтири турмуш кўп жиҳатдан унинг шахсиятига, фаолиятига, қобилятига, ақл-заковатига боғлиқ экандиги баён қилинган. Мутафаккир аждодларимиз таълимотларида, ҳалқ ижодиётида адолатли ва адолатсиз шоҳ тўғрисидаги маълумотлар ҳаддан зиёд кўп. Абу Райхон Беруний асарларида, ал-Фаробий қўлёзмаларида раҳбар (юксак лавозим эгаллаганлар назарда тутилади) инсонларнинг шахсий фазилатлари, уларнинг олдила турадиган мураккаб, масъулиятли вазифалар, айрим иллатларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш йўл-йўриклари бўйича ибратли фикрлар билдирилган. Айниска, раҳбарнинг фахм-фаросати, донишманлиги, ҳаққўйлиги, ҳалқпарварлиги, инсоф диёнатлилиги, саҳоватпешалиги илимий-амалий намуналар асосида таъкидлаб ўтилган.

Ватандош шоир ва ёзувчилар ижодиётида, фольклорда саҳиийлик-очкўзлик бир-бирига кескин қарама-қарши қўйилиб, улар инсофга чақирилган. Давлатнинг у ёки бу лавозимида амалдорлик қилиган кишиларнинг руҳий дунёси ҳалқ донишманлиги намуналарида ўз ифодасини топган.

Жаҳон фалсафа фанида инсон муаммоси, жамият ва индивид, бошқариш масаласи пуктаси назаридан мазкур мавзу талқин қилинган. Файласуфларниң қарашларини таҳлил килиш тадқиқотимиз предметига, вазифасига кирмаганлығи учун уларнинг таълимотига тұхталмаймыз.

Асосий мұлоҳазаларимизни илмий психологияга мұносиб ҳисса күшгап рус психологлари асарларининг таҳлилидан бошлаймиз.

С.Л.Рубинштейн ўзининг кенг қамровли қарашларida нафақат психология фанинин принциплари (тамойиллари) бўлмиш детерминизм, онг ва фаолият бирлиги, тараққиёт, монизм кабилардан ташқари шахс камолоти муаммосига ҳам алоҳида аҳамият берган. С.Л.Рубинштейн “Инсон олами” (“Умумий психология муаммолари” асарининг сўнти боби) асарида инсон - биосфера (носфера) мұносабатлари нафақат алоҳида олинганд шахсга боғлиқ эканлиги, балки жамоа ва унинг раҳбари, ҳамкорлик фаолиятнинг натижаси, маҳсулни худди шу мұносабатнинг негизи бўлишини пухта иборалар орқали далиллаб беришга эришади. Унинг фикрича, раҳбарнинг энг асосий ҳусусияти - бу атроф-муҳитнинг субсансор тарзда акс эттира олишидир. Иродавий сифатлар негизи мотивацион-хиссий, когнитив ва регулятив жабҳаларнинг ҳаракатлантирувчи эканлиги шахснинг ўзини-ўзи бошқариш имкониятидан келиб чиқиб билдирилган фикрdir. Раҳбарнинг регулятив ҳусусияти жамоа фаолияти ва уни мақсадға мувофиқ равишда йўналтириш туфайли ижобий натижалар, маҳсулларга эришиш мумкинлиги таъкидлаб ўтилади.

С.Л.Рубинштейн асарларida шахслараро мұносабат ҳусусиятлари (горизонтал, вертикаль, шахсий, расмий ва хоказо) тўғрисида, шунингдек, раҳбарнинг иш услублари бўйича, (демократив, авторитар, либерал) мүайян фикрлар билдирилган ва уларни такомиллаштириш йўллари кўрсатиб ўтилган.

А.Н.Леонтьев таълимотига биноан, раҳбар эмоцияси, мотивацияси, эҳтиёжи унинг шахсиятини белгиловчи асосий омиллар бўлиб ҳисобланади. Ички қўзғатувчиларнинг қатъиятлиги, барқарорлиги шахснинг мукаммаллигини билдиради ва ҳамкорлик фаолиятини вужуга келтиришга пухта негиз хозирлайди. Субъектта субъектив мұносабатни амалга ошириш давомида раҳбарликнинг муйян сифатлари шаклланиб боради ва аста-секин иш услублари, шахслараро мұносабатлар шакллари эгалланади. Раҳбар учун маънно касб этувчи мотивация унинг фаолиятини бошқаришга зарур шарт-шароитлар яратади, бунинг натижасида низоли вазиятларни бартараф этиш имконияти туғилади.

Б.Г.Ананьев ўзининг ижтимоий психологияга бағищланган асарларидан асосан уч омилга: 1) шахслараро мұносабатдаги ижтимоий психологик ҳолатта; 2) мазкур мұносабатдаги лидерлик ҳусусиятларига; 3) ҳамкорликдаги ташкилотчилик қобилиятига эътиборни қаратади. Бизнингчада, уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос мезон вазифасини бажара олади, натижада расмий ва норасмий лидерлар, уларнинг универсал, вазиятбои, ижодий, ижро этувчи раҳбар типларига ажратиш имконини яратади. Раҳбар расмий лидер бўлганилиги туфайли унинг типлари кўн жихатдан шахснинг еткулилигига боғлиқ, бинобарин, универсаллик, кенг қамровга

эга бўлишлик унинг пухта руҳий мухит, чексиз ижобий бошқарув имкониятига эга эканлигидан далолат беради. Унинг иш услублари ичидан биттасининг устуворлиги меҳнат маҳсултининг самарадорлигини оширишга ёки камайтиришга олиб келиши Б.Г.Ананьев томонидан чукур ва ишонтиратли даражада талқин килинади.

Б.Ф.Ломов ижтимоий психологиянинг янги соҳалари бўйича тадқикот ишлари олиб борган психологлардан бири бўлиб ҳисобланади. Б.Ф.Ломов ўз изланишларида бир нечта йўналишларни қамраб олади:

- 1) муомала - фаолият, жараён, фикр узатиш воситасида сифатида;
- 2) қарор қабул қилиш типлари, воситалари ва ундаги билвоситалик ва бевоситалик хусусиятлари роли;
- 3) ҳамкорлик фаолиятнинг тузилмаси ва унинг ўзига хос тавсифлари;
- 4) раҳбар кадрлар фаолиятининг тузилиши;
- 5) раҳбарнинг типлари ва иш услублари ва бошқалар.

Б.Ф.Ломовнинг раҳбар фаолиятига нисбатан ўзига хос ёндашуви ҳамда унинг яхлит тузилишга эга эканлиги тўғрисидаги мулоҳазалари мухим аҳамиятга, ҳамкорлик фаолиятига тизимли ва қажмуавий ёндашувлар бошқарувнинг муайян асосда рўёбига чиқариш имконияти мавжудлиги юзасидан билдирилган фикрлар раҳбар психологияси учун алоҳида аҳамият касб этади.

Б.Ф.Ломовнинг фаолиятга ёндашуvdаги (операторлик, мұхандислик, нозимлик) янгича муносабат уларни бошқариш учун раҳбар касбида мүайян фазилатлар, оперативлик, ишчанлик, сергайратлик хусусиятлари мавжуд бўлишини тақозо этади. Муомала ва фаолиятдаги изчилик иш ҳаракатлари оддийдан мураккабга ва ундан янада ижодийликни талаб килувчи вазиятга ўсиб ўтиши раҳбардан маҳсус кобилиятлар, амалий кўнникмалар ва малакаларни шаклланган бўлишининг заруриятга айлантиради, маҳсулдорлик, самарадорлик келиб чиқишини рўй-рост таъминлайди.

Р.Х.Шакуров мактаб директорининг ижтимоий психологик киёфасини тадқик этар экан руҳий мухитни вужудга келтиришдан ташқари раҳбарнинг ишибилармонлик хислати, ташкилотчилик қобилияти мухим аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтади. Раҳбар билан унинг қўл остидаги жамоа аъзолари билан ўзаро таъсир кўрсатиши куйидаги ҳолатлар орқали намоён бўлишини маҳсус таъкидлайди:

- 1) шахснинг раҳбар ролига кириш жараёни ҳамда раҳбар билан ходимларнинг ўзаро ижтимоий психологик жихатдан мослашуви (адаптация);
- 2) бошқарувнинг ижтимоий психологик функцияларини бажаришнинг долзарблиги ўзгариши;
- 3) раҳбарнинг иш услубига нисбатан ижтимоий психологик талабларнинг динамикаси ва жамоанинг шаклланиш жараёнида бошқарувнинг ҳар кайси функциясини бажаришда усулларга тобора юкламанинг кучайиши кабилар.

Муаллиф мактабни бошқаришининг ижтимоий психологик назариясини яратишга муҳим ҳисса кўшишга муваффак бўлади.

А.Г.Ковалев мазкур муаммога кўп киррали ёндашишга интилади ва бу борали муайян муваффакиятларни кўялга киритади. Тадқиқотнинг биринчи масаласи жамоадаги низолар ва уларнинг олдини олишга бағишиланади. Бунда низонинг психологик талкини, келиб чиқиши сабаблари, таснифлари мезонлари, тамойиллари, олдини олиш йўллари ва бартараф этиш воситалари юзасидан мулоҳаза юритилади. Тадқиқотнинг ижтимоий кинчи муаммоси қарор қабул килиш (карорга келиши) психологияси ва ижрони ташкиллашни ўрганишдан изборатдир. Раҳбар томонидан қарор қабул килишининг босқичлари, уни ижро этишининг ташкиллаштириши, жамоа ва раҳбар фаоллигини рафбатлантириш воситалари тўғрисида атрофлича мулоҳаза юритилади.

Тадқиқотнинг яна бир жабҳаси жамоага ва шахсга нисбатан раҳбарнинг мурожаат қилиши ва муносабати услубига қаратилади. А.Г.Ковалев муносабатлар психологияси, симпатия муносабати ва раҳбарлик, приципиаллик одамларга нисбатан раҳбарни муносабатининг ижтимоий, умумий кўрсаткичи эканлиги, мурожаатнинг ўзига хос хусусиятлари, вариациялари, инвариантлари, шакллари, босқичлари юзасидан маълумотлар таҳлил қилинади. Раҳбарнинг маҳсус қобилиятлари ва унга тайёргарлик масаласи монографик тадқиқотнинг асосини ташкил қиласди. Худди шу боисдан тадқиқотнинг тартиблари оригинал атамалар орқали мозаҳияти очилади ва тузилмали жабҳалари талкин этилади, натижада изланишининг концептуал модели яратилади. Жумладан, 1) жамоани бошқариш-фаи ва санъат; 2) меҳнатга касбий психологик тайёргарлик; 3) раҳбарнинг ташкилотчилик қобилияти; 4) раҳбарнинг педагогик қобилияти; 5) раҳбарнинг ташкилотчилик фаолиятининг юксак намуналари; 6) раҳбар қобилиятиларини ривожлантириши ва тайёргарликни таомиллаштириш йўл-йўрүклари кабилар.

А.Г.Ковалев ўз асарида жамоа раҳбарининг нуфузи (авторитети) масаласига алоҳида эътибор беради. Раҳбар авторитетининг бошқарув самародорлигига таъсири, авторитетли раҳбарнинг шахсий киёфаси, юксак обрўга эга бўлган раҳбарнинг намунаси, авторитетни шакллантиришнинг йўллари тўғрисидаги маълумотлар таҳдили ва улардан келиб чиқадиган хуросалар муҳим аҳамият караб этади. Муаллифнинг психология фанига кўшган ҳиссасидан яна бири - бу раҳбар типологияси ва раҳбарлик услублари мозаҳияти, мажмуаси атрофлича таҳлил қилингандигидир. Бунинг учун муаллиф жамоа ҳаётидаги раҳбарнинг аҳамияти ва роли масаласини ёритишга ингилади ҳамда бу борада муайян ютуқка эришади. Раҳбар ва унинг иш услуги босқичма-босқич, шаклий ва мазмуний жиҳатдан тузилиши бўйича назарий, амалий материаллар умумлаштирилади. Раҳбар типиларининг психологик табииати кенг кўламда баён қилинади ҳамда изохлаб берилади. Хуллас, раҳбарнинг профессиограммасига оид материаллар А.Г.Ковалевнинг монографиясида изчил равишда мужассамлаштирилгандир.

В.И.Михеевнинг илмий тадқиқоти бошқарувнинг ижтимоий психологияк масаласига бағищланган бўлиб, унда раҳбарнинг иш услубияти ва услубига кенгроқ ўрин берилади. Муаллифнинг фикрича, раҳбарнинг ишга оид маълумотлар билан танишганлик даражаси ва ахборотлар мажмуси (банки) унинг учун энг зарур омил бўлиб хизмат қиласи. Раҳбарнинг шахси, бошқарув муносабатларининг хусусиятлари, ишловчиларининг шахсий фазилатлари, уларни шаҳодатлаш мұваффакият гарови ёки рухий мухитнинг кафолатидир. Расмий ва норасмий түрлудар, меҳнатта муносабаг ва иш услуби, ижтимоий рухий мухит, меҳнатдан қониқиши, ташкилий алоқалар, психологик тестлар, ходимлар ва раҳбарлар билан сұхбатлашып тизимли тадқиқотни амалга ошириш учун энг зарур шарт шароитлар яратади деган гоя монографияда чукур ўрнашган.

В.И.Михеев бошқарув қарорини қабул қилиш масалаларини умумлаштирган ҳолда қарор ва уни ташкиллаштириш, маstryуяйтни қарор топтириш ва назоратни марказлаштириш каби омиллар негизини тадқиқ этишдан келиб чиккан ҳолда уни ўрганишга ҳаракат қиласи. Ишга таалукли, дахлдор йиғилиштарнинг меҳнат қилиш касбий моҳиятига ва унинг хос табиатига таъсирини уйғушаштириб ўзаро таъсир, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини текширади. Меҳнатнинг оқылана тақсимланиши ва уни стандартлаштириш, штатли лавозимлар түғрисида йўриқномалар ҳамда уларнинг шахсни ўзини-ўзи бошқаришга таъсир оқибат натижада ҳамкорлик фаолияти маҳсулі сифати масаласига боғлиқлиги таъкидлаб ўтилади.

Монографияда ходимлар ва ижрочиларга бошқарув маълумотларни узатиши муаммоси чукур ўрганилади ва таҳлил қилинади. Бунинг учун муаллиф раҳбарликнинг этискаси ва қўлидаги ҳукмронлик имконияти, авторитети масалаларининг ижтимоий психологик механизmlари ролига алоҳида баҳо беради.

Кўл остидаги одамларга муайян кўрсатмалар бериш методларини ўрганиади. Жамоада қатнашчилар ўзаро муносабатида, шунингдек, раҳбар-логик табиати ҳамда тавсифи қатъий равишда таъкидланади. Раҳбарнинг талабчанилиги ва меҳнат интизоми, бюрократизм билан курашиб, бошқарув жараёнида омманинг иштироки, ишлаб чиқаришда танқид ва ўзини-ўзи танқиднинг умумий фаолияти учун аҳамияти хаспўшланади. Хўжалик юритиши билан тарбиявий ишнинг уйғулиги мотивация шаклланиши гарови эканлиги асарда талқин қилинади.

К.А.Абульханова-Славская ўз асарида фаолиятнинг регуляция қилишининг шахсликка дахлдор механизmlари тўғрисидаги масалаларни таҳлил қилиб, шахснинг барқарор шаклланган ижтимоий малакалари, қадриятлари, ҳаёт позицияси ва стратегияси бошқариш уқувини келтириб чиқарувчи асосий омил эканлигини далиллайди. Шахслик механизмлари бошқарув кўнкиммаларини айрим олинган кишиларда таркиб топтириш кафолати бўлиши назарий жиҳатдан исботлаб берилади. Бу аснода муайян тавсиялар илова қилинади.

М.Марков ўзининг ижтимоий бошқарувнинг назарияларига бағишиланган асарида мажмуавий муаммоларни кетма-кет ҳал қилишининг йўл-йўриклиарини тадқиқот қилади. Муаллиф бошқарувнинг ижтимоий психологияк асослари, омиллари, тавсифлари, намоён бўлиш хусусиятлари, босқичлари юзасидан илмий мушоҳадалар юритади ва бунда жаҳон психология фанининг ютукларига асосланади. Бошқарувнинг тарихий жабҳалари, шакллари, ривожланиш, ўзгариш туфайли янги сифат босқичига ўсиб ўтиш муаммолари таҳлил этилади. Ҳамкорлик фаолиятининг тузилиши, шакланишнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари ёритиб берилади. Қарор қабул қилишнинг иерархияси ва жараёнида норасмий омиллари, демократив иш услубининг устувор роли изоҳланади.

А.Л.Свенцицкий бошқарувнинг ижтимоий психологисини кенг кўламда тадқик қилади. Муаллиф бошқарувнинг турлари ва уларнинг раҳбарлик типологияси, раҳбарнинг иш услуби билан бевосита алокаси сингари масалаларни экспериментал тарзда ўрганади. Олинган эмпирик маълумотлардан келиб чиккан ҳолда уларнинг самарадорлиги даражаси, кўрсаткичи, ўзаро корреляцион алокалари, баркарорлик коэффициентларига узвий боғликлиги таъкидлаб ўтилади. Қарор қабул қилишнинг бошқарувдаги роли, унинг хилма-хил кўринишлари, семантик жиҳатдан ўйғуллиги баён қилинади.

Б.Д.Паригин ижтимоий психологик муаммонинг асослари юзасидан мулоҳаза юритганида куйидаги жабҳаларга эътибор қилади:

1) раҳбар ва жамоа ўртасидаги мутаносиблик мувваффакият гарови эканлиги;

2) жамоадаги ва раҳбар билан ходимлар ўртасидаги низоларнинг келиб чиқишига асосий сабаб бўлган факторларнинг объектив ва субъектив негизи;

3) қарор қабул қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ва таъсир этувчи иш услублари, муносабат, мурожаат воситаларининг роли;

4) раҳбарнинг шахсга оид хусусияти, ижтимоий установка, ижтимоий ўзаро таъсир қабиларнинг мажмуавий мужассамлашиши ва бошкалар.

Б.Д.Паригиннинг асари раҳбар кадрлар тайёрлашнинг назарий асослари тўғрисидаги бой маълумотлари билан ушбу мавзуни тадқикот этишга макаммал негизлар ҳозирлайди, илмий платформа вазифасини бажаради.

### **Раҳбарлик имконияти тести.**

Сиз ўзингизни қанчалик ажойиб раҳбар эканлигинизни билмокчи бўлсангиз, у ҳолда куйидаги тест саволларига жавоб беринг.

I. Ҳафтанинг ҳар бир куни учун иш режасини тузуб чиқасизми?

а) Албатта тузаман.

б) Агар турли туман ишлар кўпайиб қолсагина тузаман.

в) Бошқа қиласидан ишим йўқми?

2. Ҳар бир ишга раҳнамолик қилиш учун ўз вактингизни хисоблаб чиқасизми?

- а) Албатта.
- б) Ҳа, жуда бўлмаса тахминан.
- в) Баъзида айниқса иш кўп, лекин вақт оз бўлган пайтда.
3. Бирон бир жиддий қарор қабул қилишдан олдин, жамоа билан маслаҳатлашасизми?
- а) Ҳа, аммо факат ўринбосарлар билан ёки кимга алоқадор бўлса, шу одам билан.
- б) Ҳа, менинг фикримни тўлдиришга ёрдам бера оладиган ҳар бир ходим билан.
- в) Баъзида, унда ҳам вақт бўлсагина.
- г) Қарорни ўзим қабул қиласман, кейин эса уларни ҳафа бўлмасликлари учун ўзимни маслаҳатлашгандек қилиб қўрсатаман.
- д) Йўқ, нима қилиш кераклигини ўзим яхши биламан.
4. Сизга қандай бир ишни бошқаларга қараганда пухта ва тез қила оладигандек туюлса, аммо ишни бошқалар билан ҳамкорликда бажаришингизга тўғри келса, сизда уни ўзингиз мустақил бажариш ҳоҳиши пайдо бўладими?
- а) Йўқ, чунки ҳақиқатдан ҳам бу менга шундай туолиши мумкин.
- б) Йўқ, чунки ёлгиз ўзим қанчалик куйиб пишмайнин бари-бир ҳамкорликда тезроқ бўлишини тушунаман.
- в) Пайдо бўлади, лекин ҳеч кимни ҳафа килмаслик учун бу ҳақида оғиз очмайман.
- г) Пайдо бўлади, бу тушунарли, лекин ҳамма учун битта ўзим ишламайман!
5. Ҳатто Сизнинг фикрингизга бошқалар қўшилмасалар ҳам, Сиз ўз нуқтаи назарингизни ҳаммага қабул қилдиришга уринасизми?
- а) Ҳа, агар сўзсиз ҳақ эканлигимга ишонсанам.
- б) Ҳа, ўзимни обрўйимни тўқмаслик учун.
- в) Фикрим нотўғри эканлигини сўзсиз исботловчи далиллар келтиргунларига қадар фикримни ўтказишга ҳаракат қиласман.
- г) Йўқ, калта фаҳмлар билан тортишгандан нима фойда.
- д) Йўқ, кўпчилик хато қилиши мумкин эмас.
6. Сиз ўз шахсиятингизга нисбатан танқид ва танбехларга қандай муносабатда бўласиз?
- а) Эшитганиларимнинг ҳаммасини хотиржам ўйлаб чиқаман, агарда танбех ёки танқид ўринли эканлигига ўзимда ишонч туйгуси туғилса, у ҳолда хатоларимни тақрорламасликка ҳаракат қиласман.
- б) Олдин жаҳлим чиқади, кейин тинчлангач эшитганиларимдан нима ўринли ёки нима ўринисиз эканлиги тўғрисида мuloҳаза юритаман.
- в) Мен танқид килган одамни “кўзига чўп тикишга” йўл қидираман.
- г) Агар хурмат қиласиган одам фавқулодда мени танқид килса, жаҳлим чиқмайди, бошка вазиятларда эса бунга эътибор қilmайман.

КАЛИГ:

**16-20 очко:** Раҳбар бўлиш учун имкониятларингиз ёмон эмас. Сиз одатда, ўз иш кунингизни тўғри ташкил этасиз, кизиқонлик билан қарор кабул килемайсиз, ҳар доим ўз фикрингиз бўлса ҳам ўзгалининг фикрини хурмат қиласиз. Ҳамкорликдаги ишни бажараёттанингизда “кўрпани ўзингизга тортмайсиз”, етарли даражада ўзингизга танқидий қарайсиз. Бошқалар билан мулокотга киришганда сиз босиқсиз ва хайриҳоҳисиз. Ягона нарсага эътибор беришингиз керак: у ҳам бўлса - маълум даражада келишувчаликка ён беришга мойиллик. Баъзида бу мойиллик иш туфайли эмас, балки муносабатларни бузишни хоҳламаслигингиз туфайлидир.

**13-15 очко:** Сиз раҳбарлик килиш учун ҳали уюшқолик, қатыялтилик этишимайди. Шу түфайли кўп ўйлаган нарсаларингизни охиригача стказа олмайсиз. Ўз нуктаи назарингизни химоя килаётганингизда сизнинг тўғридан тўғри гапиришингизни устулигингиз деб баҳолаб бўлмайди. Баъзидан сиз ҳаддан зиёд хиссиятга берилувчансиз. Кўпроқ мулоҳазалик ва ўзингизни босиб туришлилик сизга ҳалақит бермаган бўлур эди. Аммо буларнинг барчаси маълум даражада очик кўнгиллилик “кўлтигингизда” тош солиб юрмаслик хоҳиши ҳамда бирданига бўлмаса ҳам ўз ҳатойингизни тан олишингиз билан ювилиб кетади.

**10-12 очко:** Сизнинг ишингизни режалаштириш хоҳишининг йўклиги, худди шунингдек, буни кила олмаслик билан ҳам айблаш мумкин эмас. Хатто режа тузсангиз ҳам унга амал қилингизга ҳеч қандай кафолат йўқ. Ажабланарлиси шуки, ўз қобилиятингиз тўғрисида фикрингиз, юмшоқ қилиб айтганда, ёмон эмас, шу билан бирга сизнинг қарорларингиз энг тўғри эканилигига ишончингиз ҳам йўқ. Ўзингизни ўёқ бўёқка ташлашда кўпроқ сиз ўз фикрингизда қайсарлик билан турализ, гоҳ эса кичкина қаршиликда ҳам дарров таслим бўласиз. Ўз шахсиятингизга нисбатан танқидни душманларнинг иши деб карайсиз. Аммо ҳар доим ҳам буни тан олавермайсиз.

Сиз учун күпроқ ташкилдилек ва бошқаңарниң фикрига күпроқ, қизиқувланып зарур, ишда ўз түүрингизда кампроқ, ўйлашынгиз лозим.

**9-9 очко:** Сизнинг асосий кулфатингиз-”юкори”нинг фикрига қараб иши килиш одатидир. ”Юкори” поҳак эканлигингизни тушуниб турсангиз ҳам сиз хеч қачон уларни инкор этмайсиз, кўрсатмаларни бажармаслик тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бунинг негизида барча колгандарнинг оқибати келиб чиқади: кўрсатмаларга риоя килинап экан, ўзингиз фикрлаб, нималарни дир ташкил килиб, тортиниб юришга нима хожат. Шахсиятнингизга бўлган таниклиларга нисбатан “бепарвосиз”, дейиш мумкин эмас, чунки улар сизга тегиб кетади, лекин сиз барибир бирон нарсани ўзлаштиришга интилмайсиз. Ҳамкорликдаги ишда одатда сиз нима тоңширилган бўлса, шуну бажарасиз. Бироқ сизда ишга нисбатан кизиқиш пайдо бўлса, унда

сиз ўзингизда мустакиллик, қатыйлик, ташкилотчилик қобилияларини намоён килишингиз мумкин.

### **Тест калити.**

Жавоблар т.к.№	Саволлар тартиби.					
	1	2	3	4	5	6
A	3	3	0	1	3	3
Б	2	2	4	3	2	2
В	0	0	3	2	4	0
Г			2	0	1	1
Д			1		0	

### **ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР ҚИЁФАСИ.**

Раҳбар психологияси, бошқарув қобилияти, услуби, муомала маҳоми, шахслараро муносабатлар, ижтимоий тренинглар, ишбилармонлиқ ўйинлари, фикрлар жанги бўйича раҳбар кадрларга умумий тушунча, шунингдек, амалий кўрсатма бериши зарурияти бир талай эҳтиёжлар негизидан келиб чиқади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг таъкидлашича, тарбиячилар замонавий билим бериши, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмокда («Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори»).

Бу миллий кадрлар тайёрлашнинг бир томони, унинг иккинчи томони эса раҳбар кишиларнинг маънавий, руҳий қиёфасидаги камчиликларида мужассамлашгандир. Ҳатто ўз она тилида мулоҳаза юритиш имконига эга бўлмаган потиклик санъатидан йирок мутахассислар ҳам раҳбарлик курсисида ўтирибилилар.

Бизнингча, раҳбарлик лавозимига мукаммал шахсий фазилатларга, мустаҳкам миллий характерга, бошқарувчилик қобилиятига, муайян муомала маромига, гоявий-сиёсий эътиқодга, миллий қиёфа, миллий ҳисстайгулар, анъанаалар, расм-русумларни ўзлаштиришга эга бўлган мутахассислар ўтиришлари лозим. Токи ижтимоий тараққиёт уларнинг измида эканлигини тушуниб етсинлар.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида илмий даражали ва университет дипломига эга бўлган психолог мутахассислар корхоналарда, таълим тизимида меҳнат қўлмоқдалар. Бошқарув фаолиятидан таълим берадиган Давлат ва жамият курилиши Академияси, Банк-мolia Академияси, олий ва ўрта мактаб ўқитувчилари малакасини ошириш институтларида бошқарув психологияси, ижтимоий тренинг бўйича билимлар берилади, лекин унга ажратилган соатлар жуда кам. Мамлакатимизнинг батзи ўқув юргларида бу фан мутлақо ўқитилаёттани йўқ.

Ижтимоий психология фани:

- ижтимоий муносабатлар ва шахслараро алоқалар, муюмала, фикр алмашуви, ўзаро таъсир ҳамда инсонни инсон томонидан идрок қилиш воситаси эканлиги;

- гурӯхлар (макро, микро, мизе) ва жамоатларнинг психологик тавсифи, шахснинг ижтимоийлашуви, ижтимоий кўрсатмалар (установкалар), ижтимоий фикр, ижтимоий хотира ва хулк;

- раҳбар фаолиятининг тузилиши, раҳбар фаолиятининг услублари, раҳбарлар типологияси, улар томонидан карор қабул қилиш ва низоли вазиятларни ҳал этишда ҳамда олдини олиш усуслари;

-ижтимоий ҳодисалар, вокеликлар, ҳолатлар, жараёнлар ва уларнинг қонуниятлари тўғрисида мутахассисларга билим беради.

Раҳбарларда ижтимоий тренинглар ёрдамида фазилатлар, хислатлар шакллантирилади, ишибилармонлик ўйинлари, психодрама, фикрлар жангига орқали иллатлар, нуқсонлар бартараф қилинади. Уларга маҳсус таъсир ўтказиш туфайли жисмоний, асабий, хиссий, аклий зўриқишилар камайтирилади.

Бизнингча, раҳбар кадрларни замон талаби даражасида тайёрлаш учун маҳсус режа, дастур, услубий воситалар, маҳсус жихозланган замонавий лабораториялари мавжуд бўлган факультет очиш мақсадга мувофиқ. Бу ерда монитор тизимини амалга ошириш, миллий менталитетнинг ифодаланиши, гоялар банкига эга бўлиш имконияти мавжуддир. Фақат мана шу йўл билан Конституцияга хиёнат-бу Ватанга, ҳалққа хиёнат эканлигини ҳар бир раҳбар онгига сингдириш мумкин.

Раҳбар шахсининг ғоявий-сиёсий сифатлари:

-ғоявий-сиёсий эътиқод, фидойилик, принципиаллик, сиёсий савдохонлик, ижтимоий фаоллик, ижтимоий бурчни англаганлик, ижтимоий фикрлаш, ташкилотчилик, тадбиркорлик;

-касбий-иҳтиносий хислатлари: касбий етуклик, мустакиллик, билимдонлик, ақлнинг танқидийлиги, ахборотларни таҳлил қилиш, ўз фикрини ифодалай олиш, илмий-тадқиқот ўтказишига мойиллик;

-хиссий ва ахлокий фазилатлари: ватанпарварлик, ўзига ва ўзгаларга талабчанлик, камтарлик, ўзгаларни ҳурмат қилиш, ўзига ишонч, ибилилк, ҳалоллик, адолатлилик, самимийлик, бегаразлик, вижонлилик, хулк маданияти ва одоби, ҳамдардлик, оқилона баҳолаш, юмор хиссиси, дилкашлик, ўзини камол топтириш, билимгә чанқоқлик, замонавийлик, ўзини тута билиш, ўз манфаатини устун қўймаслик, ахлок кондадарига риоя қилишилик;

-маҳсус қобилиятлари: иймон эътиқодлилик, ташкилотчилик, нутқий ва нуғузли қобилият, сезгирилик, муюмала ўрнатувчанлик, диккатни йўналтириш, аниқлик, холислик, сафарбарлик;

-ташкилотчиликдаги индивидуал фарқлари: психологик танловчанлик, амалий акли-заковат, психологик тақт, ижтимоий файратлилик, танқидийлик, ташкилотчиликка узлуксиз мойиллик, ушшоқлик, букилмас иродалилк ва ҳоказо.

Раҳбарларни маҳсус тайёрламасдан туриб, юксак самараларга эришиб бўлмайди. Бунинг учун, энг аввало, хаётий малакаларни шакл

лантирувчи, коммуникатив, шахслараро муносабатларга киришишга ўргатувчи, қарор қабул қилишга, муаммони ҳал этишга ундовчи, соғлом турмуш тарзини сақловчى, қобилиятын ривожлантирувчи ва уларни ўйналашурувчи, инсон камолотига күмаклашурувчи тренингларни қўллаш лозим.

Халқ таълими тизимини бошқарув жараёни ҳам ўзига хосликни тақозо этади. Истеъод марказларини бошқариш ва ташлов ишларини олиб бориш алоҳидан ахамият касб этади. Моҳир, ташаббускор, ўз фанининг устаси, маҳоратли шахс, фидойи инсон бу соҳада раҳбарлик килицагина таълим-тарбия тизимига янги технологияни қўллаб, янги боскичига кўтарилиб мишлий дастурни амалга ошириш мумкин.

Халқ таълими тизими раҳбари ва оддий мактаб ўқитувчилари юқоридаги фазилатлардан ташкари, улар махсус мишлий касбий ҳусуси-ятларга ҳам эга бўлишлари шарт: андишалик, сабр-тоқатлилилк, бағрикенглилк, дилкашлик, самимиятлилк, ибратлилк, саҳоватлилк, назокатлилк, маънавий юксаклик, касбга садоқатлилк, юксак ҳисстайғуларга эгалик, ижтимоий фаоллик, путқий маҳорат, ташаббускорлик ва бошқалар.

Раҳбар қадрлар тайёрлаш жараёнига янги курслар, психологик технологиялар олиб кириш, уларниң тайёргарлик даражасини баҳолани мезонларини тузиш вақти етиб келди. Ҳозир Ўзбекистонда 8 та фан доктори, 130 га яқин фан номзодлари фаолият кўрсатмоқдалар. Ўзбек тилида бу соҳада қўлланималар, тестлар, тренинглар яратилган ва уларнинг кўпчилиги компьютерда дастурлаштирилганdir.

Ҳозирги даврда ҳамма раҳбарлар ҳам ўз лавозимларига лойик деб бўлмайди. Шунинг учун улар ўз қўл остидаги ходимлари фаолиятини оқилона ташкил кила олмайдилар. Заиф ташкилотчилик қобилиятига эга бўлганликлари туфайли шахслараро муносабатларда, иш юритишида, хизматчиларга таъсир кўрсатишида нуқсанларга йўл қўядилар. Уларда шахсий қадриятларнинг путурдан кетганилиги, шахсий мақсаднинг ноаннилиги, ўзини ўзи камол тоғтиришнинг издан чиққанлиги, муаммоларни ҳал қилиш малакасининг етишмаслиги, ижодий ёндашувда нуқсанларнинг мавжудлиги, одамларга таъсир ўтказа олмаслиги, бошқарув фаолияти хусусиятларини тушунмаслиги, раҳбарлик лаёқатининг заифлиги, жамоани жинслаштириш укувининг бўшлиги, муомалага киришувчанилик, ибилилк, назокатлилк йўқлилиги, акл-идроқ ва фаросатда сусткашлиги, иш билармонликнинг кучсизлиги иллатлари учрайди.

Раҳбар шахсини аникловчи тестлар яратилган, унинг иш услублари (демократив, либерал, авторитар, диффуз ва бошқалар), қарор қабул қилиш типлари, қобилиятын аниқлаши методикалари, меҳнатдан Кониқиши ҳиссини ва безовталашини баҳолаш, темпераментни белгилаш бўйича илмий, амалий материаллар мавжуд. Жамоада руҳий мухитни ўрганишга оил кўрсатмалар, тавсия ишлаб чиқилган. Раҳбарларни муоммалининг механизмлари, шахслараро муносабатлар мароми, касбий маҳоратни ошириш хислатлари билан таништириш имкониятлари вужудга келтирилган, уларда бошқарув билимдонлиги, муаммоли ва низоли ва-

зиятларни ечиш укувини шакллантириш мумин.

Юргышимизнинг аёллар ўртасида олиб бориладиган ишлар шакларини бойитиш, уларнинг илмий ва маданий савиясини кўтариши керак, деган кўрсатмалари жуда ибратлидир. Биринчидан, бу ходиса аёлларга эхтиром, хурмат рамзини англатса, иккинчидан, уларда фаоллик, фидоийлик, мағрурлик, турур, шижоат, ватанпарварлик ҳис-туйгуларини барқарорлаштиради. Учинчидан, ички руҳий захирапарни ишга туширади. Тўртингидан, ишибилармонлик, таъбиркорлик, раҳбарликка укувлилар сафини кенгайтиради. Тарихдан маълумки, аёл раҳбарлар жиноятга кам кўл уришади. Аёллар ичидан раҳбарлик лавозимига тайинлаш ижобий самара беради. Аёллар меҳрибон, дилкаш, демократ табиатли инсонлар бўлиб ҳисобланадилар. Аёл раҳбарлар синчков, кузатувчан, сезигр, омилкор ҳислатларга эга бўладилар. Уларда мишлий ҳис-туйгу, мишлий қиёфа мукаммал мужассамлашгандир. Баъзан зеби-зийнатларга ружу килиш холлари учрайди, холос.

### Ўз хурматингизни сақлай оласизми?

Сиз ўзингизни жанжалқаш эканлигинизни аникламоқчи бўлсангиз қўйидаги тестга мурожаат қилинг. Агар «а» жавобини танласангиз «4» очко; «б» жавобини танласангиз «2» очко; «в» жавобини танласангиз «0» очко берилади.

1. Тасаввур қилинг, жамоат транспортида баҳслашув бошланди:
- А) Жанжалдан қочишига харакат қиласизми?
  - Б) Кўшилишингиз, азият чеккан киши томонини, ким ҳак бўлса, ўшанинг ёнини олишингиз мумкин.
  - В) Ҳар доим кўшиласиз ва охиригача ўз фикрингизнинг ҳақингини исботлашига уринасиз.
2. Йиғилишда йўл қўйган ҳатолари учун раҳбариятни танқид қиласизми?
- А) Йўқ.
  - Б) Ҳа, лекин унга нисбатан ўз шахсий муносабатингизга боғлиқ равишда.
  - В) Ҳатолар учун ҳар доим танқид қиласиз.
3. Бевосита бошлиғингиз сизнинг фикрингизга самарасиз ўз иш режасини баён қиляти. Фикрингизча, ундан афзалроқ тузилган ўз режангизни таклиф этасизми?
- А) Агар бошқалар сизни қўлласа, унда ҳа.
  - Б) Албаттa, сиз ўз режангизни қўллаб-куватлайсизми?
  - В) Танқид учун сизни мукофотдан маҳрум этишларидан кўркасиз.
4. Сиз ўз ҳамкасларингиз, дўстларингиз билан баҳслashiшни яхши кўрасизми?

- А) Фақат хафа бўлмайдиганлари билан ва баҳслашув муносабатла-  
рингизни бузмасагина.  
Б) Ҳа, лекин фақат принципиал, мұхим масалалар бўйича.  
В) Сиз ҳамма билан ҳар қандай сабабга кўра баҳслашаверасиз.
5. Тасаввур қилингки, касбдошингизнинг тартиботчиликдан иборат  
ихтириочилар тажрибавий иши кўрилаяпти, унда дадил фикрлар  
билин бир категорда ҳам мавжуд. Биласизки, сизнинг фикрингиз  
ҳал кипувчи бўлса, унда қаңдай йўл тутасиз?  
А) Уцибу проектнинг ижобий томонлари тўғрисида ҳам ўз фикрин-  
гизни айтасиз.  
Б) Унинг ишидаги ижобий томонларини ажратиб кўрсатасиз ва уни  
давом этиришга имконият беришни таклиф этасиз.  
В) Ишни танқид қиласиз, чунки новатор бўлиш учун хатога йўл  
кўйиш мумкин эмас.
6. Тасаввур этинг: қайнонангиз (эрингиз, хотинингиз) сизга ҳар доим  
иктисод ва тежамкорлик зарурлиги тўғрисида гапиради, ўзи бўлса  
доим киммат нарсаларни харид қиласа, Сиз унга нима дер эдин-  
гиз?  
А) Агар харид қилган нарса унга хузур баҳш этса, уни  
маъқулайсиз?  
Б) Бу нарсани дидсизликдан деб ўйлайсиз.  
В) Шундайлиги туфайли у киши билан ҳар доим жанжаллашиб,  
сўкиниб юрасиз.
7. Сиз чекиб турган ўсмирларни учратиб қолдингиз, қандай йўл ту-  
тишга ҳаракат қиласиз?  
А) «Бошқаларнинг ёмон тарбияланган фарзандлари учун кайфия-  
тимни бузиб нима қиласман» -деб ўйлайсизми?  
Б) Унга танбех берасиз.  
В) Агар бу хизмат жойида бўлганида, уларнинг адабини берар эдин-  
гиз.
8. Ресторанда официант сизнинг ҳақингиздан уриб қолганигини  
сездингиз:  
А) Бундай холда у тўғри бўлса, бораман деб олдиндан тайёрлаб  
кўйган чойчақани бермайсиз.  
Б) Сизнинг олдингизда бошқатдан ҳисоб-китоб қилишини илтимос  
қиласиз.  
В) Бу жанжал учун сабаб бўлади.
9. Сиз дам олиш уйидасиз. Маъмурият ходим ўз вазифаларини ба-  
жариш ўрнига хоналарни тозалашни назорат қилиш, таомларнинг  
хилма-хиллигини таъминлаш билан шуғулланмай, ўзининг  
кўнглини хушлаб юрибди. Бу ҳол сизни аччиқлантирадими?

- А) Ҳа, аммо у ўз норозилигингизни айтганингиз билан бирон нарса-  
ларни ўзгартириши амри-маҳол.  
Б) уни жазоласалар, ҳатто ишдан бўшатиб юборсалар ҳам унга арз  
килиш йўлини тонасиз.  
В) Сиз ўз норозилигингизни куйи ходимларга, официант ва фаррош-  
га сезидирасиз.

10. Сиз ўсмир ўғлингиз билан баҳлашиб, унинг ҳақ эканлигига  
ишонч ҳосил қиласиз. Унда сиз ўз хатойингизни тан оласизми?

- А) Йўқ.  
Б) Албатта, тан оламан.  
В) Ноҳак эканлигингизни тан олсангиз, қандай обруға эга  
бўлишингиз мумкин.

#### **Натижалар изоҳи:**

30 дан 44 очкогача: Сиз фаросатли одамсиз, жанжални  
хоҳламайсиз, ҳатто жанжалли ҳолатларни силликлаб олсангизда, лекин  
бундай танқидий ҳолатлардан осонникча қочасиз. Агарда можароларга  
аранашишингизга тўғри келса, бу сизнинг хизмат ҳолатингизда ва  
дўстона муносабатларингизда қандай акс этишини хисобга оласиз. Сиз  
атрофдагиларга ёқимли бўлишга ҳаракат қиласиз. Аммо уларга ёрдам  
кўрсатишга ҳар доим ҳам отланавермайсиз. Сиз бу билан бошқалар кўз  
ўнгига хурматингизни йўқотаётганингиз хақида ўйлаб кўргаимисиз?

15 дан 29 очкогача: Сиз тўғрингизда жанжалкаш одам, дейишиади.  
Сизнинг шахсий ва хизмат муносабатлариниз қандай таъсир қилинидан  
қатъи назар ўз фикрингизда қаттиқ турасиз. Шунинг учун ҳам сизни  
хурмат қилишади.

10 дан 14 очкогача «Сиз тортишув учун сабаб излайсиз, аммо  
уларнинг кўичилиги арзимас, ортиқча. Танқид қилинни яхши кўрасиз,  
агарда у сизга фойдали бўлсангина. Ҳатто сиз ноҳак бўлсангиз ҳам ўз  
фикрингизни ўтказишга уринасиз. Агар сизни жанжал чиқаришни яхши  
кўради, леб хисоблашса ҳам хафа бўлмайсиз. Ўйлаб кўринг, сизнинг  
хулқ-атворингизда номукаммаллик мажмуи яширинмаганмикан?»

Менежернинг креатив қобилиятини ўрганиш методи ишлаб чиқариш  
самарадорлигини ошириш, шахслараро муносабат мөхиятини аниқлаш  
учун муҳим аҳамиятга эга. Малъумки ижодий қобилиятини ўрганиш  
орқали муассаса (корхона) истикболи, янги ишлаб чиқариш технология-  
сини ташкилотга кириб келиши, кўшимча ишчи ўринлари, меҳнат  
қилиш корпузларини кенгайтириш юзасидан маълумотлар тўплаш мум-  
кини. Ижодий қобилият бир неча кўришишдаги методикалар ёрдами билан  
аникланади. Мустақил фикрлаш туфайли мавжуд, реал нарсаларнинг ич-  
ки мураккаб хусусиятлари, боғланишлари, уларнинг статик ва динамик  
ҳолатлари, тугалланганлиги ёки давомийлни гўрисидаги омилилар

моҳиятини очиш аксарият ҳолларда креатив қобилият кўрсаткичи юзасидан маълумот беради. Креатив қобилият кўпомилликка асосланган бўлиб, муаммо ечимини ностаңдарт усуулар билан бажариш, шакл ва мазмунни таалқин қилишида ўзига хос равищда ёндашишни тақозо этади, моделлар, модификациялар намоён бўлишини таъминлади.

Менежернинг креатив қобилиятга эга бўлиши табиий ҳамда ижтиёмий муҳит таъсирида рўёбга чиқади. Мазкур қобилиятнинг мавжудлиги табиий (биологик) ҳамда ижтиёмий-психологик омилларга боғлик бўлиб, объектив ва субъектив негиз устига курилади. Креатив қобилиятнинг ривожланиши ҳар жиҳатдан етук менежер сифатида шаклланишига муҳим исезиз ҳозирлайди. Креатив қобилият касбий фаолият, касбий муомала, умумбашарий ҳамда миллӣ ҳуљк-атвор рўёбга чиқиши жараёнини турли туман тарзда амалга ошишига зарур имконият яратади.

### **Рахбар фаолиятини аниқлаш тести.**

Тавсия қилинаётган фикрларга Сиз «Ҳа» ёки «Йўқ» деган жавобни беришингиз мумкин.

1. Ҳаётдаги муввафқият тасодифларига кўра олдиндан қилинган ҳисоб-китобларга кўпроқ боғлик бўлади, деб ўйлайман.
2. Агар мен ўзимнинг севимли машгулотларимдан айралсан , у холда каминча учун ҳаётининг мазмуни йўқолади.
3. Мен учун ҳар қандай ишнинг оқибати натижасидан кўра, унинг бажарилиши жараёни муҳим.
4. Мен одамларнинг ўз яқинлари билан бўлган муносабатларининг яхши эмаслигига қараганда ишдани муввафқиятсизликдан кўпроқ қайнурадилар, деб ҳисоблайман.
5. Менинг фикримча, кўпчилик одамлар якин мақсад билан эмас, балки истиқбол мақсади билан яшайдилар.
6. Агар имконият бўлса-да, лекин ҳеч ким сезмаслигига ишончим комил бўлса ҳам ножӯя ҳаракат кила олмайман.
7. Менинг ҳаётимда муввафқиятсизликлардан кўра, муввафқиятли күплар кўп бўлган.
8. Менга амалий, ишчап, ишбилармон одамлардан кўра, юксак ҳистайтуғули (кўнгилчан) инсонлар кўпроқ ёқади.
9. Ҳатто мен оддий машгулотда ҳам унинг баъзи элементларини тақомиллаштиришга ҳаракат қиласман.
10. Муввафқиятга эришини ҳақидағи фикрларга эҳтирос билан берилиган вактларимда эҳтиёткорлик чораларини унитиб қўйишим мумкин.
11. Дастлабки фаолиятимда мени юқори ташкилотларда мени дангаса деб ҳисоблайдилар.
12. Мен ўзимнинг муввафқиятсизликларимга шароит эмас, балки кўпроқ ўзим айбор деб ҳисоблайман.
13. Юқори ташкилотлардагилар мени қаттиқ назорат қилишган.
14. Менда қобилиятга нисбатан сабр тоқат кучлироқ.
15. Ўз мақсадларимдан қайтишга муввафқиятта эриша олмаслигим ҳақидағи фикр эмас, балки дангасалик сабаб бўлади.

16. Мен ўзимга ўзим ишонган одам деб ҳисоблайман.
17. Муваффакиятга эришиш имкониятлари гарчи менинг фойдамга ҳал бўлса ҳам таваккал қилишим мумкин.
18. Мен тиришқоқ одам эмасман.
19. Мабодо қасбий фаолият бир текис (мөъерида) кетаётган бўлса, унда менда куч гайрат янада ошади.
20. Агар мен газетада ишлаганимда эди, унда турли воқеалар хақида ёзишдан кўра, кўпроқ одамлар яратган янгиликларни ўзлон килган бўлар эдим.
21. Одатда менинг яқин кишиларим шахсий режаларим билан ҳамфирк бўлмайдилар.
22. Менинг ҳаётга нисбатан қўйган талабларим даражаси ўртоқларимницидан бир мунча пастдир.
23. Мен ўз мақсадларимга эришиш йўлида қатъийман.

#### **Тест калити.**

«Ха» – 1,2,6,7,8,9,15,17,19,20,22,23.

«Йўқ» – 3,4,5,10,11,12,13,14,16,18,21.

Калитта мос келган ҳар бир жавоб учун бир баллдан берилади.

#### **Натижалар таҳлили.**

Баллар йигиндиси 0-9 дан наст бўлса-сизнинг фаолиятингизда муваффакиятга эҳтиёж яққол кўринмайди.

10-13 баллгача – Сизнинг фаолиятингизда муваффакиятга интилиш бор, лекин фаолиятингизни ташкил қилишда ҳар доим ҳам муваффакиятга эҳтиёж сезавермайсиз.

14-23 баллгача – Сизнинг фаолиятингизда муваффакиятингизга эҳтиёж юкори даражада, ҳар доим муваффакиятга ишонасиз, қатъиятлisisiz у ёки бу даражада мураккаб, лекин бажарилиши мумкин бўлган машгулотлар билан шугулланишини ёқтирасиз.

Сизни текширипса ёки сиз билан мусобақалашиша, ўзингизни ўйкотмайсиз, балки аксинча, одий вазифаларни бажариш сизни рухлантирмайди. Муваффакиятга эришиш эҳтиёжини мазкур даражасининг ўқитувчиларда мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқдир, чунки бунда қийинчиликларга дуч келганда тиришқоқлик, қатъиятлилик имкониятларига биноан иш тутиш намоён бўлади.

**0-9 паст      10-13 ўртacha      14-23 юкори**

Менежер психологиясини ўрганишнинг муҳим жабҳаларидан: а) менежер билан тобе инсон феъл-атвор мотиви, б) эмпатик ҳолатни таҳдиқот қилиш бўлиб ҳисобланади. Менежер ва унинг кўли остидаги шахслар феъл-атворининг мотивларини ўрганишнинг кўрсатишича, хуљчининг англацийнинг ҳамда англациймаган турлари мавжуд бўлиб, уларнинг амалга ошиши индивидуал аҳамият қасб этиб, муайян тажриба ортириш натижасида мотивацияга ўсиб ўтиши мумкин. Одатда хуљчик-атвор мотиви (мотивацияси) у ёки бу хатти-харакатни амалга ошиш

түрткиси сифатыла вужудга келиб, шакланган маънавий одат, ҳаракатлантирувчи қадрият таъсирида рёёбга чиқади. Мотивация юзага келган шарт-шароит, вазият, мустаҳкамланган динамик стереотип, қадриятга ўсиб ўтган идора килиш имкониятига эга бўлган психологик механизм тариқасида хукм суради. Масалан, лавозимнинг ижтимоий маъқси, ўзидан узоклаштириш воситаси, меҳнат фаолиятининг енгиллиги, бўши вактнинг етарли даражада эканлиги, инсоният учун нафи сингари мотивлар туркуми мавжуд. Шунга асосланган ҳолда ижтимоий ва шахсий хусусият касб этувчи мотивлар фарқланади, чунки улар ўзаро тескари кутбга таалуқли воқеликни ўзида мужассамлаштиради. Жумладан, лавозим курсидаги бачкана қиликнинг оқибати обрўга қандай таъсир етказиши менежер учун алоҳида аҳамиятга эга. Худди шу боисдан рисолалардагидек ҳатти-ҳаракатлар қилиш унга нисбатан илик муносабатни юзага келтиради, кўл остидаги одамлар билан маълум хурмат пардасини (дистанция) сақлашни таъминлайди. Кўполлик, дагаллик, чўрткесарлик, енгилтаклиг негизидаги мотивлар (мотивациялар) нуфузга путур етказади. Бу руҳий ҳолат маълум маънода қатъиятлилик, жиддийлик кўринишини ўзида акс эттираса-да, лекин шахслараро муносабатга киришишга сунъий тўсиқ вазифасини бажаради. Менежердаги ўзини ўзи бошқариш имконияти хулқ-атвор мотивларини англаган ҳолда мақсадга мувофиқ амалга ошишига муҳим негиз ҳозирлайди.

Ҳозирги даврда бир неча ўнлаб хулқ-атвор мотивлари (мотивацияси) ни ўрганидиган методикалар ишлаб чиқилганнидир. Хулқ-атвор (хулқ) мотивлари ташқи ва ички омиллар таъсирида рёёбга чиқади ҳамда мақсадга йўналтирилганлик хусусиятини бевосита ўзида акс эттиради.

Менежер билан кўл остидаги кишилар ўртасидаги ҳолатни ўрганишга қаратилган мезонлар категория эмпатия, яъни ҳамдардлик туйусини киритиш мумкин. Эмпатия ўзга кишилар ҳолати, вазияти каби руҳий ҳодисаларга нисбатан очиниш, афсус чекиши, ҳамдардлик билдириши кечинмаларида гавдаланади. Уни текшириш учун реал воқеликка нисбатан муносабатни акс эттириш, ачиниш ёки кувонини кечинмалари тарзида намоён бўлади, бинобарин, ўзаро яқинлик ёки узоқлашиш, узок муддатли узлуксиз таассуротларга берилишда ўз ифодасини топади. Эмпатия (ҳамдардлик) инсоннинг инсонга, инсоннинг жоноворларга нисбатан муносабатини акс эттириб, ўзаро тушунув, ўзаро руҳий яқинликни билдиради.

Менежер билан унинг кўл остидаги одамлар ўртасида эмпатиянинг вужудга келиши жамоада аҳиллик, ҳамжиҳатлик мавжудлигини акс эттиради. Шунинг учун улар орасидаги муносабатлар шунчаки мулокот тарзида амалга ошиши билан чекланиб қолмасдан, балки ўзаро ҳамдардликни мустаҳкам кўрсаткичга эришишни таъминлашга йўналтириш лозим.

Шахс камолотининг иерархиясини текширишнинг комплекси методи раҳбар билан тобе кишилар психикасини чукуррок, атрофлича ўрганиш учун алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, шахснинг тарихий, ижтимоий психологик, биологик, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, хукукий,

тиббий жабхаларини очиш фанлараро тадқиқот предметини умумлаштиришни тақозо этади. Шунинг учун уларни тадқиқ этишида хилма-хил методлар туркумини татбиқ этиш ҳам табиий, ҳам ижтимоий омилларни очишга имкон туғциради. Шахснинг ҳарактерологик ҳусусиятини очиш табиий (патологик), фалсафий (комилицлик), тарихий (бетакрорлик), ижтимоий (турухга мансублик), ҳукукий (жамият конууларига риоя қилишлик), физиологик (реакция, ҳулқ, фаолият кечиши суръати, давомийлиги, фаолиги, илдамлиги омилларга бевосита боғлиқидир. Жумладан касбкор (касб-хунар) профессиограммаси, профессиография, психограмма биологик, тиббий, ижтимоий психологик талабларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилади. Кўйилган ҳар қайси талабга мутаносиблик касбий мойиллик, лаёқат моҳиятини ўрганишга негиз ҳозирлайди. Асаб тизимининг ҳусусиятлари, мижознинг ўзига ҳослиги, ҳаракат суръати, шахснинг садоматлилиги оқилюна касб танлашга имкон туғциради.

Шахс камолотини исрархик тузилишга эга эканлигини текшириш ёш давр хусусиятлари (онтогенез), унинг босқичлари, сензитивлиги, мудайян конуниятга алоқадорлиги сингари мезонларга асосланади. Комиллик белгилари, етуклик даражалари, тараққиёт коэффициентлари түгрисида ҳам статик, ҳам динамик маълумотлар тўплаш камолот босқичини аниқлашга имконият яратади. Камолотнинг ўзига хос жабхалари тавсифи, талқини юзасидан мулоҳазалар умумлашмаси ҳақчилик хуносалар чиқаришига, яккот тавсиялар хавола этишга зарур шарт-шароитлар яратади.

Менежернинг акл-заковатини аниқловчи бир қатор методлар мавжуд бўлиб, улар ичидаги интеллектуал вербал ва новербал тестлар, креатив тестлар, муаммоли ва бошқотирма тоншириқлар фикрлар умумлашмасини умумлаштириш, мулоҳазалар мавхум ҳолатини янада мавхумлаштириш, тугалланмаган гаи, бир неча счимли муаммолар алоҳида аҳамият касб этади. Менежернинг акл-идроқи, акл-заковати, фаҳм-фаросати, заҳнлилиги, топкирлиги, терапији, синчковлиги, ҳозиржавоблиги ва бошқа шаклдаги аклий фаолияти таркибларини текшириш оркали аниқ маъдумотлар йиғиш ва ҳакчилик хуоса чиқариш мумкин.

Менежмент фаолият түпнанган эмпирик мазлумотларни хисоблаб чикишингүй энг содла статистик методлари куйидагилардан иборат:

1. М формуласи ўртага арифметик кийматни топиш учун ишлатилади. М-йигинди, V-вариацион микдор, n-синалувчилар ёки объектларнинг микдорини билдиради.

2. формуласи сон каторидаги ўрта квадрат оғишини хисоблашда ёки стандарт оғишини анықлашда ишләтиләди. - квадратик оғыш, С-дисперсия, "п"-микдор.

3. С к ( - М)<sup>2</sup> - соң категоридағы міндерлар тарқоғлигини аниклаш формуласи. У баъзан "С"-дисперсия деб хам аталац.

Менеджмент психологияси ассо slары курси тажрибаларидан тууланган микдорнинг, кўлланилган методиканинг ишончилилк даражасини аниқлаш учун Стъюдент мезонидан фойдаланиши мумкин: тк . Бунда 1- ишончилилк белгиси, x-сон каторицаги юкори балл, -уртacha арифметик

микдор, -квадратик хисоблаш фаолиятини амалга ошириб натижаларнинг валидлиги ва репрезентативлиги топилади.

Менежментнинг психологик асослари фанининг тадқиқот усуллари унинг барча жиҳатларини илмий асосда ўрганишга, таҳдил қилишга мўлжаллангандир. Мазкур фан воқеликни билишга қаратилган тадқиқот жараёнида умумфалсафий усулларни қўлладыйди. Мазкур тадқиқотнинг бошлиғиб босқичида менежмент объектини ҳар томонлама акс эттирувчи ва уни имкони борича тўликрок таҳдил этишига ёрдам берувчи маълумотлар жамланиб баҳоланади. Бу муносабатлар турли даражадаги ижтимоий-психологик воқеликка дахлдор бўлиши мумкин.

№	Таҳдил усуллари	Уларнинг мазмуни
		1.
1.	Тузилмавий ёндашув	Менежмент обьекти яхлит тизим тарзида олиб ўрганилади. Бу ёндашув турлича кўриништа эга: <ul style="list-style-type: none"><li>• тузилмавий - мажмуали.</li><li>• тузилмавий - функционал.</li><li>• тузилмавий - таркибий.</li><li>• тузилмали - коммуникацион.</li></ul>
2.	Мажмуавий ёндашув	Менежмент обьекти бошқа обьектлар билан ўзаро боғликларда ва алокадорликда тадқиқ этилади.
3.	Таркибий ёндашув.	Менежмент обьекти таркибий қисмларга бўлиб текширилади.
4.	Вазиятли ёндашув.	Менежмент обьектининг аник шароитдаги ички ва ташки вазиятига қараб идора қилишининг маъқул усули қўлланилади.
5.	Интеграцион ёндашув.	Менежмент обьекти юкоридаги усуллар (вазиятли, мажмуали, таркибий ёндашувлар) ни яхлит маъқул ёрдамида идора этилади.
6.	Моделлаштириш.	Менежмент обьектининг бошқарилуви бўйича турли жадвал, график, чизмалар, диаграммалар ва бошқа материаллар тайёрланади.
7.	Иктисадий математик ёндашув.	Энг маъқул карорни қабул қилиш максадида математик усул ва хисоблаш машиналарини кенг миқёсда қўллаш.
8.	Кузатиш усули.	Менежмент обьекти тўғрисидаги маълумотларнинг режаси уларни сифат ва микдор жиҳатдан таҳдил қилишга мўлжалланади.
9.	Тажрибавий усул.	Менежмент жараёнида ўрганиладиган обьектга нисбатан намунавий-тажрибадан ўтган усулларнингина татбиқ қилиш лозим.
10.	Социологик кузатув усули.	Менежмент максадида турли варакалар, сўровномалар, тестлар, инфоматив тузилмавий таҳлилларни ўтказиш жоиз.

# МЕНЕЖМЕНТ ФАНИНИНГ ТАХЛИЛ УСУЛЛАРИ.

Менежментнинг психологияк асослари фанининг илмий жиҳатдан асосланган юкорида санаб ўтилган ёндашувлари ва усууларидан ўзаро уйгунлашган тарзда фойдаланиш мақсадга мувофик. Тараба бу ўринда менежмент психологик асослари фанининг мазмунни, мақсади ва вазифаси нималардан иборат эканлигига ўз дикқатини яна бир марта шу нарсага каратиб, хозирги даврдаги турли фан соҳаларида эришилган билимларни ўзига хос конунияти, принциплари ва механизмларини чукур ўрганиш имкониятини янада такомишилаштириш мақсадга мувофик.

алокага кириштган холда	Биология
Фалсафа (этика эстетика ва логика)	Физиология
Хукукшунослик	Табиатшунослик
Этнография	Ижтимоий-иктисодий фанлар
Ижтимоий гуманитар фаннлар	Статистика
Педагогика	Микро ва макро иктиносидиёті
Социология	Солік назариясы ва амалдегендегі информацион технологиялар
Политология	делластириш.
Маданиятшунослик	

# МЕНЕЖМЕНТ ФАНИНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ

Менежменттінг психологик асослари барча фанлар билан ўзаро алоқадорлықда ўз мавзуи даражасыда тадқыротни амалға оширувчи, шұннингдек, бошқа фаннарнинг хуосаларига таянған холда бозор мұноса- батлары шароитида хамкорлик фаолиятini юкори савияда ва самарали олиб боришига оид назарий ва амалий билимларни берувчи фан эканли- гини тақылдаш максадға мувофик. Менежменттінг ҳар бир алохида олинған фан билан ўзаро алоқадорлығига тұхталыб ўтиш лозим. Масалан, менежменттінг психологияси ва хукукшылық билан ўзаро чукур алоқага эта эканлигини тақылдаб ўтиш, уларнинг ўзаро алоқадорлығини күрсатувчи қатор далилдарни көлтириш жоиз. Жумладан менежменттінг “объект-субъект” мұносабаттарини үрганиш жараённанда қатор қонун ва қарорлар мажмусаси асосда, яны хукукий нормаларға амал қылған холда тәдбиrlар ишлаб чиқарилади.

Умумай, менежмент соҳасида кўрсатадиган ёки уни ўрганаётган хар бир мутахассис хукукий билимларни пухта эгалиш ва уларга хар томон-  
карорлар таъсирини берадиган.

лама амал қилиш оралигига мамлакаттнинг иқтисодий-ижтимоий тарққиётига ўзининг муносаб ҳиссасини кўша олади, холос.

Хозирги даврда менежер нафакат ўз соҳасининг пухта билиши, балки яхши ташкилотчи психолог, айни бир пайтла хукукий билимларнинг ҳам бевосита соҳиби бўлиши замон талаби ҳисобланади.

Мазкур фанлар ўргасидаги ўзаро алоқадорлик иқтисодий-ижтимоий демократияга асосланган соғлом рақобатни ривожлантириш энг муҳим ташкилий фаолиятнинг хукукий жиҳатларига, инсон омилига доир бир қатор мажбуриятларни белгилайди. Менежмент жараёнида уларга тўлиқ амал қилиши ҳар қандай меҳнат жамоасида соғлом-ижтимоий психологик муҳитни қарор тоғтиради ва унинг муваффақиятини қатъий равишда белгилайди.

## **МЕНЕЖМЕНТ - ТАШКИЛИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЖАРАЁНИ ЭКАНЛИГИ.**

Менежментни муваффақиятли ва самарали амалга ошириш кўп жиҳатдан ташкилотда ишни уюштиришнинг даражасига ва ҳолатига боғлиқ.

Ташкилот бўлиши учун бирон-бир гурӯҳ, ўз олдига кўйилган бир нечта талабаларга жавоб берини керак, яъни:

- энг камидаги 2 киши ўзини айнан шу гуруҳнинг аъзоси деб билиши;
- мазкур гурӯҳ аъзолари учун умумий бўла оладиган энг камидаги битта мақсаддинг мавжудлиги;
- ўзлари учун аҳамиятли бўлган мақсадга эришиш йўлида биргаликда ишлаш истаги гурӯҳ аъзоларининг бирлиги кабилар.

Юқоридаги талабаларни умумлаштирган ҳолда ташкилотга ижтимоий психологик таъриф бериш мумкин. Жумладан, ташкилот - бу фаолиятларни бир умумий мақсад ёки мақсадларга эришиш йўлида онгли равишда мувофиқлаштирилиб туриладиган кишиларнинг гуруҳидир.

Ташкилотнинг мақсади унинг ресурсларини ўзлаштириш оркали натижага эришишига қаратилади.

Ташкилот тавсияномасининг энг муҳим томони, яъни меҳнат тақсимоти ҳақидаги фикрни баён қилишадир. Хатто 2 кишидан иборат ташкилотда ҳам мақсадга эришиш учун биргаликда бажариладиган ишнинг ўзаро тақсимоти амалга оширилади, аммо бу ҳолатда гарчанд аниқ вазифалар белгилаб берилган бўлишига қарамай, уларни амалга оширишда уфқий меҳнат тақсимотига доимо риоя қилишавермайди. Бирор мураккаб мақсадлари мавжуд ташкилотларда уфқий меҳнат тақсимотининг ўта аниқ амалга оширилиши талаб қилинади. Шунинг учун фаолиятнинг мақсади ва вазифаси аниқ белгилаб кўйилади. Аниқ маҳсус мақсадларни юзага чиқариш учун эса бундай вазифаларни бажарувчи бўлинмалар тавсис этилади. Ҳар бир ташкилот ўзига бир нечта кичик ташкилотчаларни бирлаштиради.

Шунга мос равишда ташкилот олдига кўйилган мақсадларга эришиш учун белгилаб берилган вазифаларни ижро этиш билан шуғулланувчи бир

нечта бўлимларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи, ўз мөхијати билан менежмент деб номланган меҳнатнинг вертикал тақсимоти амалга оширилади.

Юкоридаги мұлоқазалардан келиб чиққан ҳолда менежментта шундай таъриф беріш мүмкін: “Менежмент - бу муассасаларда устүвөр мәксадларни шактлантириш ва уларға эришиш йўлларини режалаштириш, ташкилий, мотивациян, баҳолаш, назорат қилишини амалға оширишдан иборат ижтимоий психологик яхлит жараёндир.

Ташкилотда меҳнатнинг вертикал тақсимоти менежмент жараенида ходимлар фаолиятининг дарражаси ва мазмунига биноан маълум гурӯхларга бирлаштиради.

Менежерни мұваффакиятта йүнәлтирадыған менежментлик нима? Ушбу савол билан талабаларга мурожаат килишдан кұра унинг үрнігі мұваффакиятнинг ўзи нима? деган саволини күйін туфайли аудиторияның жоңлантырыш мүмкін.

Ташкилот маълум мақсадларни амалга ошириш учун фаолият кўрсатади, деган фикрни таъкидлаган ҳолда унга кўйидагича якун ясаш мақсадга мувофик; ўз олдига кўйган мақсадларни рўёбга чиқарадиган таъкидотгина муваффакиятга эришган деб баҳоланади.

Ташкилоттага муваффакиятга эришган деб баҳоланади.  
Ташкилоттага муваффакиятга эришши мумкинлиги  
түгристе мураса юритилса, унда ихчам тарзда мана бундай тушунти-  
риш мумкин:

Мумкин: - унумдорлик  
Муваффакиятнинг асоси бу - тежамкорлик дир  
- самарадорлик

Ташкилотта ишни ташкил қилишнинг асосий йўналишлари:

- биринчидан, мақсадн белгилаш;
  - иккинчидан, мақсадға эришиш учун қарор ишлаб чиқиши ва уни амалға оширишга интилиш;
  - учинчидан, менежмент мұхитига ижобий таъсир этувчи омиллар-нинг такомиллашувини тәбьинлашын режалаштириш, чуноңчы:
    - бозор мұносабатларнинг иқтисодий, ижтимоий, ижтимоий психоло-тик табиати ва холатини аниклаш;
    - мұассасадаги хұжалик алоқаларини йүлгә Қўйиш;
    - менежмент фаолиятини самарали ташкил этиш;
    - умумиқтисодий ва умумсиесть омилларни ҳамда илмларни изчил ўрганиш;
    - янги ғояларни яратиши ва уларни моддий маҳсулға айлантириш учун курашиш;
    - янгилик яратиши жараёнида маънавий ва ижтимоий жавобгарлықнің түлиқ хис этган ҳолда ташкилий стратегияни такомиллаштириш ҳамда уларни үзгартыриб борища мустакил ёндашувни амалға ошириш ва хоказо.

Хар доим бирон-бир фаолиятта киришдан олдин, аввал унинг мақсадини аниқлаш лозим, чунки у мұваффақиятнинг гаровидир.

Агарда мақсад аниқ белгиланса, бунда фаолиятнинг ижросига иштирокчилар ўз қобилияти ва истеъдодини тұла сафарбар қила олади.

Шунинг учун мақсад - бу шахсни эришишга, әгалашга, бажаришга интилиувчи, илхомлантирувчи орзусининг мажмусаидир.

Шуны алоҳида таъкидлаш керакки, инсон ҳеч қағон мұайян мақсад билан чегараланиб колмайды. Шунинг учун унинг ҳаёттій мақсадлари хилма-хил бўлғанлиги туфайли уларни туркумлашга интилади.

Одатда инсонда умумий ёки асосий, хусусий, реал, бош, истиқбол сингари мақсадларнинг мажмусаси мужассамлашган бўлади. Уларни рўёбга чиқариш мұайян ўзига хосликка асосланган ҳолда кечиши мумкин.

Энди ташкилотнинг мақсадига қисқача тўхталадиган бўлсак, кўпроқ фойда олишга қаратилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Лекин ташкилотда ҳам мақсадлар хилма-хил моҳиятта ва кўринишишга эга.

№	Мақсадни туркумлаш белгилари	Мақсадлар
1.	1.	1.
1.	Умумжамият миқсесидаги муносабатларни акс эттиришга биноан.	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Сиёсий мақсадлар:</li> <li>• иқтисодий мақсадлар</li> <li>• социал мақсадлар:</li> <li>• маънавий-маърифий мақсадлар</li> <li>• ҳалқаро муносабатлар ва ҳоказо.</li> </ul>
2.	Менежмент погоналари (даражалари) кўламига кўра	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ҳудудий менежмент мавқеи</li> <li>• мамлакат мақсадлари</li> <li>• вилоят мақсадлари</li> <li>• туман мақсадлари</li> <li>• кишиюқ мақсадлари</li> <li>• ишлаб чиқариш мақсадлари</li> <li>• тармоқ мақсадлари</li> <li>• ташкилот (фирма) мақсадлари</li> <li>• якка ходим мақсади</li> </ul>
3.	Амалга ошириш муддатига кўра	<ul style="list-style-type: none"> <li>• жорий мақсадлар</li> <li>• истиқбол мақсадлари</li> </ul>
4.	Менежментнинг содир бўлишишга таалукчи	<ul style="list-style-type: none"> <li>• узлуксиз кундаклик мақсадлари</li> <li>• мувакқат мақсадлар</li> </ul>
5.	Кутилган натижаларга алоқадор	<ul style="list-style-type: none"> <li>• бир марталик мақсад</li> <li>• широрвар мақсадлар</li> <li>• оралик мақсадлари</li> </ul>
6.	Мураккаблик даражасига қараб	<ul style="list-style-type: none"> <li>• одий, анъанавий мақсад</li> <li>• муаммоли мақсадлар</li> <li>• инновацион мақсадлар ва ҳоказо.</li> </ul>

Менежмент мақсадининг туркумлари ва турларини таснифлашдан кўриниб турибдики, мақсадлар ўзаро боник бўлиб, мұайян иерархияга,

яның юқори ва күйиң мақсад даражаларига ажратилиши, бир мақсад эса бошка бир мақсадға бойсунши мүмкін. Менежмент мақсадың күйиладиган асосий тарабларнинг ҳар қайсиси жамият қондиришга қаралтылған бўлиб, мажмуавий кўринишга эгалид.

Мақсад олдига кўйиладиган тараблар	Изоҳлар
Бир маъноли ва аниқлиги	Агар сиз қаёққа боришини билмассангиз, у ҳолда бирор йўлни ташлашнинг нима кераги бор? Манзилнин аник мақсад келиб олмаган елканли қайикка хеч қандай шамол ҳамроҳ бўла олмайди.
Реал бажарилиши мум-кинилиги	Мақсад - бу бамисоли чўққидир. Унга эришимок учун бажарилиши мүмкін бўлган реал мақсадни ўз олдимизга кўйишимиз малькул.
Метёрий ва микдорий ўлчовга эгалиги	Микдор ўлчови, меъёрига риоя кильмаслик режалаштирилган мақсаднинг бажарилмаслигига олдиндан замин тайёрлаш демаклир.
Барча бажарувчиларга тушинарлилиги	Мақсад ва ундан кутиладиган пировард натижага тушунарли ва соода тилда етказилиши мувоффакиятни таъминицайди.
Таркиби бўлимлар ва мастьуллик бўйича аник-лилиги.	Хар бир фаолият тури ва ҳар бир масъул шахс бўйича мақсад багафсил таксимлаб чиқилган бўлиши лозим.
Кўп кирраллиги	Бу - умумий, бош мақсаднинг хусусий ва якка мақсадларга бўлинишини талаб килишдир.

Масалан, ташкилотни иш ўринлари билан таъминлаш, иқтисодий баркарорлик, шахслараро мухит, экологик мусаффолик ва бошқалар. Уларнинг таҳлилилдан келиб чиқкан ҳолда ташкилий фаолият мувоффиклаштиради.

Мақсаднинг аниқлиги инсоннинг унга нисбатан:

- 1) бўлажак ҳаракатларини қандай олиб боришилигини;
- 2) фаолиятининг устувор йўналишини;
- 3) аник соҳага ва ишга ихтисослашувини;
- 4) ўз фаолияти жабҳасининг қайси бири ўта зарур эканлигини;
- 5) эришган натижаларини доимий баҳолаш, кўзланган пировард на-тижага етиш йўлидаги интилишларини кучайтиради.

Бошқарувда мақсаднинг аниқлиги ўта зарурий омил хисобланиб, унинг асосида:

- a) бошқарув функциялари;
- б) бошқарув усувлари;
- в) бошқарувнинг тизимавий таркиблари;
- г) ходимларни ташлаш ва ишга жойлаштириш каби ишларнинг маж-муаси ижтимоий мухитга мувоффиклаштириллади.

Мақсаднинг аниқлиги фаолиятининг реал томонга йўналтирилишига олиб келади. Шу ўринда менежмент мақсадига кўйиладиган тарабларга нисбатан эътиборни кучайтириш мухим аҳамиятга эга.


Ташкилий фаолиятга мақсадли ёндашув усули ва мақсадли менежмент идора қилувининг муайян тизими бўлиб, унда иккита унсур бирбири билан узвий боғлангандир;

#### Мақсад (пировард итижа)

#### Назорат

Бу усулининг моҳиятини куйидагича изохлаш мумкин: ҳар бир менежер юқори погонадан бошлаб, то куйи погонагача ўзининг аниқ мақсадига, уни амалга ошириш режасига эга бўлиши шарт. Бу ҳозирги даврнинг асосий эҳтёжи ва талабидир.

Мақсадли ёндашув усулининг погонаси қуйидаги шаклга эга бўлиши мумкин.



Биринчи погонадаги мақсадлар корхонанинг стратегик режалаштирилишига таалтуқлицидир. Уларни корхонанинг юқори погонасидаги менежерлар ишлаб чиқадилар. Улар улкан масалаларни аниқлашга, корхона ички қадриятларини ва ривожланиши стратегиясини яратишга масъулдир-

лар ҳамда ўрта бўғин менежерларининг ишларини бошқарадилар. Иккичи погонадаги мақсадлар олий ва ўрта даражадаги менежерлар томонидан белгиланади. Улар учалик узок маддатли бўлмаган, аниқ даврга мўлжалланган мақсадлардан иборатdir. Одатда, бу мақсадлар корхона-нинг аниқ фаолиятига дахилор соҳалари миқёсига алоқадорdir.

Буларнинг туркумига:

- ишлаб чиқариш мақсадлари;
- молиявий мақсадлар;
- меҳнатни ташкил қилишдан кутиладиган мақсадлар;
- маркетинг мақсадлари;
- рентабелликни таъминлашга қаратилган мақсадлар киради.

Шуни таъкидлаш жоизки, маънавий-маърифий мақсадлар шахсларро муносабат мақсадлари туркумига киради.

Учинчи погонадаги мақсадлар - мақсадли менежментнинг ўзаги хисоблаб чиқилади ва режалар тузилади. Бу погонадаги менежерларнинг вазифаси - ҳар бир ходим олдиғаги мақсадни аниқлаш ва уларни амалга ошириш бўйича аниқ усул ҳамда воситаларни яратишдан иборатdir.

Тўртинч погонада - корхонанинг эришган натижасига, яъни мақсаднинг қай даражада бажарилганинг баҳо берилади. Бу вазифани унинг юкори погонадаги раҳбарлари бажарадилар ва ниҳоят, мақсадли ёндашув усулининг сўнгти бешинчи погонасида олдиндан қабул қилинган режаларга айрим тузатишилар киритиш масаласи туради.

Шундай талаблар асосида ишлаб чиқилган мақсадгина ташкилий фаолият муддати таъминлай олади, холос.

Ташкилотдаги ҳолатнинг тавсифномаси муаммосини таҳлил килишини Т.Питерс ва С.Уотерменларнинг кўйидаги сўзлари билан бошлиш айни муддао булур эди: “Яхши менежерлар нафакат пул топалилар, балки кишилар турмуш тарзини ҳам яратадилар”.

Самарали менежментни амалга ошириш кенг кўламли ишларни амалга ошириш билан кўпроқ боғлик бўлса-да, лекин аслида кўйидагиларни:

- а) ўз шахсий мақсадини аниқлаш;
- б) ўзини ва ўзгаларни холисона баҳолай билиш;
- в) ўз вақтини тўғри тақсимлаш;
- г) ўз вақтида ва айна мақбул қарорларни қабул килиш;
- д) фаол фаолият кўрсата олиш;
- е) стресс ҳолатини бартараф этиш;
- ж) ўзини ўзи назорат килиш;
- з) меъёрий даражада кийиниш ва гўзал яшаш сингари муаммоларни ҳал этиш билан боғликлар.

Таъкидлаб ўтилган индивидуал шахсий сифатларнинг мажмуаси менежмент соҳасида ўз фаолиятини ўзи бошлаган ҳар бир ходим қобилияти ва маҳоратини тўлиқ намоён этишига имконият яратади. Қолаверса, ҳар бир алоҳида олинган ходимнинг:

- шахсий аниқ мақсадининг мавжудлиги;
- шахсий қадр-қимматининг англаганлиги;

- ўзгарувчан, қарама-қарши, мураккаб ҳолатларни тушуна олиш оркали уларни ҳал этиш маҳоратига эга эканлиги;

- фавқулодда ва кутимаган ҳолатларда юзага келганд муаммоларни ҳал этиши бўйича қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошира олиш сингари сифатларни намоён қилиш ташкилот фаолиятини самарали юритишга кенг имкониятлар очиб беради.

Ташкилий фаолиятни янада самарали уюштириш учун ундаги психологияк ҳолатнинг ўрни ва роли ҳақида муроҳаза юритиш жоиз.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ташкилотнинг муваффакиятга эришуви 85 фойз унда фаолият кўрсатадиган кишиларнинг меҳнатга нисбатан хошишларига, шунингдек, уларнинг ўзаро муносабатлари ва муносиб маҳоратига боғлиқлар. Айнан мана шу ҳолатлар психологияга алоқадор омиллар ҳисобланади.

Менежментдаги асосий психологик принциплар ривожи тарихига назар соладиган бўлсак, ўзидан ўзи ривожланувчи бозор иқтисодиёти тизимасининг уч тарихий даврини кузатиш мумкин:

- 1) XIX асрнинг охиридан то 1935 йилларгача бўлган даврда асосий омил сифатида - майдий рағбатлантиришга жиддий эътибор қаратилди, шунингдек, ташкилий тузилма, меҳнат хавфсизлиги, ходимлар укуви ҳам диккат марказида туради.

- 2) 1935 йилдан то 1960 йилларгача “инсоний муносабатлар доктринаси” (асосчиси Э.Мейо) жорий этила бошланди; унда биринчи ўринда ахлоқий жиҳатидан рағбатлантирув қўйилади ва порасмий етакчиларнинг ролига катта эътибор берилади.

- 3) 1960 йиллардан эътиборан стресс билан курашиш меҳнат фаолияти ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш омиллари хукм суради.

Маълумки, бўйсунувчи ходим ўзини тўлиқ намоён қилиш учун шарт-шароитлар яратишга киришади ва бунинг натижасида шахсий фоллик кучаяди.

Учала тарихий даврни бирлаштириб турувчи “инсонга ёмон муносабатда бўлиш - фойдали эмас” деган оддий прагматик ёндашувни ижтимоий психологияда мустаҳкам жой эгаллаганишини кузатиш мумкин.

Бугунги кундаги ташкилий ривожланиш мөҳиятига тўхталиб ўтадиган бўлсак, у ҳолда ташкилий ривожланиш нима? деган савонни муаммо сифатида муҳокамага қўйилиши мақсадга мувофиқлар.

Шунинг учун ташкилий ривожланиши - кишиларнинг камолатидир. Жаҳон психологияси маълумотларига Караганда, ташкилий ривожланиш кўйида келтириладиган беш босқичдан иборат бўлиб, унда муҳитнинг ҳолати бевосита акс эттирилади.


Босқичлар	Босқич номи, шифри	Афзаллик томони	Камчиликлари
1.	1.	1.	1.
1.	Илк босқич	Фаолиятга киришувнинг аник мақсади, юксак мотив асосига	• Тажрибанинг етишмаслиги

		<p>курилганлиги:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзаро алоқанинг юкори даражацалиги</li> <li>• Ҳар бир мутахассиснинг ўз ўрнини эгаллаганлиги</li> <li>• Қарорларнинг айнан ўз вактида қабул қилиниши ва бошқалар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Айрима камчиликларга ахамиятсиз каралиб, уларга ўз вактида түғри баҳо берилмаслиги.</li> </ul>
2.	Ташкил этиш ва хамкорлик боскичи	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фаолиятнинг ўйғунла-шуви ва назоратнинг кучайиши</li> <li>• мансаб, бурч, жавобгар-лик каби фаолият асос-ларининг тартибга солиб турилиши</li> <li>• ўзаро ишонч руҳидаги алоқалар қарор топиши</li> <li>• тадбиркорлик асосида ишда аник, тизим ва тар-тибга катъий риоя килиниши</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• фаолият жараёнининг сес-кин кечиши</li> <li>• Оралик мақсадларининг кўпайиши.</li> <li>• Айрим ходимларда аса-бийлик холатини кузатилиши</li> </ul>
3.	Уйғунлашиш ва ривожланиш боскичи	<ul style="list-style-type: none"> <li>• хамкорликка амал килиниши</li> <li>• ҳар бир шаҳс меҳнати-нинг хамкорлари томо-нидан баҳоланиши</li> <li>• яхлит жамоавийликни аинглаш негизида ходим-лар куч-ғайратининг кўтарилиши</li> <li>• юксак масъуллиятлилик тўйуси турфайли меҳнат суръатининг ўсиши</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Улканлик - катталик ва гўзалик белгисининг камайиши</li> </ul>
4.	Жадал ўсиш боскичи	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ишлар кўламининг ўта кенгайиши.</li> <li>• Ходимлар сонининг ортиши.</li> <li>• Ҳокимият нуфузининг ўсиши</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• холатларни тўлиқ назорат қилиш имконининг па-сайиши</li> <li>• масъуллият хиссининг су-сайиши</li> <li>• ахборотларнинг етиш-маслиги</li> <li>• ўзаро бир-бирини аинглашнинг ўқолиши</li> <li>• ишларнинг ўз муддатида бажарилмаслиги</li> <li>• Асабийлик тўйуси ва ни-золи вазиятиарнинг юзага келиши</li> </ul>
5.	Бюрократлашboskichi		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Юзаки фидоийликнинг намоён бўлиши</li> <li>• Хисобларга тайёргарликнинг бошлиниши</li> <li>• “Асосий ишлар” ҳакида қоғозбозликнинг кучай-</li> </ul>

			<ul style="list-style-type: none"> <li>• Асосий мақсаднинг иккичи даражаликка айланши</li> <li>• Харажатларнинг кўпайиши</li> <li>• Бўйруклар мөхиятининг ўзгариши</li> </ul>
--	--	--	---

Албатта ташкилий ривожланиш босқичларини босиб ўтиш даврида муассасада ижодкор аклий кучларнинг потенциали вужудга келади. Улар томонидан ўз фаолиятининг барча жабҳаларида шахсий қобилиятлари ва маҳоратини намоён қила олиш учун ижтимоий психологик шартшароитларнинг мавжуулиги, уларнинг бундан тўлиқ моддий ва маънавий кониқини хиссани ҳосил қилиш орқали ташкилотда вужудга келган ҳар хил муаммоларни бартараф этиш имконияти туғилади.

Ташкилотнинг ижтимоий психологик ҳолатини ўрганиши жиҳатлари кўп кирралидир. Мазкур муаммонинг ёритишда Куйидаги чизмадан фойдаланиш мақсаддага мувофиқ:



Ташкилот фаолияти таъсир этувчи ички ва ташки օмиллар - менежментнинг ўзаро боғлиқ унсурлари сифатида талқин қилиш ҳозирги давр учун муҳим аҳамият эга. Чунки ташкилот бир турдаги ишини бажарувчи одамларнинг турухидир. Деган таърифи ривожлантира бориб мураккаб ташкилотларда бир неча бўйлимлар ўзининг функционал белгиларига кўра ташкил этилиши мумкилиги ҳакида кисқача матълумот берилиши лозим. Шунингдек, корхона ичизда функционал жиҳатидан ихтиоссланган бўйлимларни ташкил этишининг олдига кўйиладиган талаблар ҳакида тўхтаниш мутлақо зарур:


а) ишлаб чиқаришининг турларига биноан;

- б) жойлашув, яни худудларга кўра;
- в) истеъмол бозорларига қараб;
- г) фаолият турига оид.

Ушбу талаблар айнан ташкилотнинг фаолиятига менежмент тизими-  
нинг ўзаро боғлиқ усуллари сифатида таъсир этувчи ички ва ташки-  
омиллар эканалигига батафсил тўхталишини тақозо этади.


Бунда мазкур муаммони икки қисмга бўлиб ўрганиш айни муддао-  
дир:

- а) ўқитувчи даставвал ташкилот фаолиятига таъсир этувчи ички  
омиллар ҳакида ўз фикрини баён қилимо;
- б) сўнгра уларнинг ўзаро боғликлити муаммосига нисбатан талабалар  
дикқатини тортиши мақсаддага мувофик.



Ташкилот фаолиятига таъсир этувчи омилларнинг ўзаро боғликлиги:  
биринчидан, алоҳида олинган шахслар; каби сезиларли  
иккинчидан, жамоалар, гурӯҳлар; омиллар ролини  
учинчидан, раҳбарнинг характеристери; ўйнайди.

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси фаолиятида таъсир этувчи омиллар  
мажмуаси ҳам мавжуд бўлиб, улар тахминан кўйидагича кўринишга эга-  
дир:



Энди ташкилот фаолиятига таъсир этувчи ташки омиллар юзасидан кисқача мулоҳаза юритамиз.


Ташки омил ташкилот фаолиятига катта таъсир этувчи механизм бўлиб, мазкур муаммоларнинг қандай ҳал этилишини ва уларнинг муваффакиятини таъминлайди. Образли қилиб айтганда, ташкилот худи биомавжудотга ўхшаб кетади; буни табиатшуносликка оид қуйидаги фикрлар тасдиқлайди. Чарльз Дарвиннинг эволюция назариясидан келиб чиқадиган хуоса шундан иборатки турларнинг яшаб қолишига бош сабаб - уларнинг ташки таъсир омилларига мослаша олганликлирдандир.

Ташкилот ҳам худи шунга ўхшаб кетади, чунки у фактадан мана шу дарвиизм таълимотига амал қилиган тақдирдагина муваффакиятга эриша олади, холос.

Ташкилотга таъсир этувчи ташки омилларни икки турга бўлиб ўрганиш оқилюна ёндашиш ҳисобланади.

- а) ташкилот фаолиятига бевосита таъсир этувчи ташки омиллар;
- б) ташкилот фаолиятига билвосита таъсир этувчи ташки омиллар;
- в) фан тараққиётининг олдинги даврларида ташки омил сифатида факат иктисодий ва техник ҳолатлар кўпроқ ҳисобга олинган бўлса, бу нарса ҳозирга келиб:
  - 1) ижтимоий қадриятлар: (шахсларро муносабатлар);
  - 2) сиёсий кучлар, жамоа ташкилотлари;
  - 3) ижтимоий психологик мухит (макро, микро и мизе);
  - 4) ҳусусий ва экологик жавобгарлик масъулияти каби геополитик ва глобал масалалар долзарб бўлиб бораётганигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

### Билвосита таъсир кўрсатувчи



## Бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар



Менежмент психологияси фани куйидаги йўнилишлардан, жумладан:

- 1) Муомала психологияси;
- 2) Ижтимоий тренинг назарияси;
- 3) Инсонийлик, яъни ғуманистик психологияси (асосчиси - психолог К.Роджерс 1902-1987);
- 4) Ташкилот аъзодарининг ғоявий-сиёсий мослиги, фаоллик ва ташкилотчилик хусусиятлари;
- 5) Ахлоқий - этник хислатлари;
- 6) Тарбиявий-педагогик фазилатлари;
- 7) Ташиклий ишчаник қобилияти кабилардан узвий боғлиқ тарзда фаолият кўрсатади.

Хар бир ходимнинг бундай кўламдаги психологик портретини яратиш - менежмент жараённида ўзига хос муносабатни карор топтиришга ва ўзаро ҳамкорлик фаолиятини амалга оширишга имкон беради.

У куйидаги кўриннишда ифодаланиши мумкин:



#### Установка эҳтиёж

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, интеллект инсон психологиясининг энг мураккаб ва кўп қиррали маҳсул ҳисобланиб, билиш жарәйлари устига қурилади. Менежерининг интеллектуал фаолияти ташкилот тақдирни учун мұхым аҳамият қасб этиб, унинг түлиқ тавсилоти кейинни материалларда берилиши мүлжалланган.

Юқоридаги фикрдан келиб чиқкан холда, интеллектни ривожлаштириш мүмкінми? деган саволни аудитория ҳукмига ҳавола қилиш жоиз. Шу ўринда олдинги чизмада келтирилган интеллектни намоён этувчи ҳар бир жараёнга талаба ўзининг муносабатини билдиришга йўналтириш алоҳида аҳамиятта эга.

Одатда интеллектни ривожлантириш учун куйидаги таклифлар ҳавола қилинади:

- а) ўз ихтисослиги бўйича интеллект даражасини аниқлаш;
- б) ҳар томонлама кенг билимлар мажмусини әгаллаш;
- в) мураккаб ва иостандарт вазиятларда қарор қабул қила олиш;
- г) интеллектуал фаолиятда билим билан ҳаракат бирлигига эришиш ва хоказо.

Таъкидлаб ўтилган интеллектнинг ҳар томонлама етук ва юқсан бўлиши учун ташкилот қошида психологик хизматни йўлга қўйиш алоҳида аҳамият қасб этади. Мазкур хизмат куйидаги имкониятларни очиб беради:

- 1) ходимларнинг қасбий яроқларини аниқлаш ва шунга кўра тавсиялар ишлаб чиқиш;

- 2) ходимларнинг интеллектуал имконияти, захираси, савијиси, тайёр-гарлик даражаси кўрсатгичини белгиш орқали уларни менежмент фаолиятига жалб этиш;
- 3) ташкилотни таҳлил этиш ва шу асосда фаолиятнинг максадга мувоғикини ёки мувоғик эмаслиги ҳакида далиллар келтириш ҳамда баҳолаш;
- 4) ташкилотда шахсларо турли шаклдаги муносабатларни ва психологияк мухитни тадқиқ этиш;
- 5) ходимлар малакасини ошириш бўйича аник, кўрсатмалар ишлаб чиқариш ва мустакил билим олиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

Шундай қилиб, муассасада менежмент фаолиятини ташкил қилиша психологияк усуулларнинг бошқа қатор усууллар билан мажмуали равишида кўллаш ҳамкорлик фаолиятини йўлга кўйишининг энг самарали асоси сифатида хизмат қилиши мумкин.

Менежернинг тавсифномаси. унинг қобилияти ва истеъодининг дарражалари (умумий, аник, маҳсус), шахсий фазилатлари фаолиятни самарали амалга оширишда мухим роль йўнайди.

Менежер фаолияти услублари ва уларнинг тавсифномалари:


- а) авторитар (дастурий);
- б) демократик (хайъатий);
- в) нейтрал (бетараф);
- г) новаторлик - аналитик;
- д) хайриҳоҳлик;
- е) самарали раҳбарликнинг эҳтимоллик модели ва бошқалар ҳозирги давр учун зарурятидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан менежернинг фидойлиги, ватанинварварлиги, билимдонлиги, маънавий-ижтимоий фазилатларнинг эгаси (субъекти) эканлигига боғлик.

Менежернинг психологик кирраларини ўрганиш ушбу савонни тўликрок очиб бериш имкониятини яратади:

- таржимаи ҳолининг тавсифномасига биноан;
- қобилияти ва истеъодига тааллукли;
- шахсий фазилатларига кўра.

Менежментни муваффақиятли амалга оширишда таржимаи ҳол тавсифномасининг ўзига хос аҳамияти мавжуд.



Ёш күрсаткичи инсон ҳәётининг ишчанлық босқычлари билан тавсифланади.


Жаҳон психологияси тажрибасининг күрсатишича, раҳбарнинг қобилияти ва истеъодиди иккى түркүмдән иборатдир:

- умумий (интеллект);
- махсус (билим, қобилият ва шунга ўхшаш).

Менежментни самаралы таъминлашда қобилият ва истеъоддининг умумий аҳамиятли таркиблари мухим аҳамиятта эга.

унинг қобилияти ва истеъодиди	унинг мотивацияси	унинг тажрибаси	юқори мансабдагылар билан муносабати	турух билан муносабати	раҳбарлық самаралор лиги
-------------------------------	-------------------	-----------------	--------------------------------------	------------------------	--------------------------

Менежер қобилиятининг махсус жиҳатлари қуидаги шаклий күришишга эга бўлиш мумкин.



Менежернинг шахсий фазилатлари ҳамкорлик фаолиятини самарали йўлга қўйишда катта аҳамият қасб этади, чунонча:

- таъсир ўтказа олиш;
- ўзига ишонч;
- ижодкорлик;
- хис-ҳаяжон вазминлик;
- стрессга бардошлиқ;

- мақсадға эришипда событқадамлилік;
- тадбиркорлық;
- мұстакиілік;
- мұлоқотда очиклик;

- мастьулиятни хис этиш ва бошқалар.

Үзіда юқсак сифатларни мужассамлаштирган шахсина менежер бўлиши ва бу борада ўзига хос йўл тутиши имконияти мавжуд. Ихтимоий психологик маълумотларга асосланган ҳолда куйидагига таъриф бериш мумкин.

Ўз қобишияти ва истесодини намойиш килиш туфайли шахсий тасьирини бир манбадан иккинчи манбага ўтказа оладиган субъект дарајасига эга бўлган инсон менежер деб аталади.

Менежер олдига қўйиладиган талаблар хилма-хил бўлиб, улар нафақат психологик, балки кўпроқ иктисадий прагматик характеристика хам этадир.

Менежер олдига қўйиладиган талаблар мажмуси қўйидагичадир.

Карашларининг көнг қаровали  
бўлиши ёки глобал ёндашувни амалга  
ошира олиш

Максадин аниқ кўра олиш

Кўламин аниқ тасаввур кила билishi

Ўзгатар фикрини тингланига тайёр  
турниши ёки “яхши тингловчи  
бўлиши”

Журъатни, катъиятни ва  
мардлити

Холислик, бегаразлик, тўғрилик ка-  
би сифатларнинг этаси эканлиги


Тиришкоклик билан ишлази ва уз-  
луксиз ўқиши

Ўз ихтиёридаги имкониятларни  
тўлиқ ишга солиш оркали ба-  
ркарорлик ва ҳамжихатлик мухити  
хукмрон бўлган жамоани шакллан-  
тира олиш


Шахсий таровати ва соглом бўлиши

Мазкур талабларга тўлиқ жавоб берса олган шахсина менежерликни юқори даражада амалга ошира олади.

Ташкилотла амалга ошириладиган меҳнат тақсимотидан менежментликнинг турли даражалари келиб чиқади. Кўплаб мураккаб тузилмавий ташкилотларда ўз обрўзлари ва мавқеларига мос равишда ҳар бир иродавий соҳа бўйича ўз хизмат доирасида маълум жой эталайди ва асосан меҳнат биржасида фаолият самарадорлиги учун жавобгар хисобланади. Мазкур жавобгарлик бошқарувнинг иерархияли принципига бутуналай мос келади.



Иерархиявий тузилманинг хилма-хиллигига биноан ташкилот фоалиятини амалга ошириш даврида маълум талабларга асосланиб менежментлик поғоналарини аниқ белгилаш мумкин. Ташкилотни идора килишининг нюгонали тузилмасини таҳлил қилишга қараганда менежерлик даражаси хилма-хил кўринишга эга.



Менежментликнинг турлича даражаларига асосланиб амалга оширилиши, менежернинг ташкилотдаги обрўси ва мавқенини белгилаб беради.

Ушбу муаммо моҳиятини очишда менежер обрўсининг 3 шакли тўғрисида маълумот беришдан бошланши ижобий самараалар беради. Улар куйидаги таркиблардан таркиб топади:

- ахлоқ ва одоблигига биноан;
- вазифасига кўра;
- расмий.

Менежер обрўсининг биринчи икки шакли психологик нуфузини, охиргиси эса мансабига нисбатан мавқенини ифодалайди.

Психологик маълумотларда таъкидланишича, менежер расми, яъни ўз мансаби орқали бўйсунувчиларига нисбатан таъсирини фақат 65 фоизгина ўтказа олса, қўшимча тариқасида ўзининг психологик обрўси ёрдами билан бундай таъсир этиши даражасини 100 фоизга кўтарини мумкин.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда қайси бир шакл орқали ма-вкенини янада мустаҳкамлаш эҳтимоли мавжуд деган савонни қўйиши ман-тиқан нотўғридир. Негаки, бунда фикр умуман бошқа обьектга қаратилгандир.

Тасавур қилинг, агарда менежер мутахассис сифатида ўзини намоён қила олмаса, у инсонийлик сифати юқори бўлган тақдирда ҳам ташки-лотга ҳеч бир фойда келтира олмаслиги мумкин. Ўз қасбини чуқур бил-маслик аста-секинлик билан ташкилот аъзоларининг унга нисбатан газабини уйғотиши, айниқса, ижтимоий мавқелари паст шахсларда эса бу хислат яққол кўзига ташланади. Оқибат натижада бундай ҳолат менежер-нинг одобига ҳам салбий таъсири қилмай қолмайди.

Ижтимоий психологик таъқиндан келиб чиққан ҳолда мана бундай таъриф бериш мумкин: менежернинг обрўси - унинг ўз вазифасини удда-лай олиши, билимдонлиги, қатъий мослилкка эгалиги, шахсий фазилати ва характер хислатлари туфайли юксак муваффакиятга эришиш мажмуа-сидир.

Менежернинг асосий вазифалари куйидагилардан иборатdir:

- 1) матьмурӣ (режалаштириш, ташкилий, одамларга раҳбарлик, мотива-ция ва назорат);
- 2) эксперт - маслаҳатчилик (стук мутахассис сифатида энг макбул ташкилий жараённи амалга ошира олиши, сұхбатлар, маслаҳатлар шаклида бўйсунувчиларни назорат қилишни йўлга қўйилиши ва бошқалар);
- 3) ваколатчилик (ташкилотнинг рамзи сифатида ички ва ташки мухитда ўз ролини бажара олиши);
- 4) тарбиявий (доимий, мунтазам равишда тентглик асосида муайян одоб принципига амал қилиши, ижобий анъаналарни қўллаб - кувватлаши, жавобгарларни ўз зиммасига олиши ва бошқалар);
- 5) коммуникативлик (маълумотлар билан алмашинувти);
- 6) инновацион (ноанъанавий янги услубларни жорий қилиш орқали ташкилот фаолиятининг самарадорлигини янада юқори бўлишига эришиш).

Менежер ўз вазифаларини юксак савиядада бажара олган тақдирдагина, ўзининг бўйсунувчиларига нисбатан таъсири ортиб боради ва ташкилот фаолияти янада самарали кечади.

Менежментнинг психологик асослари фанининг энг долзарб муам-мосидан бири - бу муайян услугуга эгаликдир. Ҳар бир инсон ўз ҳәёти да-вомида ўёки бу услугуга дуч келади, аммо шуни таъкидлаб ўтиш керак-ки, дэярли ҳеч қайси даврда аниқ бир соғ ҳолдаги усулнинг ўзи намоён бўлмайди.

Менежер учун ахамиятли ҳисобланган услублар тавсифи мавжуд бўлиб, улар куйидаги кўринишга эга.

Расмий томони	Авторитар услуг	мазмуни
<p>Ишчан, киска күрсатмалар;</p> <p>Куч билан изохланишлар, маңы этишлар;</p> <p>Түндеги аниклик, саломлашищ одоби;</p> <p>Мақтоворлар ва жазолашларнинг субъективлиги;</p> <p>Хис-хаяжон акс эттира олмайдиган усууларни ишлатиш тизилмали эмаслиги;</p> <p>Гүрухдан ташқаридаги раҳбарнинг нуктаи назари;</p> <p>Йўриқномалар, таклифлар сифатидаги;</p> <p>Маълумотлар дўстона руҳдалиги;</p> <p>Мақтов ва жазолашлар масла-ҳатлар йўсииналиги;</p> <p>Кўрсатмалар ва ман этилишлар - мулоҳазалар ёрдамида турӯҳ ичидаги раҳбарнинг шахсий нуктаи назари;</p>		<p>Гурухдаги ишлар тўлиқ кўламда раҳбар томонидан олдиндан режалаштирилганилиги;</p> <p>Факат яқин мақсадлар аниқланганлиги, келажакдагилари номаталумлиги;</p> <p>Раҳбар овозини ҳар ки鲁вчи эканлиги;</p> <p>Тағбирлар олдиндан эмас, балки турӯх ташаббуси ишлаб чикилиши;</p> <p>Таклифлар амалга оширилиши учун ҳамма жавобгарлиги;</p> <p>Бўйсунувчиларнинг барчатари нафақат таклиф этади, балки муҳокамада ҳам иштирок килишлiği.</p>
Нейтрал услуги		
<p>Мақтоворлар ҳам, жазолар ҳам йўқ;</p> <p>Ҳеч кандай ҳокимлик йўқ;</p> <p>Раҳбар нуктаи назари сезиларсиз ва ўз турухидан ташкарида.</p>		<p>Гурухдаги ишлар ўзидан ўзи кетади;</p> <p>Раҳбар тоғириклар бермайди;</p> <p>Ишнинг таркибий қисмлари ташкаридаги манфаатларидан ёки кичик гурухдан келиб чиқади.</p>

Менежментликни амалга ошириш жараёнида бу услубларнинг қоришиб кетиш ҳолатини кузатиш мумкин. Экстремал фавқулоддаги ҳолатлар демократик услубдаги менежердан қатъий чоралар кўришни талаб этади. Ҳозирги даврда менежментлик услубларининг сони бирмунча кўпайди ва улар қаторига:

- а) новаторлик-аналитиклик;
- б) хайриҳоҳлик (услубий вариант сифатида);
- в) самарали менежментликнинг эҳтимоллик модели кабиларни киришиш мумкин.

Менежментлик услуги - бу идора қилишнинг объектив ва субъектив шарт-шароити, шунингдек, менежернинг индивидуал ўзига хослиги, унинг билан жамоа ўртасида доимий равишда намоён бўлувчи фазилатдан иборатидir.

Менежментлик маданияти - бу идора қилиш жараёнида унинг томонидан намоён этиладиган (ахлоқий, ақлий, муаммовий негиздаги) фазилатлар мажмуасидир.

Менежментлик маданияти - турли иш ва муносабатлар жараёнида намоён бўладиган коида, кўнкимка ва қадриятлар мажмуидир. Улар кўйидагиларда ўз ифодасини топади:

- 1) гоявий ишонч ва меҳнат фаолигини юксалтириш;
- 2) хулқ-атворни бошқариш;

- 3) мустақил фикрлаш;
- 4) яккахокимлик ҳукуқидан мсъерий фойдаланиш;
- 5) жамоада соглом ижтимоий-психологик микромұхитни мустақамлаш;
- 6) мұлоқот техникаси ва маҳоратини әгаллаш;
- 7) тарғибот ва ташвиқот, танқид ва ўзини ўзи танқиддан самарали фойдаланиш;
- 8) тажриба алмашиш, күрик-танловларда иштирок этиш;
- 9) шахсий намуна орқали таъсир күрсатиш;
- 10) ягона талаблар асосида фаолиятни баҳолаш тизими니 стандарт-лаштиришда “маъмурый қайта қурувчи - яратувчилік” вазифаларини бажариш ва шу каби ҳолатларда ўз ифодасини топади. Менежментлик мәданияти самарали ирода қилишини амалга оширишда омилкор восита сиғатида қўлланилади.

Кўп сифатларнинг бир бутунликда намоён этилиши орқали замонавий менежер даражасига эришиш мумкин.

Ташкилотда доимий равишила ҳар қандай ҳолатда, яъни:

- меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув;
- мавқе қўламини аниқлаш;
- жавобгарлик маъсұлиятининг тақсимоти;
- ваколат ва жавобгарлик нисбатини мувофиқлаштириш;
- фаолиятни функционал чегаралаш;
- назорат кўлами (бўйсунувчилик меъёрлари)ни аниқлаштириш;
- функцияларда коммуникацияни йўлга қўйиш;
- ташкилот фаолияти билан боғлиқ бўлган яна бир қатор муаммолар мажмусини ижобий ҳал қилинча бир-бирига қарама-қарши, яъни “этилувчанлик” ва “қатъийлик”ни ўз ўрнида кўрсата олиш қобилияти етарли даражада мужассам эта билиш орқали менежментлик сифатининг такомиллашуви ҳолати кузатилади. Бу жараёнда менежер ўзининг ҳам, бўйсунувчининг ҳам шахсий типологиясини тўлиқ таърифлай олишдек имкониятга эришиш мумкин.

Менежер ўзининг юкори даражада самарали ишчанлигини саклай билиши ҳам айнан шу омилга боғлиkdir.



Менежментликни касб сифатида танланың индивидуал хусусиятлар күйроқ психогенетикадан келиб чиққанлиги туфайли, индивиднинг функционал ҳолатига бөлгикдир.

### **Бўйсунувчи ва унга қўйиладиган талаблар.**

Менежментнинг энг муҳим жиҳати одамлар билан ишлашидир. Ушбу тизилмада инсон барча жараёнларнинг стакчи бўягини ташкил этади. Ташкилотнинг ҳар қандай фаолият кўрсатиши, муваффакияти айнан қўйилган талабга жавоб бера оладиган ходимларни танлай билишга ва уларни жой-жойига таксимлашга боғлиқ. Ташкилотнинг бундай фаолияти қадриар сиёсати номи билан аталади. Ҳозирги даврга келиб, бу фаолият янгила қўйисодий ва ижтимоий мазмун касб этмоқда. Эндиликда бундай иш билан ташкилотнинг барча даражадаги менежмент органлари узлуксиз шуғулланмоқда.

Бу ўринда талабалар диккатини ташкилотнинг:

- баркарор бўлишида;
- янги йўнилишини амалга ошира олишида;
- самарали фаолият кўрсатишида бўйсунувчининг ўрни ва ролига каратиши мақсадга мувофиқ. Масъумки, ташкилот мураккаб тизилма деб номланади.

Шунинг учун мазкур ташкилотнинг ҳар бир ходими ўз даражаси ва ўринига эгадир. Кимдир менежмент, кимдир эса бўйсунувчилар вазифаси ни бажаради. Айнан шу мупосабатга биноан мулоҳаза юритилганда:

“Бўйсунувчи - ўз қобилияти ва истеъодини намойиш қилиш орқали ўз ваколати доирасидаги вазифани бажарувчи субъектдир”.

Энди бўйсунувчининг олдига қўйиладиган талаблар моҳиятига тўхталиб ўтиш айни муддаодир.

Ташкилот фаолиятга объектив ва субъектив таъсири кўрсатиши тўғрисида мулоҳаза юритганимиз туфайли энди тобе кишиларга фикр билдирамиз, ҳолос. Бўйсунувчи ҳам қатор омиллар таъсирида ва мухитида фаолият кўрсатади. Бундай мураккаб ва кўп қиррали жараёша унинг ҳастий тажрибаси орта боради ва ташкилотдати ижтимоий-психологик муҳит таъсирида ўзини англаш кучаяди.

Унинг у ёки бу даражада шахсий ташкиллашуви яқкол кўзга ташланади. Шунинг учун ташкилот ҳам, унинг раҳбари ҳам, қолаверса бутун мешнат жамоаси бўйсунувчи (тобе шахс) олдига бир қатор талаблар қўяди, чунончи:

- а) қўйилган мақсадни англаш;
- б) шу мақсадга эришиш йўлида муайян вазифаларни бажара олиш;
- в) шахсий тақомилланувни узлуксиз амалга ошира бориш.

Бунинг учун унинг:

- куч-қудрати, зехни ва қобилиятини фаоллаштириши;
- матнавий-ахлокий юксалишини таъминлаш ва ҳоказо.


Бўйсунувчи ўзида ўзига хос ишонч, баҳолаш принципи тузилмасини вужудга келтириш орқали ўз нуктаи назарини қарор топтира олади. Бун-

дай сифатлар сохиби бўлган бўйсунувчи олдида ўз шахсий камолотига эришиш борасида кенг имкониятлар очилади.

Ижтимоий психологияда мукаммаллик сари етакловчи восита сифатида мотивация тан олинган.

Мотивация - кишилар фаолиятини ижтимоий-психологик йўллар билан шахсий ёки ташкилот мақсадларинга мувофиқлаштириш жараёнидир.

Мотивация жараёнида бўйсунувчи самарали ва сермахсул ишлаши учун унинг қобилияти ва истеъод ҳаракатга келтирилади. Бу жараёнида бир неча омилиларнинг ўзаро алоқадорлиги кузатилади. Одатда фаолият ва ҳулқ мотивациясида коникиш хисси ҳосил қилинmasa, ҳаракат жараёнини кучайтириш зарурити юзага келади.



Мотивация - мукаммаллик сари элгувчи восита эканлигини янада батафсил кўрсатиш учун бир қатор психологик назарияларни, жумладан, Маслоу иерархиясини ўрганиш мақсадга мувофик.

Мотивацияяга чорловчи омишлар хилма-хилдир. Уларни самарали кулагай билиш бўйсунувчининг маҳоратини янада оширишга хизмат қиласи. Менежер учун эса, ҳар қандай функция ва функциялараро идора қилувчи такомиллаштириш жараёнига кўмак берувчи восита сифатида намоён бўлади.

Мехнат ресурсларини менежментнинг самарадорлигини ошириш йўллари ранг-барангидир. Мехнат рессурслари - бу ахолининг меҳнатга лаёқатли қисмидир.

Мехнат ресурсларини идора қилиш жараёнида одамларнинг ўзига хос томонларини хисобга олишга тўғри келади, улар ўзларининг:

- 1) қобилиятларига биноан;
- 2) истеъодларига тааллуқли;
- 3) эҳтиёжларига кўра;
- 4) кутилаётган натижаларига оид;
- 5) зеҳнларига доир;
- 6) муносабатлари нуктаи назарларига алоқадор;

7) қадриятларига мувофиқ равинида түрлича хусусиятларга эга бўладилар.

Шунингдек, ташки таъсири ўтказиш омишларининг ҳам бу борада ўрини ва роли мавжуд бўлиб, улар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Менжнат ресурсларини идора килишининг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан менежерга боғлиқдир. Шу ўринида, айниқса замонавий менежер (раҳбар)нинг бир қатор функцияларини тўлиқ бажара олиши мухим роль ўйнайди, чунончи:

- менежментлик;
- дипломатлик;
- етакчилик;
- мураббийлик;
- инноваторлик;
- инсонийлик ва бошқалар.

Менежер уддабуронлиги орқали шаклланган жамоада:

- “бизнинг принципларимиз”

- “бизнинг кредо”

- “мамнавий қадриятимиз” каби фазилатларининг ишлатиши фойдалан холи эмасдир.

Юкорида санаб ўтилган жиҳатларни хисобга олган ҳолда менжнат ресурсларини самараали йўлга кўйишда мақсадга эришувни таъминлашга кўмак берувчи одамлардан фойдаланиш, айниқса шундай шахслар жамланган психологик мухитни яратса билиш ташкилотининг келажагини белгилаб беради.

Шунга биноан бўйсунувчининг хизматдаги юксалини - намунавий илҳомга айланба бориш жараёни хар томонлама ўрганиш ушбу мақсадга хизмат қиласди. Унинг - намунавий ходимга айланниши кўплаб омилларга боғлиқ ижтимоий психологик жараёндир. Бунда, бир томондан, бўйсунувчи ўзи қандай сифатларининг эгаси эканлиги мухим бўлса, иккинчи томондан, менежмент қандай асосга курилганлигига ҳам боғлиқдир.

Бўйсунувчининг сифатларини умуман икки тоифага ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: унинг биринчиси, табиатан ялқов, иззаттабаб, ишдан бўйинтовловчи, фаҳм-фаросатли паст тоифадаги кишилар хисобланса, иккинчиси, биринчи тоифага қарама-қарши бўлиб, унга биноан бўйсунувчи ташаббускор, узабурон, ўз зиммасига масъулият оладиган одамлар тоифасидан иборатдир.

Ушбу иккала тоифанинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда, уларга мос бўлган ёндашувни кўллаш бўйсунувчининг хизматдаги юксалишига олиб қиласди. Масалан, биринчи тоифадаги бўйсунувчига нисбатан мажбурлаш, назоратни кучайтириш, жазолаш усувларини диккат марказида ушлаб туриш талаб қилинса. иккинчи тоифадаги бўйсунувчига раббатлантирув асосида ёндашиш унга куляй шарт-шариот яратиб бериш учун етарлилар.

Аммо ҳаётда бўйсунувчилар айнан у ёки бу тоифа вакиллари сифатида эмас, балки уларда иккала бир-бираiga қарама-қарши хислатлар бирлашган ҳолда намоён бўлиши кўпроқ қузатилади.

Шу сабабли менежмент усусларини ва шаклларини уйғунлаштириш талаб этилади. Айнан шу ўринда иккинчи омил, яъни жамоатни идора килиш кандай асосга курилганлиги муҳим аҳамият қасб этади.

Менежмент усуслари ва шаклларининг муваффакиятли қўлланиши бўйсунувчининг хизматдаги юксалишини таъминлайди.

Одатда менежментлик иктисадий ишлаб чиқариш; “ноу ҳау”, ижтимоий химоя каби тўрт мақсаднинг миқдорий кўрсатгичлари белтиланиб, ҳамма ресурслар шу мақсадни бажаришга йўналтирилди. Бу принципда қўлланилдиган ижтимоий химоя айнан бўйсунувчиларниң ўз мақсади ва қизиқишлирга фойт мақбул тарзда шарт-шароитлар яратиб қартилганлиги туфайли уларни қасбий юксалишга ундейди ҳамда хизматдаги юксалишиларига сабаб бўлиб ҳисобланади. Бу ўринда стратегия, структура, тизим, ҳодимлар таркиби, менежментлик маҳорати, якуний натижалар принципи мақсадга эришишда муҳим роль ўйнайди.

Уларга асосланган ҳолда:

- а) иктисадий кўрсатгичлар ҳисобланаб чиқилади;
- б) ишлаб чиқариш тузилмаси барпо этилади;
- в) ресурслар жамланади;
- г) менежментнинг самарали усуслари кенг қўлланилади;
- д) ҳодимларни ташлаш, ўқитиш ва малакасини ошириш ишларининг йўлга қўйилиши бўйсунувчининг намунавий ҳодимга айлананишида муҳим алоҳида аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқаришнинг узлуксиз харакатини таъминловчи япон менежмент тизимини қарор топтириш муҳимдир. Мазкур усусларниң асосий йўналиши ҳодимларни ташлаш, маҳоратини баҳолаш, ўқитиш ва малакасини ошириш, улар олдига аниқ мақсад ва вазифалар қўйиш, мансаблардаги алмашинувни (ротацияларни) мунтазам олиб бориш орқали бўйсунувчининг хизматдаги юксалиши таъминланади. Менежер билан бўйсунувчининг тақдири бир деб қаралади.

Менежментлик принциплари турли-туман бўлиб улардан:

- демократия принципи;
- иерархия принципи;
- якка ҳокимлик принципи;
- қайта алоқалар принципи;
- билимдонлик принципи;
- фармойиллик ва жавобгарлик принципи буғунги кунда кенг қўлланилиб келинмоқда.

Юкорида санаб ўтилган принципларнинг ҳар бирида бўйсунувчининг хизматдаги юксалиши учун у ёки бу кўринишдаги йўналишлар мавжудлар. Унинг ҳар бири бўйсунувчи олдига катор талабларни қўяди. Бундай талабларни бажара олиш қобилияти ва истеъодини намоён эта олган ҳодим хизматда юксалиш имкониятига эга бўлади, ҳолос.

Менежмент жараёнида психологик омиллардан фойдаланиш бўйсунувчими ташкилот фаолиятининг барча бўгинларида фаоллик билан иштирок этишига асосланади. Менежментликда бу усулни кўллаш соёлом ижтимоий-психологик мухитни яратиш ишига хизмат қиласди.

Одатда ташкилотдаги ижтимоий-психологик мухит - бу кишиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти, яъни бошқариладиган обьект тизимлари ўргасидаги ўзаро муносабатларнинг кўрсатчи (индикатори) ва муносабилигидан иборатдир.

Ташкилот фаолиятини мувофиқлаштириш, унга умумий йўналиш бериш, улкан вазифаларни бажариш йўлида жамоанинг иродавий бирлигиги қарор тоғтириш орқали соёлом ижтимоий-психологик мухитни шакллантириш мумкинdir.

Менежментлик жараёнида психологик ёндашувларни кўллаш соёлом мухитни шакллантиришни тезлаштириш имкониятини яратади:

1. Менежер ва бўйсунувчининг психологик портретини яратиш.
2. Ташкилотда шахслараро муносабат ва ижтимоий-психологик мухитни тадқик этиш ҳамда уларни янада соғломлаштириш чоратадибirlарини ишлаб чиқиш.
3. Ҳодимларни танлов ва жой-жойига қўйишида касбга яроқлиликни, лаёқатни илмий асосда текшириш ва аник тавсиялар бериш.
4. Мотивациянинг ўрни ва ролига оид аник таклифлар тавсия этиш.
5. Ташкилот келажагини башорат килиш ва бошқалар.

Менежментлик илмининг дастлабки аломатлари Ю.Цезар, И.Зулкарнай, марказий Осиёда эса Ўрта асрларда Амир Темур ҳукмронлиги давридан бошлаб шаклланган.

Ўша даврдаги менежментлик илми ҳарбий интизомга ўрганиш мақсадида ҳодимларни жазо билан кўркитиши, уларни хар бир буйруқ ва фармонига сўзсиз итоат эттиришда кўл келган.


XVII асрнинг охиридаги Англияда амалга оширилган саноат тўнтариси мазкур илмга нисбатан қизиқишини кучайтиришига сабаб бўлди.

XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрда техник ва технологик такомиллашув, ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши менежмент (бошқарув) илмини янги даражага кўтаришини таълаб этди. Ушбу муаммоларни ҳал этиши учун ушбу соҳасидаги тажрибани умумлаштириш, ишлаб чиқариш ва ҳодимларига раҳнамоликнинг самарали усули ва моделларини ишлаб чиқиши сайд-ҳаракатлари орқали амалга оширилди.

Бунинг натижасида менежмент тўғрисидаги фан вужудга келди.  
Унинг ўзиға хос жиҳатларини:

- илмий усулдан фойдаланиш;
- тузилмавий йўналишга асосланганлик;
- моделларни кўллаш кабилар ташкил этади.

Илмий усул-ҳар қандай илмий тадқиқотнинг пойдеворишир.



Менежментда құлланиладиган илмий усул уч босқичдан иборат бўлади:

- кузатиш;
- фаразни шакллантириш;
- фаразни текшириш.

Менежмент қарорларининг қабул қилиниши - бошқарув функциясининг мұваффақиятниң таъминлаш сары йўлдир. Шундан келиб чиққан солда қарорларни қабул қилиш жарёни - менежмент назариясининг асосини ташкил этади.

Психология фанида қарор ижтимоий ҳолатнинг унсури сифатида мухим роль йўнайди. Қарор - кўйилган мақсадга эришиш учун ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва рагбатлантиришни амалга ошириш йўли акс этган директив хужжат мажмуасидир.

Қарор - менежер меҳнатининг асосий маҳсули, шунингдек, ташкилотни мұваффақият сары элтувчи механизм сифатида асосланғанлик, баланслашгашылар ва таъсиранчанликка асосланади.

Қарорнинг хилма-хил турлари мавжуд бўлиб. Уларнинг ичидаги кенг тарқалгани кўйидагилардир:

- стереотик - оператив қарорлар;
- новаторлик мазмунидаги - истиқбол қарорлари.

Одатда стереотик қарорлар - ташкилот обьектини ишлаш механизми фаолиятiga асосланаб, кундалик, айрим ҳолларда кескин масалалар бўйича тез ва кўп тайёргарлик кўрмасдан қабул қилинади. Шунинг учун бундай қарорлар жабхасига:

- ходимни ишга қабул қилиш;
- ташкилотни ишга тайёрлаш;
- танкилотдаги ижтимоий-психологик вазиятни яхшилашга ўхшаш турлар.

Карорларнинг иккинчи тури - истиқболли қарорлар деб аталиб, ташкилотда нафақат миқдор ўзгаришларини, балки сифат ўзгаришларини амалга ошириш назарда тутилади.

№	Режалаштириш бўйича:
I.	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Бизнинг энг юксак вазифамиз ёки иш йўналишимиз нималардан иборат?</li> <li>2. Мақсадларимиз нималардан иборат бўлини жоиз?</li> <li>3. Ташки мухитда нималар юз бермоқда ва улар ташкилотимиз келажаги учун қандай тасирга эта?</li> <li>4. Қўйилган мақсадга эришмок учун қандай стратегия ва тактикани танлаш ёрунли?</li> </ol>
II.	<p style="text-align: center;"><b>Ташкилий фаолият бўйича:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ташкилот фаолиятини қарама-каршиликлариз ва самарали ташкил этиш учун мувофиқлаштиришини қандай амалга ошириш керак?</li> <li>2. Мазкур блоклар ишини қарама-каршиликлариз ва самарали ташкил этиш учун қандай мувофиқлаштиришини амалга ошириш лозим?</li> <li>3. Кабул килинган қарорларни ташкилотнинг қайси бўғинида фаолият кўрсатгастган одамларга, хусусан менежерларга ишониб топшириш мумкин?</li> <li>4. Ташки мухит ўзгариши туфайли ташкилот структурасини ўзгарттириш керакми ёки йўқ?</li> </ol>
III.	<p style="text-align: center;"><b>Мотивация юзасидан:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Менинг ходимларим қандай эҳтиёжларни хис этмоқда?</li> <li>2. Мақсадга йўналтирилган ҳаракат жараёнлаги фаолиятда мазкур эҳтиёжлардан кайслари қандай даражада қониктирildи?</li> <li>3. Агарда ходимларда иш ва ишлаб чиқариши юзасидан қоникишлар юзага келган бўлса, улар ниманинг хисобига яратитади?</li> <li>4. Ходимларда мазкур қоникишларни таъминлаш учун нималарни қила оласиз?</li> </ol>
IV.	<p style="text-align: center;"><b>Назорат юзасидан:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Иш натижаларини қандай аникламок жоиз?</li> <li>2. Натижаларга баҳоларни қандай оралиқ даврларда бериш мақсадга мувофик?</li> <li>3. Мақсадга эришиш ўйлида нималарни бажара олдик?</li> <li>4. Агарда қўйилган мақсад сари керакли даражада яқинлашмаган бўлсан, бунинг сабаблари нимада ва уларга биноан мувофиқлаштирувчи қайси амални кўллаш шарт?</li> </ol>

Менежмент қарорларини қабул қилишни моделлаштириш ва унинг типлари мухим аҳамиятга эга. Менежмент фанининг марказий масаласи ташкилотни ташкил этувчилар ўртасидаги мувофиқлаштириш билан боғлик муаммоларни ҳал этишда менежерлар учун илмий базани яратиш мақсадга мувофик. Шу мақсадда ташкилотда қарорларни қабул қилишни моделлаштириш билан шугуулланувчи хизмат маркази фаолият кўрсатиши лозим.

Психология фанида модель - бу объект, тизилма ёки ғояни айнан улардан фарқ қилувчи қандайдир бир шаклда тасаввур этиши тимсолидир.

Модель - менежернинг ўз олидида турган муаммоларни тушуниши ва ҳал этиш имкониятини кенгайтириш демакдир. Менежментликнинг мурakkabligi, табий равишда эксперимент ўтказиб бўлмаслиги ва идора килишиликнинг келажакка йўналтирилганлигидан моделлаштиришга нисбатан эҳтиёжи тутилади.

Моделлаштириш орқали қабул қилинган мұқобил қарорларнинг оқибатини аниклаштириш мүмкін, бу эса уларни объектив тарзда киёслаш имконини беради. Менежер уларнинг ичидан әңг мұккамалини танылаб олиш орқали ўз ресурсларини тақсимлаш, ҳаракаттар кетма-кетлегини белгилаб олиш, янги ходимларни ва модий ресурсларни жалб этиш имкониятини аниклаған олади.

Ижтимоий психологик түшүнчалар билан атаганда, моделларни яратыш - вазифаны күйиш, уни қуриш, ишончлы эканлигини текшириш, күллаш ва моделни янтилаш жараённайды.

Моделлаштириштеги умумий муаммолари - уларнинг самаралиғи билан бөлгілікпір. Шунинг учун ҳар қандай моделлаштириш:

- 1) дастлабки маңылумотларнинг ишончсыз эканлиғи;
- 2) кераклы маңылумотларни олиш имконияттеги чекланғанлиғи;
- 3) фойдаланувчилардаги хавотирланиш ҳиссесінинг мавжудліғи;
- 4) амалиётта суст күлләнилиши оқибати;
- 5) хаддан ташқари қыммат эканлиғи каби муаммоларни ўзида намо-

ён этади.

Замонавий ташкилотларда қарорларни қабул қилинша моделларнинг күйидеги типлардан фойдаланылады:

- a) физик модель; унга күра объект ёки түзилма кичрайтылған ёки күттәләштирилған ҳолда талқық килинади;
- b) аналогик модель; бу модель орқали объект бошқа, худди реал объект сингари күрініншадағы ўхшаш (аналогик томони) билан киёслаб ўрганилайды (масалан: ташқилюй тизилма);
- v) математик модель; унда тимсоллар ёрдамида объект ёки воеанынг тавсифомаси ёки хусусиятлари тасвирлаб берилады.

Менежмент қарорларини қабул қилинша моделлаштириштеги:

- 1) ўйнилар назарияси;
- 2) әңг мақбул хизмат күрсатыш модели;
- 3) захираларни жонлаштириш модели;
- 4) қизиқли дастурлаш модели;
- 5) имитацион модельлаштириш;
- 6) эконометрик (иктисодни ўлчов) модели каби тишилари кеңг

күлләнилайды.

Мазкур усулдар модельлаштиришни түлдірүвчи сифатыда намоён бүләди ва улар менежернинг мақсаддаға әришувини таъминлаш жараённанда хизмат килаади.

Қарорларни қабул қилиш усуллари күйидегилардан ташкил топады:

- a) түловлар матрицаси;
- б) қарорлар шажараси;
- в) бағоратлаш усуллари (бағоратлашыннан міндердің сифатынан түркүмидан иборат).

Әнді уларнинг биттасига қысқа түхтәлиб ўтамиз. “Қарорлар шажараси” усулы кетма-кет қарорларни қабул қилинша фойдаланылады. Бунда бир қарорнинг нәтижаси ундан кейин қабул қилинадынан қарорға таъсир этади ва уннан таркиби күйидегича күрініштеге эга:

Карорни қабул қилишнинг I нұктаси	харакат им- коният лари	воқеалар эхтимоллиги нинг аҳамияти	кутила- ётган ютуқ	карор қабул қилишнинг 2 таси	харакат имкони	кутила ётган ютуқ
--	-------------------------------	--	--------------------------	------------------------------------	-------------------	-------------------------

Ижтимоий-психологик нұктаси назардан қаралғанда қарорлар шажа-раси - мақсад ва тәгмақаддларни амалға ошириш борасыда қабул қилинган қарорларнинг мажмусидир.

Менежмент қарорларини қабул қилиш усулдарини қўлланада куйидагиларга эътибор қилиш мақсадга мувофиқ:

- 1) илмий асосланғанлик;
- 2) қарорлар ўртасидаги давомийлик;
- 3) адолатлилик;
- 4) тўғри йўналтирганлик;
- 5) тезкорлик;
- 6) вакт кўламида аниқлик ва ҳоказо.

Менежментда ҳаракатни юзага келтириш даражаларини ўрганиш ижтимоий фаолият учун муҳим аҳамиятга эга.

Одатда ҳаракат - объектив муносабатлар тизилмасидаги фаолиятилинг таркибий қисмидир. Мазкур муносабатлар тизилмаси асосида обьект билан субъектнинг ўзаро:

- 1) боғланғанлиги
- 2) бўйсунганилиги
- 3) ҳамкорлик ва шу каби муносабатлари акс этади. Бунда унинг мураккаб ва кўн қиррали;
  - а) менежер-бўйсунувчи;
  - б) бўйсунувчи-менежер;
  - в) раҳбарлараро;
  - г) бўйсунувчилараро
 муносабатлар ривожланишининг жиҳатларини тадқиқ этиш мумкин. Ушбу муносабатларнинг кўн қиррали жиҳатлари легдана, асосан ҳамкорликда фаолият кўрсатувчи шахслар ўртасидаги яхлит муомала жараёнини назарда тутиш лозим. Яхлит муносабатнинг таркиби бу:
  - а) коммуникатив (ахборот узатиш);
  - б) интерактив (ўзаро ҳаракатни қуриш);
  - в) перцептив (ўзаро идрок этиш) каби жиҳатларни яхлит холда текшириш ва мувофиқлаштириш жараёниdir.

Мазкур муносабатлар жараёнида ҳар иккала томоннинг (масалан, менежер-бўйсунувчи) ўзаро таъсири натижалари кўп жиҳатдан муайян ижтитмоий мавқеи (мансаби, ёши, жинсий белгилари)га боғлик бўлади.

Менежментника ижтимоий коидалар асосида қабул қилинган ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракат намунасининг ўзига хос тизилмаси яратиласди. Уларнинг мавжудлиги орқали ижтимоий назорат механизmlари йўлга кўйилади. Ҳар бир фаолият субъектининг “бажарадиган роллари” муайян ролларнинг эхтимоли ёрдами билан идора қилинади. Бу жараёнда субъект -объект муносабатларининг мувофиқлашуви холати юз беради, чунончи:

- ўзаро хурмат ва ўзаро ишонч;
- ролга нисбатан мавқеи, иродаси;
- ўзини ўзи англаш;
- бошқа ҳолатларга нисбатан юксак масъулият;
- ўзаро бир-бирини яхширок билиш борасида;
- идентификациялаш (айнан ўхшатиш орқали тушуниш);
- рефлексия (фикрни таҳтил этишга мойиллик);
- стереотиплаштириш (бир хил қолипга солиши) сингари механизмларнинг турлича таъсирини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувоффик.

Шунингдек, бирталикдаги ҳаракат жараёнида тескари алоқа хам мавжуд бўлиб, у хабарчилик ва ўзини ўзи бошқариш функцияларини ба-жаради.

Юкоридаги ҳаракатни юзага келтириш даражаларини текшириш орқали ҳар бир ходимнинг:

- а) ишчаплиги ва шахсий хизматларини;
- б) мавқесига кўра ҳуқук ва бурчларини;
- в) нуфузини аниклаш имкони туғилади.

Айнан шундай аниклаштириш орқали ҳамкорликдаги ягона мунопасат жараёнида менежер билан бўйсунувчилар жамоаси жисслигининг миқдор кўраткичини топиш имконияти яратилди.

Менежмент қарорлари бажарилишини таъминлашда кўникмаларни шакллантириш механизмининг ўрни ва роли мухим аҳамиятга эга. Ай-никса стратегик режалаштириш - менежмент қарорларини амалга ошириш учун ёрдам берувчи қуролдир. Уни тадқик этиш орқали ташкилотнинг мақсадга йўнайтирилган ҳаракатларнинг дастури яратилади.

Ижтимоий психологияда стратегик режалаштириш - бу бош мақсадга эришиш учун йўллар, шарт-шароитлар ҳамда воситаларни амалга ошириш ҳисобга олиш ва уларни ўзаро мувоффиклаштиришdir.

Ҳар қандай фаолиятнинг мақсади-кутилган натижага эришмокдир.

Бош мақсадга қаратилган фаолиятда оралиқ, мақсадларга этиш орқалигина якуний натижага эришишини таъминлаш мумкин, деган нутказ назарни ривожлантириш керак.

Оралиқ мақсадлар ҳам ўта аник шакллантирилганлиги туфайли уларга эришиш учун воситалар танлови осонлашади.


Мақсадни аниклаш - бу унга мос стратегия ишлаб чиқиш учун қарор қабул килишининг аник даражасидир. Унга мутаносиб тарзда стратегия танлаб олинади. Стратегияни танлаш - бу фаолиятнинг узок ис-тиқболига мўлжалланган концепцияни ишлаб чиқишидир. Уни ишлаб чиқиши жараёнида одатда сифат ва миқдор кўраткичларидан фойдаланилади. Яъни мўлжаллар ва уларга биноан тоширикларнинг кўлами белтилаб олинади.

Мазкур концепцияда юкори самарацорлик, фаолият барқарорлиги, янги йўнилишларда ривожланишининг мезон кўрсаткичлари ҳам ўз акими топади.

Демак, стратегияни танлаш - бу мақсадга етиш учун фаолиятни ресурслар билан таъминлаши, мавжуд имкониятларни баҳолаш орқали унинг яқин ва узоқ истиқболига кўра ривожланишини ўзида ифодалайди.

Стратегик танловни амалга оширилишида турли омиллар таъсири мухим роль ўйнайди. Бундай омиллар туркумига: таваккалчилик, олдинги стратегия таъсирида бўлиш, вакт омили ва шу кабилар киради.

- Ташкилот учун стратегик режалаштириш босқичлари ва уларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Стратегик режалаштириш жараёни куйидагиларда мужассамлашади:



Ижтимоий фаолият ва хулқни стратегик режалаштириш босқичлари-стратегик режалаштириш жараёнида ўз аксини топади.

Стратегик режалаштириш жараёни бир қарашда содда кўринишга эга бўлса-да, аслида у ўта мураккаб эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз, чунончи мақсадга биноан стратегик режалаштириш ўзида:

- а) аниқ ва лўнда мақсадларни шакллантириш;
- б) уларга эришиш учун реал ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш;
- в) ишлар ва натижаларни назорат қилиш, аниқлаш ва уларни баҳолаш;
- г) кўзланган натижага эришиш учун мувофиқлаштириш чоратадибirlарини қўллаш, ҳар қайси ўзига хос бўлган жараёнлар мажмуасини акс эттиради.

Стратегик режани амалга ошириш жараёнини таҳлил қилишнинг кўрсатилишича, у кўп босқичли қиёфага эгадир: тактика, сиёсат, бажариладиган иш тартиблари, қоидалар ва хоказо.

Стратегик режалаштиришнинг самараорликка хизмат этишини таъминлаш учун меъёрий андозага катъий риоя қилиш лозим. Стратегияни амалга ошириш жараёнида бажарилиши шарт бўлган фаолият таркибининг ҳар бирiga куйидаги чизмадан фойдаланган ҳолда изоҳ бериш айни муддаодир.

Ташкилотнинг иш услубига ва қадрията мос менежерларни ўқитиш ва тарбиялаш

Талаб дарражасидаги ёндашувни таъминловчи, рағбатлантирувчи тизимини шакллантириш

### Стратегияни аниқлаш

Ташкилий тизимлани баҳолаш, агар керак бўлса таркибий ўзгаришлар қилиш

Бўлимлар ва бўлинматар бўйича ресурсларни таҳсиллаш

Камчиликларни аниклаш, натижаларни баҳолаш ва кайта алоқаларни таъминлаш

Адектив ва ўз вактида бизнесни баҳолашни таъминлаш учун ахборотлар тизимини яратиш

Фаолият натижаларини ўлчаш усуллари ва мезонларини аниклаш

Менежментнинг асосий вазифаларини аниклаш

Таркибий ўзгаришлар килиш ёки айрим бўлинмаларга вазифалар белгилаш

Мувофиқлаштириш усулини шарт этиш ва ваколатларни бериш

Харакат учун йўналиш сифатида аниклаш

Айрим раҳбарларнинг мақсадларини аниклаштириш.

Стратегияни амалга ошириш жараёнида стратегия баҳоланади ва уни кўйидагича таъриф бериш мумкин: стратегияни баҳолаш-бу фаолият натижасини кўйилган мақсадга солиштириш жараёнидир.

Стратегияни баҳолаш учун асосан бешта саволга жаоб бериш мақсадга мувофик.

1. Стратегия ташкилотнинг имкониятлари билан мос қеладими?
2. Стратегияда меъёрий таваккалчиллик даражасининг кўлами мавжудми?
3. Стратегияни амалга ошириш учун ташкилот етарли ресурсларга эгами?
4. Стратегияда ташкилотнинг имкониятлари хисобига олинганми?
5. Бу стратегия ташкилотнинг ресурсларини ишлатишнинг энг яхши усулими?

Юкоридаги талабларга жавоб берса оладиган даражадаги стратегияни танлаш ва уни амалга ошириш ҳар қандай фаолиятнинг самарали бўлишига, пировард натижада эса кўйилган бош мақсадга эришувиға хизмат киласди.

Менежмент жараёнини мувофиқлаштириш ва унинг бошқа функциялари билан ўзаро алоқадорлиги ташкилот учун муҳим жабҳадир. Мувофиқлаштириш - менежментлик жараёнининг энг марказий функциясидир. Мувофиқлаштиришнинг бошқа менежмент функциялари билан ўзаро алоқадорлиги кўйидагича менежмент намоён бўлади:

Режалаштириш

Ташкилий фаолият


Мувофиқлаштириш

Назорат


Мотивация

Мувофиқлаштиришнинг асосий вазифаси - ташкилот бўлинмаларининг ўзаро негизида киришувчаник алоқаларини таъминлашга қаратилганлигидир. Мазкур алоқалар мувофиқлаштирув жараёнига кўра хилма-хил бўлиши мумкин: хисоботлар, йиғилишлар, мулоқотсұхбатлар, телекс-телефакс, товарлар картотекаси, компьютер алоқалари, ахборотлар банкини яратиш орқали тагтизилмалар ўртасида ўзаро биргаликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш амалга оширилади.

Маълумотлар билан алмашинув жараёнининг энг оддий модели куйидаги кўринишга эга.



Мазкур жараёндаги навбатдаги яна икки йўналишни аниқ ўзлаштириш ўта муҳимdir. Бунда юқоридага моделни янада мукаммаллаштирилиши кузатилади. Маълумотлар алмашинуви жараёнини эса куйидагича акс эттириш мумкин.



Мазкур йўсиндаги алоқалар алмашинувини йўлга кўйиш орқали менежментликда ишончли, сифатли ва фойдали маълумотларга эга бўлиши имконияти яратилди. Ишлаб чиқаришда оддий маълумотлар алмашинувидан мураккаб тизим сари ўтиш босқичма-босқич амалга ошиади. Маълумотлар алмашинувининг мураккаб тизими: кайта ишлаш, тахлил этиш, олинганд хисоботларни яна қайта ишлаш жараёнидир.

Менжернинг ташкилий фаолияти бир томондан, маълумотлар кандай сакланадётганилигига, фойдаланаётганилигига, иккинчи томондан, унгар билан ишлашини автоматлаштиришнинг даражасига боғлиқ. Бунда

ахборотлар тартиби йўриқномаси (ахборотлар банки) яратилади. Замонавий компьютерларни ишлага олиш борасида менежер билимининг юкори бўлиши маълумотлардан тўла ва самарали фойдаланишга ёрдам беради.

Менежментликда ахборотлар (маълумотлар) тизими объект-субъект ўртасидаги алокаларга даҳлдор бўлиб, улар:

- а) ташкилий фаолиятни мувофикалаштириш;
- б) ишлаб чиқариш жараёнини мукаммалаштириш;
- в) режалаштиришни такомиллаштириш;
- г) тадбирлар ижросини назорат килиш жараёнларида кенг фойдаланилади.

Менежментликни мувофикалаштириш ва тартибга солишининг ташкилотчилик аҳамияти.

Режалаштириш менежментнинг стратегияси ҳисобланса, мувофикалаштиришнинг тактик масалаларини ҳал килиб беради.

Бу функцияниң асосий вазифаси оқилона алокалар ўрнатиш йўли билан бошкариладиган тизимнинг турли кисмлари ўртасида келишиб иш олиб боришини таъминлашдир.

Мувофикалаштириш маблағлари тежаш бошқарувдаги параллелизм ва бир-бирини тақоррлашни бартараф килиш имконини беради. Турли тармоқлар ўртасида ресурсларни тақимот йўли билан ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириши максад килиб қўяди. Унинг ёрдами билан вужудга келиш экстимоли-айрим оғишларнинг олдини олади.

Моделлаштириш орқали ташкилот фаолиятини мувофикалаштириш ташкилий фаолиятга кутилмаган ҳолларнинг таъсирини ўзида акс эттирган моделни ишлаб чиқиши мумкин. Бундай модел менежерга айнан ташкилот фаолиятига таъсир этувчи омилларни мувваффакиятли ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши имкониятини беради.

Менежмент жараёни-доимий ижод жараёнидир. У мунтазам янги гоёяларни яратиш ва амалга ошириш, эскизини такомиллаштириб боришини талаб килади. Шунга биноан шароитга қараб иш тутиш, яъни вазиятни моделлаштириш орқали ташкилот мувваффакиятга эриша олади.

### **Раҳбар психологияси**

Бошқарув психологиясида раҳбарлик ва раҳбарнинг психологик муаммолари мавжуд бўлиб, уларни муайян туркumlарга ажратган ҳолда ҳал килиш мумкиндир. Қўйида ана шу муаммоларнинг моҳиятини ёритишига ва маълум турхуларга ажратишига ҳаракат қиласиз ва уларни харкайсисининг ўзига хос ҳусусиятларини таҳлил килишга интиламиз:

1. Раҳбар фаолиятининг психологик ҳусусиятлари:
  - бошқарув лавозимларининг психологик тавсифи,
  - инсон психикасига лавозим тақозо килувчи талаблар,
  - раҳбарнинг шахсий фазилатлари, сифатлари ва хислатлари,
  - қасбга йўналтириши ва қасб мотивациясининг психологик жабҳалари, жиҳатлари ҳамда томонлари,

- ўринбосарлар танлаш ва уларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш,
  - ўринбосарлар шахсини ва фаолиятини баҳолаш,
  - ўринбосарларни лавозимга жойлаштириш ва уларга ҳомийлик қилиш,
  - ўринбосарларни касбий тайёрлашдаги маъсуллияти,
  - иш жойига нисбатан психологик талаблар ва уларга риоя қилиш,
  - меҳнат фаолиятини илмий жиҳатдан ташкил қилиш ва бошқарниш.
2. Раҳбарлик қилувчи жамоадаги фаолияти:
- раҳбарлик қилувчи жамоа аъзоларини шаҳодатлантириш,
  - жамоавий психикани шакллантиришга интилиш,
  - жамоа аъзолари ўртасида психофизиологик мосликни таъминлаш,
  - жамоадаги ижтимоий психологик мухит ва уни таъминлаши,
  - пешқадам (лидер) ларга қўйиладиган психологик талаблар ва уларнинг мазмуни, моҳияти.
3. Ёрдамчи бошқарув аппарати:
- ёрдамчи аппаратга нисбатан қўйиладиган психологик талаблар ва уларнинг психологик тавсифи,
  - ёрдамчи аппарат меҳнатини илмий ташкил қилиш имкониятидан оқилона фойдаланиш,
  - бошқарувнинг автомат системаси (АСУ) ва инсон.
4. Бошқарув фаолиятининг психологик таҳлили:
- раҳбарликнинг умумий функциялари,
  - бошқарилувчи ва ишлаб чиқарувчи жамоа фаолиятининг асосий йўналиши ва мақсадини узлуксиз равишда аниклаш,
  - ахил, жипс, илчан ижтимоий руҳий жамоани яратиш,
  - жамоа ўзагини шакллантиришда унинг тузилишига биноан мажбурият, жисмоний ва ақлий куч-кувват ҳамда воситаларни бир текис тақсимлаш,
  - меҳнат фаолияти ва бошқарув жараёнини оқилона ташкил қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалиётта жорий этиш (АБТ ёки АСУ),
  - жамоанинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг истиқболини аниклаш (диагностика қилиш) ва режалаштириш,
  - раҳбарнинг маҳсус функциялари (вазифалари):
  - молиявий, иқтисодий, ҳар звонодаги кадрлар тайёрлаш ва уларни жойлаштириш,
  - кадрлар кўнимсизлиги билан шуғулланиш ва унинг олдини олиш,
  - ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва уни назорат қилиш, прогностик (башорат қилиш) имкониятида илмий ёндашувни жорий қилиш,
  - бошқарув фаолиятининг тузилиши,

- бошқарувнинг объекти юзасидан огоҳлик ва муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ҳамда унинг ечимини баҳолаш,
- бошқарув жарабенида муаммо юзасидан қарор қабул қилишнинг услуби,
- қабул қилинган қарорни амалиётга татбик этиш ва уни назорат қилишини йўлга кўйиш, унинг узлуксизлигини таъминлаш,
- шахсни мақсад кўзлаши жараёнидаги мотивациясига, установкаси-га оид жабҳалар ва эмоционал-иродавий омилларнинг ролига эътибор бериш.

5. Бошқарувнинг психологик хусусиятлари;

- ижтимоий ишлаб чиқариш ташкилотининг раҳбарияти билан техник, технологик системалар маъмуриттининг алоқаси,
- бошқарув иерархиясининг турлича бўғиниларида фаолиятнинг турли-туманинига ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари,
- фаолиятнинг ноадгоритмик ижодий хусусияти ва унинг тавсифи,
- бошқарув муаммолари ечимини яққол ифодаловчи прогностик табииати, унинг хусусиятлари ва таъсир ўтказувчи воситалари,
- бошқарув операцияларини бажариша вақтнинг тақчиллиги ма-саласи ва унга нисбатан қатъий муносабат,
- қарор қабул қилиш масъулиятининг негизида юқори даражадаги психологик зўрикиш ва тангликни пайдо бўлиш эҳтимоли, уларнинг олдини олиш имкониятнинг мавжудлиги.

6. Раҳбарликнинг тадқиқий имконияти:

- жамоа тузилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, унинг функционал, гурухий ички тузилишини таркибларга ажратиш,
- турли лавозимдаги раҳбар шахсларнинг ўзаро таъсири ва гу-рухий динамикасининг таҳлили,
- жамоа аъзолари ўртасидаги мослашиш (кўнизиш) жараёнлари, ижтимоий психологик ва функционал жиҳатдан мос тушиш бо-скичларини ўрганиш,
- бошқарувчи билан ишлаб чиқариш жамоасининг ўзаро таъсири ва унинг гурух ўртасида хукм сурини қонуниятларини кашф қилиш,
- жамоада психологик мухитни вужудга келтириш жараёнлари ва тузилишидаги ўзгаришнинг табиий шаклланиш қонуниятларини очиш.

7. Бошқарув психологиясининг муҳандислик жабҳалари:

- АБТ (АСУ) ни жорий қилинганинг психологик асоратлари,
- раҳбарнинг ролини ҳаддан зиёд ўсиши (парадокс!),
- АБТни татбик қилиш меҳнат фаолиятини бошқаришнинг функционал тузилишини ўзгартириш имконияти,
- АБТ жорий қилингандан кейин раҳбар психологиясида маълум даражада ўзгаришлар содир бўлиши эҳтимоли,
- раҳбарликнинг интеллектуал даражасининг (валюнтаристик) қарор қабул қилишнинг йўқолишига олиб келиши),
- объектив жиҳатдан мустаҳкамланиш шахслараро муносабат субъектларида ишонч ҳиссини таркиб топтириши,

- қарор қабул қилиш, муаммоли вазиятни ҳал этиш, юзага келган ҳолатларни оқилона баҳолаш, уларнинг моҳиятини тушуниш имконияти-нинг янада ортиши,

- АБТ дан фойдаланиш натижасида янги муаммолар кўтарилиши;

- меҳнат бошқарувининг психологик жиҳатдан асосланган ҳозирги замон талабларига мос функционал системасини ишлаб чиқариш,

- меҳнатни бошқарувнинг автоматлашувини ҳисобга олган техники-каси ва технологиясининг кўп киррали тизимини яратишга харакат қилиш,

- иш шакли ва услубидан келиб чиққан ҳолда меҳнат фаoliyati-нинг бошқаруви бўйича услубий тавсиялар ва кўрсатмалар бериш,

- секретарлик ва референтликнинг илмий асосланган тузилмалари (техник хужжатлар, дастурлар, чизмалар, графиклар ва ҳоказолар)ни жо-рий қилиш.

8. Боншқарувнинг педагогик-психологик муаммолари:

- раҳбар кадрларни танлаш, уларни тарбиялаш ва лавозимларга жойлаштириш (махсус режа ва дастур асосида),

- психологик жиҳатдан танлаши бўйича кадрларни маҳсус методлар ва методикалар билан куроллантириш,

- фаoliyatiнинг профессиограммавий тахлилидан келиб чиққан ҳолда раҳбар кадрларни тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш максадида янги тизим яратини ҳамда уни узлуксиз равишда такомиллаштириш,

- таълимий ахборот кўламини илмий жиҳатдан аниқлашдан келиб чиққан ҳолда ўкув дастурини тузиш, раҳбарларни тайёрлаш мазмунининг ҳар бир бўгини учун муайян мезонларни ишлаб чиқиши,

- бошқарув малакалари ва кўнникмаларни шакллантиришининг психологик табиатидан, ўкув курсларининг ўзига хос ҳусусиятларидан келиб чиқиби, таълимнинг услубий тизимини яратиши,

- қасб моҳиятига асосланиб, раҳбарлик лавозимига ўқитилаётган шахсларни психологик тайёрлашнинг методлари, шакллари, воситалари, методикалари ва принципларини такомиллаштириш.

Раҳбар лавозимига тайёрланувчи шахслар, даставвал уларнинг ол-диларига кўйиладиган талаблар билан танишиши ва ўзидағи мукаммалик, заифликлари юзасидан қатъий қарорга келиши лозим. Бу му-лоҳазаларнинг барчаси қасба ва лавозимга кишиларнинг қанчалик мута-носиб ҳамда мос эканлигини аниқлантига хизмат қиласди, кадрлар кўнимсизлигининг олдини олишга зарур шарт-шароитлар яратади, субъ-ектив кечинмалар, баҳолашнинг объективлик даражасини оширади.

Раҳбар психикасига лавозим тақозо этувчи талаблар ўз ичига уч хил туркумга тааллукли жабҳаларни камраб олади: билишга оид, эмо-ционал ҳис-туйғу, иродавий фазилатлар. Билишга ва билиш жараёнига алоқадор талаблар кўйидагилардан иборат:

- диккат ҳусусиятларининг эгалланганилик даражаси,

- сенсомотор ҳаракатларининг мавжудлик кўрсаткичи,

- сезги ва идрокнинг юксак даражасига эришганилик (сезгирилик, идроклилик, фазовий тасаввур, вақтни пайкаш уқувчанлиги),

- тасаввур образлари ва ижодий ҳаёлга мойиллик (фантазия, орзу, хоҳици, истак, тилак ва бошқалар),
- хотирининг мустаҳкамлиги, барқарорлига, шухталиги ва кўламининг кенглига, мантиқийлиги, тезкорлиги ва мазмундорлиги,
- нутқ, нутқ фаолияти ва нутқ қобилиятининг кўрсаткичи,
- фикрлаш, мулоҳаза юритиши фаолиятиниң сермазмунлиги, самарадорлиги, теранлиги, ижодийлиги, топқирлиги, ностандартлиги.

Раҳбар кадр учун эмоционал ҳолатлар ва ҳис-тўйғуларни оқилона бошқарув уқувига эга бўлиш, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини ўзи бошқариш, ўзга кишиларнинг кечинмаларини ҳис эта олиш (ҳамдардлик - эмпатия) муҳим аҳамият касб этади,

- эмоционал ҳолатларга ўз муносабатини билдириш, реакцияга кириша олиш, бу нарсаларга локайд бўлмаслик, юмор ҳиссининг мавжудлиги, ҳамиша муайян мезонга риоя қилган ҳолда тобе кишилар билан муносабат, муомала ва мулоқотда бўлиш,
- ҳиссийтнинг қонуниятларини эгаллаш ва жамоанинг бошқарилув туйғусини олдиндан аниқлаш, уларга асослабиб, аъзолар билан муносабатга киришиш, зарурат туғилганда тезкор қарор қабул қилиш,
- эмоционал ҳолатлар (эмоционал тон, кайфият, стресс, аффект) га баҳо бериш ва уларнинг ҳар бирини таҳлил қилиш имконияти,
- раҳбар кайфиятини аникловчи омилларнинг барқарорлиги,
- эмоционал реакциялар ифодаланишининг ташқи воситалари,
- эмоционал барқарорлик раҳбар шахсининг хислати эканлиги.

Раҳбарлик фаолияти ва раҳбар шахси учун иродавий сифатлар жуда муҳим аҳамиятга эга, уни бошқариш эса психологик тўсиқлар, вазиятлар, низоли ҳолатларни енгиз манбаи бўлиб ҳисобланади,

Раҳбар кадрнинг нуфузи барқарор ирода субъекти эканлигини ҳар кайси харакат ва фаолиятида намойиш қилишда ўз ифодасини топади, уни комилликка йўналтиришга имкон яратади. Шахсларро муносабатда илик туйғуни вужудга келтиради, инсонни инсон томонидан тўғри идрок килишга шароит туғиради, индивидуал услубни шакллантиради, обрў-эътибор маънавий бойлик бўлишдан ташқари ишлаб чиқариш самарадорлигининг омили, илик психологик мухитнинг механизми ҳисобланади. Шахснинг иродасига кўйидаги талаблар кўйилади:

- иродавий куч-куватнинг мужассамлашуви,
- бошқарув фаолиятининг машакқатлари, заҳматлари,
- мақсадга интилиши ва событқадамлилик,
- ташаббус, мустақиллик, ижодийлик,
- дадиллик, жасоратлилик, тўсиқларни писанд қиласлик,
- саботлилик, катийлик, принципиаллик,
- вазминиллик, эсанкирамаслик, ўзини қўялга ола билишлик,
- интизомлилик, ўзини ўзи уддалаш, ўзига ўзи буйруқ бериш,
- ўз кучига ишонч, ўзини сафарбар қила олишлик ва бошқалар.

Матъумки, бошқарув жараёни учун ижрочилар (мехнаткашлар, ходимлар)нинг психологик хусусиятлари ва уларнинг ўзига хослиги муҳим аҳамиятга эга. Худди шу боисдан жамоа, гурух ва уларнинг аъзо-

лари юзасидан мұайян даражадаги психологияк маълумотлилік, фаолиятта мұомаланы тащқил қилиш, уюштириш, мұлоқотта киришиш, вокеликка тортилғанлық масалаларини әтібөргө олиш бошқарув жараёнини максадға мұвоғиқ амалға оширишни тәъминлайды.

Рахбарнинг психологияк саводхонлигга ҳар қайси алоқида хусусиятты вазият, ҳолат, зиддият, шахс қаршилиги, мұносабат, муаммо ечимига оқилюна ва омилкорлик билан инициатива менен дифференциацияның амалийтегі татбиқ этишгә кең күламлы имконият, пухта шарт-шароит, шахсий услугуда вужудға келишигі негиз жаратади. Бинобарин, рахбар ходимларнинг индивидуал-типологияк хусусиятлари бүйіча психологияк билімлар билан қаноат қосыл қылмасдан, бағыттардың ижтимоий психологияк ҳолатлар, конунглар, ҳодисалар ривожи, уларни көлтириб чиқарувчи омиллар, қарасталанырудың механизмлар, ижтимоий мұаммоларнинг ечими, бу жараёнда қатый қабул қилиш ва уни бажарылыш босқичлари түркесидеги маълумотлар билан қоролланиши лозим. Акс ҳолда жамоа, түрлүк сингары микро түзилмешларни бошқариша, психологияк мұхиттің барқарорлаштырылышы, шахслараро мұносабатларни түркеси тащқил қилиш, ишлаб чиқарышни йүлгі күйишіде одамлар үртасыда үзаро таъсир, таъсирланиш, таассурот, үзаро түшүнүш, ҳамдардлық каби мұраккаб кечинмелар кучи, давомийлігінің англаб етиліде нұқсан ғана камчиликларға йүл күйилади.

Иппичилар, ходимлар, деңқонлар, хуллас ижрочиларнинг психологияк масалалари күйидегилерден иборат бўлиб, меҳнаткашлар фазилатларининг ижтимоий психологияк умумий хусусиятлари ва ижтимоий түрухларнинг үзига хослиги, синфий, қасбий хусусиятлари, у ёки бу по-расмий оммавий тизимга таалуккелілік каби руҳий умумийлік, уйгушилік, боғликлік, мутаносиблік, мослік, эътиқод, ишонч ва унга тортилғанлыкның үзіда акс эттирилади:

- умуминсоний, умумбашарий онглилік,
- бошқарув фаолиятида қатнашиш имконияти,
- сабитқадамларлық ва унинг үзига хослиги намунаси,
- ижтимоий фаолілік, ташаббускорлик, хобби,
- турлича шаклдаги мулкни күпайтириш ва уни асраш хисси,
- үзини үзи камол тоғтириш түйүсінинг мавжудлігі,
- ихтирочилик, кашфиётчилик, уюшқоңылар, ташкилотчилик кобилиятти ва уларни рахбарлар ҳамда ҳамкорлик фаолиятида унумли фойдаланыши, бунида диагностик, прогностик методларни қўллаш,
- үзаро ёрдам, үзаро хурмат, үзаро куллаб-кувватлаш хиссининг мавжудлігі ва уларни үз ўрнида татбиқ этиш,
- у ёки бу қасбига таалуккеліліктиң қасбий мұкаммаллігі,
- мұайян милятта мансублігі ва маънавиятта мұносабати,
- маълум синфға алоқадорлігі ва ундан ғурурланиш,
- ғоявий-сиёсий эътиқоди, ишончи ва иймони,
- жинси, ёши, камолот даражаси, ақл күрсатқичи, балогат босқичи,

- сиёсий партияга, ижтимоий иттифоққа, оммавий ҳаракатларга азолиги ва бошқалар.

Рахбар учун мuloқот турлари ва ижтимоий ҳолатларни бошқариши мұхым ахамияттаға эга. Шахслараро мұносабат негизида мuloқот ётиши, мұомала психологиясыда мустақам ўрин әтаптайды, худди шу боисдан унинг турлари, ўзига хос хусусиятлари түғрискіде маңлумоттар билан рахбар кадрни таништыриш мұхым ахамият касб этади. Одатда ахборотлар түғри ва тескари күринишларға ажратылады, мұайян тавсифи, таснифи, хусусияти, сифати мавжудлуги таъкидлаб ўтилады.

Түғри ахборотлар күйидеги хусусиятлари билан бопша турлардан ажралиб турады: чунончи, шакллари, миқдори, сифати, жадаллігі, кузатувчанлығы, ошкоралығы, чөхранинг эмоционал воситалар билан уйғунлығы кабилар.

Тескари ахборот ўзига хос хусусиятларға эга: расмий, норасмий, восита ва каналлар, ижрочининг тескари ахбороти рахбарнинг түғри информацииасыга айланышы, тарихийлігі, жамоа фикри, мuloқазасы, кайфияти, фаоллігі, сұстияғы, акс таъсири ва бошқалар.

"Рахбар - ижрочилар", "ижрочилар - рахбар" мuloқотларининг психологик мұаммолари мавжуд бўлиб, улар мұайян таркиблар, воситалар, тузилмалар, тизимлар мажмусидан иборатидир. Жумладан, контактты мuloқот, расмий, норасмий, машиналар воситасидаги мuloқот, мuloқотнинг феноменлари (ноёб томонлари), оммавий коммуникация воситасига кўйиладиган психологик талаблар, низоли, зиддиятли, можароли вазиятлар, ҳолатлар, ижтимоий психологик мұхит ва установка кабилар.

### **Рахбар қобилиятининг психологик тавсифи**

Бошқарув жараёниниң максады мұвоғиқ равищда амалға ошириш учун рахбар идора килишининг қайси бўғинида бўлишидан қатын изар мұайян қобилиятларға эга бўлиши керак. Рахбар ўзининг шахсий фазиатлари, мустақам характеристи, кучли иродаси, баркарор хиссияттар барча нарасаларға ва жабхаларға нисбатан маҳсус қобилиятлари билан халқ хўжалигини бошқара олади, холос. Чunksи фан ва техниканинг ривожи, одамларда онглийлик даражасининг юксак кўрсаткичи, ижтимоий тажрибаларнинг таъсирчан кучи, кишиларнинг мұайян билимларға эга эканлиги рахбарнинг комил инсон камолоти поғонасига кўтарилишини тақозо этади.

Хозирги замонда буйруқ, кўркитиш, зўрлик билан меҳнаткашларга мұомала килиб бўлмайди, ундан даврлар ижтимоий турмуш майдонидан айлакачонлар чиқиб кетган. Давлат миқёсиде юз берадиган демократик ўзгаришлар, сўз ва виждан эркинлиги, миллий истиқболга эришганлик, миллий ўзлигини анилшаш, хукукий ҳимояланганлик фуқаролар онгини янада юксасишига олиб келади. Йигирма биринчи аср арафасида одамлар ўзларининг ўтмишдош ҳамюргларидан жуда кўп жиҳатлари билан кескин тафовутланади.

Туб ўзгаришлар натижасида уларда мустақил фикрлаш ва иш юритиш, шахсий режаларни руёбга чиқариш йўлларини излаш имкониятлари вужудга келди. Бутунги кундаги раҳбар ижтимоий ҳаётдаги муносабатлар, уларнинг тузилиши ва моҳияти билан яқиндан таниш бўлиши, бошқарув жараёнида уларни ҳисобга олишни такозо қиласди. Тобе кишилар, ижрочилар, ёрдамчилар орасида раҳбар ўзининг ҳар томонлама устуворлиги билан обрў-эътибор, нуфуз орттириши мумкин, акс ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлиги, дехқончилик маҳсулдорлиги, ходимларнинг ижодий фикрлаши тўғрисида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас.

Раҳбар шахси баркамоллиги, қатый характери, милий қиёфасидан ташқари бир қатор қобилиятларига эга бўлиши табиий равишда обрў қозонишга пухта негиз ҳозирлайди, лавозимнинг кейинги босқичлари учун имкон юратади, истиқбол режаларни руёбга чиқаради. Бизнингча, кўйида мулоҳаза юритиладиган қобилиятлар раҳбар кадр учун жуда муҳим ҳисобланади.

1. Ташкилотчилик қобилияти. Раҳбар кадр бозор иктисадиёти даврида ўта улдабурон, ишбилармон, муассаса ёки корхонанинг, идора ёки илмий марказнинг олдида турган вазифаларни мақсадга мувофиқ, со-биткадаллилек билан бажаришни ўюнтира олиш имкониятига эга бўлиши керак. Ташкилотчилик тизимига таҳминан кўйидагилар киради: а) раҳбарлик килаётган ишлаб чиқаришда молиявий ва иктисадий масалаларни тўғри ва оқилона ташкил килишлик, вақтдан бироз илгарилаб кетиши ҳиссияти ва тез пайқаш имконияти билан куроллана олишлик; б) янги ғоялар, йўналишлар, ишлаб чиқариш технологияси, чет эл илгор тажрибасини маҳаллий шароитга, ходимларнинг савиисига мослаштирган ҳолда амалиётта татбик этишлик; в) фавқулоддати ишлаб чиқариш муаммосини тезкорлик билан ҳал кила билишлик, ўз вақтида индивидуал ёки жамоавий қарор қабул этишлик, бу борада нуқсонларга камрок йўл қўйишлик; г) ходимлар, ишлаб чиқариш аъзолари, ўринбосарлар, ёрдамчилар ҳиссияти ва меҳнатга психологик муносабати ҳусусиятини баҳолай олишлик ҳамда кескин ўзгаришлар ясаш учун муайян чора ва тадбирлар кўллашлик (рағбатлантириш, жазолаш, танбех бериш, эътиroz билдириш, хотиржамлик, реал ваъдалар бериш муросага келишлик); д) тобе кишилар жинси, ёши, аклий ва жисмоний имкониятини ҳисобга олиб фаолиятни ташкил қилишга одатланганлик; е) ижрочилар қобилияти, истеъоди, меҳнат стажи, интилиши, қизиқши, иродавий ҳусусияти, жонбозлиги сингари фазилатларга биноан иш тақсимлашни йўлга қўйишлик; ж) маҳсулот сифати ва самарадорлиги юзасидан узлуксиз равишда ғамхўрлик қилишлик, рентабел хўжаликка айлантириш учун доимо қайгуришлик; з) корхона истиқболи ва ходимлар ижтимоий ҳимояси учун ҳамиша ғамхўрлик кабилар.

2. Иймон-эътиқодга, фаол ҳаётий позицияга йўналганлик қобилияти. Раҳбар иймон-эътиқодли, муайян ҳаётий позицияли, мустаҳкам иймонли, соф, ростгўй, самимий, жонкуяр, инсонпарвар, ватанпарвар фазилатли инсон бўлмоғи - ходимлар учун ибрат-намуна вазифасини бажармоғи лозим. Токи сўз билан иш бирлиги ишлаб чиқариш

амалиётида бевосита ўз ифодасини топсин, бошқалар унинг хатти-харакати ва кишилар билан муносабатида тақлид қилишга одатланисинлар. Раҳбар корхона ёки муассасанинг кўзгуси, маънавият, қадрият ва шахсларо муносабат мезонига айланисин. Поклик, масбулият, фидоийлик намунаси тақлид учун замин ҳозирласин, баркамоллик учун интилиш туйғусини вужудга келтирисин.

3. Нутқий қобилият. Раҳбар саводхон сўзлашга ва нотиклик санъатига эга бўлиши шарт. У төвәрак-атрофдагилар билан узлуксиз равишида муомалага киришиб турганлиги туфайли нутқи ихчам, маъноли, оҳангдор, муайян ритм, темпи, частотали бўлишлиги муҳим аҳамиятта эга. Нутқнинг жарангдорлиги, сўзлашганда пауза, мантикий уругта риоя килишилик унинг таъсирчанингини оширади.

Фавкулодда, тасодифий холатларда нутқ сўзлаш, фикр алмашиш лозим бўлса, у холда сира ҳиссиятга берилмаслик, ўзини кўлга олиб, оҳиста, лавозими ва имтиёзини кўз ўнгига келтириб нутқ фаолиятини амалга ошириш зарур. Маълумки, нутқнинг нуқсони, мазмунсизлиги, таъсирчанлик даражаси заифлиги раҳбар нуфузи ва обрўсига птур етказади.

4. Нуфуз (обрў)га эга бўлишилик. Раҳбар ўзининг нуфузи билан бошқаришини амалга ошира олади, холос. Лекин эгалланган лавозим туб маънодаги обрў келтирмайди, чунки кишиларнинг унга нисбатан муносабати вактли хусусиятга эга бўлади. Баркарор, ҳақиқий нуфузни эгалаш табиий равишида амалга ошиди. Раҳбар ўзининг шахсий хусусиятлари, билимдонлига, акл-фаросатлилиги, мустаҳкам иродаси, салоҳияти, истеъоди, таланти, фидоийлиги, баркамоллиги, камтарлиги, самимийлиги, сўзнинг ҳақиқийлиги билан обрў ортириш укувчанингига эришади. Сохталик, акобирлик, шахсиятпастлик, сафсатабозлик, каттиккўллик ҳеч качон чии нуфуз қозонишга олиб келмайди. Раҳбар учун ҳар бир нарса оддий, пухта, табиий, хукукий, одатий тусга эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

5. Перцептив (идрок қилиш) қобилияти. Раҳбар учун биринчи ва иккинчи даражали масалалар бўлиши мумкин эмас, чунки ҳаёт муайян кисмлардан ташкил топган бўлади, хуши шу боис барча нарсаларга эътибор қилиш керак. Раҳбар кисқа вақт оралиғида ишлаб чиқариш участкалари, бўлимлари, аъзолар, амалдордар ва ёрдамчи ходимлар ташкил қиёфаси, ишга тайёрлиги, меҳнат фаолиятини ташкил қилишга таҳтилиги, техниканинг созлиги, кишиларнинг кайфияти бўйича маълумот олиш фазилати перцепцияда ўз ифодасини топади. Кисқа вақт ичida умумий ҳолат билан танишиш - ишлаб чиқаришни қандай асосга кўйиш учун муайян негиз юзага келтиради, айрим олдиндан кўзланган режаларга ўзгартиришлар киритилади.

6. Дидақтик қобилият. Раҳбар бевосита педагог бўлмаса-да, лекин унинг фаолияти маълум аҳборот ва хабарларни ўзга кишиларга етказиш билан боғлиқдир. Худди шу боис турли тоифадаги одамларга, мутахасисларга мураккаб билимлар, муаммолар ҳамда аҳборотларни осон йўл билан тушунириш укувчанинги мутлақо зарур. Айрим бир муаммони од-

дий қоровулдан тортиб то ўринбосарларгача сингдириш мұайян қобилятни тақозо этади. Фавқулоддаги ҳолатлар, вакт тақчилігі раҳбардан дидактик қобиляттаға булишликни тақозо этади. У мазкур қобилятни маҳсус машқлар, тренинглар ёрдами билан ижтимоий хаётты тажриба ортиши орқали әгаллайды.

7. Академик қобилят. Ҳозирги замон талаби раҳбар кадр ҳар томонлама камол топған инсон бўлишини тақозо килади. Давлатлараро, миллатлараро, шахслараро, ихтиослараро амалга оширип учун раҳбар ҳар бир соҳадан минимал билимларга эга бўлиши, улардан ўз ўрнида муваффақиятли фойдаланиш лозим. Молиявий, иқтисодий, маънавий, мафкуравий, миллий, соҳалараро муаммолар мухокама килинаётганда раҳбар шунчаки иштирокчи эмас, балки бахснинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланасин. Муаммо моҳиятини тушунсин, унга ўз муносабатини билдиригин, тоғи оммадан таҳсиллар олишга эришсан.

8. Диккатни тақсимлаш қобиляти. Раҳбарнинг фаолияти кенг кўлмали, ҳудди шу сабабдан у лоқайдилка йўл қўйиши мумкин эмас. Энг одий нарсадан давлат аҳамиятига молик муаммогача масъул бўлганилиги туфайли раҳбар синчков, терап, кузатувчан бир даврининг ўзида бир исча обьектларга ўз муносабатини билдира олиши лозим. Эътиборлилек ходимларни хушёр тортиради, масъуллик эса тартиби интизомни мустаҳкамлайди, лоқайдилк иллати мухитни тарқ этади.

9. Психологик ташхис (диагноз) қобиляти. Раҳбар турли хусусиятини инсонлар билан ҳамкорлик қиласи, уларни тарбиялайди, уларга иш ўргатади, етук мутахассис ёки мукаммал шахс сифатида камол тонтиради. Ҳар қайси инсоннинг келажагини оқилона тасаввур қилишдан иборат олдиндан башорат этиши қобиляти раҳбар учун мұхим аҳамиятта эга. Келажак учун кадрлар тайёрлаш, уларни лавозимларга кўтариш каби ғояларнинг барчаси раҳбар учун ташхис қобиляттини тақозо этади, чунки аниқ мезонларга асосланганларина шахснинг фаолияти ва имкониятини тўғри баҳолаш мумкин, холос. Нуқсоналарга йўл қўйиш мамлакат равнакига мұайян даражада зарар келтиради, бундай ҳолатларнинг олдини олиш маъқул.

10. Муомала ва мулокот ўрнатиш қобиляти. Раҳбар ҳар хил ёш сабабдан у мулокот мароми, муомала турлари, таркиблари, нутқлари ва нутқсиз (сўзсиз) воситалар билан яқиндан танишиши, этник хусусиятлар, миллий анъаналар ҳамда миллий расм-руsumларга риоя қилиш орқали муомала маданиятини әгаллай олади. Ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятларини хисобга олиб муомала ўрнатиш шахслараро муносабатни иликлаштиради, ўзаро ишонч ва якинлик туйғусини уйғотади, киришимли кишилар сафини кенгайтиради.

11. Ташаббусга, ижодга илхомлантириш қобиляти. Турмушдаги айрим кийинчиликлар тўғрисида ибратли маълумотлар келтириши, ўтқинчи захмат ортда колиши юзасидан таасали берин, уларнинг олдини олиш мумкинligини асослаш орқали шахсни ижодга илхомлантириши қобиляти раҳбар кадр учун мутлақо зарур. Фидоийлик туйғусини

үйготиши, ёшларда, мутахассисларда ташаббус ҳиссини вужудга келтириши - ишлаб чиқаришни ривожлантиради, давлат равноқи учун масъулиятли кадрлар тайёрлашга хизмат қилиди.

12. Конструктив қобилияти. Ишлаб чиқариш учун янги технология устида фикр юритиши, тадқиқот ишларини йўлга кўйиш, муайян лойиҳалар ва проекцияларни режалаштириши, уларнинг натижаларини олдиндан айтишдан иборат қобилияти раҳбар учун мутлақо шарт. Ўкувтарбиявий ишларни такомиллаштириши, мутахассис малакасини ошириши, иккинчи касбга йўналтириши, истесъодли ёшлиарни "Умид", "Устоз", "Камолот" ва чет эл фондлари ёрдами билан хорижий мамлакатяарга ўқишига юбориш, муассасани қайта жиҳозлаш, маҳсулот кўламини кенгайтиши, кўшимча товарлар (мояллар) ишлаб чиқаришни йўлга кўйишга раҳнамолик қилиш.

13. Гностик қобилияти. Илмий тадқиқотга лаёқатлилик раҳбар учун мухим аҳамият касб этади. Унинг ибрат намунаси корхона, ташкилотнинг илмий лабораторияга айлантишига олиб келади. Тадқиқот ишларига иқтидорли кишиларни тортиши, ишлаб чиқаришни такомиллаштириши раҳбардан гностик қобилиятини талаб этади. Раҳбарнинг ижодкорлиги оммавий тус олишига олиб келиши мумкин.

Таъкидлаб ўтилган раҳбар шахсининг қобилияtlари мухим аҳамият касб этиб, характер, миллий киёфа қандай роль йўйнаса, улар хам худди шундай қийматга эгадир. Уларни раҳбарларда маҳсус шакллантириши билан камолот сари стаклаш мумкин бўлади.

## **РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ НУҚСОНЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

Кейинги ўйларда тўпланган материаллар таҳлилининг кўрсатишича, раҳбар (бошқарувчи) фаолиятида бир қатор нуқсонлар мавжуддир. Куйида уларнинг айримларига тавсиф бериб ўтамиз.

1. Ўзини ўзи бошқариш имкониятига эга эмаслиги.

Раҳбар кадр ўз фаолиятини режалаштира олмаслиги, ўзини ўзи назорат кила билмаслиги, ўзини ўзи баҳолаш имкониятига эга эмаслиги, ўзига ўзи буйруқ бериш, ўзини ўзи такомиллаштириши, ўз ақлий ва жисмоний захираларини ўзи рўйёбга чиқариш имконияти йўклиги туфайли ўзини ўзи бошкара олмайди.

Ўзини ўзи бошқаришининг икки томони мавжуд бўлиб, унинг битаси хулқ-атворни, иккинчиси эса билиш жараёнини, яъни фикрлаш, хотирлаш, фаҳмлаш, идрок қилишни ўзида акс эттиради. Ақл-заковатнинг заифлиги, хотиранинг бўшилиги, ироданинг кучизлиги, катъиятликнинг етишмаслиги оқибатида ўзини ўзи бошқариш сусайди. Оқибатда жамоа аъзолари ўргасида раҳбарнинг нуфузи пасайди, кундан-кун қадр ва қиймати йўқола боради. Бу эса корхонада психологик мухитнинг ўзгаришига олиб келади, чунки кадрсизланган раҳбар ташкилотни идора кила олмайди.

2. Шахсий қадрияларнинг пугурдан кетганлиги.

Биринчи навбатда раҳбар муайян қадриятлари билан жамоа ўртасида ўзининг "Мен" лигини, индивидуаллигини намойиш қиласди. Мавжуд қадриятларга мослашган корхона, муассаса ходимлари раҳбарнинг аввал шахс, сўнг субъект сифатида таи оладилар, уларнинг негизида бошлиққа нисбатан муносабат, диққат-эътибор шаклланади. Лавозим раҳбар характерини ўзгартирса, баъзи иплатлар вужудга келса, у мавжуд қадриятлардан чекинади ёки улардан воз кечади, оқибат натижада жамоа аъзолари ўртасида обрўсига путур етади.

Соҳта билимдонлик, кибру ҳаво, ўз "Мен" ини супер "Мен" га айлантириши, бойликка ҳире кўйиш, адолатли қарорлардан воз кечиниң сингари иплатлар пайдо бўлиши натижасида раҳбарнинг қадриятларга нисбатан муносабати ўзгаради. Бу ўзгаришлар, муносабатлар жамоа аъзолари томонидан эксперт сифатида баҳоланади, уларнинг бошлиққа нисбатан муносабати заифлашади, унга эътиоди пасаяди.

### 3. Шахсий мақсаднинг ноаниклиги.

Раҳбар лавозимни эгалагандан кейин улуғвор ва бош мақсад белгилайди, қадам-бакадам уларни амалиётга татбиқ қилиш учун муайян саъи-харакатларни амалга оширади. Фаолиятда фаоллик, аниқлик, собитқадамлик, мақсадга мувофиқ интилиш устуворлик қиласди. Лекин айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра мақсаднинг улуғворлиги йўқола боради, аниқ, хатти-харакатлар микдори камайди, режали фаолият ташкил қилиш имконияти тобора тораяди. Мақсаднинг ноаниклиги, тўғриси унинг йўклиги корхона равнакини паймол қиласди, юзаки интилишлар мавжудлиги намойиши этилади, холос.

Умумиятга қаратилган мақсад - кўпинча шахсиятга йўналтирилади, оқибатда "Биз" билан "Мен" ўртасида қарама-қаршилик вужудга келади. Раҳбар билан жамоа ўртасида низоли, зиддиятли ва мажароли вазиятлар вужудга келади ҳамда уларни бартараф қилиш учун қанча аклий куч-кувват сарфланади. Аниқ мақсаднинг йўқолини корхона истиқболининг батамом нурашига олиб келади. Худди шу боис раҳбар мақсадининг ноаниклиги фаолият моҳиятини, ташкил этиш функциясини мақсадага мувофиқ амалга ошишини таъминлай олмайди.

### 4. Ўзини ўзи камол топтиришининг издан чиққанлиги.

Раҳбар ўзини ўзи тарбиялаш, ўзини ўзи камол топтириш, мустакил билим олиш, маънавий дунёсини узлуксиз раввишда такомиллаштириш устида саъи-харакат қиласа, демакки унинг истиқболи порлок. Лекин унинг фаолиятини назорат қиласмили, баҳоламаслик, рафбатлантираслик каби омиллар ўз устида ишлашни пасайтиради, лавозимига нисбатан со-вукконлик, лоқайдлик иллати намоён бўлади. Шу соҳада ва тизимда фаолият кўрсатадиган ҳамкасларининг маслаҳатлари, ишга муносабатлари унинг сусткаплаштиради, аста-секин фаоллик йўқола боради.

Янги аҳборотлар олиш устидаги қизиқишиниг камайиши, муайян кўнникмаларни эгаляшга нисбатан муносабатнинг пасайиши камолотга интилишни йўкка чиқара бошлайди. Маълумки, ўзини ўзи камол топтиришга интилмаган раҳбар бугунги кун талабига жавоб берга олмайди, натижада у раҳбарлик майдонини тарк этади.

## **5. Муаммоларни ҳал килиш малакаларининг етишмаслиги.**

Ишлаб чиқаришида ҳар хил хусусиятли муаммолар тинимсиз равшида намоён бўлиб туради. Нотаниш, янги, ностандарт ёндашишини тақозо этувчи, янгича ечимни талаб қилувчи, ижодийликка асосланувчи воситалар билан куролланиши раҳбарнинг бош вазифаси ҳисобланади.

Янги технология, янгича жиҳозлаш, оригинал курилмалар, комп'ютерларнинг янги моделлари, универсал электр ҳисоблаш машиналари раҳбардан улар билан муносабатга киришиши малакаларини эгаллашни тақозо этади. Малакаларга эга бўймаслик раҳбарни тараққиётдан орқада қолишга олиб келади. Ўз-ўзидан маълумки, замондан орқада қолган колок раҳбар корхона уунун хеч қандай аҳамият касб этмайди.

## **6. Ижодий ёндашувда нуксонларнинг мавжудлиги.**

Бозор иқтисодиёти ижодий изланишини тақозо этади, ҳамиша янги технология ишлаб чиқишини талаб қилади. Ижодий фикрлаш, ижодий режалар, улувор ғоялар замон руҳи билан ҳамоҳанглика бўлиши лозим. Ижодий ёвдашувдаги нуксон ҳам маънавий, ҳам иқтисодий зарар келтиради.

Янгиликни синааб кўриш, унинг самаралорлигини ҳисоблаш, истикболи юзасидан қатъий қарорга келиш бу соҳада янгилишиларга йўл қўймаслик корхона фаолиятини такомиллаштиради, жамоа аъзолари кайфиятини кўтаради, иқтисодий фойда олишини тъминлайди. Ижодийлик раҳбар шахсиятига бегона бўла бошлар экан, демакки нуксонлар юзага келади, ишлаб чиқариш заифлашади, сифат пасаяди, ижтимоий психологик мухит бузилади.

## **7. Одамларга таъсир ўтказишининг уддалай олмаслиги.**

Раҳбарнинг салоҳияти, умумисоний маданияти, муомала маромими ўзлаштирганилик, нотиқлик санъатини эгаллаганилик, шахсий фазилати, мустаҳкам иродаси, ростгўйлиги, ғамхўрлиги, ишчанилиги кишиларга таъсир ўтказишининг асосий омилилари ҳисобланади.

Обрў-эътиборнинг пасайиши, нуткий нуксонлар, иқтисодий муносабатларни ҳал қила олмаслик, қатъиятликнинг заифлашуви, хулк-атвордаги камчилик тобе кишиларга таъсир ўтказиши даражасини кескин тушириб юборади. Ходимларга, тобе одамларга сўзини ўтказа олмаслик раҳбарлик лавозимидан воз кечиш демакдир. Хиссиятга берилиши, акъл-нозиковат кўрсаткичи мўртлашуви ҳам ходимларга таъсир ўтказишининг но-чорлигига олиб кетади.

## **8. Бошқарув фаолияти хусусиятларининг етарли даражада тушунмаслиги, унинг идрок майдонига сифдира олмаслиги.**

Бошқарув фаолияти жуда мураккаб бўлиб, у молиявий, иқтисодий, мафкуравий, хуқукий, тарбиявий томонларни камраб олади. Шунингдек, у бир қанча функцияларни бажаради: "инсон-инсон", "инсон - техника", "инсон - табиат", "инсон - образ" муносабатларини акс эттиради.

Раҳбар фаолиятининг ҳар бир жабҳаси ва функцияларини юкори даражада эгаллаш орқали юксак мартабага эришади. Лекин унинг у ёки бу томонини тушунмаслик эвазига корхонада ишлар юришмай қолади, сунъий тормозланиш юзага келади. Тушунмаслик туфайли бошқарувга

путур етказилади, раҳбарнинг идрок майдони уларни қабул қила олмайди, натижада бошқарувда айрим узилишлар барни бўлади. Улардаги ўзаро йўғунликнинг бузилиши, "таваккал" билан иш тутиш салбий оқибатларга олиб келади.

#### 9. Раҳбарлик қилиш малакаларининг заифлиги.

Раҳбарлик муайян тузилишга, ўзаро боғликларка эга бўлган мураккаб шахсларро муносабатни мақсадга мувофиқ амалга оширишдир. Бундан ташқари, молиявийдан бошлаб то тарбиявийгача функцияларни бажариш, бунинг учун эса маълум касбий малакаларни эгаллаш лозим, акс ҳолда уларнинг заифлиги раҳбарликни қийнлаштиради.

Тажриба орттириш, намуналардан фойдаланиш, малака ошириш, услуг, восита, йўл-йўрик ўзлаштириш орқали раҳбарлик қилиш мумкин, холос. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, муомала маромидаги бузилиш, тартиб-интизомни назорат қилиш, истиқбол режасини кенгайтириш, ашё миклорини кўпайтириш, қайта ишлашини амалга ошириш, кўшимча соҳалар яратиш каби муаммоларни ҳал Килишда кийналиш, хатоларга йўл қўйиш, дуч келиш раҳбарлик малакасининг заифлигидан далолат берди.

#### 10. Бошқаларни ўқитиши, уларга сабоқ бериш, ўргатиш уқувининг йўклиги.

Корхона ривожини таъминлаш кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, муайян билим ҳамда кўнкималар билан куроллантиришга кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу муаммо "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" да ўз аксини топган. Раҳбар ўз тажрибасини ёшларга ўргатмас экан, демакки ворислик тамойили бузилади, муайян малакаларни уларда шакллантирмаслик истиқболга кўр-кўронга ёндашишни юзага келтиради, билимлар билан уларни куроллантирмаслик эса равнАк тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ўз тажрибаси, малакаси, билими билан бошқаларни баҳраманд қилмас экан, демакки раҳбар муносаб ўринбосарлар тайёрлаш имкониятидан маҳрум. Тълимий ва тарбиявий уқувининг йўклиги раҳбарни ноҳуш кечинмалар ва ёмон оқибатлар оғушига етаклади. Тарбиявий қобилият мавжуд эмаслиги раҳбарнинг ашаддий нуқсонидир.

#### 11. Мехнат жамоасини жисплаштириш қобилиятининг кўйи дараҷада эканлиги.

Жамоаидаги психологик илиқ муҳит раҳбар муваффақиятининг на-мунасиидир. Психологик муҳит ўзаро ёрдам, дўстлик, ўзаро мослиқ, ахилик, тотувлик, ўзаро тушунув, симпатия сингари ҳис-туйуларнинг барқарор мажмусини ўзида акс эттиради. Жамоа фикри, гурухий интилиш, жамоавий онг, тафаккур, умумийлик (бирлик) ўртасидаги мослиқ, шахсларро муганосиблик психологик муҳитнинг таркибий қисмидир.

Турли ёшдаги, касбдаги, жинсдаги кишиларнинг характеридан, миллий мансублигидан катъи назар уларни жисплаштириш раҳбарнинг асосий функцияси ва унинг маҳоратидир. Жамоа аъзоларини жисплаштириш уқувининг заифлиги психологик муҳитга зарар етказади, ҳамкорлик, ҳамдардлик туйуларини сусайтиради - бу умумий

халокатнинг кўринишидир. Унинг олдини олиш ва бартараф қилиш раҳбарнинг мухим вазифасидир.

12. Янгиликлар билан ўзгаларни шахсан ўзига жалб қилишга укувсизлиги.

Раҳбарда янги ғоялар туғилиши, муайян мақсадлар вужудга келиши мумкин, лекин у ана шу нарсалар билан ўзгаларни жалб эта олмаслик бошқарув санъати заифлигини билдиради. Бунинг учун "ўзини реклама" қилишдан ор қиласлиларни лозим, чунки янгиликлар билан ўртоқлашиш қабилида иш тутиш имконияти мавжуд.

Шунинг учун жалб қилиш, ҳатто аттракция (маҳлиё қилиш) нинг турли услублари мавжудлигини унумаслик керак. Ҳар хил баҳона билан намойиш қилиш орқали, фикр алмашиш ёрдамида янгиликларга ўзга кишишларни жалб этиш мумкин. Ана шундай укувга эга эмаслик бошқарувга нолойиқликдан далолат беради, у мазкур лавозимдан кетиши зарур.

13. Одамлар билан муомалага киришиш жараённида дилкашлик, иболилик ва назокатлийкнинг йўқлиги.

Раҳбар этнопсихологик хусусиятларга эга бўлиши орқали дилкашлик, иболилик ва назокатлийк фазилатларига эга бўлади. Миллий қиёфа, миллий онг, миллий характер, миллий ҳис-туйғу, миллий шахсларро муносабат билан қуролланиш орқали кўзлаган мақсадга эришиш мумкин. Миллий хислатларнинг йўқлиги бошқарув апиаратида иштирок этишини маълум маънода ман этади.

14. Ақл-идрок ва фаросат бобида сусткашлилиги.

Раҳбарлик лавозимига тайинлаш ёки кўтариш жараённида шахснинг ақл-идрок, фаҳм-фаросати ҳисобга олинади. Чунки яхши раҳбар - корхонанинг эллиқ фоиз кучидир. Билимдонлик, истеъдодлилик, ақл-заковатлилик раҳбарнинг мухим хусусияти эканлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувоғифик.

Лекин уларни ишга солинида, улардан фойдаланишида сусткашлик раҳбар нуқсонларидан бири ҳисобланади. Жисмоний ва ақлий суст ҳаракат билан раҳбарлик қилиш мумкин эмас. Чунки раҳбар фаол, ушабурон шахс бўлиши керак, акс ҳолда корхона, бошқарма учун у катта наф келтира олмайди.

15. Ишбилармонлик қобилиятининг күчизлиги.

Хозирги замон раҳбари ишбилармон, ушабурон, теран фикрли, ўта синчков шахс бўлиши лозим. Фавқулоддаги ўзгаришларга тез муносабатга киришишмасдан туриб, муайян ютуқларга эришиш мумкин эмас. Шунинг учун бозор иктисодиётига мослашувчи, маркетинг хусусиятили инсониаргина раҳбарликни улчалай олади, холос. Мазкур қобилиятининг күчизлиги бошқарув имконияти мавжуд эмаслигини билдиради. Ҳар қандай вазият ва ҳолатдан муваффакиятли чикиб олиш ишбилармонликни тақозо этади.

Раҳбар кадрлар нуқсонларини бартараф этиш учун турлича тренинглардан фойдаланиш юқори самаралар беради.

I. Муомаланинг умумий қонуниятларига оид тренинглар:

- умумбашарий одоб мохияти ва унга риоя қилиш йүлларига таалукли тренинглар (миллийлик, маънавият, стереотиплар, идентификация, рефлексия бўйича),
  - муайян роллар, психодрамалар орқали вазиятнинг психологик манзарасини яратиш ўйинлар,
  - ишбилармонлик ўйинлари, фавқулоддаги ҳолатларда ўзини ўзи бошқаришга доир машқлар.

II. Коммуникация технологияси ва инструкциясини эгаллашга оид тренинглар:

- муомала күнімасини ўзлаштириш бўйича (қадди-қомат туғиши, нутқ фаолияти, ўзгаларни тушуниш ва англаш),
  - мимика ва пантомимика машқлари,
  - аудиогренинг (магнитофон тасмаси ёзувига асосланиб ўз нуқсонлари бўйича коррекцион - тузатиш ишлари ўтказиш),
  - магнитофон орқали фактик материаллар бўйича тузатиш машқларини бажариш,
  - кўзгу ёрдамида хатти-харакат, юриш-туриш кўнікмаларини эталонлаш ва шахсий нуқсонларини бартараф этиш, ийқотиши,
  - мотивацион, эмоционал, регулятив, когнитив жабхаларининг на-  
моен бўлишига қараб муомала технологияси ва инструкциясини мақсадга  
мувофиқ равишда ўзгартариш,
  - раҳбарлик вазийтта, ҳолатга оид сценарийлар негизида тузатиш  
ишларини олиб бориш ва яни фазилатларни шакллантириши машқларини  
ўтказиш кабилар.

## Рахбарликда шаҳс муроҷотмандлигини роли.

Инсоннинг бошқа одамлар билан муомалага киришуви натижасида шаклланувчи шахснинг фазилатлари ва коммуникатив хусусиятлари ишлаб чиқарин жамоасидаги кишиларнинг муроқотига, фаолиятнинг тавсифларига, ҳар хил хислатларига муҳим таъсир ўтказади. Шунинг билан биргә татбиқий хусусиятлари кўпина ижтимоий психологик масалаларни ечиш учун алоҳида аҳамият қасб этади, психологиянинг педагогик, тиббий, раҳбарлик, менежмент соҳалари ривожига сезиларли даражада таъсирчан, кудратли восита сифатида хизмат килади.

Мулоктотманлық үзида раҳбарниңг муомалага киришувчанлиги, жамоали самарали бошқаришдаты таъсириининг мөхияти ва психологик тавсифини ифодалайды.

Бириңи навбатда раҳбар менежер шахсийнг дилкашлыги, киришмчанлиги, мүлкотмандилги хүсусиятларининг аҳамияти жамоага раҳбарлик килинди муюмаланинг қандай роль ўйнашигидан келиб чиқади. Агарда ташкилий менежмент фаолиятининг мазмуний (матьнивий) томони менежер бошқарадиган максад (вазифа), функция ва операция фаолият таркиблари ҳисобланади, бундай хатти-ҳаракатни амалга оширишнинг мажбурий шакли ва воситаларидан бири - муюмала бўйлиб саналади. Худди шу боисдан менежернинг коммуникатив функцияси

мақсадга эришувнинг воситалари функциялари билан алоқадор бўлиб, бошқарув фаолиятининг операцияларини рўёбга чиқаради. Менежер муомала ёрдами билан жамоада ҳамкорлик фаолиятини ташкил этади, ижрочиларнинг ҳамкорлик фаолиятини ва хулқини бошқаради. Бир қатор ўтказилган тадқиқотларимизнинг натижаларига қараганда, менежернинг тўртдан уч қисм вакти ижрочиларнинг юқори ва қуий ма-вқеидаги, лавозимдаги раҳбарлар билан мuloқot килишга кетади. Холбуки шундай экан, муомала менжемент фаолиятини такомиллаштиришнинг энг муҳим имкониятлари (захираси) дан бири сифатида намоён бўлади, бинобарин, қулай вазиятнинг сараси сингари ундан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Менежер шахсининг мuloқotмандлиги муҳим аҳамият касб этишининг иккинчи томони шундан иборатки, унда жамоа билан раҳбарнинг бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатишида юқори даражада эксплицитлик на-моён бўлади. Менежер муомаласининг латент (яширин) даври сифатла-ридан фарқли ўлароқ, шахслик хусусиятлари ижрочилар томонидан бевосита идрок қилиниш, баҳоланиш ва реал муносабатларнинг предмети бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, ушбу хусусиятлари жамоадаги ижтимо-ий-психологик ҳодисаларга сезиларли даражада таъсир кўрсатиш имко-ниятига эга, жумладан ижрочиларнинг кайфиятига менежер билан шахсларро муносабатлардан кониқишига, умуман олганда жамоадаги ижтимо-ий-психологик муҳитга таъсир ўтказа олади.

Тадқиқотларимизнинг умумлашган талқинига, шахсининг му-лоқотмандлиги бошқа одамлар билан енгил мuloқotта киришувчалиги тортинчоқлик, маънавий ниқобнинг йўклиги билан тавсифланади. Биз-нингча, мuloқotмандлик бир қатор эмпирик (амалиётчи) референтларига эга бўлиб, унинг ифодаланиши баҳолаш имкониятини вужудга келтиради. Биринчи даражали унга алоқадор нарса - бу муайян вакт оралиғида шахс томонидан амалга ошириладиган бошқа одамлар билан мuloқotта (алоқага) киришишнинг микдори ёки частотасидир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, менежер шахсининг мuloқotмандлигини ифодаланиш даражаси тўғрисида мuloҳаза юритиш учун алоқага киришувчан-лиknинг частотаси етарли эмас. Материалларда таъкидлашиб, иккинчи мажбурий референт сифатида мазкур алоқаларнинг эмоционал “тон”и юзага келади. Шунингдек, унинг ижобий, нейтрал, салбий (негатив) акс этиш имконияти мавжудлиги туфайли менежер шахсининг мuloқotта ки-ришувчаник ва мuloқotмандлик сифатларига ажратиш лозим. Му-лоқotта киришувчаник деганда, одамнинг бошқалар билан осонрок алоқа ўрнатувчанилиги, ишбилармонлик намойиш килишлиги, бунда ше-рикларда муомаланинг эмоционал салбий “тон” чиқарувчи ҳолатга йўл қўйишилик тушунилади. мuloқotмандлик шахс сифати тариқасида муома-ланинг эмоционал ижобий тони билан уйғунашган тарзда намоён бўлишни тақозо этади.

Тадқиқотчилар Д.П.Кайдалов ва Е.И.Суименколар хамда А.Л.Журавлёв одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатишини ва муомаласини баҳолаш учун “шахсларни ижтимоий ахборот билан ўзаро

бойитиш самараси” тавсифини киритишни тавсия қиладилар, бинобарин, муомаланинг ҳар қайси акти ёрдами билан бир-бирига ахборот узатиш якунининг маҳмуси аниқланади.

Бир неча йиллик маълумотларимизнинг гувоҳлик берисича, муомаланинг феноменини ўрганиши бўйича ижтимоий психологияда стандартлаштирилган методикалардан фойдаланилган ҳолда жиддий равишдаги эмпирик тадқиқотлар жуда кам ўтказилмоқда ва унинг жамоа ҳаёти ҳамда фаолиятининг турлича жабхаларига таъсири қарийб ўрганилмаган. Шунинг учун менежер шахсининг коммуникатив сифатларининг фаолият самарадорлиги кўрсаткичига бағишлиланган маҳсус тадқиқотлар мавjud эмас, ваҳоланки бу масаланинг аҳамияти бир катор манбаларда алоҳида таъкидланиб ўтилган.

Ушбу муаммо юзасидан педагогик жамоаларнинг кўпроқ ва нисбатан камроқ тайёргарлик даражасига эга бўлган раҳбарлардаги шахслик хусусиятларини қиёслашга бағишлиланган ишни таъкидлаб ўтишининг ўзи етарли. Унда шахснинг ёрқин ифодаланган аҳлоқий коммуникатив сифатлари изоҳлаб берилган, лекин бу бундай тадқиқотларда коммуникатив фазилатларини ўлчаш амалга оширилмаган ҳамда менежментлик самарадорлигининг кўрсаткичлари шакалалаштирилмаган.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда биз (Ўзизев Э.И.) тадқиқот предмети килиб раҳбар шахсининг мулоқотмандлигини ишлаб чиқариш ва ижтимоий психологик кўрсаткичларига таъсири танладик. Биз ишлаб чиқарилсининг яққол шароитлари билан аниқланувчи, жорий вазифаларни бажарувчи саноат корхоналарининг бирламчи жамоаларини тадқиқот обьекти сифатида танладик. Тажрибаларимизда 200 дан ортиқ бирламчи жамоалари ва уларнинг хўжалик менежерлари иштирок этдилар.

Тадқиқот олдиға мулоқотмандликнинг ортиши менежер фаолиятининг ижтимоий психологик ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларига ижобий таъсир этиши мумкин деган, фараз қўйилди.

Мулоқотмандликни эксперт баҳолаш методикасида экспертилар сифатида бошқа менежерлар иштирок этдилар ва улар менежментлик исерархиясининг юқори, ўрта ва қуий босқичларига алоқадордирлар. Эксперт баҳолаш тизими етти балли шкала асосига қурилган бўлиб, унда 7 баҳо доимо мавжудлиги, 6 - сифат қарийб намоён бўлишилиги, 5 - сифат намоён бўлмаслигига қараганда акс этиши кўпроқ, 4 - сифат гоҳо пайдо бўлади, гоҳо ўйқ, 3 - сифат пайдо бўлмаслиги кўпроқ, 2 - сифат қарийб намоён бўлмайди, 1- сифат ҳеч қачон ўзини кўрсатмайди. Менежментликнинг учала даражасини эксперт баҳолашда синовчиларнинг ўзини ўзи баҳолаш жараёнида ҳам фойдаланилади. Ҳар қайси синаувчи бўйича уларнинг ўргача даражасининг қиймати (аҳамияти) белгиланди.

Мулоқотмандликни тадқиқот этиш методикамизнинг иккинчи кисмида асосий эътибор менежер шахсини гурухий баҳолашга қаратилган бўлиб, унда таъкидлаб ўтилган шкала бўйича жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз раҳбарининг мулоқотмандлигини психологик жиҳатдан баҳолаган. Гурухий баҳолаш тадқиқот учун алоҳида аҳамият касб этади, чунки унда

ижрочиларнинг тескари алоқаси ўз аксини топади, бинобарин, уларнинг муносабатлари, раҳбар билан ўзаро таъсир ўтказишнинг коммуникатив жабхалари (аспектлари) ни баҳолаш намоён бўлади. Менеджернинг мулоқотмандлигини баҳолаш орқали аъзоларини унга нисбатан ўзларининг умумлашган муносабатларини билдирадилар, чунки унинг асосида ижрочиларга нисбатан бошлиқнинг мулоқоти ётади.

Тадқиқотни изланиш мақсадидан келиб чиккан ҳолда Г.Айзенкнинг шахсийлилк сўровномасидан фойдаландик, бунда шахснинг экстравертивлиги омили аниқланади, маълумки, ушбу фактор ўзининг мазмуни, моҳияти билан мулоқотмандликка жуда яқин туради.

Шуни мамнуният билан таъкидлаб ўтиш жоизки, менеджерни гурухий баҳолаш методикаси ва Айзенкнинг сўровномаси ёрдами билан нафакат раҳбар мулоқотмандлиги, балки ижрочиларнинг мазкур хусусияти ҳам баҳоланганд, бунинг психологик моҳияти шундан иборатки, кези келганда жамоада уни намоён бўлиш даражасини тақкослаш (қиёслаш) зарурити туғисла, ундан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишдир.

Тадқиқотда олинган натижаларни таҳлил қилишда биз куйидагиларга асосландик: менеджерларнинг мулоқотмандлиги намоён бўлишини беш даражада (босқич) га ажратдик.

1) жуда паст мулоқотмандлик (биққилик) - 24 бали шкала бўйича 4 балгача;

- 2) паст мулоқотмандлик 5-9 балл;
- 3) ўртача (мўътадил) мулоқотмандлик - 10-14 балл;
- 4) юкори (юксак) мулоқотмандлик - 15-19 бал;
- 5) ўта юксак мулоқотмандликдан - 20 балдан зиёдрок.

Бизнинг илмий тадқиқотимизда менежер мулоқотмандлигининг индивидуал киймати 4 балдан 18 балгача диапозонда тақсимланганлиги аниқланди. Бизнинг фикримизча, менеджерлар фаолиятини ташкилот ишлаб чиқариш самарадорлиги, биринчидан, уларнинг ижтимоий руҳий самарасидан бирмунча юкори баҳоланади. Иккинчидан, ижтимоий руҳий кўрсаткичлар билан тақкосланганда мумкин қадар менеджернинг юксак мулоқотмандлиги вужудга келса юкори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришилади.

Олинган маълумотларга қараганда, раҳбарларда мулоқотмандликнинг мақсадга мувофиқ пайдо бўлиши жамоа аъзоларининг муомала ўрнатиши индивидуал-психологик хусусиятларга, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик тавсифларига, ҳисобга олиниши мурakkab ижтимоий-руҳий омиллар мажмусига боғлиқ эканлиги яққол кўзга ташланади. Муаллиф (Э./озиев) мулоқотмандлик ифодаланишининг дегерминлашган омилари мажмусини тўртга асосий гурухга ажратади:

- 1) жамоага жамият томонидан бериладиган мақсад ва вазифаларни аниқловчи ишлаб чиқариш хусусиятлари;
- 2) жамоадаги алоҳида шахслар ва раҳбарликнинг ижтимоий - психологик, ижтимоий-демографик, ижтимоий - иктисолий тавсифлари;
- 3) раҳбар шахсининг индивидуал - типологик хислатлари;

4) раҳбар билан ижрочилар орасидаги муомаланинг шартшароитлари ва яққол вазиятларининг хусусиятлари в.х.к.

Тескари (салбий) таъсир кўрсатиш муаммосининг дастлабки тақиқоти ҳам ўта юксак мулокотдошлишка, тескари боғлиқликнинг самародорлигини тушунтиришга қаратилиши лозимлигини кўрсатади. Матбуотларга биноан жамоа аъзоларида раҳбарлар билан муомалага киришишининг муайян дараражасига нисбатан ижтимоий-психологик установкалар хукм сурини мумкинлиги аникланди. Шунингдек, ижрочилар билан юқори дараражадаги мулокотманд раҳбарларнинг ўзаро таъсир кўрсатишида “блакировка механизми” ишлаб чиқалинар экан. Бунда оптималликдан йироқ вазиятларда муомалага йўналиши кузатилади. Бундай руҳий ҳолатларда ижрочилар билан раҳбарнинг ўзаро таъсир кўрсатиш усулари хисобига муомалага блакировкаси амалга оширилади ва бу ҳол ўтаяй ишлаб чиқадиги мулокотманд раҳбарлар учун ҳам хусусиятлариди.

Натижаларимиз талқининг қараганда, раҳбар фаолиятининг юксак самараодорлигига эриши ҳам кўйиц, ҳам юқори, мулокотмандликка тааллукли менежерларда учрайди. Бошқарув қарорларини амалга оширишида, ишни аниклаштириш жараёнида ижрочилар билан раҳбарнинг ўзаро таъсир ўтказиши ва фаол муомалага киришувчаник билан тавсифланади. Менежментлик қарорини қабул килиши обдон ташкилаштириш жамоанинг ҳамкорлик фаолиятига тайёрлаш хатти-ҳаракатининг ва ташкилий чора -тадбирларининг сифати билан аникланади ва белгиланади.

Эмпирик маълумотларимизнинг таҳлилига биноан, турлича ишлаб чиқариш саноат корхоналарида, раҳбарлар гурухида, ҳар хил жинслар ўргасида аҳамиятли, қийматли тафовут йўқ, эканлиги намоён бўлди. Раҳбарлик стажига, ёш хусусиятига караб раҳбарлар гурухига статистик аҳамиятли фарқлалар мавжудлиги ўрнатилмади.

Юқоридаги мулҳозалаларга асосланган ҳолда (муаллиф Э./озисев) айрим хулосалар чиқаришга ҳаракат киласди:

1) менежер шахсини интеграли ва очик тизим сифатида қарашиб мумкин, чунки унда бир қатор ўзгаришлар юзага келади ва ривожланиш амалга ошади;

2) бошқа одамлар билан муомалада ва менежментлик фаолиятида, менежер шахсининг узлуксиз ривожланиши, камолоти жараёнида, методлар, усуслар алмашишида раҳбарликда юксак самаралаларга эришиш мумкин;

3) менежер томонидан янги фазилатларни эгалаш натижасида байзи бир хислатларни йўқотиш туфайли раҳбарлик услублари ўзаро алмасади.

Шунинг учун ташкилотга ва муассасага раҳбарликда шахс мулокотмандлигининг роли муҳим аҳамиятга эгадир.

### **Раҳбарлик фаолиятида шахсиятта йўналганлик масаласи.**

Менежер шахсини шакллантириш муаммоси ҳар қайси кишилик жамиятининг эҳтиёжлари ва талабларидан келиб чиқсан ҳолда ҳал

қилиниб келинади. Худди шу боисдан хозирги даврда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да касб танлаш мотивлари, касбий тайёргарлик, касбий лаёқат ва касбий маҳорат билан чекланиб қолмасликини, балки бўлгуси раҳбар кадрларда шахсиятга йўналганликни таркиб топтириши мутлақо зарурий замонавий шарт эканлиги таъкидланади. Ўзбекистонда раҳбар касбининг ўзига хос этнопсихологик фазилатлари, хислатлари, иш услублари, маҳоратга эришишининг йўллари, раҳбар билан ижрочилар ўртасидаги (шахслараро ўртасидаги) шахслараро муомала маромлари юзасидан ҳар хил даврларда ўзига хос муайян даражада илмий ишлар олиб борилган. Мазкур тадқиқотларнинг илмий амалий натижалари мустақилик шарофати туфайли ўз аҳамиятини қадрсизлантириди, бироқ психологияда тарихий омил сифатида таъкидлаб ўтиш мақсацга мувофиқ.

Шунга қарамасдан, Ўзбекистон ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларида миллий менежер билан унинг кўл остидаги ходимлар, хизматчилар ўртасидаги муомала масаласининг психологияк асослари, механизмлари жуда кам ўрганилган мавзулардан бири бўлиб хисобланиши билан алоҳида ижтимоий психологик аҳамият касб этади. Кейинги ўн йилликда раҳбар тайёрлаш тизимида улуғвор ишлар амалга оширилди, бундай ислоҳий тадбирлар мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётida ўз ўрнини топиб бормоқда.

Бу борада бизнинг позициямизга илмий психологик жиҳатдан ҳамоҳангроқ йўл тутган чет эл психологияридан бири-бу М. Аргайдир. Унинг мулоҳазасича, менежер билан тобе кишилар, ижрочилар ўртасидаги муомала ўзининг кўлами, ўзаро таъсир ўтказишнинг ранг баранг мавзулари мавжудлиги, шахсларга тарбиявий таъсирининг имкониятининг устуворлиги, мулоқотга киришища руҳий яқинлиги, ўзаро ҳамкорлиги, хис туйгуларнинг мутаносиблиги, фикрий баҳсларга эгалити билан тавсифланади. Бундай ижтимоий психологик омиллар, феноменологик ҳолатлар, изчиликни таъминловчи механизмлар негизида психологик макро, микро ва мизе мухит ётишини таъкидлаб ўтиш ўта замонавий воқелик хисобланади.

Давлатимизнинг кадрлар тайёрлаш миллий дастурида алоҳида урғу берилишича, менежер (раҳбар) ижтимоий ҳаёттимизда фаол иштирок этувчи касб соҳиби сифатида бошқа мутахассислардан ўзининг ижтимоий сиймолиги, альтруистик хусусиятлари билан ажralиб туриши лозим. Раҳбар ўзининг нафакат фаоллиги билан, балки миллий ғоя ва миллий истиқтол мағкурасини юртимизнинг турли ёшдаги фуқароларининг (ишли, хизматчи ва бошқа тоифадаги кишиларнинг) онгига сингдириш қобилияти билан, шунингдек, билим, нур зиё, ахборот ва ижтимоий тараққиёт (прогресс)нинг манбай сифатида жамият аъзолари томонидан чукур эъзозланиши имкониятига эга бўлган субъект (сиймо)дир.

Мамлакатимизнинг юқори, ўрта ва кўйи бўғиндаги менежерлари кўйидаги томонлари билан бошқалардан кескин даражада ажralиб туриши лозим:

1) мустақил республикамизнинг ижтимоий талаблари ва эҳтиёjlарига мос тушувчи юқсан маънавият даражасидаги қарашлар, кучли ва ба-

рқарор эътиқод, келажаги буюк давлатимизнинг идеаллари, миллий тоява миллий истиқлол мағұрасында содиклик, ватанпарварлық, фидойи-лик ижтимоий бурчга масъудлик түйнүләри шаклланғанлығы, жамоавий-лик, жамоатчилик ҳиссини мұккаммал акс эттирувчи, ижтимоий сиёсий жиҳатдан фаол шахс, хатто субъект даражасыда эканлығы;

2) болаларға, ўқывчиларға, талабаларға, ишчи ходимға ҳаттоғи жамиятимизнинг барча аязоларига (тарбиявий таъсир нұктай назаридан) ҳам қайнок, ҳам самимий меҳр мұхаббат, уларнинг ҳар қандай әхтиёжлари, қизиқишиләри, ҳатти-харакатларининг мотивлари ва хүлк-атворларини тушуниш күнікмаси, малакаси ҳамда укувининг раҳбарда мавжудлиғи;

3) жамият ҳодисалари, ижтимоий ҳолатлари, табият воқеиликтери, борлық шахслараро, гурухлараро, миллатлараро мұносабатларға нисбатан зүкколарча оқилюна күзатувчанлик, яғни перцептив (идрок қилишга нисбатан сезгирлик) қобилияттың әғалиғи;

4) ҳаёт ва фаолияттинг у ёки бу жағында одағыннан ҳатти-харакатлари, мұносабатлари (стереотипизация) хусусиятларини оқилюна, одилюна ва омылкорлик билан тушуниш, уларны идентификацияға (ижобий жиҳатдан ўхшашлық), рефлексияға (онгли баҳолашға) йўллашға нисбатан қобилилиғи;

5) фавқуиддаги вазиятларда, ўзгарувчан шарт-шароитларда омылкорлик билан мүлжал олиш, мәксад қўйиш, режа гузиш, бевосита назорат қилиш, низоли ҳолатларни бартараф этиши ва уларнинг олдини олиш, жамоани бошқариш ва ўзини-ўзи намоён этишга қобилиятлилиғи;

6) раҳбар фаолиятида, жамоатчилик тизимида, мұваққат гурухий мұносабатларда, ижтимоий оммавий харакатларда (хашар, саёҳат, ёзги таътил, ҳордик чиқарыш жараёнларида) ташкилотчилик ва бошқарувчанлик қобилиятларининг әғаллаганлығи;

7) әумумий қизиқиши күләминнинг көнглиги, билишга оид қизиқишиләрининг серкірралығи, илмий изланишларга лаёқатлилиғи, мұайян салоҳият, маҳорат, талант даражаларига эришганлығи;

8) мұомала мароми, нұтқ мәданияты, мәнтиқан ихчам, маъноси күчли, таъсирчан фикр узатиши, таъсир үтказиши ҳамда ахборотни қабул қилиш, тушуниш үкүви билан куролланғанлығи;

9) ижтимоий, ижтимоий психологияк мәксадға әришиш йўлида, тояни ҳаётга татбик этилди шахсий позицияға, мұстакил тафаккурға асосланған ҳолда иродавий зўр беришга тайёрлиги, событқадамлары, ижодкорлиги (креатив) хусусият әғалиғи ва бошқалар.

Бизнингча, ҳозирги замон раҳбарни мұомана дошига (мулоқотдошига) тұғри, омылкор ахборот узатиши ва унга сұхбатдошини ишонтира билиши, мулоқотмандалик хусусиятининг әғаллаганлығи касбий зарурият хисобланади. Чунки табиий-биологик ўзига хослик, ижтимоий психологик индивидуаллик, мұаммо ечимидағы инвариантлик, вариативлик, полимодальлик вазиятига қараб ўзгарувчанлик, мұайян даражада ён берувчанлик, ижтимоий лавозимни танлашдагы эреккенлик нафакат раҳбарға, балықи унинг күл остидаги кишиләрга ҳам ўзини-ўзи намоён қилиш, мус-

такил фикрлаш ва изланиш учун муҳим табиий (объектив) ва ижтимоий психологик (субъектив) шарт-шароитлар яратади.

Бўлгуси раҳбар кадрларни менежментлик фаолиятига самарали ва сифатли йўналтириш, тайёрлаш учун қуидаги психологик ижимоий асосланиш мақсадга мувофик деб ҳисоблаймиз:

-ўзиға ўзи кўрсатма ва буйруқ бериш, унинг самарадорлигини олдиндан пайқай олиш (антиципация, рефлексия);

-ўзи раҳбарлик қилаётган жамоа аъзоларининг, жамоатчиликнинг ва ота - оналарнинг ижтимоий психологик ролига кириш (тренинглар ёрдами билан);

-муомалавий кўнилмаларни такомиллаштириши ва мулокотмандликка эришиш, хусусан “кўзугу қараб ўзини машқлантириши”, “ўзгаларни фаол тинглапига ўргатиш” ва ҳоказо.

Ҳамкорлик фаолиятида, муомала жараёнида, коллегиал вазиятда ҳамкарабалар ва уларнинг кўл остидагилар ишончини қозониши, ишончга садоқатлилики сақлаш, якка шахс билан мулокот натижаси сирини авайлаш ва уни ошкора қиласлик учун бутун фаолият давомида интилиш қабилар.

Тадқиқотимизнинг кўрсатишича, раҳбарнинг менежментлик фаолияти, энг аввало, унинг учун мутахассислик, касбий лаёқат сифатида шахсий маъно касб этиши билан узвий боғлиқцир. Ушбу ижтимоий психологик ҳолат мантикий иерархик принципни ўзида акс эттиради, ҳалқ хўжалигининг соҳаларида шахспинг тараккиёт кўрсаткичига (ҳам раҳбар, ҳам хизматчи) боғлик бўлиб, иккىёклама таъсир, ҳамкорлик маҳсулни ўзаро тушунув, шахслараро мутаносиблик самарадорликни белгилайди. Худди шу муносабати билан бўлгуси менежернинг лавозим тақозо этувчи касбий шаклланиши, ривожланиши шахсиятга йўналганиликдан ажralган ҳолда ўхум сурини мумкин эмас. Шунинг учун эгаллаган лавозимга алоқадор касбий ривожланиш билан менежернинг шахсий камолоти ўртасидаги чекланганилик муаммосини тадқиқот этиши ижтимоий психология фанининг, менежмент психологияси соҳасининг долзарб мавзуси бўлиб ҳисобланади.

### **Шахснинг мулокотмандлигини аниқлаши тести.**

1. Масъул лавозимга кўтарилиганингиздан ҳаяжонланасизми?
2. Ахволингиз оғирлашгунча ҳам шифокор чақирмайсиз?
3. Кутгилмаганда сизга маъруза қиласиз деса норозилик билдирасизми?
4. Мехмонхонанинг тайини бўлмаса бегона шаҳарга сафарга боришинан бош тортасизми?
5. Бегона кишига сиз ўз кечинмаларингизни сўзлайсизми?
6. Бегона одам сиздан йўлни ёки вақтни сўраса ғашингиз келадими?
7. Авловлар ўртасида ҳаёт тўғрисидаги масала келишимовчилик юзага келади, деб ҳисоблайсиз?
8. Бир неча ой олдин танишингизга берган 1000 сўмингизни сўрашга хижолат тортасизми?

9. Кафеда сифатсиз таом тайёрлашса, Сиз унга индамай  
күяврасизми?

10. Вагонда бегона йўловчи билан кетаётганингизда танинчи  
бўлиб Сиз бошлийизми?

11. Кабулхонада наубат кутиш мақсадингизга эришишининг зарурияти  
хисобланса, узок кутиш талаб этилса, ундан воз кечасизми?

12. Хоҳимлар ўртасидаги можарони ҳал килишдан ўзингизни четта  
оласизми?

13. Бирор аҳабиёт ёки санъат хакида гап кетса, ўз фикрингизни  
химоя киласизми?

14. Сизга таниш масала бўйича нотўғри маълумот эшитсангиз жим  
тура оласизми?

15. Иш ёки ўқиш юзасидан Сиздан ёрдан сўралса, ундан норози  
бўласизми?

16. Ўз фикрингизни оғзаки билишишга имконият мавжуд бўлса-да,  
лекин уни ёзма равишда баён этишини авзал кўрасизми?

Тавсия этилаётган 16 та савоннинг вазиятнинг хаммасига очик  
кўнилилк билан жавоб беринг ва очколар ийфинисини топинг. Агар  
Сиз “Ха” деб жавоб берган бўлсангиз-1 очко, “Йўк” дессангиз-2 очко, “Билмадим”, “Хайронман”  
деб жавоб кайтарсангиз-3 очко, “Йўк” дессангиз-0 очко берилади.

Агар очколар ийфиниси: 30-32 очкони ташкил килса, у холда Сиз  
“мулокотманд” эмасиз, жъони: 25-29 очко мулокотга эхтиёж сезмайсиз, бу хусусият  
тингиздан хаммадан хам кўп ўзингиз жабрланасиз, якинларингизни хам  
сиз билан муомала килишлари якка Сизга топшириб бўлмайди. Одамлар талаб  
киладиган ишларни чиқарали. Сизнинг яхши мурakkab кечади. Жамоа кучини билиш  
кўпроқ мулокотда бўлишига интилинг.

25-29 очко йигилсанда: Сиз индамассиз, камгансиз, ёлизликини  
ёктирасиз. Янги лавозим, янги мулокотлар Сизни анчагина мувозандан  
чиқарали. Сизнинг бу хусусиятиниз кўпинча ўзингизга ёкмайди.  
Ўзингизни характерингизни ўзgartiriшининг бўлшинизга боғлиқ.

19-24 очко йигилганда: атрофдагилар билан осойишта мулокотда  
бўласиз ва ноганиш шаронтида ўзингизга ишонасиз. Янги масалалар Сиз-  
ни чўчитмайди. Одамлар билан келиша оласиз, бахсларда катнашишини  
учалик ёктирамайсиз.

14-18 очко йигилганда: Сиз кизикувчанисиз, сергаган сухбатдошингизни  
хизикиш билан тинглайсиз. Ўз нуктai назарингизни жаҳлсиз, осойишта  
химоя кила оласиз. Шунга карамай шовқинли давраларда бўлишини  
ёктирамайсиз.

9-13 очко йигилганда: Атрофдагилар билан тез мулокотга кириш  
сиз. Кўплаб янги одамлар билан танишини истайсиз. Кизикувчансиз  
мулокотмандсиз, ҳар хил масалалар бўйича фикр алмашини ёктира-  
хеч кимнинг илтимосини раҳ этмайсиз, хатто уни бажарини имкон  
бўлмасада. Хамманин диккат ўзберида бўлишини истайсиз. Мурод  
масалаларни ҳал килишда сабр токат, қатъиятилик стишмайди. Ўз

хөхшингиз бўлса, у холда мақсадинизга эришиш учун ўзингизни мажбур қила оласиз.

**4-8 очко йигилганда:** Атрофдагилар билан мулоқотда бўлишга интилиш сизни тинч кўймайди. Сиз ҳар доим ҳамма янгиликлардан хабардор сиз, ҳар қандай масала бўйича фикр билдираверасиз, ҳар қандай шароритда ўзингизни эркин тутасиз, ҳар қандай уни охиргача етказмайсиз. Шу бошлайсиз, ваҳоланки кўпчилик ҳолларда Сизга ишончизлик билан қарайди. сабабли кўт остингиздаги Сизни мулокотта интилишингиз касалли тусини олган. Сиз эзмасиз, сизга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ишларга аралашасиз. Мутахассислигингида ҳаҳлордиз, тез хафа бўласиз, қўпинча сизда катъийлик ва оциллик етишмайди. Атрофдаги одамлар, Сизга ҳалакит бермайди, ўзингизда сабр тоқатни, ўзини-ўзи бошқаришини одамларга ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбияланг.

### Менежер тежамкорлиги.

Одам ўзининг тежамкорлиги ёки исрофгарчилигини қандай билалади, деб сўрарсиз. Ана шу масалада сизга ёрдам бериш мақсадида ҳазиломуз бир синов варакасини диккатингизга ҳавола киласиз. Баъзи саволлар сиз учун эриш туолиши мумкин, лекин ҳар калай бу синов туғанини билиб олсангиз ажаб эмас.

1.Хамёнингизда канча пул борлигини ҳар доим билиб юрасизми?  
2. Туғилган кун ва байрамларда бирорвга совға килиш ва бирорвдан совға олиш ўз аҳамиятини йўқотди деб хисоблайсизми?

3. Коммиссион дўйонидан кийим сотиг олишни ёқтирасизми?  
4. Театрда энг арzon билет олиш тўғри деб ўйлайсизми?

5. Ҳар ойда энг камида 100 сўм пулни тежаб кола оласизми?  
6. Лотореяда катта миқдордаги пул ютуки чикса, иш жойини ташлаб кетармидингиз?

7. Фақат кимматбаҳо ва юқори сифатли буюм сотиг олиш тўғрими?  
8. Бирорвга ҳеч бир сабабсиз, ситқидишан совға бера оласизми?

9. Кредитга буюм олиш мақсадга мувофиқми?  
10.Эртанги кун учун пул жамғармай, ҳозирча яхши яшасак бас, деб

Ҳар бир саволга “ҳа” деган жавоб учун 10 очко берилади, “йўқ” цепон жавоб учун очко йўқ. 1-5 саволлар учун очколар йигиндиши (А гурух) Сизнинг тежамкор ёки хасислигини кўрсатади. 6-10 саволлар гиздан дарак беради.

Агар ҳар иккала гурухдаги очколар йиғиндиси ўзаро тенг бўлса, демак сиз тежамкор ҳам сахий одам экансиз.

Мабодо, очколар йиғиндиси ҳар хил бўлса, каттасидан кичигини айриш керак. Айтайлик, А гурухда 40, Б гурухда 20 очко жамғартган бўлсангиз, демак А гурух Б гурухдан 20 очкога кўп экан.

Мана шундан кейин, марҳамат ўзингиз билан танишаверасиз.

А гурух Б гурухдан 10-20 очкога кўп бўлса: пулни оқилона сарфлайдиган тежамкор одамсиз, назари паст эмассиз, аммо ўзингизни моддий жиҳатдан таъминланган деб ҳис қилишни ёқтирасиз.

30-40 очкодан ортиқ бўлса, сахиймассиз. Бирон нимага эгалигингиши ни ўзиёқ сизни жуда қувонтиради. Мабодо кўпроқ пул сарфлашга мажбур бўлиб қолсангиз, астойдил куйиниб кетасиз.

50 очкодан кўн бўлса: ҳасис, курумсоқ одамсиз. Пул тежашга бўлган интилишингиши қарайдиган чорим учун йиғлаянман, деган баҳонаниз ҳам сизни оқдай олмайди.

Б гурух А гурухдан 10-20 очкога кўп бўлса: мурруватли сахий одамсиз. Пулга ружу кўймайсиз, лекин уни бехудага совурмайсиз ҳам.

30-40 очкодан кўп бўлса: пулингиз кўп бўлса уни нимага сарфлашини яхши биласиз. Бирон нарса сотиб олишини жуда ёқтирасиз. Эртанинг фамини чекмай, шу бугун яхши яшашни ўйлайсиз. 50 очкодан ортиқ бўлса: пул ишлатишни билмайсиз. Уни бехудага совурасиз. Тезроқ бирон киши билан маслаҳатлашиб, пулни ишлатни кераклигини ўрганиб олинг. Акс ҳолда пул ташвишидан бошингиз чиқмайди.

Синовининг энг муҳими, унинг бир асосий шарти ёдинигизда бўлсин: саволларга бошқалар хузурида қандай жавоб бериш ўзингизга ҳавола. Аммо ўзингиз ҳақингиздаги ҳақиқатни билишини истасангиз саволларга ситки дилдан жавоб беринг.

### **Низоли вазиятта муносабат тавсифи.**

1. Ўзаро ёрдамга ва ҳамкорликга қобилиятли.
2. Ўзига ишонган.
3. Бошқалар хурматини қозонган.
4. Устидан ҳукмдорликни ёқтирамайди.
5. Очиқ кўнгил.
6. Шикоятчи арзчи.
7. Кўпинча бошқалар ёрдамига муҳтожлик сезади.
8. Рағбатга муҳтож.
9. Ишонувчан ва бошқаларга қувонч улашишга интилади.
10. Масъулиятни ёқтиради.
11. Салобатли қўринаци.
12. Ҳамиятли (ўз қадр-қимматини билади).
13. Рухлантирувчи.
14. Яхшиликни билувчи.
15. Жаҳлдор, шафқатсиз.
16. Мактанточ.

17. Ўзини ўйловчи.
18. Ноҳақликни тан олишга қодир.
19. Золим (мустабид).
20. Ўз фикрида тура оловчи.
21. Багри кенг, нуқсонларга бардошли.
22. Амирана-кеқкайган.
23. Ҳомийлик қилишга мойил.
24. Ҳайратлантиришга қодир.
25. Бошқаларга қарорлар қабул қилишга имкон берувчи.
26. Кечирувчан.
27. Беозор.
28. Локайд бўлиши мумкин.
29. Бегараз.
30. Маслаҳат беришни ёқтирувчи.
31. Ёрдамга муҳтож, мустақил эмас.
32. Ўзига ишонувчан ва тиришқоқ.
33. Хар кимдан ҳайратланишини кутувчи.
34. Кўпинча ҳомуш.
35. Унга таъсир ўтказиш қийин.
36. Диљаш ва муросали.
37. Тўғри сўз ва чўрткесар.
38. Аламзада (жаҳлдор).
39. Тобеликни ёқтиради.
40. Бошқаларга хукмрон.
41. Ўзига танқидий бўлишга қодир.
42. Кўнгли очиқ, сахий.
43. Муомалада доим хушмуомала.
44. Ён берувчи (Келишувчан).
45. Уятчанг. Тортинчоқ.
46. Бошқаларга ғамхўрликка мойил.
47. Шахсиятинааст (факат ўзини ўйлайди).
48. Кўнгилчан.
49. Мухтожларга ҳамкор.
50. Буйруқ беришга удабурон.
51. Кўпинча ҳафсаласи пир бўлади.
52. Бир сўзли, лекин адолатли.
53. Кўпинча адолатли.
54. Бошқаларга танқидчан.
55. Доим хайриҳоҳ.
56. Ноҳолисона баҳоловчи одам.
57. Ишончсизлик туғдиришга мойил.
58. Баобрў ишонувчан.
59. Рашқчи.
60. Дод-вой килиб юришни ёқтиради.
61. Тортинчоқ.
62. Аразчан ва инжик.

63. Күпинчча хайрихох әмас.
64. Хукмрон.
65. Ташаббускор әмас.
66. Қаттиққұлликка қобил.
67. Хушмуомала.
68. Ҳаммани ёқтиради.
69. Тадбиркор, омилкор.
70. Ўта раҳмдил.
71. Эътиборли ва ёқимли.
72. Айёр ва пишик.
73. Атрофдагилар фикрини қадрловчи.
74. Такоббур ва магур.
75. Ўта ишонувчан.
76. Хар кимга ишонишга тайёр.
77. Хижолатпаз.
78. Мустақил.
79. Худбин.
80. Нозик таъб, күнгилчан.
81. Бошқалар таъсирига берилувчан.
82. Хурматли.
83. Бошқаларда таассурот уйғотовчы.
84. Юмшоққүнгіл.
85. Маслаҳатларни қабул қилувчы.
86. Раҳбарлық талантига эга.
87. Ноқулайликка тез тушувчан.
88. Хафачиликни эслаб юрувчи.
89. Дүстлар таъсирига берилувчан.
90. Қарама-қаршилик руҳига мойил.
91. Ортиқча күнгилчанлығы билан одамларни бузади.
92. Атрофдагиларға ўта муруваттли.
93. Шұхратпараст.
94. Хар кимнинг күнгілдини олишга интиливчан.
95. Ҳайратланувчи, тақлидға мойил.
96. Жон деб, бўйсунувчи.
97. Ҳамма билан келишувчан.
98. Ўзининг зарагиға хисобига, бошқаларга ғамхўр.
99. Жиззаки.
100. Уятчанг.
101. Бўйсунишга ўта тайёргилиги билан фарқланувчи.
102. Дўстона, хайрихох.
103. Саховатли, ишонч туғидирувчи.
104. Совуқ, бағритош.
105. Муваффақиятга интиливчи.
106. Бошқалар хатосига бешафкат.
107. Ҳаммага бир хил илтифотли.
108. Қаттиққұл , лекин адолатли.

109. Ҳаммага меҳр-муҳаббатли.
110. Фамхўрлик қилишларини ёқтиради.
111. Деярли, ҳеч кимга эътиroz билдиримайди.
112. Юмшоқ, кўнгилчан.
113. Бошқалар у ҳақида яхши фикрдалар.
114. Қайсар, ўжар.
115. Керак бўлганда саботли ва кескин.
116. Самимиликка мойил.
117. Камтар.
118. Ўз-ўзига мурруватли бўлишга қобил.
119. Сершубҳа.
120. Заҳар тилли, истеҳзолли.
121. Шилқим.
122. Кек сақловчи.
123. Мусобақалашини яхши кўради.
124. Бошқалар билан чиқишишга интилувчан.
125. Ўзига ишончсиз.
126. Ҳар кишига тасалли беришга интилади.
127. Ўз-ўзини қийновчи (ичидан сикилиб юрувчи).
128. Ҳиссиз. Лоқайд.

**Т. Лири сўроқномасининг калити**

Октаонт	Саволлар номери
№	
I.	3,10,11,19,20,22,24,30,33,40,50,64,83,86,105,113
II.	2,12,16,28,32,47,56,69,72,74,78,79,93,104,118,123
III.	5,15,17,37,52,53,54,63,66,99,106,108,115,116,120,128
IV.	4,6,34,35,38,51,57,59,60,62,68,89,90,114,119,122
V.	18,27,41,44,45,48,61,65,77,96,100,101,112,117,125,127
VI.	9,7,8,14,25,31,39,58,75,82,85,87,95,110,111,121
VII.	1,36,43,55,68,71,73,76,81,84,94,97,102,107,109,124
VIII.	13,21,23,26,29,42,46,49,67,70,80,91,92,98,103,126

**Октаонтлар қўйидаги психологиягик тенденцияларни характерлайди.**

- I. Лидерликка мойиллик, ҳукмонлик, зулмкорлик.
- II. Ўзига ишонч-ўзини яхши кўриш.
- III. Талабчанлик-муросасиз шафқатсиз.
- IV. Ишончсизлик (скептицизм)-қайсар-салбийлик (негативизм).
- V. Ён беришлик-беозор-пассив бўйсунувчанлик.
- VI. Ишонувчаник-итоаткорлик-тобелик.
- VII. Кўнгилчанлик-мустакил эмас ҳаёдан ташқари ён берувчи.
- VIII. Раҳмдиллик-бегаразлик-фидокорлик.

## Джон Тейлор шкаласи.

Шахсдаги күркүв ва вахимали умумий даражасини ўрганади.  
**Ха, Йўқ, Билмадим.**

1. Одатда, мен хотиржам одамман ва мен ўзимни бошқара олмаслиқ ҳолатига олиб келиш қийин.
2. Бошқа одамларга нисбатан менинг асабларим уччалик бузилмаган.
3. Менда ич кетиш жуда кам.
4. Менда бош оғриги жуда кам учрайди.
5. Мен кам чарчайман.
6. Мен деярли хар доим ўзимни баҳтли одам деб ҳисоблайман.
7. Мен ўзимга ишонаман.
8. Мен деярли ҳеч качон қизармайман.
9. Мен ўзимни дўстларимга нисбатан ботир, кўрқмас деб ҳисоблайман.
10. Бошқаларга нисбатан кам қизармайман.
11. Менда юрак уриши ва нафас кисиши кам учрайди.
12. Одатда менинг оёкларим ва кўлларим даражада илиқ.
13. Мен бошқаларга нисбатан уятчан эмасман.
14. Менда ўзимга писбатан ишонч туғуси кучсиз.
15. Баъзан мен ўзимга ҳеч нимага ярамайдиган одам деб туюлади.
16. Менда шундай хавотирили даврлар бўладики, чидай олмай қоламан.
17. Ошқозоним мени кучли безовта қилади.
18. Бўладиган қийинчиликлар енга олиш учун менда куч стишмайди.
19. Мен ҳам бошқалардек баҳтли бўлишини хоҳлар эдим.
20. Баъзан менга ўз олдимда енгиг бўлмас қийинчиликлар турганга ўхшаб туюлади.
21. Мен кўркинчли тушларни кўп кўраман.
22. Мен ниманидир қилмоқчи бўлсан, қўлларим титрай бошлаганини сезаман.
23. Соидир бўлиши мумкин мувваффакиятсизликлар мени хавотирга солади.
24. Менинг ўйкум жуда нотинч ва кўп ўйғониб кетаман.
25. Менга ҳеч нима хавф солаётганини аниқ билиб турганимда ҳам кўркинч мени такиб этади.
26. Йида ёки бирон мажлисада фикримни тўплаб олишим қийин.
27. Мен катта куч сарфлаб иштай оламан.
28. Мен дарров ҳаяжонланиб кстаман.
29. Мен ким учундир ёки нима учундир тез вахимага тушаман
30. Менда ҳамма нарсани дарров жиддий қабул қилишга мойиллик бор.
31. Мен дарров йиглаб юбораман ва кўп йиелайман.
32. Менда кусиши ва кўнгил айнаш кам бўлмайди.
33. Бир ойда бир марта ич кетиш бўлади.
34. Мен кўпинча “хозир қизариб кетаман” деб кўрқаман.
35. Қандайдир нарсага фикримни тўплаш менга жуда ҳам қийин.
36. Иктиносидий ҳолатим мени ташвишга солади.
37. Кўпинча ҳеч кимга айттим келмайдиган нарсалар ҳақида ўйлайман.

38. Вахимадан ухлай олмаган вактларим бўлган.
  39. Каттиқ, хаяжонланган вақтимда мени кучли тер босади ва бу ходиса мени ҳаддан ташқари уялтиради.
  40. Ҳарто совук кунларда ҳам мен дарров терлайман.
  41. Баъзи вақтларда шундай кўзғалувчан бўлиб кетаманки, ҳатто ухлашга ҳам кийналаман.
  42. Мен тез кўзғаладиган одамман.
  43. Баъзи вақтларда мен ўзимни бутунлай бефойда одамман леб хис киламан.
  44. Баъзан менга нерв системам бутунлай бўшашиб кетгандай, салга жаҳлим чикиб кетаётгандек туюлади.
  45. Мен кўпинча мени нимадир хавотирга солаётганлигини сезиб қоламан.
  46. Кўпчилик одамларга нисбатан сезгирроқман.
  47. Деярли ҳар доим корним очлигини хис қиласман.
  48. Баъзи арзимаган нарсаларга ҳам хафа бўлиб кетаман.
  49. Менинг хаётим фавқулодда зўриқиши билан боғлик бўлади.
  50. Кутиш доим мени асабийлаштиради.

Хавотирланиш: 1 - 12 йүк  
13 - 50 ха

0-6 паст  
7-20 ўртача  
20 юқори

Менежер ва раҳбар типлари тўғрисида тушунча.

Жаҳон ижтимоий психологияси фанининг турлича йўналишлари, ҳар хил ҳусусиятли намоёндадар томонидан тўплланган беҳисоб ҳам на-зарий, ҳам амалий материалларни таҳлил килиш ва умумлаштириш улар-типларга (тоифаларга) ажратиш имконини юзага келтиради:

- а. (Гонфлайр),  
I. Фаолиятнинг мазмунига кўра:  
1. Илҳомлантирувчи.  
2. Ижро этувчи (ижрочи).  
3. Ҳам илҳомлантирувчи, ҳам ижро этувчи (ижрочи).  
II. Фаолиятнинг услубига биноан:  
1. Авторитар.  
2. Демократив.  
3. Либерал.  
4. Педантизм.  
5. Араплаш (диффуз).  
III. Фаолиятнинг хусусиятига қараб:

1. Универсал (күнкүрралы, күнёклама кенг ихтисосли, яъни кенг профилли).

2. Бирёклама, яъни тор ихтисосли, чекланган хусусиятли.

Энди ушбу психологик таснифга, туркумлашга асосланган ҳолда уларнинг ҳар қайсисига тааллукли бўлган тавсифларга тўхталиб ўтамиз. Шунингдек, яққол ҳаётий тажрибаларга асосланиб уларнинг моҳиятини очишга, психологик ҳодисаларини эса рўй-рост тушунтириб беришга ҳаракат қиласиз.

Ижтимоий ҳаётнинг турли бўғинларида (инфраструктурасида) фаолият кўрсатаётган менежер (раҳбар) ларнинг айримлари ўзларининг шахсий фаолликлари, белгиланган мақсадларга нисбатан сабитқадамликлари, ижодий режалари, барқарор иродавий сифатлари, ўзини ўзи бошқариш (регулятив) имкониятлари билан ўз кўл остидаги ходимларида, ўрта бўғиндаги (лавозимдаги) хизматчилирида (ўринбосарларида) хулк-атворга, муомалага ва фаолиятга ундовчи мотивациялари таъсирида шижоат, ишонч, ижтимоий бурч хис-туйгуларини ўйғотади. Фаолаштиришнинг объектив (табиий) омишлари (яъни шарт-шароитлар, ишчаник мухити, техника воситалари, меҳнат ўрнининг сангигиеник талабларига жавоб бершилиги, ишҳакини тўлашнинг тўғри йўлга кўйилганини ва хоказо) ва субъектив (ички руҳий) жабхалари англанилган мотивлар, қизикиш, шахсий ва ижтимоий установкалар, яъни психологик илиқ мухит, ғоявий эътиқод, юксак ҳисслар (ахлоқий, аклий, эстетик, праксик, яъни меҳнатдан лаззатланиш ҳисси кабилар) дан унумли, омилкорлик билан, одилона ва оқилона фойдаланиши. Баъзи бир руҳий ҳолатларда, вазиятларда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, оптимистик, миллӣ турур намуналарини намойиш қилиш орқали ўз кўли остидагиларнинг руҳиятида илҳом, интилиш хоҳиш, истак, эзгу ният туйгуларини вужудга келтириш мақсадга мувофик.

Миллатпарварлик юксак ҳиссини амалиётда қарор топтириш, рўёбга чиқариш ёрдамида ўзга кишиларда, бегона одамларда тақлидчалик (имитация), ўхшишга интилувчанлик (идентификация), кутилаётган натижани олдиндан пайқааш, моделини кўз ўнгига келтириш (антиципация) сезгирлигини, яъни сенсорикани намоён этиш айни муддаодир. Ўз қўли остидаги одамларни шахсий хатти-ҳаракатлари билан ром килиш, маҳлиё этиш (лотинча-аттракция), тана аъзоларининг тоонусини кўтаришини эришиш, биологик шартланган ички имкониятлар ва захираларни ишга туширишга табиий жиҳатдан негиз ҳозирлаш ижобий маҳсулларни келтириб чиқаради.

Хулк-одоб, муомала ва фаолиятни амалга ошириш жараёнида ходимларга тезкорликда ёрдам кўрсатиш, фидойилик хусусиятини амалий жиҳатдан намойиш қилиш тифайли илҳомлантирувчаник ҳислатини бошқаларга муваффак бўлади.

Менежернинг илҳомлантирувчи типи умумий ижтимоий психологик ҳолатни ёки аниқ ишни ташкил қилишни бошқаришда, спорт мусобақаларида, шахслараро муносабатда жонкуярлик намунасанни акс эттиришда кўзга ташланади, тақлид, юқтириш, таъсириш ўтказиш (интеракция)

орқали ўзининг кўли остидаги одамларнинг руҳий ҳолатида ички туртки (мотив) уйғотади, фаолликни оширишга (мотивация), ўзини ўзи кашф килишга, очишига пухта замин ҳозирлайди.

Ижро этувчи (ижрочи) менежер (раҳбар, бошқарувчи) юқоридан (юқори ташкилотлардан, раҳбариятдан) келиб тушаётган жамики йўл-йўрикларга, топшириққа, мажбуриятга ситқидилдан, ҳақчил равишда ёнлашади, масъулият хиссига асосланаб муассаса, ташкилот, бошқарма, вазирлик, ҳокимият томонидан бажариши режалаштирилган ишларни (топшириқларни) ўз вақтида ва сифатли адо этилишини таъминлашга раҳнамолик ёнкни бошчилек қиласди. Унинг кўл остидаги жамоалар аззоларининг барча бўғинларida ижро интизомининг юксак савијада бўлишини якка тартибда назорат қиласди, ҳар қайси алоҳида шахс олдига ижтимоий психологияк талаб даражасида фаолият кўрсатиш зарурият эканлигини уқтиради. Ҳар қандай ҳолат ёки вазиятда менежер талабчаник, ташкилотчилик қобилиятини намойиш қиласди, лекин ижодий изланиш, умумий низом, меъёрий ҳужжатлар мазмунидан, талабидан ташқари чиқиши имкониятига эга бўлмайди.

Менежер ўзининг хулқ-одобида, муомала маромида, фаолиятни амалга ошириш ва уюштирища ўзгаларнинг руҳиятида тақлидийликни вужудга келтиради ва ижтимоий психологик мухитда тобе кишилар шахснинг камолотида таъсирчан роль ўйнаши мумкин. Худди шу боисдан ижронинг воситалари, психологик механизmlари (таъминлаш асослари), ходимлар ва хизматчиларга таъсир ўтказишининг йўл-йўриклари билан куролланганликни англатади, шунингдек, интизом мувваффият (ютуқ) гарови, кафолати эканлигини тушуниш тараққиётга (прогрессга) неиз бўлиши мумкинлигини билдиради. Жорий, тавқим, хафталик, кундалик режа бўйича иш юритишни таъминлаши, ўз муҳлатици амалий ифодасини карор топтиришга интилиш, изчилилк, узвийлик, мантикийлик, умумлашганилк аклий фаолият таркиблари мавжуд бўлишига нисбатан ижобий муносабат туйғусини юзага келтириш учун ҳамкорлик фаолиятини (менежер билан ходимларнинг биргаликдаги ҳатти-ҳаракатлари мажмуасини) такомиллаштириш, ўзгаларга таъсир ўтказишининг (интеракция), ўзгаларни ишонтиришишнинг (сүгтестия) янги, инновацион технологияси билан яқиндан танишиш ҳамда иштирокчиларда тортилганлик хиссини шакллантириш лозим.

Ҳам илҳомлантирувчи, ҳам ижро этувчи менежер типи (тоифаси) бозор иқтисодиёти даврида муҳим аҳамият касб этиб, бир томондан ижтимоий фаолликни вужудга келтирса, ходимларда фидоийлик тўйғуларини уйғотса, иккинчи томондан уларда ижрочилик интизомини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ишга ва фаолиятга нисбатан бундай ёндашув боқимандалик кайфиятини, юқоридан буйруқ кутиб туришга кўниши хиссини аста-секин йўқотиб юборишга пухта замин яратади. Ўзининг намунавий характерологик хусусиятлари, иродавий сифатлари (мустақилик, қагъиятлилик, сабр-тоқатлилик, жасорат ва хоказо), ижодий ғояларни муҳокама учун кўйиш, умумий сафарбарликка жамоа аззоларини тортиш орқали чин маънода обрў-эътибор қозонишга мушарраф

бўлади. Юкоридан кузатувчи, назоратчи, иш юритувчи сифатидаги ишлаш услубидан жамоа билан аралашиб, ҳамкорлик тарзидағи фаолиятда тез-тез қатнашиш ҳурмат ва эхтиромни келтириб чиқаради. Ушбу иш услубида оралиқ (дистанция) камаяди, яқинлик эса тобора кучаяди. Менежер билан ходимлар ўртасидаги руҳий яқинлашув психологик илиқ мухитни юзага келтиради. Лекин маълум маънода раҳбар билан тобе кишилар ўртасида субординация сакланиси мақсадгага мувофиқ, чунки хатта-ҳаракатларнинг маълум меъёрда бўлмаслиги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ижтимоий психология фанида қўлланилиб келаётган энг қадимги менежер (раҳбар) иш услуби авторитар тушунчасида ўз ифодасини топади. Ижтимоий хаётда ҳак-хукуқ, демократия элементлари муайян таъсир кучига эга эмас экан, демак авторитар ҳолат, хукмонлик қиласверади. Инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиётида формациялар ва уларнинг ҳар хил шакллари ҳукм сурған даврларда эътиборни авторитар иш услуби етакчилик қилиб келади. Авторитар ишлаш услубини эгаллаган менежерлар ўзларини якка бошлиқ сифатида тан оладилар, танҳо ҳукм ва хулоса чиқаришига одатланганлар. Фан ва техниканинг тараққиёти, жамиятда шахсларро муносабатларни бошка асосга, яъни тенглик, эркинлик, ўзаро ҳурмат, масъулият, жавобгарлик принциплари негизига қурилишини тақозо этади. Лекин бир томонлама ҳурматга таянган ҳолда муносабат ўрнатилиши ички қарама-каршиликларни юзага келтириши мумкин. Жамоа, жамоатчилик фикр ва мулоҳазаларини инобатга олмаслик ёки унга интилмаслик авторитар ишлаш услуби устувор эканлигини англатади. Баъзан вакт тиғизлиги ва тақчилиги даврида авторитар услубдан фойдаланиш ҳолатлари учраса – бунинг хеч қандай нуқсонли томонни йўқдир. Авторитар тиғга тааллукли менежер ўзини якка ҳоким сифатида хис этса-да, бирок унинг жамоа аъзолари билан умумий томонлари жуда кам эканлиги омили армон туйғусини уйғотади.

Жаҳонда кенг оммалашиб бораётган менежментлик тоифасидан бири - бу демократив ишлаш услубига эгаликдир. Демократив хукукий, фуқаровий жамият бунёд этилар экан, ўзидан ўзи тенглик тўғрисидаги мулоҳазалар ижтимоий ҳаётнинг асосий муаммосига айланади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳукмдорликнинг турли кўринишларида ҳам адолат мезон сифатида қўлланилган бўлса, демократив ишлаш услуби етакчилик қилганига хеч қандай шак-шубҳа йўқ. Демократиянинг учта умумий принципига риоя қилган ҳолда шахслараро муносабатни амалга ошириш, кейинчалик эса муомала маромини эгаллаш, жамият тараққиётiga тўскинилик қиладиган барча субъектив тўсиқларни ентишга интилиш ушбу услубда фаолият кўрсатадиган менежерларнинг хусусияти бўлинб ҳисобланади.

Демократив услубдаги менежер жамоа фикри, ғояси, муайян даражада қарорига келиши, хукукий тенгликка риоя қилиниши, эркинликни рўёбга чиқиши тўғрисидаги масалаларга оқилона муносабатда бўлади, имконият борича барча ҳолатни ҳамкорликда ҳал қилиниш тарафдори санчади. Ҳар бир аъзонинг фикрига қулоқ солиш, уни тўғри идрок

килишга ва тушунишга мойиллик, рағбатлаш ёки жазолаш методидан фойдаланишида ҳамкорлик принципига содиклик мазкур услугнинг асосий кўриниши ифодасидир.

Лекин демократив услуг шахсий ташабbus, яккаҳол қарор, индивидуал муносабат ва позиция ҳукм суринини инкор этмайди, чунки мулоҳаза, мушоҳада, муҳокама жараёнларида фаоллик унинг муҳим жабҳаларидан битгаси бўлиб ҳисобланади. Демократив услугнинг энг муҳим ижтимоий психологик томони шундан иборатки, унда жамоа аъзолари ўргасида якинлик, ўзаро ишонч, ўзаро хурмат, жавобгарлик, масъулият, ижтимоий бурчга содиклик ҳис-туйғулари шаклланади. Фикр юритиш, қарор қабул килиш, муаммони ечиш жараёнларига ёндашишда умумийлик вужудга келади, ҳамоҳанглик, эмпатия (ҳамдардлик), ўзаро кўллаб қувватлаш кечинмалари мавжудлиги улар орасида руҳий илик муҳит ҳукм суринидан, ўзаро мослик (мутаносиблик) шаклланганлигидан далолат беради.

Демократив услугга асосланган менежерлар ҳарак иродасига суянган ҳолда иш юритадилар, уларнинг хоҳиши, эзгу нияти, истиқбол режаси муассаса тақдирини ҳал қилиш механизми эканлигини юксак даражада ҳис қилиган тарзда ҳамкорлик фаолиятини ташкил қиласидилар ва бошқарадилар.

Жамоа ва жамоатчилик билан ишлаш жараёни ҳар хил тарздаги ёндашувни амалга оширишни тақозо этади. Ижтимоий психологик вазиятнинг ўзи либерал услубдан фойдаланиш заруриятини вужудга келтиради. Ташкилот ҳамиша ҳам мутлак бирлик, ўзаро тушунув узлуксиз равища ҳокимлик қиласиди, деган қатъий қарордан йирокдир. Чунки муассасанинг ички тузилиши хилма-хил бўлса, бўгиншарнинг ўзига хослигидан келиб чиқкан ҳолда турлича маромда муносабатга киришишни талаб қиласиди. Умумият фикри, яккаҳол қатъият ўринини ён бериш, вазият билан ҳисоблашиш, яъни либерал муносабат эгаллаши мумкин. Шунинг учун реал психологик ҳолат, ҳодиса мухитидан келиб чиқкан ҳолда либерал ёндашишни қўлаш низоли, можароли вазиятнинг олдини олишга хизмат қиласиди.

Лекин ҳамиша муросачилик билан иш юритиш менежер обрўсига нутугр етказади. Либерал тоифага кириб қолишлик қатъиятсизлик, принципиал бош йўналиш заифлиги одатий вокелик эканлигини англатади. Либерал услуг вазиятдан енгил чиқиб кетишнинг воситаси сифатида татбик этилиши мумкин, холос. Акс ҳолда менежмент фаолияти шунчаки ташкил қўринишга эгалиги тўғрисида соҳта таассуротни вужудга келтиради. Қатъиятсиз, муросадор менежер ҳозирги давр учун аҳамиятли сиймо эмас, буни ҳеч унитмаслик зарур.

Ташкилотга раҳбарлик қилишда турлича услублардан фойдаланиб келинади. Улардан яна битгаси -- бу педантизм тоифадир. Ҳамкорлик фаолиятини барча жабҳаларига расмиятчилик нұқтаи назардан ёндашиш устуворлик қиласиди. Педантлик ишнинг бирламчи ва иккиламчи даражаси бўймаслиги тўғрисидагиояни ўзида мужассамлаштирган бўлишига қарамай, ички норозиликларни келтириб чиқариши эҳтимол. Ҳар бир

харакат, ҳар қайси хужжат саводхон, намунавий, рисоладагиде расмий-лашувига асосланган менежер услубидир. Шуни хотирадан чикармаслик жоизки, ҳар бир жамоа аъзосига ишонин лозим, лекин харакатнинг сифатини назорат килиш нуқсонларнинг олдини олиш гаровидир. Педантизм умумий фаолият якунига фойда келтириши билан бир даврда қўл остидагилар учун хавф-хатар, кўркинч хисларини уйготади. Кўп холларда ходимларда синчковлик, эҳтиёткорлик туйғуларини шакллантиради, масъулиятни орттиради. Худди шу боисдан бу услуб ижтимоий психологияда турлича баҳоланишга эга, уларнинг баъзилари ижобий воқелик сифатида талкин киласа, бошқа бир гурух назариётчилар эрк нуктаи назаридан унга салбий муносабат билдирадилар.

Менежмент фаолиятини уюштириш давомида диффуз (аралаш ёки ноаник, шаклланмаган услубдан фойдаланиш ҳоллари учрайди) тоифасига алоқадор менежерлар учраб турини ижтимоий психологияда қайд килинган. Ҳар қандай касбда ҳам маҳорат чўккисини эгаллаш қийин кечгани каби раҳбарлик лавозимида ҳам ўз иш услугига эга бўлишилик муайян тажрибани талаб этади. Менежер шахсий услугга эга бўлганига қадар ҳар хил йўлларни қўллади, лекин ҳамиша ҳам мұваффакиятга эришавермайди. Шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай раҳбар шахсий услугга эга бўлади, деган мулоҳазага эҳтиёткорона ёндашиш маъқул. Менежментлик бу санъат, унинг мураккаб, нозик жихатларини эгаллаш барча раҳбар қадрга бир текис насиб этавермайди. Шунинг учун унда ҳам биологик, ҳам ижтимоий шартланган ҳусусиятлар якқол кўзга ташланган тақдирдагина камолат сари интилиш табиий равишда амалга ошади.

Ижтимоий тажрибаларниң кўрсатишича, универсал менежер (кўпкіррали, кўпёклама салоҳиятли, кенг ихтисосли, кенг профили) ташкилотларда фаолият кўрсатади. Бу иш услугига ундан комиллик хислатларини талаб қиласди, факат ўз соҳасинигина эмас, балки борлиқ тўғрисида билимларни, тушунчаларни эгаллаш тақозо этилади. Ишлаб чиқаришга оид билимлардан ташқари, сиёsat, маънавият, иқтисод, диний таълимот, янги технология юзасидан муайян фикрга эгаллик унинг универсаллигидан далолат беради. Хулқ фаолияти ва мумаланинг мотивацион, эмоционал, иродавий, когнитив, регулятив жабҳаларини эгаллаш туфайли юксак даражага эришиши мумкин, бирор мазкур кўрсатич эксперт баҳога эга бўлиши керак. Факат мана шундагина идеал тимсол, нодир сиймо сифатида қўл остидаги кишилар томонидан идрок қилинади. Ҳаяжон, фахр, ғурур туйғулари шаклланганлиги объектив баҳоланишининг рамзидир.

Менежер бирёқлама, тор ихтисосли тоифага эга бўлиши, унинг ўз соҳаси, ихтисиси билимдони эканлигини гавдалантиради. Ўз мутахассислиги бўйича чукур билим, кўнишка, малакаларга эга бўлишилик раҳбарлик услубини эгаллашга пухта негиз ҳозирлайди. Ташкилот фаолиятини тақомиллаштириш, жипсликни юксалтириш, самарадорликни ошириш имконияти старли даражада бўлиши менежер нуфузи учун етар-

ли эмас. Ҳар соҳада фикр алмашин ва қўл остидагинарга тавсия бериш салоҳияти унга кўшимча обрў – эътибор келтиради.

Хулоса, менежернинг турли – туман тоифалари, ишлаш услублари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар қайсисидан унумли ва мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиши жамоа аззолари ўртасида шахслараро муносабатни юқеакликка кўтаради ва илик руҳий мухитни шакллантиради.

### Ўз ҳиссиётингизни бошқара оласизми?

Ҳақиқатдан Сиз жаҳлормисиз ёки ўз ҳиссиётингизни бошқара оласизми? Бу руҳий кечинмаларни куйидаги сўроқнома орқали аниқланг. Ушбу тест ёрдамида ўзингизни синааб кўринг.

Саводларга “жуда”, “унчалик эмас”, “хеч қачон” каби вариантларда жавоб беришингиз мумкин.

-Газетанинг Сиз ўқимоқчи бўлган варагининг ғижимланганлиги;

-“Ёши катта” ёки ёш қизларга хос кийинган аёл.

-Сұхбатдошингиз ҳаддан ташқари Сизга якин туриши (масалан: одам трамвайда тирбанд).

-Кўчада чекаётган аёл.

-Кимdir Сиз томонга ўтирилиб йўталса.

-Севикли қизингиз (йигитингиз) ҳар доим учрашувга кечикиб келса.

-Кинотеатрда сизнинг олдингизда ўтирган томошабин у ёқ бу ёқка айланиб, кино сюжетини изоҳлаб ўтираса.

-Энди ўқимоқчи бўлган қизикарли романнинг мазмунини гапириб беришга ҳаракат қиласа.

-Сизга кераксиз нарсаларни совфа қилишса.

-Жамоат транспортида бақириб гаплашса.

-Атир-упаларнинг ҳаддан ташқари ўткир хиди.

-Гапираётган лайтда ҳаддан зиёд қўлларини қимирлатиб гапираётган одам.

-Ҳаддан зиёд тез-тез ажнабий тиллардаги сўзларни ишлатадиган касбдошингиз.

### Натижалар изоҳи:

Ҳар бир “жуда” жавоби учун-3 очко; “унчалик эмас” жавоби учун -1 очко; “хеч қачон” жавоби учун-0 очко берилади.

30 очкодан тўплассангиз: Сизни чидамли, хотиржам одамлар қаторига кўшиб бўлмайди. Сизнинг ҳамма нарса, ҳаттоқи аҳамияти бўлмаган нарсалар ҳам жаҳлингизни чиқаради. Сиз жаҳли тез ўзингизни йўқотиб кўядиган одамсиз. Бу эса асаб тизимингизни бўшаштириб кўяди, бунинг оқибатида атрофингиздагилар ҳам азият чекадилар. Сиз ўзингизни қўлга олишига ўрганишингиз керак.

12-29 очкогача: Сизни энг кенг тарқалган одамлар гуруҳига киритиш мумкин. Жуда нохуш воқеалар сизнинг жаҳлингизни чиқаради, лекин кундалик ҳаётий қамчиликлар сизга катта таъсир кўрсатмайди. Но-

хүшилкларга нисбатан “юз ўтира олиш” сизга хос хусусият, уларни осонликча унуга оласиз.

11 ва ундаи кам очко: Сиз етарлича хотиржам одамсиз. Ҳаётга реал қарайсиз. Ёки ушбу тест етарлича ҳамма нарсаны қамраб олмагани, сизнинг камчиликларингиз етарлича намоён бўлмадими? Буни ўзингиз холисона баҳоланг. Лекин тўла ишонч билан айтиш мумкин: Сизнинг мувозанатингизни осонликча бузиш мумкин, дейиш мутлақо асоссиз иборадир.

### **Менежер касбий майиллигини баҳолаш.**

Орзуга айб йўқ, ким шоҳ бўлишни истамайди, деган ҳалқимизнинг накли бор. Лекин шундай одамлар ҳам борки, уларга раҳбар бўлиш мутлақо тўғри қелмайди. Ушбу тест синауучида раҳбарлик лавозимига майилликни кўрсатувчи характер хислатларининг қай даражада намоён бўлишини аниқлаш имконини беради.

Куйида келтирилган саволларга таклиф этилган жавоблардан диинингизга мос тушидиганини танлаб жавоб беринг (а-тасдик, б-инкор).

- |   |   |   |
|---|---|---|
| 1. Сиз одамларга буйруқ бера оласизми?  | а | б |
| 2. Сиз томорқада ишлашини ёқтирасизми?  | а | б |
| 3. Кимгadir бирон-бир масала юзасидан эътироz билдириш сизда а қониқиши ҳиссини ҳосил қиласидими?   | а | б |
| 4. Куйидаги икки хислатдан қайси бирини кўпроқ қадрлайсиз? а) авторитет (обрў) б) мулоjимлик  | а | б |
| 5. Сиз нутқ сўзлашини ёқтирасизми?  | а | б |
| 6. Сизнинг фикрингизча, цивилизациялаш даражасини нима билан аниқлаш мумкин? а) аёллар эмансипациялашуви даражаси билан; б) техника тараққиети билан.                           | а | б |
| 7. Кимнингдир укувсизлиги, нўноқлиги сизнинг жаҳлингизни а чиқарадими?  | а | б |
| 8. Сиз одамлар бевосита мулокот орқали бажариладиган ишларни ёқтирасизми?   | а | б |
| 9. Сиз ўзингизни ҳаддан зиёд болаликдан онангиз таъсири остида а бўлғанман деб хисоблайсизми?   | а | б |
| 10. Сиз бирор одам билан танишиш вақтида эътиборингизни биринчи нафбатда сұхбатдошингизнинг қандай хислатларига қаратасиз? а) ташки кўринишига; б) у нимани ва қандай гапиради. | а | б |
| 11. Агар ўз фикрингизни ҳимоя кила олмасантиз ўз айтганингизни (тагабингизни) карор тонтира билмасантиз жаҳлингиз кўзгайдими?   | а | б |
| 12. Машхурликнинг (манسابнинг) қандай тури сизни ўзига а кўпроқ жалб киласи (сизга жозибалироқ туюлади)? а) машхур артист Ш. Жўраевдек; б) машхур спортчи М.Косимовдек.         | а | б |

13. Сизни тез-тез сайлов (танлов) комиссиясига тавсия а  
килишадими? а 6

14. Сиз сенсацион янгиликларнинг ташкилотчиси бўла оласизми? а 6

15. Сиз муаммоларни ўзидан-ўзи ҳал бўлиб кетишни кутасизми? а 6

16. Фараз қилинг, сиз деразаларида пардаси йўқ ҳонада яшашин-  
гизга ёки ишлашингизга тўғри келса, бундай вазият сизнинг  
жахлингизни чиқарадими? а 6

17. Сизга қайси ранг кўпроқ ёқади? а) ҳаво ранг; б) қизил ранг. а 6

18. Сиз осонгина бир қарорга келасизми? а 6

19. Спортнинг қайси тури сизга кўпроқ ёқади? а) чаққонликни а  
ривожлантирувчи; б) кувватни ривожлантирувчи. а 6

20. Агар лавозимга узукка кўйган кўздан мос туңса, сиз қарама- а  
карши жинсли раҳбарга мойиллик билдирасизми? а 6

Nº	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
a	5	5	5	5	5	0	3	5	0	0	5	0	5	5	0	0	0	5	0	0
b	6	0	0	0	0	5	0	0	5	5	0	5	0	0	5	5	5	0	5	0

## Натижалар таҳлили.

Баллар йигиндиси 100-80 балл бўлса, бундай одамда бошқалардан устунынкка интилиш туйғуси кучлирек шахседир. Ушбу одам ташаббу- скор, яхши ташкилотчи хислатига қарамай, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам тан олинишга интилади. Ходимларни бошқариш истаги, иштиёқи унинг хатти-харакатларининг самарацорлигини камайтирмайди.

Кучли асабий толиқиши, ўзини енгил торға билішнің билмаслық шұнға олиб келадыки, хаяжонланиб (хөвлиқиб) турған вактда бундай одамлар бирон-бир кишини осонғина ранжитиб күйиши мүмкін. Бундай одамлар тез-тез мәктаның туралып, манманлық қыладылар, агрессивликта мойылдырлар. Агар бу тоифадаги одамлар бошқаларға нисбатан муносабатини ўзгартыра олған тақдирдегінде уларнинг раҳбарлар лавозимига мойыллік берувчи хислатлари юкори самараалар бериши мүмкін.

мойиллик берув жана ташкенттаги маданий шараларни олдиришадиган. 75-40 балл. Бундай одамларнинг талаблари анча юкори, купинча улар ўзларига ишондадилар. Ўз “мен”ини таъкидлаб ўтишини ёқтирадилар. Хиссиятларини бошқара олишни билишилик ва ўз хатти-харакатини тасдилик килишга мойиллик шунга олиб келадики, бундай одамларда бошқаларни бошқариш зарурати алоҳида шаклга эга бўлмай колади. Бундай шахслар ҳали юрилмаган йўллардан (“очилмаган сўқмоклардан”) юришини ёқтирадилар. Улар ўз фикрлари билан ҳамма вакт бошқаларнига мос тушавермайдиган бўладилар. Улар ўзларига бошқа одамларни боғлаб олишни ёқтиромайдилар ва бошқаларга кийинчилик билан бўйсундадилар. Улар ҳақида одамлар нималар дейишаётганликлари уларни қизиқтиромайди, айни вактда ўзгаларни танкид килининг майлидирлар. Улар ўз сўзларини ҳамма вакт охирги (ҳал килювчи) мулоҳазада карор топишини ёқтирадилар.

35-0 бапт. Бундай одамлар раҳбар бўлишдан кўра ходим (бўйсунувчи) бўлишга кўпроқ мойилдишлар. “Шеф” (хўжайнин) ролидаги ўзларини нокулай хис қиласидар. Одатда улар аникроғи журъатсиз, ўта камтарин, ўзига ишонмайдиган кишилардир. Улар камдан-кам бирон-бир ташаббус билан чиқадилар, бошқаларнинг раҳбарлигига бажонидил килинган қарорларга бўйсунишни ва бошқа кишилар “соясида” бўлишни маъкул кўрадилар.

### **Менежер фаолиятининг психологик диагностикаси тести.**

Сизга тавсия килинаётган тест саволлари менежер фаолиятининг психологик диагностикасига бағишлиланган. Шунинг билан бирга бу маълумотлар жумхурятимиздаги халқ, хўжалигини идора килишни такомиллаштиришга муҳим аҳамият қасб этади.

Шахсий ва қасбий сифатларнинг бўйича маълумотлар Сиз учун куйидаги жараёнларда аскотади:

- 1) лавозим бўйича аттестацияга тайёрланиш босқичида;
- 2) шахсий-қасбий сифатларни ривожлантиришда ва ўз устингизда ишланиш тақомиллаштиришда;
- 3) ҳаёт ва фаолиятингизни қандай ташкил қилишни белгилаб берувчи ўзингизни “Мен” - концепцияси бўйича (ўзингиз ҳаккнингиздаги тасаввурни) баҳолашингизда.

Ушбу тажрибада иштирок этганингиз учун Сизга олдиндан ўз миннатдорчилитимизни билдирамиз.

Ҳар бир фикрга “ҳа” (К) ёки “йўқ” (-) белгисини қўйиш билан жавоб беришингиз мумкин.

1. Танишларимнинг кўнглилиги мени ёқтиришса керак, деб ўйлайман. - “ҳа”, “йўқ”.
2. Сўзим камдан-кам ишимга тўғри келмайди. - “ҳа”, “йўқ”.
3. Кўпчилик одамлар ўзларига ўхшаш томонларини менда кўришса ажаб эмас, деб қисблайман. - “ҳа”, “йўқ”.
4. Мен ўзимни баҳолашга ҳаракат қилганимда, энг аввало камчиликларимни кўраман. - “ҳа”, “йўқ”.
5. Мен шахс сифатида одамларни ўзимга жалб кила оламан, деб тасаввур қиласман. - “ҳа”, “йўқ”.
6. Ўзимга мени яхши кўрадиган одамнинг кўза билан қараганимда, шахсий образим хақиқатдан қанчалик узоқлигини кўриб тасаввур қилганимда ноҳуш ҳислар туғилади. - “ҳа”, “йўқ”.
7. Менинг “мен”им ўзим учун ҳар доим қизиқарлидир. - “ҳа”, “йўқ”.
8. Баъзан ўзини ўзи аяшни гуноҳ эмас, деб баҳолайман. - “ҳа”, “йўқ”.
9. Шахсий ҳаётимда менга ҳаддан ташқари руҳан яқин турган одамлар бор ёки бўлган. - “ҳа”, “йўқ”.

10. Ўзимни ўзим хурмат килишим учун яна хизмат кўрсатишим жоиз. - “ҳа”, “йўқ”.

11. Ўзимни ўзим жуда ёмон кўриб кетган вактим бўлган ва бу воеа бир марта эмас. - “ҳа”, “йўқ”.

12. Мен тўсатдан пайдо бўлган хохишимга тўла ишонаман. - “ҳа”, “йўқ”.

13. Ўзим ҳам шахсиятимдаги кўп нарсаларни ўзгартиришни истар эдим. - “ҳа”, “йўқ”.

14. Мен учун шахсий “мени” им алоҳида чукур эътиборга сазовор бўлиб туюлади. - “ҳа”, “йўқ”.

15. Менинг ҳаётимда ҳамма нарса яхши бўлишини сидқидилдан хоҳдайман. - “ҳа”, “йўқ”.

16. Мен бирорвга таъна тоши ёғдиришдан олдин, энг аввало ўзимни айблайман. - “ҳа”, “йўқ”.

17. Тўсатдан танишган одамга кўпроқ ёқимли шахсадай бўлиб туюламан. - “ҳа”, “йўқ”.

18. Мен кўпроқ ўз режаларимни ва хатти-харакатларимни кўллаб-куватлайман. - “ҳа”, “йўқ”.

19. Шахсий заифликларим менда газаб туйғусига ўхшаш кечинмани вужудга келтиради. - “ҳа”, “йўқ”.

20. Агар мен иккита кишига айланиб қолсан, у ҳолда ўзимнинг иккичи сийном билан кизиқарли сұхбат қилган бўлардим. - “ҳа”, “йўқ”.

21. Ўзимнинг баъзи бир хислатларим менга бегонаникидек бўлиб туюлади.

22. Кимнингдир шахсиятидан менга ўхшаш томони мавжудлигини хис қилиш мумкин эмас. - “ҳа”, “йўқ”.

23. Ўйлаган режамни амалга ошириш учун қобилиятим ва имкониятим етарли. - “ҳа”, “йўқ”.

24. Мен ўз устимдан кулмаган ҳолда ўзим билан ўзим ҳазиллашаман. - “ҳа”, “йўқ”.

25. Инсоннинг ўз ҳаётида амалга оширадиган энг аклли иши - бу ўз тақдирiga тан беришидир. - “ҳа”, “йўқ”.

26. Биринчи қараща менга бегона одам, мендан ўзгаларни итарувчи хусусиятларни кўпроқ топади. - “ҳа”, “йўқ”.

27. Агар мен бирор нарса деган бўлсан, афсуски, худди айтганимдан иш тутаман, деган сўз эмас. - “ҳа”, “йўқ”.

28. Ўзимга ўзимнинг муносабатим дўстона муносабат, деб айтиш мумкин. - “ҳа”, “йўқ”.

29. Шахсий камчиликларга мурувватли бўлиш - бу табиий ҳолдир. - “ҳа”, “йўқ”.

30. Севимли одамим учун ҳамиша қизиқарли манба бўлишилик кўлимдан келмайди. - “ҳа”, “йўқ”.

31. Қалбимнинг тубидан мен билан қандайдир фалокат юз беришини сезаман. - “ҳа”, “йўқ”.

32. Мен кўпчилик танишларимга ёқимли шахсадай туолмасам керак. - “ҳа”, “йўқ”.

33. Мени ёқтирадиган одамнинг кўзи билан ўзимга қарашим менга жуда мароқли. - “ҳа”, “йўқ”.
34. Менда қандайдир ҳоҳиши туғилса биринчи навбатда ўзимдан-ўзим “бу ақлданми?” деб сўрайман. - “ҳа”, “йўқ”.
35. Номаълум донишманд одам менинг ички дунёмни найқаб олганида эди, унда ўзимнинг қанчалик қашшоқ эканлигимни дарҳол тушуниб етган бўлардим. - “ҳа”, “йўқ”.
36. Вақти-вакти билан ўзимдан-ўзим фаҳрланаман. - “ҳа”, “йўқ”.
37. Мен ўзимни етарли даражада юкори баҳолайман, деб айтсам бўлади. - “ҳа”, “йўқ”.
38. Мен ҳақиқатан катта одам эканлигимга қалбимнинг тубидан ҳеч ишонгим келмайди. - “ҳа”, “йўқ”.
39. Бегона одамларнинг ёрдамсиз мен жуда кам нарса қила оламан. - “ҳа”, “йўқ”.
40. Баъзан мени ўзимни ўзим тушунимайман. - “ҳа”, “йўқ”.
41. Мақсадига йўналганилик иродавий сифат ва қувватнинг етарли эмаслиги менга жуда ҳајал беради. - “ҳа”, “йўқ”.
42. Умуман олганда бошқалар мени етарли даражада ортириб баҳолаши мумкин, деб ўйлайман. - “ҳа”, “йўқ”.
43. Менинг руҳиятимда бошқаларни ўта ёқтирасликни вужудга келтирадиган нимадир бор. - “ҳа”, “йўқ”.
44. Мени кўпчилик танишларим уччалик жиддий одам, деб қабул қилишмайди. - “ҳа”, “йўқ”.
45. Менда доимо қўзғатувчанлик ҳисси бўлғанилиги учун ўзимдан ўзим хурсандман. - “ҳа”, “йўқ”.
46. Мен ўзимни ўзим хурмат қиласман, деб айта оламан. - “ҳа”, “йўқ”.
47. Хатто салбий хислатлар ҳам менга бегона эмас. - “ҳа”, “йўқ”.
48. Асосан, мени қандай бўлсан, ҳудди шунинг ўзи мени кониқтиради. - “ҳа”, “йўқ”.
49. Менинг кўнгилдан сева олмасалар керак. - “ҳа”, “йўқ”.
50. Менинг орзуларим ва режаларимга амалиё ифода етишмайди. - “ҳа”, “йўқ”.
51. Агар менинг иккинчи “Мен” им бўлғанида эди, бу мулокотда мен учун энг зерикарли шерик бўларди. - “ҳа”, “йўқ”.
52. Ўйлайманки, ҳар қандай ақлли ва билимли киши билан умумий тил топса бўлади. - “ҳа”, “йўқ”.
53. Менда намоён бўладиган кечинмалар, мен учун тушунарлидир. - “ҳа”, “йўқ”.
54. Менинг ижобий фазилатларим камчиликларимни босиб кетади. - “ҳа”, “йўқ”.
55. Мени виждонсизликда айблайдиган одамлар топилиши лозим. - “ҳа”, “йўқ”.
56. Менда кўнгилсизлик содир бўлса, ўзимга ўзим “Қилмишинга яраша-да!”, деб айтаман. - “ҳа”, “йўқ”.

57. Умуман мен ўз тақдиримни назорат қиласын, деб айта оламан. - “Ха”, “Йўқ”.

#### **1-бўлим натижаларининг таҳлили.**

“Ха” ёки “Йўқ” деб жавоб берилганидан қатын назар, жавобингизнинг калитга мослиги 1 балл баҳо олишингиз учун имкон беради.

#### **1. Ўзининг “мен”идан “рози” ёки “норози” бўлиши интеграл хисси устуни.**

“Ха” - 2, 5, 23, 27, 33, 42, 46, 48, 52, 53, 57.

“Йўқ” - 6, 9, 13, 14, 16, 18, 30, 35, 38, 39, 41, 43, 45, 49, 50, 56.

Натижалар таҳлили:

0-10 балл - Сиз кўпроқ ўз “мен”ингиздан “норозисиз”.

11-20 балл - Сиз ўзингиз ҳақингизда жуда юқори фикрда эмассиз, шунингдек, ўзингизга ижобий муносабатингиз сакланган.

21-30 балл - Ўзингиз ҳақингизда жуда юқори фикрласиз, ўз “Мен”ингиздан тўла розисиз, баъзан бу ҳолат ўзликка танқидий ёндашмасликни ва ўз атрофдаги ларига қарши қўйишни юзага келтириш мумкин.

#### **2. Ўзини ўзи хурмат қилиш устуни.**

“Ха” - 2, 23, 53, 57.

“Йўқ” - 8, 13, 25, 27, 31, 38, 39, 40, 41, 50.

0-5 балл - Сизда мустақилликка, шахсий кучга, қобилият ва имкониятларга ишонч етарли эмас.

6-10 балл - Сиз ўзингизни етарли даражада хурмат қиласангизда, лекин ҳар калай ўзингизга ишонмаслик, ўзингиз тушунмаслик, изчилликдан четлашиб шахсий имкониятларга шубҳа билан қараш ҳолати баъзидан учраб туради.

11-15 балл - Сиз ўзингизни юксак даражада хурмат қиласиз. Сиз ўзингизга ишонасиз ва мустақилсиз.

#### **3. Ўзини ўзи ёқтириш устуни.**

“Ха” - 12, 18, 28, 29, 37, 46, 48, 54.

“Йўқ” - 4, 9, 11, 16, 19, 24, 45, 56.

0-5 балл - Сиз кўпроқ ўзингизга “душман” га қарагандек қарайсиз, ўзингиз танбех беришга, гуноҳкор деб ҳис қилишга, ўзинги айлашга мойиллик бор.

6-11 балл - Умуман олганда, ўзингизни кўллаб-куватлайсиз, ижобий баҳолайсиз ўзингизга ишонасиз, шу билан бирга ўзингизни айлашга ҳам тайёреиз.

11-16 балл - Сиз ўз “Мен”ингиз билан “дастона” муносабатдасиз. Бундай ҳолда ўз хислатларингизни ва умумий хуқингизни юксак даражада назорат қилишингиз зарур.

#### **4. Атрофдагилардан күтилаётган муносабат устуни.**

“Ха” - 1, 5, 10, 15, 42, 55.

“Йўқ” - 3, 26, 30, 32, 43, 44, 49.

0-4 балл - Сиз атрофингиздаги одамлардан салбий муносабатни кутасиз, ҳатто меҳр-муҳаббати Сиз учун зарур бўлган одамлардан ҳам яхши муносабат кутмайсиз. Сиз ўзингизга яхшиликни чинакамига раво кўрмайсиз. Ваҳоланки, ўзингизни бошқаларга ўхшамайдиган, алоҳида шахс деб ҳисоблайсиз. Бу ҳолат ўзингизни ўзиниз хурмат килишини кучайтирадиган вазифаларни ўз олдингизга қўйишга тўсиқлик килаади.

5-9 балл - Атрофингиздаги одамлар орасида сизга салбий муносабатда бўладигилар борлигини билсангиз ҳам, лекин уларнинг барчаси ижобий муносабатда деб ўйлайсиз. Бу ҳолат сизда уларнинг муносабатларига муносиб бўлишга, ижтимоий ахлоқ нормаларига риоя килишга, ташки киёфангизга эътибор беришга, ўзингизни назорат килишига интилишин вужудга келтиради.

10-13 балл - Атрофингиздаги одамларнинг сизга ижобий муносабатда эканликларига тўла ишонасиз. Бу ишонч сизда ўзингизга нисбатан хурматингизни тобора ортириди. Сиз шахсингизнинг қадр-қўмматлигига ишонасиз ва фаолиятингизнинг самарали бўлиши атрофингиздаги одамлардан кутгаётган муносабатингизга боғлиқ. Уларнинг сиз ҳаққингиздаги тасавурларини сақланиб қолиши учун доимо ўз устингизда ишлашингиз зарур.

#### **5. Ўз шахсиятига қизиқиши устуни.**

“Ха” - 7, 17, 20, 33, 34, 52.

“Йўқ” - 14, 51.

0-2 балл - Сиз ўзингизга (қисман ўз фикрларингизга ва ҳисларингизга) ўзингиз якин эмассиз, (реал “мен” ва “идеал”), афсуски, сизда ўзингизнинг шахс сифатида бошқалар учун бефарқ эканлигининг ҳақидаги фикр мавжуд.

3-6 балл - Сиз ўзингиз билан “тениглик” асосида муомала кила оласиз, бошқалар учун шивандада эканлиги-негизни эътироф этмайсиз. Шунингдек, сиз ўзингизни атрофдагилар учун шивандада эканлигинингизга ҳар доим ҳам ишонавермайсиз. Ўйлаб кўринг, бу балки Сиз ўзингизни қандай шахс бўлишиларингизни билмаслик билан боғлиқдир. Эҳтимол, сиз у ёки бу сифатларингиз қай даражада шаклланганли-

гини биларсиз ва шу боис атрофдагиларга сизнинг “Мен”ингиз қизиқарли эканлигига шубҳангиз бордир.

- 7-9 балл - Сиз ўзингизни бошқаларга ва ўзингизга қизиқарли эканлигингизга ишонасиз. Бу омил фаолиятингизнинг самарали бўлишига олиб келади.

## **6. Ўзига ўзининг ишонч устуни.**

“Ха” - 2, 23, 34, 42, 46.

“Йўқ” - 38, 39, 41.

- 0-2 балл - Сиз ўзингизни турли вазиятлар ва муаммоларни ҳал қилишга қобилиятысиз деб ҳисоблайсиз.

- 3-6 балл - Руҳан тушмайсиз, лекин ҳамиша ҳам мустақил ва мақсадли эмассиз.

- 7-8 балл - Сиз ўйлаган нарсангизни амалга ошира олишингиз учун қобилияйт ва куч-кувват етарли. Сиздаги эътиқод фаолиятингиз муваффақиятини таъминлашда ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади.

## **7. Ўзгалардан кутилаётган муносабат устуни.**

“Ха” - 1, 5, 10, 52, 55.

“Йўқ” - 32, 43, 44.

- 0-2 балл - Сиз ўз “Мен”ингизни салбий баҳолаш кутилмасига тайёрсиз.

- 3-6 балл - Сиз атрофдаги одамларнинг ўзингизга нисбатан муносабати фикри ва хатти-ҳаракатини танқидий ҳамда реал баҳолайдиган одамсиз. Ўзингизга нисбатан йўналтирилган ички ҳаракатларингиз сизнинг шахсий сифатларингиз ва хулқингиздан келиб чиқади.

- 7-8 балл - Сиз ўз “Мен”ингизни атрофдагилар томонидан кўпроқ ижобий баҳоланишини кутасиз. Бу ҳолат сизни ўз “Мен”ингизга ижобий йўналтиради ва фаолиятингизни жадаллаштиради.

## **8. Ўзини ўзи қабул килиши устуни.**

“Ха” - 12, 18, 23, 47, 48, 54.

“Йўқ” - 21.

- 0-2 балл - Ўзингиз бутун борлиғингиз билан ўзингизга ёқмайсиз. Ўз шахсий ва касбий сифатларингиз устида ўйлаб кўришингиз ҳамда ишлашингиз зарур.

- 3-5 балл - Ўзингиз ҳақингиздаги фикрларингизда қарама-қаршиликлар мавжуд. Ўзингизнинг “Мен”ингизда ишда сизга маъкул ва нима номаъкул эканлигини аникланг. Ўз

“Мен”ингиз устида ишлашингиз ўзингизга нисбатан ижобий муносабатни шаклланишга олиб келади.

6-7 балл - Ўзингизни комил шахс сифатида қабул қилиш мезонингиз етарли даражада юкори. Бу ўзингиздаги ички имкониятни рўёбга чиқариш эҳтиёжингиз борлигини ифодалайди ва ўз “Мен”ингизга нисбатан ижобий муносабатингизни кўллаб кувватлади.

#### **9. Ўзига ўзи раҳбарлик қилиш устуни.**

“Ҳа” - 50, 57.

“Йўқ” - 25, 27, 31, 35, 36.

0-2 балл - Сиз ўзингизга айтишингиз зарур: “Афсуски, мени айтган сўзим айнан шундай хатти-ҳаракат қилишимни билдирамайди”.

3-5 балл - Сиз муваффакият фаолиятингиздаги маълум изчилликни таъминловчии ички мутаносиблик орқали эришасиз. Шунга қарамай, сизнинг “Мен”ингизда баъзи бир психологик келишмовчиликлар талай мавжуд. Эҳтимол, бунга хулқингизда ҳар доим изчиллик бўлмаслиги ва уни старли назорат қилиш имкони камлиги режаларниң реал эмаслиги сабабдир.

6-7 балл - Сизда шахсий фаолиятингизда изчиллик, ўз қобилиятингиз ва имкониятларингизга ишонч, ўзингизни тушуниш, ўзингизни назорат қилиш етарли даражада мұжассам.

#### **10. Ўзини ўзи айблаш устуни.**

“Ҳа” - 3, 4, 9, 11, 16, 24, 45, 56.

0-2 балл - Сизда ўзингизга ҳеч қандай танбеҳингиз йўқ. Ўзингиздан кўнглингиз тўклиги туфайли содир бўлаётган ҳодисаларга жавобгарликни соқит қилишни ва уни ташки омилларга юклашга келтириб чиқаради. Ўзингизга танқидий қарашга ҳаракат қилинг.

3-6 балл - Сизни ҳар доим ҳам ўзингиздан кўнглингиз тўлавермайди ва бу рухиятингизга мос тушади. Кўпинча одамда ўзини ўзи баҳолаш зиддиятлардан иборат бўлади. Шунингдек, Сиз ўзини психологик ҳимоя қилишнинг йўли бўлмиш ўз айбини эътироф этишдан ташки омиллар орқали ўзини оклашдан ҳоли эмассиз.

7-8 балл - Сиз ўзингизни танқид қиласиз, виждонлисиз, Сизда ўзингизни камситишга, “айбор” деб ҳис қилишга, ўзингизга танбех беришга мойиллик бор. Бу ҳолат ўз имкониятларини паст баҳолашни вужудга келтиради ва

ҳар доим ҳам сизнинг фаолиятингизга ижобий таъсир этмайди.

## 11. Ўз ўзига қизиқиши ифодалайдиган устун.

“Ҳа” - 17, 20, 33.

“Йўқ” - 26, 30, 49, 51.

0-2 балл - Сиз ўзингиз учун қизиқарли эмассиз, чунки ўзингизнинг кўпгина шахсий хусусиятларингизни ва иш сифатларингизни салбий баҳолайсиз. Сиз учун бошқаларга ҳам қизиқарсиз бўлишингизга сабаб ҳисобланади.

3-5 балл - Сиз атрофингиздаги одамлар учун ҳам, ўзингиз учун ҳам маълум даражада қизиқарлисиз. Ваҳоланки, сизда шахсий хусусиятларингиздан ва ищчанлик сифатларингиздан кониқмаслик бор. Бу камчиликларингиз устида ишлари ва сизни ўзингизга танқидий муносабатда бўлишингиз ўзингизни такомиллаштиришни асосий йўлидир.

6-7 балл - Сизнинг “Мен”ингиз безовлантиради. Сиздаги ўзингизга қизиқиши юксак даражада ривожланиб ўзига бино кўйишга айланган. Умумай олганда, бу ёмон эмас, агар ушбу фаолиятни амалга ошириши жараёнида намоён бўладиган юқори даражадаги маҳорат билан уйғунлашса - зотан, атрофингиздаги одамлар сизга нисбатан танқидий муносабатлари ва ўзингизга юқори баҳо беришингиз заминида юзага келса жанжалларни олдиндан билишингиз сизга ҳалал бермайди. Инсонпарварлик ва фаолиятингиздаги назокат сиз учун факт фойда келтиради, холос.

## 12. Ўзини ўзи тушуниш устуни.

“Ҳа” - 53.

“Йўқ” - 6, 8, 13, 15, 22, 40.

0-2 балл - Сизда аниқ ички изчилилк, ёрқин тасаввурлар, хислар ва гоялар йўқ. Ўзингиз ўзингиз билан ёмон муносабатдасиз.

3-5 балл - Ўзингиз ўзингиз билан юқори даражада келишасиз деб айтиб бўлмайди. Лекин сизда ўзини тушунимаслик намоён бўлмайди. Ўзингизга ижобий муносабатни кувватлаш тактикаси сизни ҳаётингизда ҳокимлик килади.

6-7 балл - Сиз ўзингиз билан келишган ҳолда яшайсиз.

Шундай килиб, сизни тўплаган йиғиндингиз куйидаги рақамни ташкил қиласа:

0 баллдан 52 баллгacha, бу кўрсаткич ўзингизга салбий муносабатда эканлитингизни билдиради. Бу ҳолат нишбатан барқарор бўлган, озми-кўпми даражада англанган, индивиднинг ўзи ҳақида тасаввурларининг

такрорланмас тизими сифатида хис қилинган “Мен” концепцияси” ни саібий ійнәлишда намоён бўлишига таъсир қиласи. Ваҳоланки, бунинг заминида, сизда атрофдагилар билан ўзаро таъсирингиз ва ўзингизга муносабатингиз шаклланади. “Мен-концепцияси” ички қарама-қаршиликлардан ҳоли бўлмаган шахсий “Мен”ининг яхлит образидир. (А.В.Петровский, М.Г.Ярошевский, 1990., 475 бет).

Салбий Мен-концепциясига эга бўлган одамлар “ортиқча ваҳималиғи, тез хафа бўлиши, ўзини камситишга ва эътироф этишига мойиллиги билан ажralиб турадилар; улар учун мулокот билан, ижтимоий ва ҳиссий масалалар билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар характерлайдир. (Р.Бернс., 1986., 302 бет).

Юқорида бўён қилинганилар уларниң раҳбарлик фаолиятига салбий таъсир ўтказмай иложи йўқ. Шунингдек, “Мен-концепцияси” билан раҳбарлик фаолият самарадорлиги ўртасидаги муносабатни уларни ўзаро боғланишда тизимли ўрганимасдан туриб аниқ айтиб бўлмайди.

53 баллдан 105 балгача: Бу кўрсаткич раҳбарниң “Мен-концепцияси”ни ва ўзига муносабатининг ижобий эканлигини кўрсатади. Атрофингиздагилар орасида сиз етарли даражада обрўлисиз. Кўл остингиздагилар сизни узоқ вақтгача унтушишмайди. Ходимларнинг хотирасида шундай қиёфада қақланиб қоласиз: “Ха, бизнинги раҳбаримиз ҳаққоний, раҳмидил эди, хизматларига ғамхўрлик қиласди”, “У ўз ишини яхши биларди, одамларни яхши қабул қиласди, кўтаринки рухни саклаб қоларди”, “Унинг муҳитида илик, ёқимли шароит бўлиб, ҳамма қизикиб ишларди”, “Бизни, деб у жуда кўп танбех эшигарди, биз уни тушунардик ва ўзимизни тузатилига ҳаракат қиласди”, “У бекорчиларни ёқтиримасди ва камдан-кам “ўзидан чиқарди”” ва ҳоказолар.

Одатда, хизматчилар билан муомала қилинши биладиган бундай менижер (раҳбар) обрўли бўлади. Шу билан бирга эгилувчанликни ва эксперимент ўтказишга бўлган қизикини мустаҳкамлаш мақсадга мувофик бўлиб, бу ўзига ижобий муносабатни ва ўзини ҳаққоний баҳолашни мустаҳкамлайди.

106 баллдан 134 балгача: Раҳбарниң “Мен-концепцияси” ва ўзига муносабати жуда юқори. Турган тап, бундай раҳбарлар ўз хулки ва фаолияти натижалари ижобий бўлишига ишонадилар. Лекин ҳар доим ҳам шундай эмас. Ўзингизни юқори идрок этишинигиз туфайли тобе кишилар камситилини, уялтирилиши, уларда ўзига ишончни ўйқотиши мумкин. Баъзан ўзига юқори баҳо берадиган раҳбарлар локайдликни намоён қилиб, ҳаддан ташқари ҳукмронликни яхши кўрадилар. Шундай қилиб, раҳбарниң ўзига юқори баҳо бериши хизматчилар “Мен-концепцияси”ниң салбий бўлишига олиб келади. Балки ўзингизга нисбатан талабчанликни, хурматни, ички келишувчанликни бўшиштирмай маҳорат даражасини эгаллагандирсиз, кўл остидагиларингизни ҳам имконият ва билимларини тўғри баҳолашга ва уларни муваффақиятга, ижобий “Мен-концепцияси” га унданг.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Истиклол йўли: муаммолар ва режалар. Т – 1 Т.: «Ўзбекистон», 1996.
2. Каримов И.А. Фаолиятимиз давр руҳига мос бўлсин. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. – 2 Т: «Ўзбекистон», 1996. 340-347 бетлар.
3. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. (Бунёдкорлик йўлидан). Т. – 4 Т.: «Ўзбекистон», 1996.
4. Абрамова Г.С. Практическая психология. М.: Академия, 1997.
5. Абдуллаев Ё.А., Боймуродов Т.М., Расулов Д.М. Менежмент: «Бошқариш назарияси асосла-ри». Т. 1998.
6. Абульханова-Славская К.А. Личностные механизмы регуляции деятельности // Проблемы психологии личности. М.: Наука, 1982, стр. 92-93.
7. Ананьев Б.Г. О проблемах современного человекознания. М.: Наука 1977. 380 - с.
8. Баратов Ш.Р. Мехнат жараёни ва ижтимоий-руҳий жиҳатлар. (Иқтисодиёт ва ҳисобот). 1997.
9. Валижонов Р., Қобулов О. Менежмент асослари. Т.: «Университет», 1996.
10. Верченко А., Заселов Г.М. Психология управления.: Курс лекций. Н.: 1996 .
11. Генов Ф. Психология управления. М.: "Прогресс", 1982 год. Ст.422.
12. Гиппенрейтер Ю.Б. Введение в общую психологию. Курс лекций – М.: ЮНИТИ, 1998.
13. Гиппенрейтер Ю.Б. Введение в общую психологию. Курс лекций – М.: Черо, 1996.
14. Китов А.И. Психология управления. М.: АН МВД, 1979 521 с.
15. Климов Е.А. Основы психологии. Учебник для вузов – М.: ЮНИТИ, 1997, 295 с.
16. Кморринг В.И. Искусства управления. Учебник. М.: Бек. 1997.
17. Ковалев А.Г. Коллектив и социально-психологические проблемы руководства. М.: Политиздат, 1975 год. 271 с.
18. Крылов А.А. Психология. Сакт-Петербург, 1998. 590 с.
19. Кричевский Р.Л. Если вы – руководитель. «Элементы психологии менеджмента в повседневной работе». М.: Дело, 1996. 384 стр.

20. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. М.: 1975. 304 с.
21. Ломов Б.Ф. Теоретические и методологические проблемы психологии. М.: Наука 1984. 440 с.
22. Марков М. Теории социального управления М.: Прогресс, 1978. 447 с.
23. Менеджмент ва бизнес асослари. Т., Мехнат, 1997.
24. Михеев В.И. Социально-психологические аспекты управления. М.: "Молодая гвардия", 1975. 368 с.
25. Научные основы прикладной психологии. Сборник. М.: 1989.
26. Петровский А.В. Психологическая теория коллектива. М.: Педагогика, 1979. 239 с.
27. Парыгин Б.Д. Основы социально-психологической проблемы. М.: 1971.
28. Психология и научно технический прогресс. Сборник. М.: 1989.
29. Психологические проблемы социальной регуляции. М.: Наука 1976. 365 с.
30. Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. М.: Педагогика, 1973. 443 ст.
31. Руденский Е.В. Социальная психология. Москва-Новосибирск, 1998. 222 с.
32. Рудкок М., Френсис Д. Раскрепощённый менеджер. Для руководителя – практика. Пер. с анг. - М.: «Дело ЛТД», 1994. 320 с.
33. Салимов С. Башқариш санъати (Иқтисод ва хисобот). № 1-2, 1993.
34. Свенцицкий А.Л. Социальная психология управления. Л: ЛГУ, 1986. 176 с.
35. Социально-психологические проблемы. Сборник. М.: 1983.
36. Теоретические и экспериментальные проблемы психологии в современных условиях. Сборник. М.: 1989.
37. Тошниёзов М., Шарифбоев И., Обидов О. «Корхонада бошқарув фаолияти асослари». Т.: «Ўзбекистон», 1995.
38. Филиппов А.В. Вопросы психологии управления. Психологический журнал, 1980. Т I, №2, ст.19-28
39. Чернов А.Ю. Психология управления. Учебное пособие. Волгоград. 1995.
40. Шакуров Р.Х. Социально-психологические проблемы руководства педагогическим коллективом. М.: Педагогика, 1982. 208 с.
41. Шарифхўжаев М., Абдулаев Ё. Менеджмент. Т., Мехнат. 1998. 420 бет.

42. Шепель В.М. Управленческая этика. М.: 1998, стр. 77-165, 211-266.
43. Экономическая психология и психология хозяйственного управления. Сборник. М.: 1989.
44. Фозиев Э.Ф. Олий мактаб психологияси. Т., «Ўқитувчи», 1997., 104 бет.
45. Фозиев Э.Ф. Психологик муаммолар. Т., 1998, 134 бет.
46. Фофуров F. Занжирланган онг ва маданият. Мулоқот 9-10, 27-32, 1993.

## М У Н Д А Р И Ж А:

1. КИРИШ.....	3
2. Менежмент психологияси фанининг предмети, аҳамияти ва вазифалари.....	4
3. Менежментнинг психологик асослари фанининг функциялари.....	22
4. Менежментнинг психологик асослари фанининг методлари ва ёндашувлари.....	44
5. Жаҳон психологияси фанида раҳбар психологиясининг ўрганилиши.....	59
6. Замонавий раҳбар қиёфаси.....	92
7. Менежмент – ташкилий фаолиятининг энг муҳим жараёни эканлиги.....	98
8. Бўйсунувчи ва унга қўйиладиган талаблар.....	102
9. Раҳбар психологияси.....	107
10. Раҳбар қобилиятининг психологик тавсифи.....	111
11. Раҳбар фаолиятининг нуқсонлари ва уларни бартараф этиш йўллари.....	114
12. Раҳбарликда шахс мuloқатмандлигини роли.....	117
13. Раҳбарлик фаолиятида шахсиятга йўналганлик масаласи.....	122
14. Менежер ва раҳбар типлари тўғрисида тушунча...	131
15. Адабиётлар рўйхати.....	140

Босишга руҳсат этилди 6.08.2001. Ҳажми 9 босма табок.  
Бичими 60x84 1/16. Адади 200 нусха. Буюртма **459**.  
М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети  
босмахонасида чоп этилди.